

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ
ВА АРХЕОЛОГИЯСИ
МУАММОЛАРИ**

(Республика илмий конференция материаллари)

1-қисм

*СамДУ илмий техник кенгаси
мажлисига муҳокама қилиниб
нашрга тавсия этилган
(2018 йил 19 марта, 5-баённома)*



САМАРҚАНД –2018

УЎК 902.6 (575.1)
КБК 63.4(5 Уз)
М 37

“Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари” мавзусидаги Республика илмий конференция материаллари. – Самарқанд, СамДУ нашри, 2018. – 160 б.

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. (маъсул муҳаррир), Джуракулова Д., Эргашев Б.Э., Холматов Н.Ў., Холиқулов Р.Ш., Ҳошимова М.М, Фойибов Б.С., Эргашев О.Т., Ўсаров С.Р., Якубжанов Н.Қ., Абриев Р.Б.

Илмий конференция материалларида Марказий Осиёнинг энг қадимги даврларидан то ҳозирга кунга қадар бўлган ўтмишига оид маълумотлар келтирилган бўлиб, уларда тарих ва археология фанларининг янги манбалари, бу борада олимлар эришган муҳим ютуқлар, мавжуд муаммолар, хulosалар ҳамда мулоҳазалар давр талабидан келиб чиқсан ҳолда илгари сурилган. Конференция материаллари археология, этнография, тарихшунослик, манбашунослик, нумизматика, матнишунослик, динишунослик соҳаларига қизиқувчилар ва кенг доирадаги китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Маърузалар материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,
маълумотлар ва чиқарилган хulosаларнинг ҳаққонийлигига
муаллифлар жавобгар**

ISBN 978-9943-997-84-4

© Самарқанд давлат университети
© СамДУ нашриёти

СЎЗБОШИ

Бугунги кунда минтақавий ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда давлатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-куватлаш масаласи янги асосларда муҳокама қилиниб, буларнинг бари минтақавий масъуллик муаммоси билан узвий боғланган. Умумминтақавий муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилиш ва биринчи галда ҳозирги авлод ёшларига муносиб келажак яратиш ҳамда улар яратувчанлик ва эзгуликка интилишлари учун Марказий Осиё халқларининг интеграцияси ҳаётий заруратга эга эканлиги минтақанинг барча давлатлари томонидан тан олинган. Бу борада Ўзбекистоннинг бунёдкорлик сиёсати муҳим аҳамиятга эга¹.

Марказий Осиёда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва маданий-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласи ижобий ечим топмоқда. Бундай ёндашув минтақа халқларининг умумий тарихий-маданий меросини ўрганиш борасида ҳаққоний илмий тамойилларни қарор топтиришга замин яратди.

Марказий Осиё халқларининг холис ва ҳаққоний тарихини яратиш нафакат минтақавий, балки умумжаҳон аҳамият касб этади, яъни биринчидан, Марказий Осиёнинг умумжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасининг ҳажми ва салмоғини дурустроқ англашга, иккинчидан, минтақанинг, унинг бутун ҳудудида барқарорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашдаги замонавий геосиёсий аҳамиятини тушиниб етишга кўмаклашади.

Ҳозирда аввалги йилларга нисбатан, тарихни ўрганиш, тарихий-маданий жараёнларни умумлаштириш борасида илмий қарашлар, ёндашувлар ва назариялар анча ўзгарди. Фаолашган илмий тадқиқотлар туфайли, Марказий Осиё ҳудудларининг палеолит даврида инсон томонидан ўзлаштирилиши тарихи қадимилаштирилди ҳамда антропогенез масалалари қайта кўриб чиқилди, мезолит ва неолит давларига оид янги археологик ёдгорликлар кашф этилди ва бронза даври илк цивилизация марказлари ўрганилди. Шунингдек, антик даври, ўрта асрлар, янги ва энг янги давлар тарихи бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар ўз долзарблиги билан ажralиб туради.

Ушбу тўпламдаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари археология, тарих, этнология, манбашунослик ва тарихшунослик масалаларига бағишлиланган. Тарихий-маданий обидаларни тадқиқ этиш, тарихий воқеаларни ҳаққоний ўрганиш ва уларга холис баҳо бериш борасида иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш ва тарих фани соҳаларида инновацион жараёнларни жадаллаштириш бугунги кунда долзарб вазифадир. Шу боис, мазкур тўпламда тажрибали олимлар қаторида ёш тадқиқотчиларнинг мақолалари ҳам ўрин олган.

**А.С.Сагдуллаев,
тарих фанлари доктори, академик**

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутки / Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНинг КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИНИ АВТОХТОН АСОСЛАРИ

Ушбу тадқиқотнинг илмий концепцияси асосида ўзбек элатининг халқ сифатида тарихан шаклланиши Марказий Осиёning туб жойли туркий ва эроний тилли қабила ва элатларининг узоқ асрлар давомида этник қоришуви асосида Мовароуннахр ва унга туташ ҳудудларда таркиб топганлиги қайд этилган. Бинобарин, бу тарихий ҳақиқат, узоқ ўтмишимиз учун ёзма тарихий маълумотларнинг деярли йўқлигидан, асосан археологик ва палеоантропологик материаллар таҳлили асосида ёритилди.

Маълумки, шу кунга қадар ёзилган тарихий ва тарихий лингвистика илмий адабиётларда Марказий Осиёning Туркистон ёки Ўрта Осиё деб номланиб келган ҳудудларининг қадимги аҳолиси эроний тилли эди, туркий тилли қабила ва элатлар бу заминга илк ўрта асрларда (милодий VI аср ўрталаридан), кейинроқ эса туркий этник қатлам, унинг шимолий ҳудудларига антик давридан (мил. авв. III-II асрлардан) кириб келишган, деган фикр хукмрон эди. Фундаментал тарихий асарларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўтмиш тарихимизга бўлган бундай қараш устувор эди.

Бундай назарий ва маърифий қараш Ғарбий Европа ва Шўролар даври тарих фанининг хукмрон ғоялари асосида қурилган бўлиб, бу ғоя Авесто ва Веда каби қадимги эроний тилларда битилган зардуштийлик диний ривоятларига асосланиб айтилган илмий фаразлар ва улар асосида қурилган хулосалар эди. Боз устига, археологик қазишмаларда учратилган (сүякка, сополга, ёғочга, тошга ёзилган) орамий алифбоси асосида битилган ёзув парчалари деярли қадимги эроний тилларда ёзилганлиги қайд этилиб, уларнинг илмий таҳлили ҳам эроний тиллар фойдасига хизмат қилиб келди. Тили эроний бўлмаган ёзув парчалари эса, фанда “номаълум ёзув” деб эълон қилинди.

Шўролар даври тарих фанининг назарий ва мафкуравий концептуал дастурида бронза, илк темир, ҳатто антик даврида ҳам Евроосиё даштларининг Тоғли Олтойдан бошқа барча ҳудудларида аҳоли эроний тилларда сўзлашганлар, деган ғоя олға сурилди ва шу руҳда илмий асарлар битилиб, ёшлар, бадиий ижод ва илм аҳли шу руҳда тарбияланди.

Маълумки, қадимдан давом этиб келаётган этносиёсий вазиятга кўра, Ўрта Осиёда икки тилли этник уруғ жамоалари, қабила ва элатлар яшаб келган. Улар микроҳудудий жиҳатдан алоҳида, ёнма-ён, кўп ҳолларда аралашиб яшаганлар. Улар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва этник алоқалар узоқ давом этган тарихий жараёнлар бўлиб, маълум ҳудудлар доирасида, улар ўзаро қоришиб, янги этник бирликларнинг вужудга келишига, янги этносларнинг шаклланишига олиб келган. Ана шундай этногенетик жараёнларнинг этник ҳосиласини айниқса ўзбек ва тожик халқлари мисолида кўриш мумкин. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам эроний ва туркий этник бирликларнинг маълум нисбатда, узоқ асрлар давомида қоришуви асосида таркиб топган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам икки этник илдизли Ўрта Осиёning туб жойли автохтон аҳолиси ҳисобланади.

Халқларнинг келиб чиқиши масаласида тил этник омилларнинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг ҳозирги кунда қайси тиллар оиласига мансублигига қараб, муайян халқ этногенезининг бошланғич нұқтаси қайси асрларга тегишли эканлигини аниқлаш талаб этилади. Мана шу илмий принципдан келиб чиқадиган бўлсак, ўзбек халқининг тили туркий тиллар оиласига мансуб экан, унинг туркий илдизи қайси даврга бориб тақалади, унинг манбавий асоси нималардан иборат, бу муаммонинг илмий ечимини топиш ушбу асарда ўртага ташланган муаммолардан биридир.

Маълумки, совет даври тарихшунослиги ва тарихий лингвистикасида ўзбек халқи ва туркий тиллар оиласига киравчи Марказий Осиёнинг бошқа туркий элатларининг келиб чиқиш тарихий илдизлари Тоғли Олтой билан боғлаб келинди. Марказий Осиёнинг Мовароуннахр ва унга туташ вилоятларда яшовчи халқларни эса, юқорида қайд этилганидек, фанда эроний тилли қабила ва элатлар ҳисобланиб, уларнинг туркий қабила ва элатлар билан илк бор қоришуви, ўзбек халқи мисолида, дастлаб Турк Хоқонлиги даври билан боғланди. Кейинчалиқ, археологик ва антропологик тадқикотлар кўламининг кенгайиши, уларни қадимги ёзма манбалар билан қиёсий солиштириш ва таҳлил этиш асосида, ўзбек этногенезининг бошланиши Қанкия давлатининг ташкил топиши билан боғланди. Ўзбек халқининг этногенези масаласида бундай хулосалар ўз даври учун тўғри, илмий асосли эди.

Аммо, ўзбек халқининг этногенези муаммосида, унинг археологик манбалар билан боғлиқ икки масаладаги кузатувларим, менга тинчлик бермай келар эди. Улардан бири Марказий Осиё бронза даври дашт қабилаларига тегишли археологик ёдгорликларнинг ашёларидағи айнан ўхшашиклар бўлса, иккинчиси ўша давр одамларининг антропологик типидаги айнан бир хиллик эди. Чунки, Шўролар даврида лингвистик фаразлар асосида яратилган концепцияга кўра, Ўрта Осиё, ҳатто Евроосиё даштларининг бронза даври чорвадор аҳолиси қадимги эроний тилларда сўзлашган, уларнинг Тоғли Олтой районида истекомат қилувчи қисмигина туркий тилли эди, деган қараш тарихшуносликда устувор эди. Бошқача қилиб айтганда, нега бир хил моддий маданият ва бир хил антропологик типли аҳолининг Тоғли Олтой зонасида яшаганлари туркийда, қолганлари эса эроний тилда сўзлашган, деган фараз жумбоқлигича қолиб келмоқда эди.

Маълумки, узоқ ўтмишда ўтган буюк музиклар ва тўфондан кейин аждодларимиз ҳаётида, тарих тақозасига кўра, ибтидоий уруғ жамоалари, қабилаларнинг миграцияси бошланади. Ибтидоий қабилаларга хос пассионарлик ва кузатувчилик фазилатлари неолит давридан бошлаб дехқончилик ва чорвачилик хўжаликларини каşф этишга олиб келади. Ана шу жараёнлар билан боғлиқ ҳолда Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбида Жойтун маданияти¹, Амударё ва Зарафшон дарёларининг куйи ҳавзаларида Калтамиор маданияти², Ўрта Осиёнинг жануби-шарқий тоғли зоналарида Хисор маданияти³ таркиб топади. Уларнинг даврий саналари археологик адабиётларда мил. авв. VII-III минг йилликлар оралиги билан белгиланган.

¹Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. Изд. “Наука”, М.-Л., 1964, с. 11-39.

²Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. Изд. «Наука», М., 1981.

³Ранов В.Н., Филимонова Т.Г. Изучение гиссарской культуры и неолитические слои поселения Кангурттут. В кн. «Памятники Кангуртута в юго-западном Таджикистане (эпохи неолита и бронзовый век)». Москва, ИВ РАН, 2008, с. 13-159.

Жойтун маданиятининг ворислари энеолит ва илк бронза даврининг Анов-Номозгоҳ¹ ва Саразм² маданиятлари ҳамда бронза даврининг Гонур³, Дашили⁴, Сополли⁵ маданиятлари ахолиси эканлиги ўз исботини топган. Калтамиор маданиятининг келиб чиқиш илдизлари эса, Евроосиё даштлари, айниқса унинг шимоли-шарқий вилоятлари билан боғлиқ эканлиги илмий исботланган⁶. Энеолит ва бронза даврининг Сувёрған⁷ ва Замонбобо⁸ маданиятлари келиб чиқиш тарихий илдизларига кўра, неолит даврининг Калтамиор маданиятининг сўнгги босқичига бориб тақалиши ўз илмий исботини топмокда.

Хисор маданиятининг келиб чиқиш тарихий илдизларини В.А Ранов ва Ф. Брюнелар Жанубий Тожикистоннинг маҳаллий микролит мезолити ва Яқин Шарқнинг геометрик шаклли тош индустряси асосида таркиб топган маданият сифатида кўрадилар⁹.

Ўрта Осиёда тарқалган неолит қабилаларининг тили масаласида ёзма манбаларга суюнган ҳолда бирор нарса айтиш қийин. Аммо, улардан кейин таркиб топган энеолит ва бронза даври маданиятлари ахолисининг этник таркибига кўра, Номозгоҳ ва Саразм, Гонур, Дашили ва Сополли маданиятлари ахолисининг тили шарқий эроний тиллар оиласига тегишли эканлиги ҳақида илмий қарашлар мавжуд¹⁰. Демак, ўзбек халқи ўтроқ этник қатламининг ноёб ёдгорлиги-Сополли маданияти ахолиси шимоли-шарқий эроний тилларда сўзлашганлар, дейишга асосимиз бор.

Кейинги йилларда қадимги Хитой ёзма манбаларининг аслияти асосида олиб борилган изланишлар туфайли Евроосиё даштларининг сўнгги энеолит ва бронза даври чорвадор қабилалари - хулар, дилар, тиеқ каби прототурк уруғ жамоалари бўлганлиги ҳақида янги маълумотлар олинди¹¹. Бунга кўра, у прототурк уруғ жамоаларининг археологик маданиятларда акс этган муқобиллари Евроосиё

¹Массон В.М. Алтын-Депе. Ленинград, «Наука», 1981.

² Исаков А. Саразм (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зеравшанской долины). Душанбе, «Дониш», 1991.

³ Сарианиди В.И. В поисках страны Маргуш. – Москва, 1993 г. С.75-1133.

⁴ Сарианиди В.И. Исследование памятников Дашилинского оазиса. «Древняя Бактрия. Материалы Советско-Афганской экспедиции 1969-1973 гг.» Изд. «Наука», М., 1976. С. 21-86.

⁵ Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. «Фан», Ташкент, 1977.

⁶ Виноградов А.В. Указ. лит., М., 1981, с. 160-168.

⁷ Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Изд. Академии наук Узб. ССР, Ташкент, 1957, с. 53.

⁸ Гулямов Я.Г., Исламов У, Аскаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Изд. «Фан» Узб.ССР, Ташкент, 1966, с. 166-170.

⁹ Brunet F. AsieCentrale: vers une redefinition des complexes culturels de la fin du Pleistocene et des debuts de l Holocene-Paleorient, 28/2. Paris, 2002; Ранов В.А. и др. Памятники Кангурттуга в Юго-Западном Таджикистане (Эпоха неолита и бронзового века).Москва, 2008, 30-32.

¹⁰ Струве В.В. Проблемы зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ древнего Востока. «Известия ГАИМК», вып. 77. – Москва-Ленинград, 1934; Масон В.М. Алтын-Депе. Л., Изд. Наука, 1981, с.131; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. М., Изд. Наука, 1977. С. 145-150; Толстов С. П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ. №VI-VII. 1947, с.303; Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001. 19 бет.

¹¹ Хўжаев А. Қадимги Хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар. «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. Тошкент, «Фан» нашриёти, 2003, 176-184 ; Аскаров А.Арийская проблема: новые подходы и взгляды. «История Узбекистана в археологических и письменных источниках». Ташкент Изд. «Фан», 2005, с. 81-91.

даштларининг чорвадор сруб-андроново қабилалари бўлиб, уларнинг моддий маданият излари милоддан аввалги II-минг йилликнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё худудларида кенг тарқалган. Бу жараён археологик адабиётларда орийларнинг жанубга миграцияси билан узвий боғланиб келинади¹.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган археологик материаллар ва уларнинг қадимги Хитой ёзма манбалари билан қиёсий локализациялаш асосида шундай хуносага келиш мумкинки, Евроосиё даштларининг энеолит ва бронза даври қабилалари ҳамда улар билан келиб чиқиш илдизлари бир бўлган Калтаминон маданияти аҳолиси прототуркий тилли бўлишган, деган фаразни ўртага ташлаш мумкин. Демак, икки тиллилик Ўрта Осиё қадимги аҳолиси учун характерли бўлиб, ўзбек халқининг ҳар икки тарихий илдизи автохтон асосга эга бўлган. Уларнинг узоқ асрлар давомидаги иқтисодий ва этномаданий алоқалари ва этник қоришувлари асосида милодий XI-XII асрларга келиб, ўзбек этногенези якун топиб, ўзбек халқи узил-кесил шаклланади ва энди унинг этник тарихи бошланади. Демак, прототурк аждодларимиз шарқий эроний тилли суғдийлар, боҳтарийлар, хоразмийлар каби ҳозирги Ўзбекистон худудларининг энг қадимги аҳолиси, уларнинг тарихий илдизлари нафақат бронза, балки энеолит, ҳатто неолит даврига бориб тақалади, деган ғоя асосида тарихий ҳақиқат бордир.

Ўзбек халқи этногенезининг қадимги дехқончилик маданияти билан боғлик илк босқичи Сополли ва Жарқўтон типидаги ёдгорликларда ўз аксини топган бўлса, унинг чорвадор этник қатлами Авестода тилга олинган турлар билан боғлик эди. Турларнинг авлодлари қадимги эроний тилларда битилган манбаларда саклар номи билан бизгача етиб келган. Саклар ҳақида гап кетганда, ҳозиргача Щўролар даври руҳиятида ёзилган илмий адабиёт ва дарсликларда, уларни фақат чорвадор қабилалар сифатида талқин қилинди. Аммо сакларнинг бир қисми, яъни тоғ сойларининг куёшга ўнгай этакларида, булоқлар ва Қорасув ҳавзаларида макон топган уруғ жамоалари аста-секин зироатчилик билан шуғуллана бошлайдилар. Сакларнинг ана шу этник гурухлари асосида Фарғона водийсида Чуст маданияти, Зарафшон водийсида Кўктепа 1, Тошкент воҳасида Бургулик, Жанубий Ўзбекистонда Кучук 1, Жанубий Туркманистонда Яз 1 маданиятлари ташкил топадилар. Бу маданиятларнинг тарихий илдизларига назар ташлайдиган бўлсак, улар хронологик кетма-кетлиқда Ўрта Осиё неолит даврига бориб тақалади.

Ўрта-Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти неолит даврида Зта археологик маданиятлар билан характерланади (Жанубда Жайтун маданияти, шимолда Калтаминон маданияти ва жануби-шарқда Хисор маданияти). Улар 2 та маданий-хўжалик анъаналар билан боғлик бўлиб, улардан бирининг тарихий илдизлари Марказий ва Шарқий Осиёнинг қадимги тош даври маданиятларига бориб тақалади. Аммо, улар ўртасида анъанавий маданий худудий чегаралар кўзга ташланмайди, аксинча ўзаро маданий боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу аҳолининг антропологик қиёфасида ҳам ўз аксини топган, яъниprotoевропеоид- туркийлар, шарқий ўртаер денгизи типи шимоли-шарқий protoэронийлар бўлган.

Ватанимиз тарихий илдизларига чуқурроқ кириб борадиган бўлсак, ўзбек халқининг энг қадимги аждоди 1988 йилда Фарғона водийсининг Селунғур ғоридан топилган ашель даври одамларининг суюқ қолдиқлари бўлиб, улар 35-40

¹ Булар ҳақида ушбу асарнинг VII ва VIII бобларида тегишли маълумотлар берилган.

ёшлардаги эркак, 40 ёшлардаги аёл ва 10 ёшлардаги болага тегишли бўлган¹. Улар антрополог олимларнинг хulosаларига кўра, одамзод илк аждоди, яъни архантроплардан палеоантропларга ўтиш даври одами билан характерланади. Ундан кейинги босқич одамининг скелети (мустеъ даври) 1938 йилда Сурхондарё вилояти Бойсун тоғининг Тешик-Тош ғоридан топилган². Тешик-Тош одамининг суяқ қолдиқлари Сельунгур одамига нисбатан анча ёш бўлиб, у неандерталлар даври одами типига киради³. Аммо, антрополог олимлар орасида узоқ йиллар илмий баҳсларга сабаб бўлган бу топилмаўзининг ривожланган морфологик қиёфасига кўра, Европанинг классик неандерталидан фарқ қилиб, у келиб чиқиши жиҳатидан одамзоднинг Яқин ва Ўрта Шарқ ўчоғига тегишли эканлиги билан характерланади⁴.

Мустеъ даврининг сўнгги босқичига тегишли ноёб топилма 2003 йилда Тошкент вилоятидаги Оби-Рахмат унгуридан топилди. Бу топилма майдаланиб кетган 9-12 ёшли бола бош чаноғи ва унинг юқори жағи бўлиб, унда 6 та тиш ҳам сақланган. Улар устида олиб борилган антропологик тадқиқотларга қараганда, бу индивидумда неандертал ва *Homo sapiens* (ақлли одам, замонавий одам типи) га хос хусусиятлар сақланган. Уларни ўрганишда бир неча хорижий антропологлар қатнашиб берган хulosаларга кўра, Оби-Рахмат боласи неандертал ва *Homo sapiens*лар оралиғидаги аждодларимиз бўлган⁵. Унинг радиокарбон санаси 40 минг йилдан қадимгироқ, радиоуран санаси эса 80 йилдан кам эмас⁶. Навбатдаги кашфиёт 1962 ва 1966 йилларда юқори палеолит даврига оид Самарқанд манзилгоҳидан топилган бир эркак ва бир аёлга тегишли аждодларимизнинг иккита пастки жағ суякларидан иборат бўлган. Ҳар иккала одам жағ суяклари мутахассислар берган хulosаларга кўра, европеоид ирқининг жанубий тармоғига тегишли⁷. Тишларнинг одонтологик анализи уларни европеоид ирқига хос *Homo sapiens* эканлигини тўлиқ тасдиқлади⁸.

Ўтган асрнинг 40-йиллар бошларида Мачай ғоридан (Жанубий Ўзбекистон) сўнгги мезолит ва илк неолит даври одамининг 2та бош чаноғи⁹. 1970-1971 йилларда эса, ўша ғордан яна бир неча одам суяқ қолдиқлари (пастки жағ суяқ, бош

¹ Исламов У.И., Зубов А.А., Хаританов В.М. Палеолитическая стоянка Сельунгур в Ферганской долины. Вопросы антропологии, вып. 80, М., 1988, с.38-49.

² Зубов А.А., Ходжайов Т.К. Палеолитическая стоянка Сельунгур (Антропологическое исследование) // Вестник антропологии. Научный альманах. Вып.11. М., 2004, с.21-27.

³ Рохлин Д.Г. Некоторые данные рентгенологического исследования детского скелета из грота Тешик-Таш, Южный Узбекистан. «Тешик-Таш палеолитический человек». Изд. МГУ, 1949; Герасимов М.М. Основы восстановления лица по черепу. М., Наука, 1949; Герасимов М.М. Люди каменного века. М., Наука, 1964.

⁴ Алексеев В.П. Положение Тешик-Ташской находки в системе гоминид. Антропологическая реконструкция и проблемы палеоэтнография. Изд. Наука, Москва, 1973; Его же. Географические очаги формирования человеческих рас. Изд. «Мысль», М., 1985.

⁵ Виола Б., Зайдлер Х., Дитер цур Нэдден. Изучение верхних краев пирамид височных костей OR-1 с помощью компьютерной томографии. Грот Оби-Рахмат. Новосибирск, Изд. ИА и Э СОРАН, 2004, с. 100-106.

⁶ Гланц (Глантз) М., Виола Б., Чикишева Т. Новые останки гоминидов в гроте Оби-Рахмат. В кн. «Грот Оби-Рахмат» Изд. ИАЭ СО РАН. Новосибирск, 2004. С.77-92.

⁷ Гинзбург В.В., Гохман И.И. Костные остатки человека из Самаркандинской палеолитической стоянки «Проблемы этнической антропологии и морфологии человека». Ленинград, Наука, 1974.

⁸ Зубов А.А., Гохман И.И. Некоторые дополнительные одонтологические данные в связи с описанием костных останков человека с палеолитической стоянки Самарканда. Вестник антропологии. Научный альманах. Вып. 10 М., 2003, с 40-44.

⁹ Гинзбург В.В. и Трофимова Т.А. Палеоантропология Средней Азии. М., Наука, 1972.

чаноғ ва унинг парчалари, оёқ-қўл суяклари) топилди¹. Антрополог Т.К.Ходжайов хulosасига кўра, Мачайдар яшаган аждодлар катта европеоид иркининг долихокефал европеоид типи вакиллари бўлган экан².

1981 йилда Самарқанд вилотининг тоғли зонасида жойлашган Сазаган қишлоғидан неолит даврига тегишли қабрдан 35-45 ёшлардаги эркак киши скелети топилган³. Ушбу скелет бош чаноғини ўрганган антрополог Т.К.Ходжайов фикрига кўра, Сазаган одами долихокефал европеоид, генетик жиҳатдан Ўрта Шарқ ва Жанубий Осиёга хос катта европеоид иркининг жанубий типига бориб тақалади. Неолит даври одамининг бош чаноқлари Зарафшон водийсининг Учтут неолит шахтаси яқинидан ҳам топилган бўлиб⁴, аммо у морфологик жиҳатдан Сазаган одамидан фарқ қилиб, Евроосиё даштларинингprotoевропоид антропологик типини эслатади⁵. Шундай типдаги антропологик комплекс неолит даврида қадимги Хоразм ҳудудларида кенг тарқалган.

Маълумки, 1972-1974 йилларда Хоразм археологик экспедицияси томонидан куйи Амударёнинг Сарикамиш делтаси районидан, Тумек-Кичиджик қабристонидан 30 га яқин неолит даври қабрлари очиб ўрганилган⁶. Антрополог Т.А. Трафимованинг таъкидлашича, бу ердан топилган одам бош чаноқлари бир томондан Яқин Шарқ антропологик типини (Ўртаер денгизи типини) эслатса, иккинчи томондан шимолнингprotoевропеоид типининг айнан ўзгинасидир⁷. Тумек-Кичиджик антропологик комплексини Л.Т. Яблонский муҳтасар ўрганиб, Калтамиор аҳолисининг жисмоний тузилишида protoевропеоид антропологик асос ётади, деган хulosага келади⁸. Т.А.Трафимова таъкидлаган Ўртаер денгизи типига хос элементларга келсак, улар аниқ кўзга ташланмайди, эҳтимол неолит даврида Ўртаер денгизи типининг қандайдир гурухи шимолга, protoевропеоидлар

¹ Исламов У. Новые материалы по каменному веку Южного Узбекистана. Сб. «Древняя Бактрия». Л., Наука, 1974; Его же. Пещера Мачай. Т., «Фан», 1975.

²Ходжайов Т.К. Черепа из пещерной мезолитической стоянки Мачай. Тезисы Всесоюзной археолого-этнографической сессии, посв. Итогам полевых исследований в 1972 г. Т., Фан, 1973; Ходжайов Т.К. Палеантропология Средней Азии и этногенетические проблемы. Автореф. Док. Дисс. М., Наука, 1981.

³Джуракулов М.Дж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Изд. «Фан», Т., 1991.

⁴Мирсаатов Т. М. Хозяйство охотниче-рыболовческих племен Среднеазиатского междуречья поры мезолита-неолита (источники сырья, эволюция способов его добычи и хозяйственное комплексы). Автореф. дисс. докт. историч. наук. Новосибирск, 1989.

⁵Ходжайов Т.К. Новые краниологические материалы эпохи неолита, энеолита и бронзы среднего и верхнего Зарафшана. Вестник антропологии. Альманах. Вып. 2, Москва, 2004

⁶Вайнберг Б. И. Новая культура раннего железного века в левобережном Хорезме. «А.О. 1971 года». М. Наука, 1972; Виноградов А.В. Работы на могильнике Тумек-Кичиджик в северной Туркмении. «А О 1973 года». М.,Наука, 1974; Его же. Могильник Тумек-Кичиджик в Северной Туркмении. «АО 1974 года». М.Наука, 1975.

⁷ Трофимова Т.А. Краниологические материалы из могильника Тумек-Кичиджик. Тез. Докл. Археолого-этнографич. Сессии по итогам полевых исследований в 1972 г. в СССР. Т., 1973; Т' Её же. Краниологические материалы из могильника Тумек-Кичиджик .СЭ., №5, 1974; Её же. Неолитические черепа кельтеминарской культуры из могильника Тумек-Кичиджик в Северной Туркмении. « Этнография и археология Средней Азии. М., Наука, 1979.

⁸ Яблонский Л.Т. К краниологии кельтеминарцев. Внутригрупповой анализ . СЭ, №2, 1985.

жамоасига кириб келган бўлиши мумкин. Аммо, улар маҳаллийprotoевропеидлар этник асосини ўзгартириб юbara олмаганлар¹

Таъкидлаш жоизки, Яқин ва Ўрта Шарқ худудларига хос шарқий ўрта ер денгизи типи неолит даврида Ўрта Осиёning жанубий худудларига кириб борган. Бу ҳақда нафакат Жанубий Туркманистоннинг Жойтун маданиятига тегишли Чўпонтепа, Кавшут, Овадонтепа, Чағиллитепа, Чақмоқлитепа, Монжуқлитепа палеоантропологик материаллари², балки Тожикистон худудидан топиб ўрганилган Ҳисор маданиятининг Туткаувул антропологик комплекси ҳам гувоҳлик беради³. Туткаувул маконига тегишли неолит даври қабристонидан 1966-1967 йилларда 4 та қабр очилган. Уларнинг бош чаноғини ўргангандан антрополог Т. Кияткина Туткаувул одамлари долихоcefal европеид ирқининг жанубий тармоғига тегишли эканлигини аниқлаган. Туткаувул ёдгорлигининг даврий санаси археологик материаллар таҳлилига кўра, мил. авв. VI мингийилликка тегишли деб топилган.

Шундай қилиб, антропологик манбалар Ўрта Осиё аҳолисининг илдизлари жуда қадимдан туб жойли, автохтон эканлигини кўрсатди, бу заминда мустақил, ўзига хос ирқий шаклланиш ўчоғи пайдо бўлганлигини очиб берди. Бу ўчоқ қадимдан Яқин ва Ўрта Шарқ этномаданий дунёси билан қўп асрлар давомида яқиндан алоқада бўлиб келсада, жанубий ва шимолий минтақалар аҳолисининг морфологик таркибида азалдан антропологик фарқлар мавжуд бўлиб, бу фарқлар уларнинг генетик келиб чиқиши ва тилида ўз аксини топган. Ўрта Осиёning шимолий районларида яшаб келган автохтон аҳолининг Евроазия даштлари аҳолиси билан генетик жиҳатдан яқинлиги, уларни Ўрта Осиё худудларига мунтазам кириб келишларига ҳеч қачон халақит бермаган. Оқибат натижада минтақада туркий этник қатламнинг тобора қалинлашиб боришига, ўлка аҳолисининг устувор этник қатламига кўра, дастлаб Туронзамин, илк ўрта асрлардан бошлаб Туркистон деб аталишига олиб келган.

Юқорида келтирилган археологик ва антропологик материаллар обзоридан маълумки, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон худудларида инсоният ҳаётининг илк босқичларида ҳам одамзод яшаган. Аммо, уларнинг ҳеч бирини ҳозирги замон Ўрта Осиё аҳолиси этносининг биронтаси билан бевосита боғлаш мумкин эмас. Чунки, у кезларда, яъни қадимги, ўрта ва янги тош даврида уларнинг (ҳозирги замон этносларининг) ҳеч бири муайян элат, халқ бўлиб шаклланмаган эди.

Маълумки, аждодларимизнинг уруғ, жамоа бўлиб шаклланиши юқори палеолит давридан бошланди (бундан таҳминан 40 минг йил аввал). Айнан шу даврда географик муҳит таъсирида одамларнинг ирқларга (европеид, негроид ва монголоид) бўлиниши юз берди. Мезолит (ўрта тош) даврида эса, ҳар бир ирқнинг минтақавий антропологик типларга бўлиниши содир бўлди. Неолит (янги тош) даврида эса ибтидоий дехқончилик ва хонаки чорвачилик кашф этилиб, минтақавий маданий-хўжалик зоналари таркиб топди. Аждодлар ҳаётида юз берган бу туб ўзгаришлар аҳолининг антропологик қиёфасида ҳам ўз аксини топди. Мана

¹ Виноградов А.В., Итина М.А., Яблонский Л.Т. Древнейшее население низовий Амударьи (археолого-палеоантропологическое исследование). Тр. Хорезмской археолог-этнографической экспедиции. Том 15, М., Наука, 1986.

² Гинзбург В.В. и Трофимова Т.А. Палеоантропология Средней Азии. М., Наука, 1972.

³ Кияткина Т. Т.П., Ранов В.Н. Первые антропологические находки каменного века в Таджикистане (неолитические черепа из Туткаула. «Вопросы антропологии», вып. 37, Душанбе, 1971.

шу тарихий жараёнлар таҳлилидан келиб чиқадиган бўлсақ, ўзбек халқининг тарихий илдизларини неолит давридан бошлаб қидириш мумкин бўлади. Туркий тил оиласига мансуб бўлган ўзбек элати тарихан келиб чиқиши жиҳатидан икки илдизли халқ. Унинг биринчи ўқ илдизи туркий бўлса, иккинчиси шимоли-шарқий эроний, яъни суғдий, хоразмий, боҳтарий ва сақдир. Ўзбек халқи этник таркибида маълум нисбатда туркий ва эроний этник қатламлар мужассамлашган. Бу икки этник қатламлар Мовароуннахр ва унга туташ ҳудудлар учун автохтон тарихий илдизлардир. Бу тарихий илдизларнинг бири неолит даврида Калтаминор маданияти мисолида шаклланган бўлса, иккинчи илдизнинг генезиси Жойтун маданиятига бориб тақалади. Уларнинг бири (Калтаминор маданияти) Ўрта Осиёning шимолий, шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий ва марказий қисмининг ғарбida кенг ёйилган. Иккинчиси (Жойтун маданияти) Ўрта Осиёning жанубий ва жануби-ғарбий ҳудудларида кенг тарқалган. Неолит даврида улар ўз ҳудудий доирасида яшадилар, аммо, улар ўртасида кўзга ташланарли маданий-хўжалик ва этник алоқалар бўлганлиги ҳақида бирор нарса дейиш ҳозирча қийин.

Юқорида қайд қилинганидек, Жойтун маданияти аҳолиси антропологик тип жиҳатидан катта европа ирқининг шарқий Ўртаер денгизи типи билан характерланади, яъни долихокефал бош чаноқли, юзи узунчоқ, қўқ кўз, малла соч. Калтаминор маданияти аҳолиси эсаprotoевропеоид типни ташкил этади, яъни брахокефал бош чаноқли, юзи думалоқроқ, икки ияги бироз бўртиб чиқсан, қўй кўз, танаси буғдой ранг, жисмонан бақувват. Шу антропологик хусусиятлар уларнинг авлодларига ҳам ўтган, яъни Жойтун маданиятининг ворислари: энеолит (Анов-Намазгоҳ, Саразм), бронза (Гонур, Дашили, Сополли) даври одамлари антропологик типида ўз аксини топган. Калтаминор маданиятининг ворислари эса энеолит (Камишли, Замонбобо), бронза (Сувёрган, Андроново, Қайраққум) даври одамлари антропологик типида ўз аксини топган. Фанда биринчиси шимоли-шарқий эроний тил соҳиблари сифатида талқин этилади, иккинчисига эса прототурк аждодлар сифатида қаралмоқда. Чунки, мил авв. III минг йилликка тегишли қадимги Хитой ёзма манбаларида улар туркий тилли чорвадор қабила ва элатлар сифатида тилга олинган. Бу ҳақда ушбу бобда тегишли маълумотлар берилган.

Таъкидлаш жоизки, дунёда биронта ҳам моногенезли этнос йўқ ва бўлмайди ҳам. Бу назарий ва илмий методологик қарашдан ўзбек ва тожик халқлари ҳам мустасно эмас. Ҳар бир халқнинг этник таркиби кўп компонентли этник бирликлар қоришувидан иборат. Муайян халқ этник тарихидаги илк қоришув унинг этногенез тарихининг бошланишини англатади. Ўзбек ва тожик халқлари мисолида уларнинг этногенез тарихи археологик манбалар таҳлилига кўра бронза давридан бошланган. Бу жараён орийларнинг мил. авв. II-минг йиллик ўрталарида юз берган жанубга миграцияси билан боғлиқ бўлиб, protoевропеоид типли чорвадор орийлар Ўрта Осиёning барча ҳудудларига кенг кўламда кириб келди. Уларнинг ерлиprotoевропеоид ва шарқий Ўртаер денгизи типли аҳоли билан қоришуви бошланди, антик даврига келганда жадал давом этган этномаданий алоқалар ва этник қоришувлар натижаси сифатида ўзбек ва воҳа тожикларига хос янги антропологик тип шаклланди, у фанда “Ўрта Осиё икки дарё оралиги типи” номи билан ўз ўрнини топди.

Шундай қилиб, юқорида зикр этилган факт ва материаллар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудлари жуда қадим-қадим замонлардан хронологик кетма-кетликда одамзод яшаган макон бўлиб

келган. Унинг табиий-географик шароити, экологик имкониятлари қадимги тош давридан бошлаб аждодлар эътиборини ўзига тортган. Ашель даврида яшаган фергантроплар, мустеъ даврининг неандерталлари, юқори палеолит даврининг “Homosapiens”лари яшаб ўтган бу ўлка мезолит, айниқса неолит даврига келганда жаҳон цивилизация марказларининг бирига айланишига асос берган. Ўрта Осиёning бу бепоён муштарак бағрида неолит даврида икки маданий-хўжалик ва икки тилли автохтон уруғ жамоалари шаклланади. Минтақанинг шимолий худудлар аҳолиси генетик жиҳатдан Евроосиё этномаданий дунёси (протоевропеоид, прототурк) билан боғлиқ бўлса, унинг жанубий худудлар аҳолиси иқтисодий-хўжалик ва тил жиҳатидан (шарқий ўртаер денгизи типи ва эроний тиллар оиласи) Яқин ва Ўрта Шарқ минтақалари билан боғлиқ эди. Шу боисдан Ўрта Осиёning қадимги дунёсида икки тиллилик (туркий ва эроний) мавжуд эди. Уларнинг бири неолит даврининг Калтаминор маданияти мисолида минтақанинг шимолий ва марказий қисмининг ғарбига таркиб топса, иккинчиси минтақанинг жануби-ғарбига Жойтун маданияти мисолида шаклланади. Энеолит ва бронза даврига келганда бу икки қутб аҳолисининг худудий кенгайиши жадаллашади, улар ўртасида ўзаро иқтисодий-хўжалик ва этномаданий яқинлашиш, айрим худудларда ўзаро қоришув, ассимиляция жараёнлари юз беради. Бу тарихий ҳақиқат археологик материалларда ва антропологик комплексларда ўз аксини топган. Демак, ўзбек халқининг ҳар иккала этник илдизи (туркий ва эроний) мавжуд тасаввурларга зидли ўлароқ автохтондир. Бу икки тилли автохтон аҳолининг илк бор қоришуви тарих тақозасига кўра, бронза давридан бошланди.

Аванесова Н. А.
Самарканский государственный университет

ГОРНОЕ ДЕЛО И МЕТАЛЛУРГИЯ ПРОИЗВОДСТВА ЗЕРАВШАНА

Бассейн реки Зеравшан – одна из важнейших областей древнейших культур среднеазиатского междуречья, сформировавшаяся под влиянием естественно-природных факторов. Богатые медные и полиметаллические месторождения, а также залежи кассiterита и золота создавали все условия для развития металлургии и металлообработки. Последнее имело большое значение в формировании культурного облика Зеравшанского населения, где отмечается интеграция разнокультурных элементов. Регион активно осваивался в эпоху палеометалла. Формирование культурных групп было обусловлено природными условиями и миграционными процессами. В культурно-хронологическом плане материалы не однородны. Близкие контакты и инфильтрация отдельных групп земледельческого и скотоводческого населения происходила на базе общей зависимости от одних и тех же металлургических центров. Впечатляющей особенностью края является наличие, наряду с горнорудным производством, памятников древних металлургов, где производилась выплавка меди, олова, возможно, золота. Чаще всего переработка руды осуществлялась вблизи источников сырья. Следы металлопроизводства засвидетельствованы на поселениях, кратковременных стоянках, местах древних плавок, производственных участках (Саразм, Тугай, Лявлякан, Карнаб, Акташты, Тым, Мадами, Бешбулак, Чакка, Навбаг и др.). Число памятников относящихся к заявленной теме увеличилось за счет геолого-археологического обследования, проводившиеся с

1961 по 1975 гг. силами партии «Древние горные выработки» Министерства геологии Узбекистана. Значительная часть из них (сезонные стоянки горняков-металлургов эпохи бронзы) не опубликована либо представлена в малодоступных отчетах [Киреев и др., 1969; Лопатин и др., 1964, Максудов и др., 1975]. Памятники локализовывались на приречных площадках, либо водораздельных возвышенностей надпойменной террасы. Прослеживается приуроченность пастушеских групп к местам локализации минерально-сырьевых ресурсов. Характер комплексов (слабо насыщенный тонкий культурный слой, небольшая площадь) указывает на то, что они происходят не с постоянных мест проживания (за исключением Саразма), а документируют кратковременные остановки отдельных популяций на маршрутах передвижения к рудным источникам. Современный уровень знаний и количество накопленного материала открывают новые возможности для обобщений и интерпретации картины жизнедеятельности обсуждаемой зоны. В настоящее время остро назрела необходимость систематизации, всестороннего анализа накопившихся источников. Введение археометаллургического материала в научный оборот даст возможность изучить производственный потенциал Зеравшанского общества и приблизит решение проблем культурогенеза цивилизации Согда. Преобладающая часть комплексов – это кратковременные и переотложенные стоянки, местонахождения (культурный слой нарушен процессом антропогенного воздействия), а также производственные участки, приуроченные к горным выработкам. Одним из наиболее насыщенных древними рудниками мест Зеравшанского бассейна (далее Зеравшан) является Заэтдин-Зирабулакский горный массив, где зарегистрирована металлургическая активность. Чрезвычайно выразительны следы горнопроходческой деятельности и особенности быта металлургов эпохи бронзы [Рузанов, 2000; Парцингер и др., 2008; Аванесова, 2012, с. 3-35]. Места древних выплавок обнаружены по отчетам геологов по всему Зеравшану [Максудов и др., 1975].

Все известные пункты поселений практически не исследованы (за исключением Саразма и Тугай) и дают отрывочное представление о характере древних поселков. Однако, несмотря на небольшую источниковедческую базу, складывается достаточно полноценная картина всех этапов технологического прогресса развития металлургического производства в регионе: горняк, металлург, кузнец-литейщик. Характер памятников определяется наличием сырой руды, металлургических шлаков, печей (или их следов) для обжига руды, коллекцией каменных рудообрабатывающих орудий, обломками тиглей, литейных форм, окалинами, всплесками металла и т. д. Культурную ситуацию иллюстрируют материализованные факты указанных памятников, характеризующих разновременные и разнокультурные группы пастушеских и земледельческих сообществ. Металлургия была ориентирована на обеспечение не только собственных нужд, но и широкий обмен с отдельными металлонуждающимися регионами. Ведущая посредническая роль принадлежала полиэтничным степным племенам.

Картографирование памятников среднеазиатского междуречья позволяет полагать, что один из миграционных маршрутов связан с водной артерией Зеравшана. Материалы поселений приобретают исключительное значение для понимания сложнейших историко-культурных явлений, имевших место в регионе. Особую важность приобретает исследования поселения Саразм, иллюстрирующий начало (IV тыс. до н. э.) функционирования Зеравшанского горно-

металлургического и металлообрабатывающего производства. Поселение относится к эпохе палеометалла (в 15 км к западу от древнего Пенджикента и в 45 км к востоку от Самарканда) – самый северный в Средней Азии древнеземледельческий памятник. Возникнув на периферии древних центров цивилизаций древневосточного типа, саразмская культура характеризует начальный этап становления производящей экономики среднеазиатского междуречья. Причем этот процесс происходил быстро в условиях тесного взаимодействия с местным населением. Именно указанное обстоятельство обусловило возможность активных интеграционных взаимодействий. Водные ресурсы Зеравшана являлись определяющим для первых поселенцев Саразма. Формирование материального мира саразмийцев носит поликультурный характер.

Начиная с конца IV тыс. до н. э., поселение Саразм становится одним из центров древнего металлопроизводства Средней Азии [Исаков, 1991в, с. 21-24]. Деятельность местных кузнецов в это время сводилась к изготовлению большого количества изделий, выполненных в простых технологиях, характерных для ранних производственных традиций земледельческих и скотоводческих сообществ. Судя по археологическим остаткам объем получаемого металла и изделий выходило за рамки нужд местного населения. Саразм выступает как металлоносная культура, где производство уже имело товарный характер. Речь может идти не только о внутреннем, но и о внешнем международном обмене. Однако организационных форм этого обмена мы пока не знаем. С металлургическим производством Саразма связан целый ряд выразительных археологических свидетельств: находки каменных инструментов, плавильных тиглей, глиняных литейных форм, различные металлоконструкции руды, отходы производства. Яркую картину дополняют печи для плавки руды и производственная мастерская. Кроме них обнаружены следы литейного производства в виде свинцовых и бронзовых товарных слитков различного весового достоинства (от 200 гр. до 10 кг.), свидетельствующие о вероятном экспорте металла [Исаков, 1994, с. 162; Раззоков, 1994; Исаков и др., 2003, с. 161-162]. Материалы последних лет представляют Саразм, как производственный и обменно-торговый центр с развитой системой общинно-ремесленных производств, продукция которых предназначалась для ближайших соседей и вероятно, для отдаленных регионов. Экономика опиралась в значительной степени на местные ресурсы. Недостатка в сырье не было – недра Зеравшанского края и сегодня богаты медью, оловом, золотом, свинцом. [Раззоков, 2013]. Изменения в хозяйстве вызвали усиление межплеменных связей, а также явились, по-видимому, причиной изменений в социальной структуре саразмского общества. В этот процесс оказались вовлечены и обитатели степного мира, что было результатом культурных связей и заимствования или за счет инфильтрации отдельных групп разнородного населения. Примеры присутствия степных артефактов древнеямного типа в Саразме имеются [Аванесова, 2012"в"; 2014]. Они представлены медными ножами листовидной и подтреугольной формы с прямым, выделенным черенком, линзовидным сечением клина; каменным проушным молотом-ключевцем или ключевидным жезлом, известные в ямных памятниках Поволжья и Приуралья [Исаков, 1991"а", рис. 10-5,7-9; рис. 81-1,2 а,б; Аванесова, 2012"в"; 2014]. Формирование металлургических технологий в Зеравшане мы связываем с саразмийцами. По уровню развития металлургии, Саразм обеспечивал региону заметное место в культурном пространстве Центральной Азии. Археологические источники показывают, что через эту территорию происходила

ретрансляция степных влияний. Наиболее видимые ее проявления дают древние разработки оловянных и медных руд в районе Зиаэтдин-Зирабулакских гор [Аванесова, 2012"а"]. Следует отметить, что в недрах саразмской культуры вызревали те важнейшие изменения, без которых очередной шаг к урбанистической цивилизации был бы невозможен.

Облик регионального металлопроизводства эпохи палеометалла прослеженное во времени эпохи бронзы определяет не только Саразм, но иprotoандроновское поселение Тугай, обнаруженное в 1986 г. при обследовании террасы левого берега р. Зеравшан. Расположено на северо-восточной окраине одноименного села в 18 км к востоку от Самарканда. Памятник является стоянкой горняков-металлургов. Интерес представляют остатки полуназемного теплотехнического сооружения – плавильная печь с топочным устройством.

Культурно-хронологическая интерпретация поселения Тугай основывается, прежде всего, на сравнительной характеристике технико-технологических и морфологических показателей керамики петровского облика и Саразма. Следует сказать, что поселение появилось в регионе, когда рядом продолжал существовать саразмский культурный комплекс. Крайне важно указать, что появление степного сообщества (вдали от основного ядра доандроновской культуры) в обсуждаемом регионе определялась такими обстоятельствами, как близость месторождений полезных ископаемых и расположение в контактной буферной зоне (по В. С. Бочкиреву). Нельзя исключить, что продвижение этого населения стимулировалось прогрессирующим ухудшением климатических условий, усиление процессов аридизации, начавшихся на рубеже III-II тыс. до н. э. Обживание нового региона пастушескими племенами во многом зависело от толерантности и открытости местного населения, что подтверждается участием саразмийцев в судьбе тугайцев. Получен выразительный информативный набор предметов синкретического характера, имеющий широкие аналогии на Южном Урале и Юге Средней Азии, исходящий из территориального положения поселения. Речь идет о целой системе взаимосвязей, объединяющих степной и древнеземледельческий мир. В формировании древностей обсуждаемого памятника заметно воздействие саразмийцев и определенное влияние со стороны алтынтибинцев и восточноевропейских сообществ. Активным связям способствовала удобная география Зеравшана, расположенного в центре обширного материка Евразии.

Свообразие сложившейся историко-культурной ситуации во многом было обусловлено сложными культурными процессами интеграционного характера, что привело к формированию поликомпонентных культур. Важным фактором, способствовавшим сложению особой Зеравшанской культурно-географической области, определившим ее историческую роль в древности явилось наличие минерально-сырьевой базы и расположение – в центре Евроазиатского континента.

В эпоху палеометалла Зеравшанский край был одним из наиболее культурно интегрированных макрорайонов Средней Азии, где пересекались различные культурные традиции. Местной подосновой этого процесса являлся сазаганско-кельтимиарский пласт. В середине IV тыс. до н.э. в регионе произошли значительные изменения. Они были вызваны расселением среди автохтонного неолитического населения оседло-земледельческих племен Геоксюрского типа (Исаков, 1991"а"). Неолитическое охотниче-рыболовческое население долины, надо полагать, восприняло производящий вид хозяйства под влиянием передовых достижений соседей. Наряду с инфильтрацией населения с оседлой зоны картина

усложнилась проникновением носителей культур ямно-афанаьевского мира с типичной степной моделью хозяйства [Аванесова, 2012"в"]. В рамках указанной эпохи на этой территории фиксируется несколько хозяйственных укладов, различающихся преимущественной ориентацией на определенный вид экономики.

Формирование хозяйственных групп было обусловлено природными условиями и миграционными процессами. Параллельное развитие нескольких экономических укладов и синтез двух и более культурных систем определяют специфику памятников Зеравшанской исторической области в эпоху палеометалла.

Новые исследования позволяют полагать, что регион был вовлечен в процесс экспансии из-за рудных источников. Современный уровень знаний и количество накопленного материала открывают нам возможности для обобщений и интерпретации картины жизнедеятельности обсуждаемой зоны. Совершенно очевидно, что Зеравшан являлся центром в межрегиональной системе торговли и обменов, культурно связанный как со степными племенами, так и центрами юга Средней Азии.

Литература:

1. Аванесова Н. А. Древние горняки Зеравшана // Археология Узбекистана, №1(4). Самарканд, 2012"а".
2. Аванесова Н. А. Святилище раннихnomadov Зеравшана // Афанасьевский сборник 2. Барнаул, 2012"в".
3. Аванесова Н. А. Металлические комбинированные проушные орудия Зеравшана // Вестник Международный Институт центральноазиатских исследований UNESCO. Вып. 19. Париж-Самарканд, 2014
4. Исаков А. И. Верховья Зеравшана в эпоху энеолита и бронзы (К проблеме многоочагового развития Средней Азии в раннеземледельческую эпоху) // Автореф. Дис... д.и.н. Ленинград, 1991 в
5. Исаков А. И. Саразм. Душанбе, 1991.
6. Исаков А.И. Пенджикент – древнеметаллургический центр Маверанахра // История и перспективы развития горнорудной промышленности Средней Азии. Тезисы докладов международной конференции, посвященной 60-летию Таджикско-Памирской экспедиции. Худжанд, 1994.
7. Исаков А. И., Бзенваль Р. М., Раззоков А. Р., Бобомуллоев С. Г. Работы Советско-Французской экспедиции в 1990 г. // Археологические работы в Таджикистане. Вып. 28. Душанбе, 2003.
8. Киреев В. И., Пругер Е. Б., Бахметова Б. И. Отчет по теме: "Ревизия изучения древних горных выработок на территории Узбекистана за 1964-1967 гг". "Самгеология". Фонды, 1969.
9. Лопатин С. В., Пругер Е. Б., Ермилов А. Г. Карта размещения древних выработок на территории Узбекистана масштаба 1:1000000. "Самгеология". Фонды, 1964.
10. Максудов И. З., Киреев В. И., Шевцова Л. П., Пругер Е. Б. и др. Отчет по поискам, ревизии и оценке объектов благородных металлов по следам древних черных работ в Центральных Кызылкумах, Нуратинском и Чаткало-Кураминском регионах (по работам за 1974-1975 гг.). "Самгеология". Фонды, 1975.
11. Парцингер Г., Бороффка Н. Поселение металлургов эпохи бронзы в Карнаб-Сичкони // Первобытная археология. Человек и искусство. Сборник научных трудов, посвященный 70-летию Я. А. Шера. Новосибирск, 2008.

12. Раззоков А. Р. Орудия труда и хозяйство древнеземледельческих племен Саразма (по экспериментально-трасологическим данным). // Автореф. ... канд. наук. Санкт-Петербург, 1994.

13. Раззоков Ф. А. Строительные комплексы древнеземледельческого поселения Саразм в IV-III тыс. до н. э. Афтореф. Дис... к.и.н. Санкт-Петербург, 2013.

14. Рузанов В. Д. Карнабское касситеритовое месторождение – источник олова эпохи бронзы // ИМКУ, вып. 31. Самарканд, 2000.

Аноркулов С.М.
Ўзбекистон Миллий университети

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ЭТНОЭКОЛОГИЯСИ

Этнология фанидан маълумки, анъанавийлик **саноат тараққиёти** нисбатан камроқ ривожланган худудларда кенг сақланиб қолади. Айтиш мумкинки, инсон ва табиат ўртасидаги мулоқот абадий давом этади.

Маълумки, кишилар томонидан ўзлаштирилган илк ишлаб чиқарувчи хўжалик – зироатчилик ва чорвачиликдир. Тарихан тараққий этиш даврида бу икки хўжаликда илмий-техник ютуқларининг кенг кўлланиб келинмоқда. Этнологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, халқимиз орасида омоч билан ер ҳайдаш, пичан ўриш мавсуми билан боғлиқ анъанавий хўжалик машғулотлари ҳали ҳануз сақланиб келмоқда. Совет ҳукумати даврида Ўзбекистоннинг катта қисми пахта экини майдонларига айлантирилиши билан, аҳоли асосан чўл, тоғ ва тоғ олди минтақаларида чорвачилик билан шуғулланадиган бўлди. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳам шундай худудларга киради. Бу ерда ўзбеклардан ташқари қозоқ, тожик, рус, немис ва бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қиласади. Қишлоқларда аҳолининг асосий машғулоти чорвачилик ҳисобланади. Хусусан, Чорвоқ, Чимбойлик, Сойлик, Хондойлик каби қишлоқларда ҳар бир хўжаликда майда ва иирик шоҳли чорва сақланади.

Туман аҳолиси этноэкологияси тоғ рельефи ва географияси, унинг табиий имкониятларидан келиб чиқиб шаклланган.

Бўстонлиқ тумани аҳолиси орасида анъанавий хўжаликнинг турли кўринишлари ҳозирда ҳам сақланиб келинмоқда. Туман худуди сосан тоғли ва тоғолди худудларида жойлашганлиги боис хўжаликнинг асосини чорвачилик ҳамда лалми дехқончилик ташкил этади. Бундан ташқари аҳоли орасида хўжаликнинг ҳунармандчилик соҳаси ҳам кенг ёйилган бўлиб, ҳунар турлари асосан, чорвачилика ихтисослашган эгар-жабдуқ, оташёлари, дехқончилик меҳнат қуроллари ва хўжалик майший ҳаёт учун зарур буюмларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Аҳоли орасида отлар алоҳида қадрланади, шу сабабдан от билан боғлиқ бир қатор афсоналар бор. Улардан бирида айтилишича, “от елкасида деви бўлади, дев ҳар қуни тунда отнинг ёлини ўйнайди, буни кўрган одам бойиб кетади”, деб ҳисобланган. Ўрта Осиёда яшовчи лоқайлар орасида йилқичининг уюр ичиди юриб вафот этса, от деви билан боғлаш одати бўлган. Бундан ташқари отдан йиқилиб вафот этишни жуда хосиятсиз ҳодиса сифатида баҳолашган¹. Бундан ташқари “отдан йиқилсанг пахтага, эшшакдан йиқилсанг тахтага тушасан”, “отнинг икки

¹Кармышева Б.Х. Узбеки локайцы Южного Таджикистана. –Сталинабад. 1970, -С.91-92.

қулоғи орасидан бўзнинг ҳавоси эсиб туради”, “от бор хонадонга кут – барака келади”, от эгасига умр соғлиқ кўп фарзанд тилайди дейилади. От билан боғлиқ ирм – сиримлар отнинг ковиш қайтариши ёки ўтириши бехосият хисобланади.

От боқиши билан шуғулланадиган кишилар унинг анжомларини ясаш кўниқмасини ҳам ўзлаштирган бўладилар. Чунки от анжомлари тулпорларни савлатли ва кўркам қилиб кўрсатади. Уларни анжомлашнинг ҳам қатъий амал қилиниши лозим бўлган тартиб қоидалари бор. Унга кўра эгарланишдан олдинбиринчижабдуқ, кейинжаздик, кейин эгарқўйилади. Сўнгра устидан кўрпача тўшлиб, ундан сўнг **тортма** тортилади. Эгар отнинг қарчи ғайнини босмаслиги ва торт манинг қориндан тортилмаслигига аҳамият бериш керак бўлади. Чунки отлар ха деганда бўйсуниб эгарловчини миндиравермаган. У дастлаб **эгарловчими йиқитишига** ҳаракат қилган¹. Шунинг учун отни минишда уни хотиржамлигига эришиш, эгар-жабдуқларни қулай тарзда бойлаш лозим бўлган. Бундан ташқари отни чивиндан сақлаш учун қулоқ чин ва ўрама ёпилади. Отни бошқариш учун юган солинади, юган уч қисимдан иборат бўлади, биринчи сузлук темирдан ясалади, иккинчи нухта ва жиловдан иборат бўлади.

Отлар вазифасига кўра қўйдагича тарбияланган. Уч ёшга тўлган той тузулишига ва зотига қараб улоқ – кўпқари ўйинлари учун танланган. Той эгарга ўргатилгандан сўнг маълум машқлар ўргатилади, ўйин давраларига қўшилади. Айланиб чопишига ўргатилади ҳамда бешёшга тўлганда от кучга тўлади, айнан, шу даврдан от боғлаб боқишига тайёрланади. Бунинг учун аввал, ичини тозалаш учун кўк ўтга боқилади. Сабзи, олма билан ҳам боқилади. Боқувга кирган от 40 кундан 60 кунгача боқилади. Боқув жараёнида асосий емиш қурутилган беда, буғдой дони берилади. Уларга қўшимча равишда тухум, лавлаги, майиз берилади. Отни совитишида биринчи от шўрсув билан чўмилтирилиб, оғзига юган солинади. Эгар босилади, арпа берилади. Кейин ўн кун давомида айлантиришига олиб чиқилади, биринчи куноз-оздан юрилади. Ўнкундан кейин от секин минилиб югуртирилиб, машқ қилдирилади. Совутиш асосан куннинг салқин пайтида амалга оширилади. Ишчи отларни омоч тортишига ўргатиш учун ўргатилган отларни ёнига боғлаб ишлатилган². Отларни боқилиши жараёни мавсумга қараб белгиланган. Негакий Бўстонлиқ тумани қиши мавсуми ўта совуқ бўлади, шунинг учун қишида отларга қўшимча озуқа берилган. Отлар **эрта кўкламда** кишлоқ атрофидаги далаларда боқилиб, кунлар исиши билан аҳоли яшаш худудларидан узоклашиб борган. Апрель ойининг охири ва май ойларида тоғларга ҳайдаб кетилган. Қишлоқ аҳолиси отларини асосан уюр сифатида келишилган ҳолда қўшиб ёки алоҳида боқишиган. Қўшиб боқилганда бир қатор шартлар асосида, яъни навбат алмашиб, кундузги ва тунги навбатчилик қилиб боқилган. Кузги пишиқчилик даврида ёввойи мевалар олма, олча, дўлана кабилар билан боқилса, қиши ойларида эса дараҳтларнинг янги навдалари, қоростида қолган ўтлар ва қўшимча озуқа беда, пичан берилган. Отларга қўшимча озуқа бериш учун маҳсус охурлардан ва ем тўрвалардан фойдаланилган. Отда юк ташиш учун маҳсус ҳуржуналар тикилган³.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани аҳолиси орасида йилқичилик анъанавий хўжаликнинг кенг тарқалган тури бўлиб, нафақат кишиларнинг иқтисодий ҳаётида, балки ижтимоий турмушида ҳам муҳим ўрин тутган. Аҳоли орасида ўзбекларга хос

¹Кисляков Н.А. Занятия и быт народов Средней Азии. –Л., 1971, –С.103.

²Дала тадқиқотлари. Мирзаев Эргаш бобо (1927-2017), Чимбойлиқ қишлоғи.

³Дала тадқиқотлари. Мирзаев Эргаш бобо (1927-2017), Чимбойлиқ қишлоғи.

бўлган от билан боғлиқ урф-одатларнинг аксарияти сақланиб қолган. Уларни тадқиқ этиш халқимизнинг этнологиясини ўрганишда кенг имкониятлар яратиб бериши билан аҳамиятлидир.

Абриев Р.Б
Самарқанд давлат университети

ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН

Марказий Осиёда ислом дини қарор топиши билан шаҳарсозлик маданиятининг ривожланишида янги босқич бошланди. Шарқ муаллифларининг ёзма манбаларида қадимги Марказий Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Хива каби қадимий шаҳарларида бино ва иншоотлари яхши тавсифланган. Хусусан, уларда хукмдорларнинг саройлари, қалъа деворлари, зодагонларнинг уй-жойлари, бозорлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар ҳамда шаҳардан ташқаридаги саройлар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Архив манбаларининг далолат беришича, XXI аср бошига келиб Ўзбекистонда давлат муҳофазасига олинган қадимги меъморчилик ёдгорликларидан 600 дан ортигини масжидлар ташкил қиласиди¹. Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, Ўзбекистоннинг диний ва маданий ўчоқларидан бири бўлган Бухоро шаҳрининг ўзида XX аср бошида 360 та масжид бўлган².

Маҳаллий аҳоли мусулмонлашиб боргани сайин Ўрта Осиёда ислом диний биноларининг аҳамияти ошиб борган – масжидлар, мадрасалар, мақбаралар пайдо бўлган, дастлабки меъморий обидалар арабларгача бўлган замонда белгиланган ўзанда ривожланган. Бироқ, VIII–X асрларда халифалик маданияти ривожланишида шундай босқич бошландики, бунда забт этилган мамлакатлар халқларининг ютуқларини ўзлаштирган халифалик айни вақтда уларга умумий халифалик маданиятининг жиҳатларини сингдира бошлади. Ўзбекистон худудида жойлашган ва сақланиб қолган архитектура ёдгорликларининг аксарияти IX–XVIII асрларда бунёд этилганлигини³, XIX аср ўрталаридан европача меъморсозликнинг ривожлана бошлаганлигини ҳисобга олиб, меъморчилик ва шаҳарсозликнинг ривожланиш жараёнини милодий иккинчи минг йиллик охиридан то шу кунгacha бўлган даврини шартли равишда бир қанча босқичларга (шу жумладан масжидларни ҳам) ажратиш мумкин:

Биринчи босқич IX–XII асрларга тўғри келади. Шу даврдан бошлаб меъморий тафаккур ўз ривожланишида яна новаторлик кашфиёт ва ютуқларга таяниб янги поғанага кўтарилиди. Бу давр меъморий ёдгорликларига Кармана туманидаги Хазора қишлоғида VIII асрдан бошлаб пахса ва хом ғиштдан бунёд этилган ва ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган ноёб Дехгарон масжиди алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Зарафшон воҳаси меъморчилик санъати ривожланишида алоҳида босқични Темур ва темурийлар даври (XIV–XV асрлар) ташкил қиласиди. Маълумки мўғуллар

¹ Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси Жорий архиви (Бундан кейин ЎМСИВ ММОМҚФИЙЧБЖА). Ўзбекистон мачитлари ҳақида маълумотнома.

² Альмеев Р.В. Бухара – город музей. – Т., 1999. – С. 14. (128 с.)

³ Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash. Toshket – 2009. 105-бет.

истилоси Зарафшон воҳаси шаҳар, қишлоқлари, суғориш иншоотлари вайрон бўлишига олиб келган. Вақт ўтиши билан қишлоқ ва шаҳарлар қайта тиклана бошлаган. Хусусан, бу ишда меъморий-қурилиш соҳаси муҳим ўрин эгаллаган ва тараққий эта бошлаган. Меъморий қурилишнинг юксалиши гуллаш даври, юқорида айтилганидек, Темур ҳамда темурийлар ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади.

Мазкур давр меъморчилик ва шаҳарсозлик маданияти жадал ривожланишида бу соҳанинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ҳам хизмат қилиб муҳим рол ўйнаган. Амир Темур ўзининг «Тузукларида» шундай деб ёзган: «Яна амр қилдимки, ҳароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўприклар қурсинлар, йўл устида ҳар манзилга работлар қурсинлар... катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар қурсинлар, фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифоҳона қурдирсинлар... ҳар бир шаҳарда сарой ва қозихона қурсинлар...»¹. Биргина Самарқанд шаҳрида шахсан Амир Темурнинг раҳбарлиги ва ташаббуси билан 20 дан ортиқ маҳобатли меъморий иншоотлар барпо қилинган. Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий каби тарихчилар ҳар бир бинонинг лойиҳаларини мукаммал ҳолатга келишида шахсан соҳибқироннинг роли салмоқли бўлганлигини қайд этишган².

Бунинг натижасида темурийлар шаҳри архитектуруси – давлат қудратининг ифодаси қалъа деворларида, ҳукмдорларнинг шижаоти – саройларда, ислом мағкурасининг тантанаси – ислом диний биноларида, хунармандчилик ва савдонинг роли ва аҳамияти тасдиқловчи бозор иншоотларида ва, ниҳоят, мураккаб шаҳар организмининг ҳаёти эса даҳаларда зич жойлашган уй-жой ва майший биноларда ўз ифодасини топди. Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданиятининг гуллаб-яшнаши, ободончилик, бунёдкорлик ишлари Темурийлар даврида ҳам давом этди. Айниқса, бу Амир Темурнинг набираси Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда яққол кўзга ташланади. Энг машҳур бинолар орасида – Темурийларнинг Шаҳрисабздаги Кўк Гумбаз масжида; Самарқанд шаҳридаги Бибихоним масжида ва бошкалар алоҳида ажралиб туради.

Яна бир босқич XVI асрдан бошлаб то XIX аср ўрталаригача булиб, асосий меъморий-қурилиш, бунёдкорлик ишлари Бухоро, Самарқанд, Кармана, Тошкент каби катта шаҳарлар миқёсида амалга оширилди. Ҳукмдор саройлари, диний ва фуқаролик иншоотлари, бозорлар ва бошқа иншоотлар янада ривожлантирилди. Умуман, XIX асрнинг биринчи ярмига қадар Ўзбекистон сарҳадларида ўрта асрлар меъморчилиги умумий услугуб, йўналиш, вазифаларга эга бўлганлигига қарамай, бу соҳада бир қанча локал меъморий мактаблар – Мовароуннаҳр, Фарғона ва Хоразм мактаблари мавжуд бўлган ва ривожланган³. Уларнинг анъаналари ҳам авлоддан авлодга ўтиб, ҳозирги замондаги халқ усталари ижодида ўз ифодасини топмокда. Кейинги босқич XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистон меъморчилиги ишларида Европага хос меъморий услублар кўлланила бошланди. Банклар, мактаблар, гимназиялар каби янги бинолар қуринишида намоён бўлди. Улар асосан пишиқ ғиштлардан қурилган бўлиб, ғишт тирговчиларга эга бўлиб, улар бинонинг

¹ Темур тузуклари / Форсчадан А.Софуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр. Остида /. – Т., 1996. – Б.124-125. (344)

² Бердимуродов А. Соҳибқирон севган юрт унинг фидойилиги туфайли ер юзининг сайқалига айланди // Зарафшон. – 2008. – 5 апрель. – Б.3.

³ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана – Т., 1958. – С. 38.

зилзилаларга чидамлилигини таъминлаган. Меъморчилик аксарият ҳолларда эклектик тусга эга бўлган. Ўз таъмирлаш мактаби шаклланган, ёдгорликларни консервация қилиш, мухандислик усуллари билан мустаҳкамлаш ва таъмирлашнинг ҳамда атрофидаги ҳудудни ободонлаштиришнинг муайян принциплари ва анъаналари шаклланган¹.

Ўзбекистон Республикасида тарихий шаҳарларни реконструкция қилиш ишлари тарихий шаҳар мухитини тарихий-маданий мероснинг асосий таркибий қисми, унинг индивидуаллигини ва меъморий-бадиий ўзига хослигини таъминловчи қисм сифатида сақлаб қолиш ва тиклашга қаратилган концепция ишлаб чиқилди. Унга асосан:

- мазкур мухитда жойлашган ижтимоий-маданий ҳамда шаҳарни шакллантирувчи салоҳиятдан самарали фойдаланиш, тарихий бинолар жойлашган ҳудудларда уларнинг меъморий-ҳудудий композицияси, тарихий-бадиий қиммати ва функционал аҳамиятининг бир бутунлигини сақланган ҳолда одамларнинг ҳаёт кечириши ва фаолият кўрсатиши учун қулай шароитлар инобатга олинди;

- шаҳарнинг тарихий қисмини реконструкция қилишда унинг режалаштирувчи ва маконий тузилмаларини тарихий-меъморий тадқиқотларга таянган ҳолда ворисийлик негизида ривожлантириш шаҳарсозлик фаолиятидаги ёндашувнинг асосини ташкил этди;

- батафсил режалаштириш лойиҳаларнинг бош режаларида тарихий ва маданий меросни сақлаш, режалаштириш тузилмаси, уларнинг қабул қилиш зоналари, визуал ўзаро алоқаларни, инсон учун очик кўчалар, майдонларни ҳамда оддий бинолар билан шакллантириладиган меъморий мухитни ва бошқаларни сақлаб қолиш орқали унинг шаҳарни шакллантирувчи ролидан фойдаланишнинг режалаштириш йўлга қўйилди².

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида жойларда тарихий-меъморий ёдгорликларнинг техник ҳолати, улардан тўғри фойдаланиш, реставрация-консервация ишларининг амалга оширилиши устидан назорат қилувчи давлат инспекциялари ташкил этилди ва уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Реставрация ишларининг кенг қўлами Ўзбекистоннинг деярли барча минтақаларини, шу жумладан, Қорақалпоғистоннинг узоқ туманларини ҳам қамраб олди. Айрим ёдгорликларни реставрация қилишданкомплекс меъморий ансамблларни, қадимги шаҳарларнинг тарихан таркиб топган марказий қисмларини қайта тиклашга ўтилди.

Ана шундай тадбирлар туфайли Бибихоним меъморий мажмуаси Самарқанддаги Имом Бухорий мемориал комплекси, Бухорода Калон масжида ва минораси. Хивада Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва масжиди Кўқонда Жомеъ масжиди обидалар таъмирланиб, сайёхлар зиёрат қиласидаган обьектларга айлантирилди. Шу билан бир қаторда тарихий ёдгорликларни хар тарафлама химоя қилишнинг хуқуқий асослари яратилди.

¹ Архитектура Узбекистана // http://www.uzintour.uz/ru/about_uzbekistan/architecture/

² Қаранг: ЎМСИВ ММОМҚФИЙЧББ ЖА Политика государства по сохранению памятников в Узбекистане.

Аметов Т.А.

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

НА ПУТИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ КАРАКАЛПАКСТАНА ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

Как отметил глава нашего государства, в настоящее время одним из важнейших факторов сохранения и укрепления тенденции устойчивого роста высокими темпами экономики Узбекистана является неуклонное повышение экспортного потенциала ее отраслей и регионов страны, конкурентоспособности отечественной продукции на внешних рынках.

За последние годы, и особенно в 2017 г., в этом направлении осуществлены широкомасштабные мероприятия. Значительная работа проведена в республике в рамках реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021 года по стимулированию и расширению экспортной деятельности субъектов предпринимательства¹.

Основанием для значительной либерализации внешнеэкономической деятельности, стимулирования увеличения экспортных поставок, повышения конкурентоспособности и финансовой устойчивости отечественных организаций-экспортеров, совершенствования деловой среды послужило Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшей поддержке отечественных организаций-экспортеров и совершенствованию внешнеэкономической деятельности» от 21 июня 2017 года. Так, им были отменены излишние и устаревшие разрешительные процедуры, введен порядок, в соответствии с которым субъектам предпринимательства разрешено осуществлять экспорт свежей плодоовощной продукции, винограда и бахчевых культур на основе прямых договоров на условиях 100-процентной предварительной оплаты².

Это позволило вовлечь в экспортную деятельность десятки предприятий, освоить выпуск новых видов продукции, и реализовать на внешних рынках десятки тонн плодов и овощей.

Экспортные возможности сельхозпроизводителей еще более расширяются в связи с принятием постановления главы государства «О дополнительных мерах по поддержке отечественных экспортеров плодоовощной продукции, винограда, бахчевых культур, бобовых, а также сушеных овощей и фруктов» от 6 ноября 2017 года. В соответствии с ним, хозяйствующим субъектам предоставляется право осуществлять экспорт плодоовощной продукции без заключения экспортного контракта только на основании инвойса, если объем поставки не превышает эквивалент 20 тысячи долларов США.

Приследить рост экспорта плодоовощной продукции по Каракалпакстану можно в следующих цифрах. Если в 2014 году экспорт данного вида продукции составлял 1228 тонн, то за три квартала 2017 года показатель превышен более чем в восемь раз, достигнув 10300 тонн, а суммарный валютный объем равен 5,3 млн.

¹Указ Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”. – Ташкент: Адолат, 2017. –С. 39-74.

²УзА. Реализация намеченных задач придает новый импульс развитию Каракалпакстана // Вести Каракалпакстана, 19 декабря 2017 г. -№101. -3 с.

долларов. Основную долю в номенклатуре эксперта сельхозпродукции сегодня составляют лук, капуста, тыква, абрикос, персик, слива и виноград¹.

Если в прошлом основной культурой являлся хлопок, то теперь фермерам представлена возможность заниматься виноградарством, картофелеводством, и другими видами сельхозкультур и аграрного бизнеса. Государством для этого предоставлены самые благоприятные условия –льготное кредитование, техническое обслуживание фермерских и дехканских хозяйств.

Предусмотренные действующим законодательством льготы и преференции теперь распространяются на всех производителей- экспортёров и субъектов предпринимательства, экспортирующих продукцию отечественных производителей. Это полностью соответствует международной практике, когда экспортом продукции занимаются специализированные компании, обладающие соответствующим опытом и необходимыми ресурсами, постоянно отслеживающие международную конъюнктуру и имеющие надежных контрагентов на зарубежных рынках.

В июле 2017 года Президентом подписано постановление «О дополнительных мерах по стимулированию отечественных предприятий-экспортёров». В целях увеличения объемов производства и поставки на экспорт конкурентоспособной на внешних рынках продукции, а также дальнейшей либерализации валютного рынка в соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отменена обязательная продажа экспортёрами 25 процентов валютной выручки. Появляется возможность вкладывать эти средства в модернизацию производства, приобретения современного высокотехнологичного оборудования, внедрения международных стандартов и систем менеджмента качества.

На основании Указа Президента, в мае 2017 г., «О мерах по дальнейшему стимулированию экспорта и обеспечению конкурентоспособности отечественных товаров на внешних рынках» созданы большие возможности и для расширения внешних связей предприятий-производителей, в первую очередь, малого бизнеса и субъектов частного предпринимательства.

По итогам 2017 года внешнеторговый оборот республики составил 448,2 млн. долларов, в том числе объем экспорта –339,8 млн. долларов, импорта – 108,4 млн. долларов, то есть достигнуто положительное сальдо торгового баланса².

В структуре экспорта абсолютный удельный вес (85,6%) имеет продукция химической промышленности. Крупнейший экспортёр – УП «Кунградский содовый завод», реализовавший инвестиционный проект стоимостью 109,5 млн. долларов в 2013-2016 гг., предусматривающий выпуск 100 тысяч тонн кальцинированной соды в год. С января по сентябрь объем выпущенной им промышленной продукции составил 126,3 млрд. сумов. Экспортировано 43 тысячи тонн продукции на 12,9 млн. долларов в такие страны, как Украина, Афганистан, Иран, Казахстан, Кыргызстан, Туркменистан³.

¹ Паспорт Республики Каракалпакстан на 01.01.2015 г.

² УзА. Каракалпакстан: анализ проделанной работы и планы на перспективу // Вести Каракалпакстана, 19 декабря 2017 г. -№101. -1, 3 с.

³ Янгибаев Б. Республика Каракалпакстан: особые страницы истории. //Правда востока, 11 августа 2016 г. -№154. –С. 1, 3.

Высокие темпы производства поддерживает СП ООО Uz-KorGasChemical, продукция которого пользуется спросом не только на внутреннем рынке, но и поставляется в более чем десятки стран.

Доля экспорта хлопкового волокна составила около 3 процентов. С модернизацией текстильной отрасли связано увеличение объемов переработки хлопка. За счет реализации восьми проектов в легкой промышленности осуществлен экспорт продукции на сумму 8,8 млн долларов. Современные производства, новейшее высокотехнологичное оборудование приносят хорошую отдачу. Продукция таких экспортноориентированных предприятий, как ООО «Amudaryotex», ООО «BeruniyTextileInvest» постепенно завоевывает внешние рынки, свободно конкурируя с известными зарубежными производителями.

Отечественным предприятиям, занимающимся производством экспортной продукции, сегодня предоставлены, можно сказать, беспрецедентные возможности. И нужно уметь ими пользоваться для освоения внешнего рынка, собственного развития и дальнейшего роста.

Ахмедов Ж. З.

*ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи
Давлат музейи кичик илмий ходими*

ФАРГОНА ВОДИЙСИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГАРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ

Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни музейшунослик аспектида ўрганилишининг ўзига хос хусусиятлари га доир илмий изланиш натижасида аниқланишича, ушбу худудни археологик тадқиқ этиш XIX аср охирларидан бошланади. Яъни, рус олимлари А.П. Федченко, Н.А. Северцов, А.Ф. Миддендорфларни бу ерда тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш жараёнида бир канча маълумотлар тўплаган.

Мутахассислар томонидан биринчи марта ўрганиш эса 1884-1885 йиллари археолог Н.И.Веселовскийнинг Ўрта Осиёга хусусан Фарғона водийсига келишидан бошланади. Олим ўз эътиборини мусулмонлик даври ёдгорликларини ҳамда Косонсой (Муғ), Ахсикент, Ўзганни тадқиқ этишга қаратди. Жумладан, Н.И.Веселовский Шимолий Фарғонада жойлашган қадимий мозорлардаги 30 га яқин тошқўргонларни қазиб ўрганган. Бу ишлар Фарғона археологиясида биринчи бор амалга оширилди¹.

1930 йилда Б.А.Латинин Учқўргон электр станцияси қурилиши муносабати билан археологик кузатув ишлари олиб борди. Ўзидан олдинги тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ Б.А.Латинин мусулмонликкача бўлган ёдгорликларни ўрганиш билан шуғулланди. У кўплаб ҳали фанга маълум бўлмаган ёдгорликларни аниқлади. Фарғонага хос бўлган қизил ангобли сополлар ва буёқ билан гул солинган сопол буюмларни топилиши шулар жумласидандир. Кейинчалик бу топилмалар водий археологиясида хал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Олим Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Фарғона водийсининг сугорилиш тарихини ўрганишни бошлади ва бу соҳани келажакда катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

¹Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья (по материалам погребальных и городских памятников). Ташкент. «Тафаккур», 2009.

1940 йили Т.Г.Оболдуева Шимолий Фарғона канали қурилишида, В.Д.Жуков эса Жанубий Фарғона қурилишида археологик кузатув ишлари олиб бордилар. 1943-1944 йиллари В.Д.Гайдукевич Фарҳод электр станцияси қурилишида илмий кидирув ишларини **олиб борди**. Санаб ўтилган йирик қурилишлар даврида олиб борилган археологик ишлар натижасида водийнинг юзлаб ёдгорликларидан дастлабки материаллар тўпланди. Бу эса Фарғона тарихини илмий асосли материаллар билан кўпайтиришда муҳим омил бўлди.

1946 йилдан эътиборан Фарғона водийсида Москванинг Этнография ҳамда Археология институтининг йирик олимлари вилоятлардаги ўлкашунослик музейлари билан хамкорликда тадқиқотларда қатнашдилар. Жумладан Андижон ўлкашунослик музейида В.И.Козенкова, Фарғонада Н.Г.Горбунова, Б.З.Гамбург, Намангандаги Ю.Г.Чуланов, Ўшда Ю.Д.Баруздин ва А.И.Пошколар водийда фаол археологик тадқиқотлар ўтказдилар¹.

Фарғонада тош даври макони Селенғур горининг топилиши фандаги яна бир кашфиёт бўлди. Яна Фарғона водийсидан юқори палеолит даври (Бунлан 20-10 минг йил олдин) топилмалари ҳам аниқланган. Марказий Фарғонада, Обиширда, Тошкўмирда мезолит (ўрта тош даври - бундан 7-6 минг йиллар олдин) ва неолит (янги тош даври - бундан 4-3 минг йил олдин) даври ёдгорликлари топилди. Буларни барчаси инсоният тарихида муҳим кашфиётлар ҳисобланади.

Неолит давридан кейинги вақтга оид кам бўлсада топилмаларда А.Н.Бернштам иш олиб борди. Тадқиқотчи Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларининг илмий потенциалини бирлаштириб кенг кўламли ишларни амалган оширди. Шу мақсадда 1950-1952 йилларда Помир-Фарғона комплекс археологик экспедицияси ташкил этилдиҳамда қадимги дехқонлар, чорвадорлар, шаҳар ва қишлоқ харобаларини бир текисда тадқиқ этилди. Н.И.Веселовский ўрта аср ёдгорликлари бўйича, Б.А.Латинин эса мусулмоликка қадар ёдгорликларда тадқиқодлар олиб борган. А.Н.Бернштамнинг тадқиқодқамрови тош давридан то **XVIII-XIX** асрларгача бўлган тарихий ёдгорликларни ўрганишга қаратилган. Фарғона водийсини археологик ўрганиш XX асрнинг 50-60 йилларида янги босқичга кўтарилди. Бу вақтга келиб Ўрта Осиё республикалари Фанлар Академиялари қошида илмий марказлар ўз худудларида кенг кўламда илмий кидирув ишларини бошлаб юбордилар. Фарғона водийсининг турли жойларидан тасодифан топилган ёдгорликлар ҳам учраб турди. Булар қаторига Намангандаги вилоятидан 1894 йили топилган Хок хазинаси (эр.ав.2 минг йилликнинг биринчи ярми), 1924 йили топилган Афлотун хазинаси (эр. ав. 2 минг йиллик ўрталари), Фарғона вилояти Сўх қишлоғидан топилган тошдан ясалган илонлар хайкали (эр. ав.2 минг йил) киради. Неолит даври тадқиқотчилари хусусан В.И.Тимофеевнинг фикрича тош қуролларни хронологик жиҳатдан сўнггилари Марказий Фарғонанинг Сарижуга Сойи атрофларига тўғри келаётганини айтиб ўтган.

Эр.ол. II минг йилликнинг 2 - ярмидаги бронза даврининг дашт кабилаларининг маконлари Қайроқкумда топиб ўрганилган. Эр.ол. II минг йиллик охири 1 минггичи йил бошларидағи дехқончилик тарихини (Чуст маданияти) ўрганишда катта ишлар килинди.

Илк темир даври (эрадан олдинги 6-4 асрлар) ёки Эйлатон маданияти ёдгорликлари айниқса улар қолдирган қадимги мозорлар Н.Г.Горбунова томонидан кенг ўрганилган. Оқтом, Суған, Кунгай, Валик каби мозор-қўрғонлардан жуда

¹Фарғона водийсининг қадими шаҳарлари. Китоб-альбом. Тошкент, 2008.

қимматли маълумотлар олинди. Бу даврнинг ягона шаҳар харобаси Эйлатанда ҳам маълум ишлар бажарилди, аммо ёдгорликни катта қисми бузиб ташланган.

Ю.А.Заднепровский кўплаб изланишлари натижасида Эйлатан маданиятидан кейинги даврга тўғри келувчи дехқончи қабилалар билан боғлиқ Шурабашот маданияти ёдгорликлари кўплаб очилди. Яқин вақтларгача Шурабашот ёдгорликлари факат водийни шарқий ҳудудлари учунгина хос бўлган деб караларди. Аммо кейинги йиллардаги илмий қидирив ишлари бу фикрларга тузатишлар киритди: шурабашот маданияти ёдгорликлари Қорадарё ва Норин дарёлари ўртасидаги ҳудуддан (асосий ёдгорлик билан янги топилгани орадаги масофа 80 км) Ялпоктепа ёдгорлиги топилди. Яна Шурабашот маданиятига хос материаллар Андижон шаҳри яқинида ҳам қайд қилинган.

XXасрнинг 60-70 йилларида Ю.Д. Баруздин Ўш вилояти Баткен ҳудудида жойлашган эрамизни 2 - 4 асрларига тўғри келадиган Қорабулоқ мозорини ўрганди. У ердан топилган мумиёланган жасадлар, уст-бош қолдиқлари, ёғочдан ясалган буюмлар мутахассисларни хайратга солди.

Фикримизча, водий қадим тарихини гапирганда ўрта аср ёзма манбалари тилга олган шаҳарлар: Ахсикент, Поп, Қува кабиларда олиб борилаётган илмий текширув ишларини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Ахсикентда А.Анарбоев, И.Ахроров бошчилигига кенг кўламли ишлар амалга оширилган. Қува шаҳар харобасида В.А.Булатова, Д.П.Вархотова ишлари натижасида машхур будда ибодатхонаси очилган. Косонсой туманидаги Гурмирон мозори (Матбобоев Б), Чуст яқинидаги Тошқўргон мозори (Баратов С), Эйлатон шаҳар харобаси (Кудратов С) шулар жумласидандир.

1985-1986 йилларда Археология институти илмий ходими Б.Х. Матбобоев Санкт-Петербург Археология институти билан ҳамкорликда Даван (Фарғона) подшолиги пойтахти бўлмиш Мингтепада (Эрши) илмий-текшириш ишлари олиб борди.

Мустақиллик йилларида Фарғона водийсида олиб борилаётган археологик казув ишлари анча кенгайди. Бу ишларда махаллий мутахассислардан ташқари чет эллик археологлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Тадқиқотларнинг катта қисми Ўзбекистон (ЎзР ФА Археология институти) ва Хитой олимлари (Хитой Ижтимоий ФА Археология институти, Пекин) ҳамкорлигига амалга оширилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, сон жиҳатидан Фарғона водийсида муҳим аҳамиятга молик археологик ёдгорликлар жуда кўп ва улар нуфузли соҳа олимлари томонидан тадқиқ этилиб келинмоқда.

Асланов А.П.
Самарқанд Давлат университети

ЎРТА АСРЛАРДА ИШТИХОННИНГ ТОПОГРАФИЯСИ ХУСУСИДА

Марказий Суғд шаҳарлари орасида Иштихон сиёсий мавқеига кўра Самарқандан кейин турган. Иштихон VII асрнинг ўрталарида келгандаёқ Самарқанд Суғдидаги шаҳарлар орасида анча таъсирли мавқега эга бўлган¹. Хитой ва араб манбаларидаги маълумотлар, шунингдек археологик топилмалар орқали тасдиқланган. Илк ўрта асрларга оид араб ва хитой манбаларда Иштихоннинг иқтисодий ижтимоий ва сиёсий географик ҳолати хусусида маълумотлар берилган.

Айниқса илк ўрта асрларга оид манбаларда Иштихон хусусида маълумотлар бир мунча қўпроқ учрайди. Манбаларда Самарқанд Суғдидаги шаҳарлар хақида X асрдан кейинги манбаларда маълумотлар жуда кам учрайди. Араб тарихчиларидан Ибн Хавқал, Истахрий ва ал Муқаддасийлар Иштихон хусусида қимматли хабарлар қолдиришган.

Х асрга тегишли араб манбаларида Иштихон тупроғи унумдор ва кенг суғориш тармоқларига эга эканлиги қайд этилган. Ушбу рустоқни сув билан таъминловчи асосий канал X асрдан Иштихон деб ном олади. Иштихон канали Синавоб ва Бузмажон каналлари билан биргаликда Зарафшон дарёсининг Губор деб аталувчи жойидан чиқарилган. Ибн Хавқал бу хақида шундай дейди: “Бу каналлар бошланиш қисмидан таҳминан 4 фарсах масофага чўзилган бўлиб, бир неча ариқларга бўлинган ва 7 фарсахгacha жойни суғорган. Шундан кейин Иштихонга ғам етиб бориб, унинг рустоқларини ҳам суғорган. Канал юқорида номлари тилга олинган каналларнинг энг аҳамиятлиси ҳисобланади”.

Ибн Хавқал Иштихон хусусида шундай қизиқарли маълумотни келтиради: «Иштихон атрофи қишлоқлар, боғлар, экинзорлар, хордик олиш учун қулай жойлар, қамишлар ўсиб ётган ботқоқликлар билан ўраб олинган алоҳида шаҳардир, худди шу каби бутун Суғд серҳосил, ўсимликларга, экинзорларга бойдир...Иштихон ўз арки, шаҳристон ва рабодига, шунингдек ариқлар ҳамда кенг экин майдонига ҳам эга... Бу ерда Муъсим мусодара этган қишлоқ ҳам бор. Бунинг оқибатида Мўътамид Алалаҳу уларнинг иқто мулкларини Мұхаммад ибн Тоҳирга берди».

Мазкур жойнинг локализацияси хусусида ҳам араб муаррихлари алоҳида тўхталиб ўтишган. Шаҳар Истахрийнинг фикрича, Самарқанддан 7 фарсах шимолий ғарбда жойлашган. Истахрий ва ал-Муқаддасийлар Суғддаги 12 та шаҳарлар қаторида Иштихонни номини ҳам тилга олиб ўтишади. Бундан ташқари, араб ва хитой манбаларида Иштихоннинг сиёсий тарихига оид маълумотлар ҳам учрайди. Чунки бу шаҳар стратегик мавқеи буйича Самарқанд Суғдидаги Самарқанддан кейинги ўринларда турган. Буни биз араблар томонидан Самарқанд фатҳ этилгач, суғд ишхидлари Иштихонни ўзларига қароргоҳ қилиб олишганидан ҳам билишимиз мумкин. Мазкур шаҳарни хитойликлар Цао деб аташганлар. Хитойда хукм сурган Тан сулоласи даврига оид, IV аср охири-VII аср бошлари воқеалари ёритилган “Сейшу” ва “Бейшу” тарихий манбаларида Суғд хақида аҳамиятга молик кўплаб фактлар учрайди. Хитойда ёзилган “Таншу” тарихий тўпламида 731 йилда Самарқанд ишхиди Гурекнинг (хитой манбаси бўлган “Чефу”да Улеге ёки Улецзя деб тилга олинган) тўнғич ўғли Духе (ёки Дехэ) Иштихонга ноиб этиб тайинланган. Кейинчалик у 738 йилда отаси Гурекнинг вафотидан кейин Суғд таҳтини эгаллайди. Гурекнинг ўғлига қадар Иштихоннинг ноibi сифатида Карзанжа деган киши иш олиб борган. Айрим тадқиқодчилар унинг исмини туркийча Қора занжи деб талқин қилишади. Уни тарихчи ат-Табарий “туркий сардорлардан бири” деб атайди. Тадқиқодлар Суғд ишхидлари аслида туркийлашган суғд эканлигини кўрсатмоқда. Хитой манбалари ҳисобланган “Сейшу”, “Таншу” ва “Бейшу” йилномалари маълумотларига кўра, Суғд (Кан) конфедерациясини ўз шажараларини кушон сулолаласига боғловчи уруғ бошқарган. Иштихонда ҳам Самарқанд ва бошқа Суғднинг бошқа вилоятлари хукмдорларига қариндош бўлган ҳоким ҳукмронлик қилган.

Юқоридаги икки хитой манбаларида Иштихон Цао мулки хусусида қўйидаги маълумотлар келтириб ўтилган : “Цао мулки қороргоҳи Нами (Зарафшон дарёси)

дарёсидан бир неча ли жанубда жойлашган. Бу қадимий Кангюй диёри бўлиб, ўз хукмдорига эга эмас (яъни мустақил эмаслиги назарда тутиляпти- муаллиф), аксинча Кан (Кан Самарқанд) хукмдори ўғли Угянга бу мулкни топширган. Қароргоҳнинг айланаси уч лига teng. Мингга яқин қўшинга эга.... бу ердан жанубий-шарқда Кангача 100 ли, ғарбда Хэга (Каттакўрғон) қадар 150 ли масофани ташкил этади...”. Мазкур ўлчов бирлиги 571,5 м оралиғида бўлган. Демак хитой манбаларига биноан, Самарқанддан Иштихонгача таҳминан 57 км масофани ташкил этган. Ҳозирги кундаги Иштихон Самарқанддан 60 км масофада жойлашган.

Ёзма манбалардаги илк ўрта асрларда Иштихоннинг тарихига оид маълумотларни археологик топилма ва ёдгорликлар тўлдиради. Маълумки, Иштихон Оқдарё ва Корадарё оралиғидаги Миёнкол ҳудудида жойлашган. Миёнкол ҳудудидаги археологик ёдгорликларни ўрганиш асосан ўтган асрнинг 60-70 йилларидан бошланган.

1960-йилларда Иштихон шаҳарчаси яқинидаги Иштихонтепада тадқиқод ишлари олиб борилди. Чунки бу тепаликка нисбатан ўрта асрлардаги Иштихон бўлиши мумкинлиги эҳтимоли сифатида қаралган. Манбаларда унинг локализацияси масаласига ойдинлик киритувчи маълумотлар етарлича. Ҳозирги Иштихон Самарқанд шахридан 60 км узоқликда жойлашган. Араб форс манбаларида бу масофаса 7 фарсаҳни ташкил этиши ёзилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўрта асрларда фарсаҳ ўлчов бирлиги турлича кўрсатгичларга эга бўлган. Яъни турли вилоят ва асрларда хар хил масофага teng бўлган. Манбаларда у ўртача 8 кмга teng бўлган. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, араб манбаларидаги масофа ҳозиргиси билан бир хил.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида тадқиқодчи Б.Ф Тургунов Иштихон ва Пайариқ туманлари чегарасида жойлашган илк ўрта асрларга оид Арктепа ёдгорлигини ўрта аср манбаларидаги Иштихоннинг айнан ўзидир деб таъкидлайди. Бунга шаҳарнинг анча катта майдонни эгаллаганлиги, арк ва шахристоннинг мавжудлиги ҳамда унинг атрофида рабодларнинг жойлашгани сабаб шу хulosага келинган. Бироқ кейинги тадқиқодлар ушбу хulosанинг нотўғри эканлигини кўрсатиб берди.

1979-йилда олиб борилган қазиш мавсумида Иштихонтепага оид жуда кўплаб илмий янгиликлар аниқланди. Иштихонтепанинг асосий қисми “шлейфли тепа” археологик типига хос. Ёдгорликнинг жанубий қисми баландлиги 10 метргача бўлган тик тепа кўринишига эга бўлиб, микрорельефда ташки деворлар билинмайди. XX асрнинг 60 йиллари бошларига қадар шахристоннинг ташки шимолий ғарбий деворининг 85 метрга бўлган қисми ва унинг жанубий ғарбий бурилиш жойи ҳамон мавжуд бўлган. Аммо ушбу қисмлар 70 80 йилларда курилишлар сабаб йўқ бўлиб кетган. Археологик тадқиқодлар натижасида VI-VII асрлардан то XI асргacha бўлган даврларга оид сопол идишлар, пиширилган квадрат ғишталар шиша идиш парчалари ва танталар топилган.¹

Иштихонтепада олиб борилган археологик тадқиқодлар уни VI-VII асрларда шаклланганлиги ва Сомонийлар даврида янада ривожланиб, то мўғиллар босқинигача гуллаб яшнаганини кўрсатиб берди. Кейинги асрларда унинг асосий қисми қабрстонга айлантирилган. Қолган жойлари эса қишлоққа айланиб борган.

¹Пугаченкова Г.А... Стр.161

Адабиётлар:

1. Бабаяров Г ,Кубатин А. К новой интерпретация имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба. Согдийский сборник. Выпуск 1. Новейшие исследования по истории культуры Согда в Узбекистане.Saarbrucken. LAPLAMBERTAcademicPublishing. 2013
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1.М.: Наука, 1963.
3. Беленицкий А.М, Бентович И.Б, Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л.: Наука,1973
4. Бетгер Е.К. Извлечения из книги “Пути и страны” Абу-л-Касыма ибн Хаукаля. Тр.САГУ, н. с., в. CXI, Ист. науки, кн. 25, Археология Средней Азии, IV,Ташкент.1957
5. Маликов А.М.Тюрко-согдийские связи взаимовляния в оазисах Центральной Азии. Согдийский сборник. Выпуск 2. Новейшие исследования по истории культуры Согда в Узбекистане. Saarbrucken. LAPLAMBERTAcademicPublishing. 2013
6. Пугаченкова Г.А. Древности Мианкаля.Т, Фан, 1989
7. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М.: Наука,1970
8. Средняя Азия в раннем средневековье. Отв ред. Г.А. Брыкина. М.: Наука,1999

**Борис Базаров,
Термиз Давлат университети**

ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ БАҚТРИЯНИНГ ЮНОН-МАКЕДОН ИСТИЛОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Эр.ол. IV асрнинг 30-йилларида Македониялик Александр бошчилигидаги юонон-македонларнинг Ўрта Осиё, шу жумладан, Шимоли-ғарбий Бақтрия худудига юриши Каллисфен, Ариан, Курций Руф, Плутарх, Диодор, Юстин, Полибий, Помпей Трог, Страбон, Плиний ва Полиен каби антик давр муаллифлари асарларида ёритилган.

Юонон-македон истилочиларнинг Окс дарёсидан шимолда жойлашган худудга юриши ва унинг оқибатлари ҳақида кўплаб мутахасислар томонидан тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, булар қаторига И.Г. Дройзен, В. Тарн, Д. Шлюмберже, Б.Г. Гафурови Д.И. Цибукидис, Г.А. Кошеленко, Э.В. Ртвеладзе, П.Бернар, К.Рапэн, П.Лериш, К.Абдуллаев, Л.Сверчков, Н.Двуреченскаяларни киритиш мумкин.

Македониялик Александрнинг Шимоли-ғарбий Бақтрияга юриши ҳақидаги масалага тўхталсак. Таъкидлаб ўтишимиз жоизки, юонон-македон қўшини Шимолий-ғарбий Бақтрия заминига Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёда олиб борилган истилочилик юришларининг сўнгги босқичида содир бўлган. Бу ҳақда антик давр муаррихлари қуйидаги маълумотларини келтириб ўтади.

Юонон-македон қўшинлари Ох ва Окс дарёсидан кечиб ўтиб Маргиана шаҳрига етиб келади (баъзи мутахассисларнинг маълумотларига кўра Маргания шаҳри). Бу ва бошқа вилоятларни назоратига олгач, фақат биргина қоя (қалъа) Суғдий Аrimaz қўлида қолаётган эди (Курций Руф, VII, 11, 1). Ксеніппани ўз тобелигига олгач Александр Македонский Наутака деб аталувчи вилоятга етиб келди. Бу худуд сатрапи Сисимитр ҳисобланган (Курций Руф, VIII, 2, 19).

Спитамен қўзғолони бартараф этилгач, Александр қўшинлари Габаза вилоятига йўл олади. Юришнинг учинчи куни тоғ дарасида дўл аралаш қаттиқ жала туфайли юононлар қўшини дара бўйлаб қочишга тушади (Курций Руф, VIII, 4, 6).

Шундан сўнг у сатрап сифатида Оксиарт бошқараётган вилоятга этиб келди (Курций Руф, VIII, 4, 21). Александр Кратерни Гавстан ва Катенларни таъқиб этиш учун юборди. Гавстан асирга олиниб, Катен жангда ҳалок бўлади. Полиперкон Бубакена деб аталувчи мамлакатни забт этди (Курций Руф, VIII, 5, 2).

Эр.ол. 328 йил баҳоридаги воқеалар юонон муаррихи Арриан маълумотларида куйидагича тасвирланади. Баҳор фаслининг бошларида у Суғд қоясига томон йўл олди. Бу ерга бақтриялик Оксиартнинг хотини ва қизлари яширинган эди (Арриан, IV, 18, 4).

Александр Суғдиёнадаги ишларни ниҳоясига етказиб, қояни (Суғд қояси) эгаллагач, паретаклар устига юриш бошлади. У маҳаллий аҳолининг кўпчилиги Хориен қояси деб аталувчи қояда ўрнашиб олгани ҳақида маълумот олган эди (Арриан, IV, 21, 1).

Страбон ушбу қоялар ҳақида куйидагича маълумот беради: исён туфайли Александр қоя устида жуда яхши мудофааланган иккита истеҳкомни, Бақтриёнадаги Сисимитр ва Суғдиёнадаги Окс истеҳкомларини эгаллашга муваффақ бўлди (Страбон, XI, XI, 4).

... Шундан сўнг, Александр Бақтрияга жўнаб кетади. Кратерни эса Полиперхонт, Аттал ва Алкеталар билан бирга паретаклар ерида унга ҳали бўйин эгмаган Катан ва Австанларга қарши юборади (Арриан, IV, 22, 1). Қўзғолон бостирилгач, Кратер Бақтрияга йўл олади (Арриан, IV, 22, 2).

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб воқеаларнинг содир бўлган ҳудудлар локализацияси тадқиқотчилар томонидан қандай талқин қилиниши ҳақида тўхтальсак. Юонон-македонлар бу даврда асосан Ксениппа, Наутака, Габаза, Паретакенадаги Сисимитр, Суғд ва Хориен тоғ қалъалари ҳамда Бубакена ўлкаларида ҳарбий ҳаракатлар олиб борган.

Наутака ҳудуди локализацияси масаласида бир қанча фикрлар мавжуд. Жумладан, В.В. Григорьев Наутакани Шахрисабзнинг жанубидан то Амударёга қадар бўлган ҳудуд деб (Григорьев, 1881, 43-б), В. Томашек Шахрисабз тумани (Томашек, 1877, 183-б), М. Е. Массон қуи Қашқадарё (Массон, 1977, 5-13-б), А.С. Сагдуллаев Зарафшон тизмаси ва Ўрадарё оралиғи (Сагдуллаев, 1996, 79-б), Э. В. Ртвеладзе Қашқадарёниң юқори оқими ва унинг ирмоқлари ҳудуди (Ртвеладзе, 2002, 92-б) дея таъкидлайдилар.

Габаза вилоятини И.В. Пьянков Ғузор туманига (Пьянков, 1982, 45-б), Э.В. Ртвеладзе эса Амударёдан Темир дарвозага қадар жануби-ғарбий Ҳисор тоғ тизмаси бўйлаб чўзилган ҳудудга жойлаштиради (Ртвеладзе, 2002, 126-б).

Антик давр муаррихларининг Наутака ва Паретакена ўлкаларида тоғ қалъалари ҳақидаги маълумотларини сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар кўп жихатдан тасдиқламоқда.

Э.В. Ртвеладзе ва М.А. Хошимовлар антик давр муаллифлари тилга оладиган “қоя” лар геоморфологияда учрайдиган “куэста” атамаси билан мос келишини таъкидлашган. Саримас тоғ массиви антик давр муаллифлари маълумотларида келтириладиган Аrimaz қояси ҳисобланади (Ртвеладзе, 1999, 109-б; Хошимов, 1990, 45-49-б; Рапэн, Бо, Грене, Рахманов, 2006, 98-99-б).

Сувсизтоғ массиви эса Сисимитр қояси бўлиб, Узундара қалъаси ундаги мудофаа иншооти ҳисобланган (Ртвеладзе, 1990, 137-б). К. Рапэн фикрига кўра,

Қашқадарё вилояти Оқработ қишлоғи яқинидаги Қапқоғли-Оғзи тоғ массиви Сисимитр қалъаси саналади (Рапэн, Бо, Грене, Рахманов, 2006, 99-100-б).

Хориен ва Сисимитр қояларини битта деб қараш лозимлиги ҳақида таҳмин ҳам мавжуд (Пьянков, 1982, 44–46- б.; Ртвеладзе, 1999, 104–109-б.). Л. Сверчков Хориен қоясини Сурхондарёнинг юқори туманлари, аниқроғи, Вахшивор ва Сина қишлоқлари атрофидан қидириш лозим деб ҳисоблайди. Ўз навбатида Э.В. Ртвеладзе Денов туманидаги Сина қишлоғи яқинидаги Қизқўрғон ёдгорлигини юон муаррихлари санаб ўтадиган қоялардан бири деб таъкидлайди.

Полиперкон томонидан босиб олинган Бубакена ўлкаси ҳақида антик давр муаллифларидан фақат Курций Руф маълумот келтиради. Бу ўлкани И. Дройзен ва В.В. Григорьевлар Бадаҳшон ҳудуди билан қиёслашади. Б.А. Литвинский фикрига кўра бу ҳудудни Коратегин ёки Кўлобнинг тоғли ҳудудларидан излаш керак (Литвинский, 271-272 б). Шунингдек, Бубакена ўлкаси Кўлоб (Пьянков, 1982, 45-б.) ёки Жанубий Тоҷикистон (Ртвеладзе, 2002, 144-б) каби ҳудудлар билан локализация қилинмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, Александр бошчилигидаги юонон-македон қўшинларининг Шимоли-ғарбий Бақтрияга юриши 328-йилнинг баҳор фасли бошларида содир бўлган дейиш мумкин. Бу ҳудуд Македониялик Александр томонидан Окс дарёсидан шимолда забт этилган охирги ҳудуд сифатида эътироф этилади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кейинги йилларда амалга ошириладиган тадқиқотлар ушбу юришнинг Шимоли-ғарбий Бақтрияга истилочиларнинг қайси томондан юриш уюштиргани ҳақидаги баҳсга якуний фикрни бериши мумкин.

Адабиётлар:

1. Арриан. Поход Александра. Перевод с древнегреческого М. Е. Сергеенко. М.–Л., 1962.
2. Квант Курций Руф. История Александра Македонского. Сохранившиеся книги. Перевод под редакцией В. С. Соколова. М, 1963.
3. Страбон. География. Перевод, статья и комментарии Г. А. Стратановского. Под общей редакцией проф. С. Л. Утченко. Редактор перевода проф. О. О. Крюгер. Л., 1964.
4. Григорьев В.В. Поход Александра Великого в Западный Туркестан// ЖМНП. № 4, CCLXVII. СПб, 1881.
5. Кошеленко Г. А., Гаивов В. А. Эллинистический Восток: колонизация верхних сатрапий (масштабы, динамика, характер) // ПИФК. 2014. № 2(44). С. 141-175.
6. Литвинский Б. А. Борьба народов Средней Азии против македонских захватчиков. // ИТН. Т.1. М., 1979.
7. Массон М. Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции по изучению восточной части Кашкадарьинской области. // Археология Средней Азии. Ташкент. 1977. Труды ТашГУ. Вып.533. С.7-8.
8. Пьянков И. В. Бактрия в античной традиции. Душанбе, 1982.
9. Рапэн К., Бо Э., Грене Ф., Рахманов Ш. Исследования в районе «Железных ворот»: краткое состояние проблемы в 2005 г. // ИМКУ. Вып. 35. Ташкент, 2006. С. 91–101.
10. Ртвеладзе Э. В. Из недавних открытий Узбекистанской искусствоведческой экспедиции в Северной Бактрии-Тохаристане // ВДИ. 1990. № 4. С. 135–145.

11. Ртвеладзе Э. В. Газаба – Гозбон // ИМКУ. Вып. ЗО. Самарканд, 1999. С. 104–109.
12. Ртвеладзе Э. В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. Историко-географические очерки. Ташкент, 2002.
13. Сагдулаев А. Қадимги Ўзбекистон ёзма манбаларда. Т. Ўқитувчи. 1996
14. Сверчков Л. М. Курганзол—крепость Александра на юге Узбекистана. Ташкент. SMI-ASIA, 2013
15. Хашимов М. А. По следам легенд. Ташкент, 1990.
16. Tomaschek W. Centralasiatische Studien. Sogdiana. Wien, 1877.

Бегижонов Ж.О.
Ўзбекистон тарихи Давлат музейи
лектор экскурсаводи

МОДДИЙ МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ВА САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда қадимги маданият ўчоқлари харобаларни қазиш натижасида жуда кўп ноёб, нафис ва мукаммал ишланган осори-атиқалар намуналари йифилган. Бу топилмалар хунармандчиликнинг қадимдан жуда юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради. Моддий маданият намуналари асосан лой ва ганчдан ишланган. Ўзбекистон худудида жойлашган ноёб ёдгорликларда таъмирлаш, мустаҳкамлаш ва сақлаш устида кўплаб тарихчилар, санъатшунослар, таъмирчилар ва кимёгарлар тадқиқотлар олиб боришган. Тадқиқотларнинг катта қисми Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, А.А.Абдураззоқов, Э.В.Ртвеладзе, Ш.Р.Пидаев, Ш.Илхамов, В.В.Лунева, Б.А.Тургуновлар томонидан олиб борилган.

Моддий маданият ёдгорликларни таъмирлаш, сақлаш юзасидан қатор илмий нашрлар мавжуд. Таъмирлаш ишлари асосан илмий манбалар ва фото - чизмаларни ўрганиш асосида олиб борилган. Ноёб нусхаларни сақлаб қолиш учун айрим холларда **асли бошқа** нусхага қўчирилган ва аслига яқинроқ ашёдан фойдаланилган. Мустаҳкамловчи воситалар кўп бўлсада, уларнинг таъсири бир хил эмас. Айрим воситалар юқори даражали мустаҳкамликни берса, бошқалари ашёга сингмасдан мустаҳкамликка эришмайди. Ноёб топилмаларнинг устки қисмини юқори даражада сақлаш, чанг ва тузлардан тозалашда турли аралашмалар ва меҳаник воситалардан фойдаланмаслик талаб қилинади. Соз тупроқдан ишланган археологик объектларнинг мустаҳкамлашда кимёвий маҳкамлашнинг таъсири М.Қамбаров ва А.Абдураззоқовлар томонидан ўрганилган. ЎзР ФА Археология институтида мустаҳкамлашнинг энг яхши натижасига эришиш йўллари изланган.

Табиий-иқлим муҳити, вақт ҳамда инсон фаолияти таъсири (асрлар давомида таъсир этиб келган ҳаво ҳарорати ва намликтарни ўзгариши, зилзилалар) натижасида ёдгорликларнинг моддий эскириши, ўзгариши ва ёмонлашувига олиб келмоқди ва уларни сақлаб қолиш долзарб масаладир. Кенг қамровли консервация-таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш имконияти чекланган. Ҳам молиявий ҳам техник жиҳатдан мураккаб ҳисобланган ушбу амалиёт, шунингдек, ёдгорликларнинг ҳолатини илмий асосланган усуллар ёрдамида мунтазам назорат қилиш катта маблағни талаб этади.

Кимёвий консервация қилиш бўйича тўпланган тажриба шудан дарак берадики, ҳом ғиштли ёдгорликни мустаҳкамлаш бўйича ҳар қандай энг муваффақиятли

технология ҳам объектни тўлиқ музейлаштиришсиз омадсизликка олиб келади. Мамлакатимизда ёдгорликларни кимёвий консервация қилиш усууларининг бир неча турлари ишлаб чиқилган. Ихтиро қилинган бу усуулар анча арzon, оддий ва самаралидир. Уларни асосида тайёр полимер моддаларни девор сатҳига сингдириш орқали эмас, балки уларни дастлабки хомашёси бўлмиш мономерларига органик эритувчи ва реакцияни тезлаштирувчи катализаторлар аралашмасини сингдириш ётади. Кимёвий эритмалар девор ичига маълум миқдорда киритилгандан кейин күёш нури ва ҳаво ҳарорати таъсирида тупроқ заррачаларни қотиравчи полимерлар хосил қиласди. Натижада девор юзидағи пахсаларни қаттиқлик даражаси ва об-ҳаво факторларига чидамлилигини кескин оширувчи қатлам юзага келади. Бундай ишлов бериш билан қотирилган майдонларнинг қаттиқлиги (78 кг/см²) пишиқ ғиштлар даражасигача кўтарилиши ҳамда узоқ йиллар об-ҳаво таъсирида бузилмай туриши маълум бўлди¹.

Мис ва бронзадан ишланган ҳайкалларни тозалашда трибутилфосфат, диэтилексилфосфор кислота бензолдаги аралашма ва ацетондан фойдаланиш яхши натижа берган. Соз тупроқдан ишланган археологик объектларни мустаҳкамлашда асосан К-4, КМЦ (карбоксилметилцеллюлоза), ПБМА (полибутилметакрилат), БМК-5 смоласи, ПВБ (поливинилбутиран)дан фойдаланилган. Мазкур махкамловчи воситалар ғовакли материаллар учун қўл келмайди. Тадқиқот ишлари асосан ЎзР ФА Археология институтининг таъмирлаш лабараториясида олиб борилган.

Фикримизча, археологик материалларни консервация ва реставрация қилиш бўйича ишларда ягона универсал метод мавжуд эмас. Ушбу ишларнинг муваффақияти ҳар доим ҳар бир ёдгорликнинг индивидуал хусусиятларига, хусусан объектнинг физикавий ҳолатига, жойлашган ерига ва муайян археологик объект бўлган атроф мухит шароитларига боғлиқ.

Консервация қилиш методларидан танлаб фойдаланиш туфайли мўрт ва майдаланиб кетадиган фрагментлар мустаҳкамликка эга бўлмоқда. Саралаб олинган алоҳида бўлаклардан кўп рангли паннолар ва ҳайкалтарошлиқ композициялар йиғилиб, улар бизга қадимги авлодларимизнинг олдин маълум бўлмаган рўзғори, анъаналари ва эътиқодлари кўринишларини очиб беради. Ишлов берилган материаллар музейларимизнинг фондларини тўлдиради ҳамда Ўзбекистон ҳалқининг тарихи ва маданияти билан дунё ҳамжамиятини танишитиради.

Кейинги йилларда ўтмиш ёдгорликларимизни ўрганишда аниқ фанлар усууларига асосланган замонавий ускуналар ёрдамида ажойиб кашфиётлар қўлга киритилмоқда. Бунга даврлаштириш, таркибларни аниқлаш, тасвирларни 3D форматида суратга олиш соҳаларидаги усууларни келтиришимиз мумкин. Бу сўзиз ўтмишдаги технологиялар ва ҳунармандчилик тарихини тўғри талқин қилиш имконини беради. Мақсадимиз аждодларимиз томонидан яратилган ва бутун дунёning бойлиги хисобланган археологик объектлар ва бадиий маданият предметларини консервация ва реставрация қилиш бўйича янги, янада мукаммал методларни мувофиқлаштириш ва излашдан иборат. Моддий маданият

¹Камбаров М.К., Абдураззоков А.А. Влияния химического закрепитель на прочность археологических объектов из лесса // Реставрация и хранения музейных художественных ценностей. Москва, 1986. С. 16-17.

ёдгорликларини кимёвий-технологик ўрганиш ва консервация қилишда маълум муаммолар юзага келмоқда.

Бердиев Р., Амирова С.
Самарқанд давлат университети

ЗАРАФШОН ВОҲАСИ СЎНГГИ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон ҳудудларида ўтган аср 60-70 йилларига қадар, сўнгги палеолит даврига оид ёдгорликлар саноқлигина эди. Бироқ кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар улар сонининг анчайин салмоқли эканлигини кўрсатмоқда¹. Сўнгти палеолит даври ёдгорликлари асосан Тошкент, Зарафшон воҳалари миқёсида яхши тадқиқ этилган.

Юртимизда сўнгги палеолит ёдгорликларига энг бой ҳудуд бу Зарафшон дарёси водийси ҳисобланади. Ҳудуднинг асосий ёдгорликларидан бири Самарқанд маконидир. У Чашмасиёбнинг ўнг қирғоғида, бевосита Самарқанд шахри ҳудудида ўрнида жойлашган бўлган. Ёдгорлик 1939 –йили Н.Г. Харламов томонидан очилган ва шу йилда унинг томонидан шурф қазилган. Маконни ўрганиш ишининг иккинчи босқичи Д.Н. Лев номи билан боғлиқ унинг раҳбарлигига қазиш ишлари 1958 - йилдан 1967 - йилгача олиб борилган. 1970-1973-йилларда Самарқанд маконини ўрганиш ишлари М.Ж. Жўрақулов ва Е.Н. Амарцевалар томонидан давом эттирилди.

Самарқанд макони материалларининг ташқи кўриниши Сибир сўнгги палеолити материалларига ўхшашлиги (Мальта, Буреть, Ачинская ва ҳ.к.), ушбу ҳудудлар маданиятлари ўртасида этник алоқалар бўлганлиги ҳақидаги фикрларни келтириб чиқарди. Галькали ҳамда пластинали техникаларни бирга учрашининг ғайритабиийлиги ва Самарқанд макони индустрясининг ҳусусиятлари ҳақидаги аниқ техник-типологик тасаввурларнинг йўқлиги унинг маданий-генететик ҳамда хронологик тараққиёти йўллари тўғрисидаги турли хил фикрларни пайдо бўлишига олиб келди. А.П. Окладниковнинг фикрича, Самарқанд макони инвентари таркибий жиҳатдан Мальта, Буреть, Ачинская ёдгорликлари индустряларини такрорлайди. Самарқанд макони материалларини Енисей бўйи сўнгги палеолит даври индустрялари билан ҳам ўхшашлиги З. А. Абрамова томонидан таъкидланган. З.А. Абрамова даставвал, Самарқанд макони материалларини Европа ёки Олд Осиё маданиятларининг бир вариантига киритган эди. Г. Ф. Коробкова эса, Самарқанд макони индустрясининг ўзига хосликларига эътибор берар экан, унинг Ўрта Осиё ҳамда унга қўшни ҳудудларда ўхшashi йўқ деган эди². Ёдгорликнинг Сибир сўнгги палеолити материалларига ўхшашлиги М.Ж. Жўрақулов томонидан қайд қилинган³. Бундан ташқари, Самарқанд макони

¹Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Древнекаменный век долины реки Зарафшана. Ташкент. 1980.-С. 76-97. Ранов В.А., Несмеянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии // Душанбе. 1973.-С. 68. Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Ташкент. 1987.-С. 1-128.

²Коробкова Г. Ф. Трасалогическое исследование каменного инвентаря Самаркандской стоянки. (По материалам 1958—1960 гг.) // Палеолит и неолит СССР. Т. 7 (под ред. Абрамовой З.А.и Праслова Н.Д.) МИА. № 185. Л, 1972. —С. 157-168;

³Джуракулов М. Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Ташкент; Фан. 1987. —С. 116-122;

материаллари Покистондаги Сангао ғори индустрясига ҳам ўхшашлиги қайд этилган¹.

Тожикистондаги сўнгги палеолит даврига оид Шугноу маконининг очилиши таққослашларнинг янги тўлқинини келтириб чиқарди. В.А. Ранов ҳамда Ю.П.Холюшкинлар Шугноунинг Самарқанд макони билан даврий жиҳатдан яқинлигини таъкидладилар. М. Ж. Жўрақуловнинг кейинги тадқиқотларида Самарқанд макони сибир-хитой палеолит даври маданиятлари доирасига киритилди².

Даставвал, Самарқанд макони археологик ва стратиграфик жиҳатдан сўнгги палеолитнинг бошлари билан ёки эр. ав. 40-минг йилликлар билан саналанди. Ушбу фикрни П.П. Ефименко ва П.И. Борисковскийлар ҳам тасдиқлади³. Биз ёдгорлик учун эр. ав. 33 минг йилликлар билан саналашни таклиф қиласиз. Аммо, Самарқанд маконининг маданий хосликлари хақида аниқ фикрлар йўқ. Д.Н. Лев Самарқанд макони индустрясининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, уни мустақил самарқанд сўнгги палеолит маданиятига ажратишни таклиф қилган⁴ ва у фикр В.А. Ранов ҳамда Ю.П.Холюшкинлар томонидан қўллаб-қувватланган эди. Ю.П. Холюшкин Самарқанд маконини алоҳида маданий-иктисодий комплекс деб қарайди.

Трасалогик анализлар Самарқанд маконининг генетик келиб чиқишини унга қўшни бўлган мусте даври ёдгорликлари билан боғлаш имконини беради. Самарқанд маконида устун бўлган техниканинг генетик боғлиқлиги унга қўшни бўлган, бироқ анча қадимги ёдгорликларда кузатилади. Гап, сўнгги мусте даврига оид Кўтирубулоқ ҳамда Зирабулоқ хусусида боради⁵.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Кўтирубулоқ ва Зирабулоқ индустрялари асосида Самарқанд сўнгги палеолит маданиятини келтириб чиқарган асосий ва бошланғич пласт ҳисобланади. М.Ж. Жўрақулов ҳамда Е.Н. Амарцеваларнинг кейинги тадқиқотлари ушбу фикрни яна бир бор тасдиқлади. Самарқанд макони билан Кўтирубулоқнинг юқори қатламлари индустрясини параллел елкали йўнилғилар нисбатининг ўсиши ҳамда зарб майдонларнинг кам ҳолларда текисланиши ҳам яқинлаштиради.

Кўтирубулоқ билан Самарқанд маконини уларда қўлланилган хом-ашёнинг ўхшашлиги, чақмоқлаш техникаси, иккиламчи ишлов бериш ва ҳатто, инструментлар таркиби билан ҳам яқинлаштиради. Аммо, Кўтирубулоқда иккиламчи ишлов бериш унинг характерли белгиси бўлса, Самарқанд маконида тош қуроллар анча кам сонли кўрсатгичларга эга. Бундан ташқари, Самарқанд макони индустрясида атайн кесилган пластиналар ҳамда учириндилар сони ҳам жуда кам ва ҳатто, баъзан учрайдиганлари ҳам атайн кесилмаган, балки улар турли хил тош қуролларнинг синиқ бўлакларидир (уларда атайн кесилганлик

¹Ранов В.А. Самаркандская стоянка и ее место в каменном веке Средней Азии // ИАН Тадж. ССР. Отд. общ. наук. №4 /58. 1969. –С. 36;

²Джуракулов М. Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Ташкент; Фан. 1987. –С. 119;

³Борисковский П. И. Предисловие // Лев Д. Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде /Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 135. Самарканд. 1964;

⁴ Лев Д. Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде /Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 135. Самарканд. 1964;

⁵Ташкенбаев Н. Х., Сулайманов Р. Х. Культура древнекаменного века долины Заравшан. Ташкент, 1980; Гречкина Т. Ю. Некоторые итоги исследования Зирабулакской палеолитической стоянки // Археологические работы на новостройках Узбекистана. Ташкент, 1990;

элементлари йўқ). Шундай бўлсада, мусте даврида қўлга киритилган анъаналар Самарқанд маданияти ёдгорликлари индустряларида давом эттирилади.

Самарқанд макони билан Зирабулоқнинг индустрясида ҳам ўхшашликлар мавжуд. Ушбу ҳар иккала тўпламда ҳам призматик нуклеуслар, тўғри қиррали пластина ва пластинкалар, ўйиб-кертиб ишланган қуроллар, қирғичлар, қалин типли қирғиччалар, пайконлар учрайди¹.

Бир вақтнинг ўзида Кўтирубулоқнинг индустряси Самарқанд макониникидан таркибида хаддан ташқари ишлов берилган нуклеусларнинг мавжудлиги, пластинасимон тановорларнинг узунлиги, иккиласми ишлов беришнинг ва қуроллар типларининг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Аммо, бундай тафовутлар маданий-генетик эмас, балки даврий жиҳатдандир. Зирабулоқ билан Самарқанд макони ўртасидаги асосий ўхшашлик ҳар иккала индустряда ҳам йирик, аммо текисланган ва асосан, учбурчак шаклли учириндиарнинг мавжудлигидадир. Бироқ, Зирабулоқ санасининг нисбатан қадимилигига Самарқанд макони тўпламида кам учрайдиган гардишсизмон нуклеусларнинг кўплаб учраши гувоҳлик бера олади. Аммо бу тафовутлар хронологик бўлиб, генетик жиҳатдан Зирабулоқ ва Самарқанд макони бир-бирига жуда яқин.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг палеолит даври археологияси юртимиз тарихининг энг қизиқарли ва мунозараларга бой эканлигини яна бир бор эътироф қилишимиз мумкин. Юртимиз худудлари ибтидоий одамларнинг шаклланиши ва тараққий топишида муҳим аҳамиятга молик масканлардан бири эканлиги бу ердаги мавжуд археологик ёдгорликлар мисолида исботланган. Ҳозиргача Ўзбекистонда палеолит даврининг хронологик шкаласи ишлаб чиқилмаган ва уларни ўрганилиш даражаси турличалигича қолмоқда. Ёдгорликлардан олинган материалларни замонавий услублар ёрдамида тадқиқ қилиш ва уларнинг ўрганилиш даражасини бир-бирига яқинлаштириш бугуннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

**Бобобеков А.Д.
Ўзбекистон Миллий университети**

ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ МИНТАҚАСИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИГА ТАБИИЙ-ШАРОИТ ВА ЭТНОЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари турли табиий ресурсларга бой ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кишилик жамиятининг илк босқичларидаёқ цивилизация тоғ водийларида қадимдан таркиб топиб, тараққий қилган.

Ўзбекистонда тоғлар мамлакат ҳудудининг таҳминан 20 фоизини эгаллайди. Ҳозирги кунда республикамизда 23 “тоғли” қишлоқ туманлари мавжуд. Бу туманлар кўпроқ Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Навоий ва Наманган вилоятларига тегишли ҳисобланади.²

¹Ташкенбаев Н. Х., Сулейманов Р. Х. Культура древнекаменного века долины Заравшан. Ташкент, 1980 –С. 61-66; Гречкина Т. Ю. Некоторые итоги исследования Зирабулакской палеолитической стоянки // Археологические работы на новостройках Узбекистана. Ташкент, 1990;

² Солиев А. Тоғ минтақаларининг иқтисодий ва ижтимоий географияси // Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари (илмий-амалий конференция материаллари). – Т.: 2002. –Б.83;

Сангзор-Зомин минтақаси Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмидаги Сирдарё ва Зарафшон дарёлари водийлари оралиғида жойлашган. Минтақанинг умумий майдони 21,1 минг **км. га** бўлиб, республика умумий майдонининг 4,5 фоизини ташкил этади¹. Минтақа ҳудуди шимол ва шимолий - шарқдан Мирзачўл, ғарб ва шимолий - ғарбдан Нурота тизмалари, жанубдан Туркистон, Моргузар тоғлари билан чегараланди.

Жиззах вилояти тоғли ҳудудларига Бахмал, Зомин, Фориш, Ғаллаорол, Янгиобод туманлари киради ва умумий ер майдони 17,0 минг км²ни ташкил этади.² Зомин, Бахмал, Ғаллаорол ва Фориш туманлари вилоятнинг жануб, жанубий-ғарбий қисмидаги Туркистон, Нурота тизмалари ҳамда Молгузар, Кўйтош, Гобдунтоғ, Қароқчитоғ тоғлари оралиғида ва ён бағирларида жойлашган туманлар ҳисобланади. Мазкур туманлар Жиззах вилояти умумий майдонининг 76,7 фоизини эгаллаган ҳолда, жами аҳоли (974,8 минг киши 2001 йил.) нинг 42 фоизини ўзида қамраб олган.³

Сангзор-Зомин минтақасидаги йирик қишлоқлар асосан тоғ ва **тоғолди** ҳудудларида жойлашган бўлиб, Мўғол, Сартуз, Ойқор, Оққўргон, Богошамол каби қишлоқлар Сангзор водийсида, Ғўбун, Кўкбулоқ, Мирзабулоқ ва бошқа қишлоқлар Ғаллаорол текислигида, Ғаллакаор, Гулшан, Чорвадор, Омонгелди, Қизилқум, Қораобод, Эшбулоқ сингари бир қанча қишлоқлар эса Зомин ва Нурота тоғ олди ҳудудларида тасмасимон қўринишда шаклланган. Қишлоқларнинг бундай ҳудудий ташкил топгани аҳолининг катта - кичик сой ва дарёлар атрофида, дехқончилик ва боғдорчилик учун қулай бўлган сувга яқинроқ бўлган ерларда жойлашишга интилиш дея ҳисоблаш мумкин.⁴

Дарҳақиқат, географик омил этноснинг пайдо бўлиши ва унинг мавжудлигини таъминловчи зарурӣ омиллардан бири ҳисобланади. Шунингдек, “Географик мухит (тупроқ, рельеф, ўсимлик дунёси, табиати, иссиқлик ва шу кабилар)га хос хусусиятлар этнос маънавий маданиятини шаклланишига, унинг руҳиятига ҳам маълум маънода таъсир қиласи. Бу эса шубҳасиз ҳалқларга хос миллий хусусиятларда, урф-одатларда, расм-руsumларда намоён бўлади⁵.

Географик жиҳатдан қараганда тоғлар нафақат майдонининг нисбатан кичикилиги билан, балки ландшафт ва хўжалик тармоқларининг бир томонлама ёки чекланганлиги бўйича ҳам фарқ қиласи.

Тоғолди ва тоғ ҳудудларида асосан чорвачилиқ, лалми дехқончилик ва боғдорчилик ривожланган. Шунингдек, ушбу ҳудудларнинг катта қисмидан чорва яйловлари сифатида ҳам фойдаланилган⁶. Тоғ минтақаларида арzon ишчи кучи кўп, аммо дехқончилик учун яроқли ер ва сув оз, инфраструктура тизимининг яхши ривожланмаганлиги, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш имкониятларини

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. III том. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. -Т.: -Б. 593;

² Ҳайдарова С.А. Жиззах вилояти тоғли ҳудудлари қишлоқларининг ривожланиш хусусиялари. // www.ziyonet.uz.

³ Тожиева З, Астанақулов З, Асқархўжаев Р. Жиззах вилояти тоғ ва тоғолди туманлари геодемографик вазиятидаги баъзи муаммолар // Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишининг географик асослари (илмий-амалий конференция материаллари). -Т.: 2002. -Б.119-120;

⁴ Дала ёзувлари 2010 йил. Жиззах вилояти, Бахмал тумани.

⁵ Аширов А, Атажанов Ш. Этнология. -Т.,2006. -Б.116.

⁶ Ҳайдаров Ҳ.Ҳ. Жиззах вилояти тарихи. -Т... “Мехнат”, 1996. -Б. 11;

чеклаганлиги мазкур ҳудуд аҳолисининг этноиктисодиёти ва этноиктисодий муносабатларининг ривожланишини секинлаштиради ҳамда чеклайди.

Кўпгина жаҳон мамлакатларида айнан тоғликларнинг яшаш даражаси пастлиги, бу ерда юзага келган ижтимоий танглик, ночорлик кишиларни ниҳоятда тежамкор бўлишга, уларни ҳаттто баъзан хавфли йўлларга (гиёхвандлик ҳам асосан тоғ минтақаларидан келиб чиқсан) бошлиши, оила аъзоларининг кўпайиши билан уларни боқиш орасидаги муттаносибликнинг бузилиши, дехқончилик учун яроқли ерлар ва сугориш сувнинг танқислиги, натижада ишсизликни юзага келтириб ёшларнинг иш қидириб “пастга”, текисликка (яъни шаҳарларга ишга ва ўқишга кетиб ўша жойларда яшаш учун қолиши) тушишига мажбур қиласи ва бу эса тоғ минтақаларининг демографик вазиятини ҳам ўзгартиради.

Илмий манбаларда қайд қилинишича, милоддан аввалги 400 йилда дунё аҳолиси 153 миллион кишини ташкил этган. Милоднинг бошида бу кўрсаткич 200-250 миллионни, 1000 йилда – 305, 1500 йили – 440 миллионни ва 2000 йилда 6 миллиардни ташкил этган. 2025 йилда эса дунё аҳолиси 8 миллиарддан ошиб кетиши башорат қилинган¹.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, сайёрамизда аҳоли мунтазам кўпайиб келган. Аҳолининг бундаай тез суръат билан кўпайиб бориши натижасида дунёнинг баъзи ҳудудларида, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда ҳам қатор ижтимоий-иктисодий муаммолар келиб чиқиши табиий, албатта. Улардан асосийлари аҳоли кўпайиб бориши табиий ресурсларга кескин камайишига ва аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш каби муаммолардир. Мазкур муаммоларни ижобий ҳал этилиши биринчи навбатда моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тақоза этади.

Тоғ ва тоғолди туманлари майдони энг йириқ, аҳолиси нисбатан кам сонли, бироқ аҳоли манзиллари миқдори кўп ва аҳолисининг ўртacha зичлик кўрсатгичи пастлиги билан ажralиб туради. Аҳолининг сони йилдан йилга фақат табиий кўпайиш ҳисобига ошиб бормоқда. Масалан, 1970-2001 йилларда аҳоли Бахмал туманида 2,5 мартаға, Фаллаорол ва Зоминда 2,2, Фориш туманида 1,5 баробарга ортганлигини кўрамиз.

Аҳолининг кўпайиб бориши, аввало сувга бўлган талабини ошишига сабаб бўлади. Тадқиқ этилаётган ҳудуднинг асосий сув манбалари Сангзор ва Зоминсув дарёлари, Сайхонсой, Равотсой, Пешағарсойлар ва кўплаб булоқ, чашма, кам сонли коризлар ҳисобланади. Аммо мазкур сув манбалари тоғ ва тоғолди ҳудудларининг сувга бўлган эҳтиёжини қондира олмайди.

Бунга туманлар жойлашган ҳудуднинг катта қисмини тоғ ва тоғолди адирлар, яъни хўжаликда фойдаланиш учун ноқулай ерлардан иборатлиги, қолаверса, майдонининг катталигидир. Аммо шунга қарамасдан, тоғ ва тоғолди туманларида ҳам ўтган йилларга нисбатан аҳоли жойлашувида тобора зичлашиш кузатилмоқда. 2010 йилда олиб борилган дала тадқиқотлари давомида Сангзор дарёсининг юқори оқимида жойлашган Бахмал тумани Оққўрғон қишлоғида яшовчи аҳоли сугориш учун ноқулай бўлган баланд қир ерларга булоқ сувини ҳаво ёрдамида ишлайдиган насос (ахборотчиларнинг сўзларига қараганда уларга Фориш қишлоқлик Ҳамдам инженер ясад берган экан) ва булоқ сувининг босим кучи, қияликни ҳисобга олган

¹ Демографический энциклопедический словарь. –М.: 1985. –С. 72; Населения мира 1998 г. фонд ООН в области народонаселения.

ҳолда резина шаланг ёрдамида унинг сувини 40 метргача баландликка кўтариб ҳам ичимлик ва ерларни суғоришида фойдаланишмоқда¹.

Бунинг оқибатида ҳатто бир вактлар чорва моллари учун муҳим озуқа манбаи бўлган яйловлар ўрнини туарар-жойлар эгаллаб бормоқда. Буни қишлоқ аҳоли манзиллари ва аҳолисининг ортишида ҳам кўришимиз мумкин. Жиззах вилоятида, охирги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, 475 та қишлоқлар мавжуд бўлган бўлса, қишлоқлар сони ва аҳолининг муттасил ошиши ва кенгайиши натижаси ўлароқ бугунги кунда уларнинг сони 561 та (2001 йил) га кўпайди².

Шу билан бирга тоғ қишлоқларининг кенгайиб бориши бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради:

- Биринчидан, аҳоли тобора "юқорилаб", яъни тоғ этакларигача жойлашиб, тоғларнинг муҳофаза худудларигача кириб бормоқда;

- Иккинчидан, аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланадиган қишлоқларда чорва туёғи кўпайиб, табиий ландшафтларга зарар келтиради, доривор ва камёб ўсимликларнинг камайиб ва йўқолиб кетишига олиб келади;

- Учинчидан, аҳоли кўпайиши билан кишиларнинг тоғларга қатнови кўпайиб боради, бу эса ўзига хос табиатга эга бўлган тоғлардаги муҳитнинг ифлосланиши ва бузилишига сабаб бўлади.

- Тўртинчидан, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, аҳоли ўртасида ўзбошимчалик билан янги ўзлаштириб олинаётган ер ва сув ўзи шундок ҳам эҳтиёжи учун етишмаётган кишилар ўртасида жанжалларнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда унумаслигимиз лозимки, тоғлар мамлакатимизнинг эстетик бойлиги ҳисобланади. Шу боис уларни барқарор ривожланиши қонуниятларига биноан, келажак учун асранимиз лозим. Бу ерларда туризм, хусусан агро ва экотуризмни ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

**Бодиров Абдураҳмон, Бодирова Зарина
СамДЧТИ академик лицей**

XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА САМАРҚАНДДАГИ ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ ВА ЎРГАНИШДА- САМКОМСТАРИСНИНГ ЎРНИ

Қадимий ва навқирон Самарқанд жаҳон маданияти ёдгорликлари сақланиб қолган шаҳарлардан биридир. Ўзбек халқи Самарқанднинг қадимги бинолари ва турли хил иншоотлари билан фаҳрланишга ҳақлидир. Регистон, Шоҳи Зинда, Гўри Амир ва бошқа улуғвор ҳашаматли ёдгорликлар Ўрта Осиё халқлари маданий хаётининг ажойиб анъаналаридан далолат бериб туради.

Ўлкамизда советлар бошқаруви ўрнатилгандан кейинги йилларда ҳам маданий меросимизни кўз қорачигидай асраш ва уни ўрганиш ишлари давом эттирилганлигини кўришимиз мумкин.

¹ Дала ёзувлари 2016 йил. Жиззах вилояти, Бахмал тумани. Оққўрғон қишлоғи.

² Тожиева З, Астанақулов З, Аскархўжаев Р. Жиззах вилояти тоғ ва тоғолди туманлари геодемографик вазиятидаги баъзи муаммолар // Тоғ ва тоғолди худудларидан фойдаланишининг географик асослари (илмий-амалий конференция материаллари). –Т.: 2002. –Б.120;

Бу даврда Самарқанддаги ёдгорликларни асрашга алоҳида эътибор берилди, чунки республика меъморчилигининг асосий ёдгорликлари Самарқанд шаҳрида жойлашган эди. 1919 йилнинг бошларида ёдгорликларни бузилишидан сақлаш ва уларни мумкин қадар тиклаш чораларини қўриш мақсадида шаҳар ижроия комитети, халқ хўжалиги кенгаши, партия ташкилоти ва рассомлар вакилларининг кенгаши бўлди.

Ўша вактда В. Л. Вяткин, Б. Н. Кастальский, Д. М. Иофан, меъмор ва рассом Курби (Самарқанд область ревкомидан) Абдуқодир Бокиев, Тилла Рахматуллаев, И.С. Казаков, Д.К. Степанов, А.Татевосян, М.А.Вербов ва бошқалардан иборат Самарқанд комиссияси тузилди. Комиссия ишига меъморлардан М. Ф. Мауэр, И.И. Сосновский, Д.Д. Зуев, ўша кезларда Самарқанд музейининг мудири бўлиб фаолият кўрсатган М. Е. Массон ва бошқалар ҳам жалб этилган эди.

Шундай қилиб, қадимги замонлардан қолган биноларни тузатиш ва тиклаш борасидаги илгари қўлланилган тажриба тариқасидаги иш усуллари ўрнини астасекин тарихий биноларни илмий асосда, истеъодли халқ усталари ҳамда маҳаллий халқ орасидан етишиб чиқкан тажрибали меъморлар билан ҳамкорликда реставрация қилиш ва бузилишдан сақлаш ишлари эгаллади.

1921 йил 12 январда В.Л.Вяткин раислиги остида Самарқанд қадими ёдгорликлари ва санъат обидаларини сақлаш ва реставрация қилиш комиссияси тузилиши муносабати билан бу иш илмий асосда кенг қулоч ёйди.¹

Масалан, 1924-1925 йилларда Шердор мадрасасида катта пештоқ арки янгидан қурилди. 350 квадрат метр томга янги темир-бетон плиталар ёпилди, деворлари мустаҳкамланди, жунубий деворидаги дераза ён шувоқлари янгиланди. Гўри Амир мақбарасида ер ости ва тобут устлари янги темир бетон билан қопланди: ҳаробалар территориясида Оқ сарой қулаб тушишидан сақланиб қолинди. Бу билан ундаги жуда қимматбаҳо суратлар бутунлай ҳароб бўлишдан кутқариб қолинди; мозаика ва рельеф нақшлар текширишдан ўтказилди². 1925 йилнинг ёзида Темур даврига оид Самарқанд шаҳрига яқин Чўпонота ёдгорлиги қайта тикланди ва таъмирдан чиқарилди.

Реставрация қилиш ишларини архитектор Б.Н.Засипкин раҳбарлиги остида ўзбек усталари олиб бордилар, бу ишларда машҳур Самарқанд меъмори, уста Абдуқодир Бокиев иштирок этди. Бу даврда меъморчилик ёдгорликларини меъморий – иш усул жиҳатдан рўйхатга олишга алоҳида эътибор берилди. Бунда бирон бинонинг катталигини аниқ ҳужжатлар билан қайд қилиш ва унинг ташки кўриниши, ўрнашган жойи, қурилиши, қандай материал билан пардоз берилганлиги, қандай сақланиб қолганлиги ҳам белгилаб чиқилди.

Ёдгорликларнинг бунёд бўлган вақти, унга асос солган ва қуришда иштирок этганларнинг номлари аниқланди, тегишли ёзма ва оғзаки маълумотлар тўпланди. Бинолардаги ёзувлар суратга олиниб, таржима қилинди, чунки у ёзувларни ўқиб, тушиниб олмасдан туриб, уларнинг саналарини аниқлаш мумкин эмасди. Қадими биноларга ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш ишларига ҳам худди шу йиллари киришилди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети 1924/25 хўжалик йилида қадими ёдгорликларни қайта тиклаш ва сақлаш бўйича Самарқанд Комиссиясига Самарқанддаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаш ишларига тақчил бюджетдан 60000 сўм ажратади. Шундан 3600 сўми илмий ўрганиш ишларига эди.

¹ Самарқанд тарихи. 2 томлик. II том. Масъул мухаррир И. И. Мўминов. Т., “Фан”, 1970. – Б. 397.

² Самарқанд вилоят давлат архиви (Самарқанд ВДА). 1762-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, 2-3-вараклар.

Самарқанд қадимий ёдгорликлари ва санъат обидаларини сақлаш ва реставрация қилиш комиссияси (Самкомстарис) ажратилган 60000 сўмни тарихий ёдгорликларни тўлиқ таъмирлашга етмаслигини ҳисобга олиб, биринчи навбатда биноларни томини тамирлашга ва Шердор мадрасасини тўлиқ таъмирлашга қарор қиласди.¹

Самарқанд усталари халқ меъморчилигининг номояндаси, Тиллакори мадрасаси қошидаги дастлабки илмий реставрация устахоналарини очишда муҳим роль ўйнаган машҳур халқ устаси Абдуқодир Бокиев номини ҳозирги кунларда ҳам эҳтиром билан тилга оладилар. Уста Абдуқодирнинг камтарин одамийлиги шундан ҳам кўриниб турибдики, у ўз раҳбарлиги остида қурдирган биноларнинг биронтасида ҳам ўзининг қатнашганлигидан нишона қолдирган эмас. Самарқанднинг турли жойларида уста Абдуқодир қурган 30 бинодан биронтасида ҳам унинг номи кўрсатилган эмас. Фақат қадимий Афросиёб остонасида қурилган Ҳазрати Ҳизр масжади минорасига унинг шогирдлари гултасталар орасига коллиграфия усули билан “Амали Уста мулла Абдуқодир ибн Бокий Самарқандий” деган ёзувни тасвирлаб қолдирганлар. Уста Абдуқодир Самарқандаги тарихий ёдгорликлардан Улуғбек, Шердор мадрасаларини реставрация қилишга катта ҳисса кўшган.

Мирзо Улуғбек мадрасасининг шимоли-шарқий минорасини тўғрилашга қаратилган чоралар Узкомстариснинг бутун фаолиятини маълум мақсадга қаратилганлиги ва самарали жойлигини кўрсатадиган ёрқин мисолдир.

Маълумки, миноранинг (мадраса пештоқидан 2 метрга) оғиб қолганлигини В.Л. Вяткин 1916 йилда аниқлаган эди. 1918 йилда Самарқанд муҳандиси М.Ф. Мауэрнинг лойиҳасига мувофиқ минора ерга кўмилган ёғоч лангарга ўрнатилиб темир арқонлар билан тортилиб, қийшайишдан тўхтатилган эди. Бир йилдан сўнг оғирлиги 800 тонна, баландлиги 36 метр бўлган минорани тўғирлаш мумкинлиги аниқланди. 10 метр баландликда флексиметр ўрнатилиб, унинг ёрдамида миноранинг ҳолати кузатилиб борилди, тиклаш учун турли лойиҳа ва чизмалар тузилди.²

1926 йилда эски лангарлар ўрнига янгилари ўрнатилди. 1927 йилда пойдевори тозалангандан кейин миноранинг соколи темир-бетон халқа орасига олиниб, ўрта қисмига Шуховнинг винт конструкцияси жойлаштирилди. Шундан кейин миноранинг юқори ва ўрта қисмига ясалган сунъий пойдеворга қўш рельслар ўрнатилди.

Миноранинг тикланиши ишларига самарқандликларнинг қандай қизиқиб қараганлигини Узкомстариснинг ўша вақтлардаги илмий котиби Я.Ф. Ғуломовнинг “Социалистик фан ва турмуш” журналида босилган “Миноранинг тикланиши” номли мақоласидан кўрса бўлади: “1932 йил январь кунларидан бирида, - дейилганди бу мақолада, - қор билан қопланган Регистон майдонига жуда кўп халойиқ тўпланган эди. Ҳозир минорани тиклашади, деган гап ҳамманинг оғзида эди. Нихоят ричаг винтларини бураш ҳакида буйруқ берилди” Саккиз юз тонналик каттакон минора механизмлар ёрдами билан осонгина қўтарилиб, 20

¹ Самарқанд ВДА. 1762-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, 20-варак.

² Самарқанд тарихи. 2 томлик. II том. Масъул муҳаррир И. И. Мўминов. Т., “Фан”, 1970. – Б.402.

минутда тик ҳолга келтирилди. Реставрацияда қатнашганларнинг ҳисобига кўра, миноранинг ричагидаги оғирлиги жуда оз, бир неча килограмм экан, холос.¹

Ўзбек шеъриятининг сultonи Алишер Навоий туғилган куннинг 500 йиллигига тайёргарлик кўриш муносабати билан Юбилей комиссиясининг топшириғига асосан XV аср меъморчилигининг Самарқанддаги тарихий ёдгорликларини ҳар жиҳатдан илмий тадқиқ қилиш ишлари бошланиб, бу ишлар фашистлар Германиясининг собық Иттифоқ худудига бостириб киргунга қадар давом этди. Жумладан, Ишратхона мақбарасида (М.Е.Массон, Г.А. Пугаченкова), Бибихоним (Я.Ф.Фуломов), Чилстун харобалари, Чўпонота мақбараси (Я.Ф.Фуломов), Улугбек расадхонаси, Гўри Амир мақбараси ва бошқаларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Бунда қадимий ёдгорликларнинг факат тарихигина ёритилмасдан уларнинг қўриқлаш ҳолатлари ҳам текширишдан ўтказилди.

**Гаффоров Ш.С.
Самарқанд Давлат тиббиёт институти**

ЧОР РОССИЯСИННИНГ ТУРКИСТОНДА ТАЪЛИМ БОРАСИДАГИ СИЁСАТИ

Абдуллахон давридаги Бухоро, Амир Умархон давридаги Кўқон, Муҳаммад Феруз давридаги Хива хонликларида амалга оширилган фан ва маданият, таълим ва тарбия соҳасидаги ислоҳотлар бу соҳаларда жаҳон талабларидан орқада қолмаганлигимизнинг далилидир. Мана шундай бир вазиятда XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинди. Маҳаллий халқлар устидан ҳукмронликнинг мутлақо янги тизими вужудга келди. Бу эса ўша пайтларда ҳудудда 200 дан ортиқ мадрасалар мавжуд бўлган таълим тизимига муайян ўзгартишлар киритилишга сабаб бўлди.

ХVIII-XIX асрларда Туркистонда содир бўлган сиёсий ва иқтисодий тушкунлик илм-фанга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бу тушкунлик охир оқибат ўлкани Россия империяси томонидан босиб олинишига олиб келди.

Туркистон Россия томонидан босиб олганидан сўнг айрим рус тарихчилари, амалдорлари ва зиёлилари ўлкани ўқув тизимлари билан қизиқсанлар ва бу ҳақда публицистик мақолалар ёзишганлар.

Бу хусусда берилган хабарлар ичida В.П.Наливкин, П.А.Хорошкин, К.Е.Бендриков қайдлари ўзининг кенг қамровлиги, аниқлиги ва далилларга бойлиги билан алоҳида ажralиб туради.

"Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларидаги, - дейди В.П.Наливкин ўз хотираларида, мадрасаларнинг умумий сони 189 та бўлиб, шундан Фарғонада 118 та, Самарқандда 50 та Сирдарё вилоятида эса 21 та мадраса жойлашгандир. Мадрасалардан Кўқонда 34 таси, Марғилонда 25 таси, Самарқандда 22 таси, Андижонда 18 таси, Наманганда 14 таси, Тошкентда 14 таси ва 10 таси Хўжанд шаҳрида бино этилган"².

¹ Рахматуллаев Ю. Р. Выдающейся применения советской инженерной техники (Выпрямление минорета медресе Улугбека) Общественные науки в Узбекистане. 1963, №1. – С. 57-60.

². Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадрасе Сыр-Дарьинской области в 1890-91 учебному году. 1916 г. стр. 49-60.

П.А. Хорошкин ўзининг "Туркистон ўлкасига тааллуқли мақолалар тўплами"да Хива хонлиги ва Бухоро амирилиги ҳудудларида таҳминан 200 та шундай мадрасалар фаолият кўрсатганлигини таъкидлаб ўтади¹.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ўлкада илк ўрта асрларда асос солинган мадрасалар билан бир қаторда, Чор ҳукумати истилоси арафасида ва истило давларида ҳам янги мадрасаларнинг қурилиб, ишга туширилганлиги ҳақидаги маълум далиллар ўлкада ҳар қандай оғир ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда ҳам илм олишга бўлган интилиш ва муҳаббатнинг сўнмаганлигидан дарак беради. Бу ҳақда К.Е.Бендриковнинг тубандагича берган маълумотлари фикримизни тўлиқ асослай олади. У шундай дейди: "Фарфона-Андижон уезди: Қорасувда (1862 йилда), Қорачинос, Қўқонқишлоқда (1865 йилда), Тошкичик, Хайрободда (1841) йилда мадрасалар очилган. Қўқон уезди: Бувайда волостида Туркак мадрасаси, Риштонда янги мадрасалар қурилган. Марғилон уездининг Водил, Қува, Яккатут, Асака, Учқўргон, Чимён ва Шахрихон каби туманларида янги мадрасалар очилган. Намангандининг Косон, Тўракўргон, Чуст, Янгикўргон қишлоқларида ҳам янги мадрасалар бунёд этилган. Булоқбошида 1859 йили, Хўжаободда 1855 йили мадрасалар иш бошлаган. Самарқанд вилоятининг Каттақўргон уездининг Пайшанба қишлоғида 1891 йили, 1877 йилгача Ургутда олтига мадраса очилган. Сирдарё вилоятининг- Абдиқ волостида 1848 йилда, Бўқада 1863, 1870 йилларда, Зангиотада 1835 йилдан то 1850 йилгача 3 та мадраса очилган экан. Тошкент уездининг Култепа қишлоғида 1840 йилда, Пскентда 1875 йилларда, Чинозда эса 1874-1878 йилларда янги мадрасалар фаолиятини бошлаган"². Мазкур муаллифлар мадрасаларнинг иқтисодий жамгармалари, келтирган даромадлари, вакф мулклари хусусида ҳам муайян далилларни ўз асарларида келтириб ўтганларки, бу фикрлар асосида у ёки бу мадрасанинг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар, ўқитиш ишларининг сифат даражаларини ҳам илғаб олиш мумкин. Қайси мадрасада даромад кўп бўлса, демак, унда ўқув жараёни яхши йўлга қўйилган, ташкилий масалалар тўғри ҳал этилган. Энг асосийси, аҳолининг эътиборига тушган бундай мадрасаларга халқнинг бой қисми болаларини ўқитишга бериш билан бир қаторда, ўз шахсий даромадларидан эҳсон ҳам хадя этганлар. Бу жиҳатлар хусусида К.К.Паленнинг келтирган маълумотлари эътиборлидир. Унинг ревизияси ҳисботларининг 120-121 саҳифаларига назар ташланилса, бу масалалар мадрасаларнинг моддий аҳволи ҳақида равshan ва лўнда фикру далиллар кузатилади. Унда муаллиф, жумладан, шундай маълумотларни беради. Сирдарё вилоятидаги мадрасаларнинг умумий сони ўттиз иккита бўлиб, шундан 23 таси шаҳарларда ва 9 таси қишлоқлarda жойлашгандир. Бу мадрасаларнинг вакф мулкларидан оладиган даромадлари унча катта бўлмай, энг бой ҳисобланган Тошкентдаги Хўжа Ахрор мадрасаси йилига 3100 сўм микдорида даромадга эгадир³.

1892-93 ўқув йили Самарқанд вилоятининг ревизиясига кўра, вилоятда 58 та мадраса мавжуд бўлиб, улардан 40 таси шаҳарларда ва 18 таси қишлоқларда жойлашган. Вилоят барча мадрасаларининг ўртacha йиллик даромади 28555 сўмни ташкил қиласди. Уларнинг ичиди ўн иккита мадраса 2000 сўмдан ортиқ даромадга эга бўлса, еттига мадраса 100 сўмдан 2000 сўмгача даромадга эгадир. Шундан 9 та мадрасанинг эса ҳеч қандай даромади йўқдир⁴. Келтирилган далиллардан шу нарса

¹ Хорошкин А.П. Туркистон ўлкасига тааллуқли мақолалар тўплами. СПБ 1876 , с. 41 (русча)

² Бендриков К.Е.. Очерки истории народного образования в Туркестанском крае. 1961 г. с. 75.

³ Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по величайшему повелению сенатором графмейстером, графом К.К.Паленом (VII) Учебное дело. Спб., 1910, 120-121 бетлар.

⁴ Отчет по развитии Туркестанского края, произведенный по величайшему повелению сенатором графмейстром графом К.К. Паленом. 1910г. Учебное дело. С. 124-126.

кўзга ташланадики, ўлкадаги мадрасалар фаолияти ҳам иқтисодий, ҳам маърифий томонлардан бир-бирида кескин фарқланган.

Энди анъанавий мактаблар ва мадрасаларнинг ўқитиш жараёни ва дастурлари нималарга асосланган? деган савол туғилади. Бу ҳақдаги С.М.Граменицкийнинг қайдлари диққатга сазовор. "Маҳаллий халқа,- дейди у,- шу жойнинг хат-саводини ўргатиш иши Туркистон ўлкасида жуда қадимдаёт ғоят кенг тарқалган. Ўлка босиб олингач, руслар бу ерда жуда кўп мактаблар борлигини кўрдилар, уларда араб алфавитидаги она тили ўқитилишига, хат-саводни эгаллаш мусулмон дини билан уйғунлашиб кетганлигига гувоҳ бўлдилар"¹. Мактаб ва мадрасаларда дастлабки ўқиш ишлари болаларга ҳарфларни ўргатиш билан бошланган. Ҳарфлар тўлиқ ўзлаштирилгач, араб тилида Ҳафтияқ, кейин эса форс тилида Чор китоблар ёд олинган. Юқори синфлар учун эса Бедил, Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Алишер Навоий, Сўфи Аллоёр каби классик ижодкорлар асарлари мутолааси ўргатилган.

Ўлка билим юртлари бош инспекторининг 1902 йил Россия Маориф министрлигига ёзган хатида мактаб ва мадрасаларнинг ўқув тизими усуслари тўғрисида янада қаноатланарли мулоҳазалар юритилган. Ҳусусан, хатда шундай фикрлар мавжуд: "...мусулмонлар худди Европа Россияси, Сибирдагидек ўзларининг мактаб ва мадрасаларида билим олаётирлар. Мактаб ва мадрасалар халқ турмушида муҳим аҳамият касб этади ва ёш авлодга муайян йўналишлар беради... Биздаги мактаб ва мадрасалар қайси тартибга кўра ташкил топган? Бизнинг жойларда бу мактаблар аксар маҳаллий шароитлар тақозосига кўра ташкил кўринишдаги жузъий ўзгаришни айтмаганда, Бухородагидан деярли ўзгаришсиз жорий этилган.

XIX аср охирларига келиб бу мактабларнинг биронтасида табиий фанларнинг ўқитилмаганлиги ҳам ажабланарли ҳолдир. Ҳусниҳат ва ёзиш санъати болаларга пухта ўргатилганлиги айrim мактаблар ҳақида келтирилган маълумотларда учрайди. Лекин айrim қишлоқ мактаблари ўртасида ўқитиш ишларида сифат жиҳатидан фарқлар сезилади.

Сенатор К.К. Пален юқорида номини зикр этганимиз китобида мадрасалардаги ўқишни уч босқичга бўлади.

Биринчи босқич - "Одна" деб юритилиб, бу босқичда толиблар 2, 4, 5 йил ўқишган. Дарслар асосан араб, форс тилларида олиб борилган. Бу йилларда араб тили грамматикаси, форс тили ўрганилган. Араб тилидаги "Занжони", "Ихлаби", "Авомил", "Ҳаракат", "Кофия" (унинг шарҳи ҳисобланган "Шарҳ - мулла" ҳам) ва форс тилидаги "Аввали илм" каби асарлар мутолаа қилинган.

Иккинчи босқичда - толиби илмлар фиқҳ масалалари билан машғул бўлиб, ислом конуншунослигидан сабоқ олганлар.

Учинчи босқичда "Шамсия" ва унинг шарҳи ҳисобланган "Ҳошия" ҳамда "Мушкилот" ни ўргангандар.

Шунингдек, "Ақоид" (догматика), "Таҳзиб" (диалектика) "Ҳикматул-айн" ва астрономияга оид асарларни ўқиганлар, космографияга бағишлиланган умумий билимлар олишган. Мантиқ фанига ҳам эътибор қаратилиб бу соҳа бўйича: "Тавзих", "Ҳадис", "Қиёс" ва "Тавсифи қози Бойзавий"лардан маъruzалар тингланган. Фиқҳ ўрганувчилар учун эса кўпроқ қўйидаги китоблар дастур вазифасини ўтаган: "Фиқхи Кайдони", "Мухтасар ул-виқоя", "Ҳидояи шариф" ва бошқалар.

Толиблар илми ҳисоб ва тиббиёт билан ҳам шуғулланганлар. Айниқса, классик шоирларнинг ғазаллари ва достонлари қунт билан ўқитилган.

¹ Граменицкий С. М. Положение инородческого образования в Сырдарынской области. - Ташкент, 1916 . с. 54.

Ўқув йили октябрда бошланиб, апрелда тугаган. Ўқиши ҳафтанинг тўрт куни: якшанба, душанба, сешанба ва чоршанба кунлари олиб борилган. Рамазон ва Қурбон ҳайитларида икки ҳафталик таътиллар берилган.

Навбатдаги масала мустамлакачи маъмурларнинг Туркистон маориф тизими жабхасида олиб борган сиёсатига аниқлик киритишдан иборат. Юқорида таъкидланганимиз каби, Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори К.П. Фон Кауфман мамлакат маориф тизими билан ҳам шахсан ўзи шуғулланди. У ўлкада маориф ишларини қай тарзда йўлга қўйиш мақбуллигини билиш мақсадида миссионерлар учун Проваслав черков мактабларининг ташкилотчиси, Волгабўйи, Бошқирдистон, ва Қозоғистон даштларидағи аҳолини руслаштириш бўйича бир қанча самарали тадбирларни амалга оширган. Н.И.Ильминскийга маслаҳат ва йўл-йўриқ сўраб мурожат этади. К.П.Фон Кауфман Н.И.Ильминскийга Туркистонга келиб маҳаллий шарт-шароитларни ўргангандан сўнг, ўқитиш ишларининг аниқ бир режа йўналишини ишлаб чиқишига даъват этади. Ана шу таклифга биноан Н.И.Ильминский 1868 йилнинг баҳорида К.П.Фон Кауфманга бир қатор хомаки режа ва фикрлар битилган хатни юборди. Н.И.Ильминскийнинг таклифларида Ўрта Осиёдаги маориф ишларини кенг кўламда миссионерлик йўли билан олиб бориш кераклиги уқтирилади. Бундан кўзланган мақсад эса, маҳаллий мусулмон мактабларини эҳтиёткорлик билан насроний типидаги мактабларга айлантириш эди.

Н.И.Ильминский Туркистонда маориф тизими режаларини ишлаб чиқиб уни амалиётга тадбиқ этиш мушкуллигини ҳис қиласида ва 1869 йилнинг август ойида генерал-губернатор Кауфманга рад жавоби билдирилган ўз хатини йўллайди. Орадан ўн беш йил муддат ўтгач, Н.И.Ильминский обёр-прокурор Победоносцевга ёзган хатида бу воқеани шундай ҳикоя қиласи: "1869 йили Туркистон генерал-губернатори К.П.Фон Кауфман граф Д.А.Толстойдан мен ҳақимда эшитгач, ҳар хил йўллар билан мени Туркистон ўлкасига бир йилга келиб, маҳаллий ҳалқнинг ижтимоий ҳаёти ва ўзига хослиги билан яқиндан танишгач, ўлка ҳалқ таълимими ташкил этишга доир мутахассис маслаҳатини беришимни ва қўлланмалар тузиб беришимни кистай бошлади. Нима бўлди дeng? Мен бу таклифларни қатъяян рад этдим, чунки кўрқиб кетган эдим. Ва генерал К.П. Фон Кауфманга соғлигим ёмонлашгани ва кучим етмаслиги ҳақида ўзимни ерга урувчи кўз ёшли хат ёзишига мажбур бўлдим"¹.

Шундан сўнг Туркистон маъмурлари бу ишни ўз кучлари билан ҳал қилишга киришадилар. 1870 йилда ўқув ишларини ташкил этиш бўйича алоҳида Комиссия тузилди. Комиссия хulosасига кўра, ўлкадаги ҳалқ таълими Россия империясининг манфаатларига бўйсундирилиши керак эди. Шу билан бирга маҳаллий диний қарашларига ҳеч қандай тазиик ўтказилмаслиги таъкидланиб, маҳаллий мусулмон мактаблари рус хукуматининг ёрдамига умид қилмаслиги назарда тутилди.

Чоризмнинг Туркистон ўлкаси маориф тизими билан боғлиқ сиёсати то охирги генерал-губернаторгача шу таҳлит давом эттирилди. Шу туфайли Туркистоннинг барча генерал-губернаторлари ўлка мусулмонларининг миллий урф-одат ва анъаналарини ўзгартирадиган, алоҳида норозилик кайфиятларини уйғотадиган жиддий ислоҳотларни ўтказишга журъат этмадилар. Кўп йиллар миллий мактаб ва мадрасаларга муносабат факат маъмурий назорат билан чекланади, холос.

Шундай қилиб, мадраса ва мактабларнинг замонавий талаблар даражасига мослаҳтириш тўғрисидаги ислоҳотлар биринчи генерал-губернаторлик даврида ўз ечимини топмади. Аста-секин бу ишни амалга ошириш учун баъзи туб жой ҳалқ вакиллари жонбозлик кўрсата бошладилар.

¹ Знаменский Т.В.. Участие Н.И. Ильминского в деле инородческого образования в Туркестанском крае. 1900 г. стр. 113-114.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АРХИВ ФОНДИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЖАМЛАШ ХУСУСИДА

Миллий архив фондини жамлаш - архивлар, идоравий архивлар ва жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатларини доимий равишда уларга тегишли илмий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар билан тўлдиришни ўз ичига олади.

2010 йилда тасдиқланган «Архив иши тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, давлат архивлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг фаолияти натижасида яратилган архив ҳужжатлари, шунингдек улар томонидан олинган ёки уларга нодавлат корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар топширган архив ҳужжатлари билан жамланиши айтиб ўтилган¹.

Архив ҳужжатларини жамлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлган жараён бўлиб, бу ишда давлат архивларининг манбаларини, ҳужжатлари қабул қилинадиган ташкилотларни бехато аниқлаш, ҳужжатлар қимматдорлигининг экспертизасини қоидали ўтказиш, илмий, тарихий аҳамиятга эга бўлган барча ҳужжатларни тўла танлаб олиш, идораларда тартибга солинган ҳужжатларнинг сақланишинини таъминлаш ва белгиланган муддатда давлат архивлари томонидан қабул қилинишининг аҳамияти каттадир.

Давлат архивларини жамлаш қўйидаги масалаларни ўз ичига олади:

1. Давлат архивларини жамлаш манбаларини аниқлаш.
2. Давлат сақловига қабул қилиниши керак бўлган ҳужжатлар таркибини аниқлаш.
3. Давлат архивларига ҳужжатлар қабул қилиш.
4. Давлат архивлари ўртасида ҳужжатларни тақсимлаш.

Ўз фаолияти жараёнида илмий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар вужудга келтирадиган ташкилот, муассаса, корхона ва шахслар давлат архивларини жамлаш манбалари ҳисобланади. Давлат архивларини жамлаш манбалари - ташкилотларни аниқлаш қўйидаги қоидаларни ҳисобга олиш асосида амалга оширилади:

1. Ташкилотнинг ҳокимият ва бошқарув органлари тизимида, тармоқ идоралари тизимида аҳамияти.
2. Ташкилот фаолиятининг юқори органлар ва бошқа идоралар ҳужжатларида акс этишининг тўлалиги.
3. Ташкилот ҳужжатларининг давлат архиви йўналишига тўғри келиши.

Ҳужжатларнинг давлат сақловига қабул қилиниши лозим бўлган шахслар таркибини аниқлашда қўйидагилар ҳисобга олинади: шахснинг фан, маданият, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожланишига қўшган ҳиссаси, шахснинг жамият ҳаётининг буюк воқеаларини иштирокчиси ёки гувоҳи сифатидаги роли.

Давлат архивларини жамлаш белгиланган ташкилотлар (шахслар) -жамлаш манбалари асосида амалга оширилади. Ҳар бир давлат архиви ўзларининг архивлари қабул қиласиган тегишли ташкилотларни аниқлайдилар ва улар рўйхатини тузадилар. Масалан, Тошкент шаҳар давлат архивининг жамлаш манбаи

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июнданги № ЎРҚ-252 “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни. 5-боб. 20-модда.

рўйхатида 1974-1976 йиллари (Тошкент вилояти архиви билан бирга) 210 та ташкилотлар жой олган бўлса¹, хозирги кунда архивнинг жамлаш манбаига 300 дан ортиқ² ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар киритилган бўлиб, ушбу ташкилотларнинг идоравий архивларига иш юритиш, архив фаолияти бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатилиб келинади. Бундан асосий мақсад идоравий архивларда сақланаётган Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатларининг тарихан таркиб топган ва доимо бойитиб бориладиган Миллий архив фонди ҳужжатларини, шахсий таркиб ҳужжатларини ҳамда вақтинча сақланаётган ҳужжатларнинг хисобини юритишидир.

Архив ҳужжатлари давлат архивларига топширилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини тузиш тартиби "Ўзархив" агентлиги томонидан белгиланади³. Аҳамияти йўқ ҳўжалик идоралари ҳужжатлари давлат архивлариға қабул қилинмайди ва бундай идоралар қабул қилинадиган ташкилотлар рўйхатига киритilmайди.

Давлат архивлари жамлашни тўғри ташкил қилиш мақсадида ташкилот архивига унинг бўлимларидан ҳужжатларнинг вақтида топширилишини, унинг тўлалигини, материалларни тартибга солинганлигини доимий равишда назорат қилиб боради. Агар материаллар тўла сақланмаган ёки йўқолган бўлса, у ҳолда уларни қидириш ва тўлдириш бўйича зарур чоралар кўради.

Архив ташкилотлари шахсий фондларни қидириб топиш, хисобга олиш чораларини кўради ва бундай ҳужжатларни давлат сақловига топшириш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боради.

Давлат сақловига қабул қилинадиган ҳужжатлар таркиби ҳужжатлар қимматдорлигини экспертиза қилиш жараёнида аниқланади.

Давлат архивлари ҳужжатларни идоравий архивлардан ҳужжатлари давлат сақловига қабул қилинадиган ташкилотлар рўйхати асосида қабул қиласи.

Давлат архивлари томонидан тутатилган ташкилотларнинг ҳужжат-лари муддатидан олдин қабул қилинади. Шахсий ва оилавий ҳужжатларни давлат архивлари томонидан қабул қилиш масаласини эксперт-текширув комиссияси (ЭТК) ҳал қиласи. ЭТК мажлисида шахсий ҳужжатлар эгасининг аризаси, ҳужжатлар рўйхати, давлат архиви эксперти ёки мутахассиснинг ҳужжатлар қимматдорлиги тўғрисидаги хуносаси кўриб чиқиласи.

Ташкилотлар ҳужжатлари давлат архивлариға ЭТК тасдиқлаган рўйхат бўйича топширилади. Ҳужжатларни давлат сақловига қабул қилиш қабул-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Хуносас ўрнида шуни айтиш мумкинки, архивлари тўғри жамлаш давлат архивлари таркибини сифатли шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Тўлиқ ва юқори сифатли жамланган архивларда ҳужжатлардан илмий ишларда фойдаланиш яхши самара беради.

¹ ТШДА. 397-Ж., 1-Р., 1-й.ж., В. 3.

² ТШДА жорий архиви. Тошкент шаҳар Архив иши ҳудудий бошқармасининг Тошкент шаҳрида архив ишини ривожлантиришнинг 2017 йил учун хисоботи.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги № ЎРҚ-252 "Архив иши тўғрисида"ти Конуни. 5-боб. 20-модда.

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТОХАРИСТОН ВА КОБУЛ ВОДИЙСИДА ТУРКИЙ СУЛОЛАЛАР: МУАММОНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида турклар мавзуси юзасидан дастлабки илмий изланишлар даставвал ғарбда XIX асрнинг охириларида бошланган. Бу бевосита ғарб тарихшунослигига айрим хитой ва мусулмон манбаларининг Европа тилларига таржима қилиниши билан боғлиқ эди. Табиийки, ушбу тадқиқотлар бевосита илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида туркий сулолалар мавзусига тегишли мустақил тадқиқот бўйлансдан, турли тиллардаги манбалар таржимасида келтирилган катта-кичик изоҳларда ўз аксини топган. Масалан, Э. Захай¹ (Берунийнинг “Ҳиндистон” асарини таржима қилган), Э. Маркварт² (арман манбаларидан таржималар амалга оширган), Э. Шаванн³ (хитой йилномаларидан Ғарбий туркларга оид маълумотларни таржима қилган), С. Бил⁴ (Сюан Цзан саёҳатномаси ва биографиясини таржима қилган), В. Фукс⁵ (Хой Чао саёҳатномасини таржима қилган)нинг тадқиқотлари шулар жумласига киради. Юқоридагилар каторида З. Нёлдекенинг Табарий асари асосидаги сосонийлар даврида араб ва форслар тарихи ҳақидаги китобида⁶ ва араб манбалари асосида Марказий Осиёнинг араблар томонидан эгалланиши ҳақида Х.А.Р. Гибб⁷нинг тадқиқотида мазкур мавзуга тегишли парчалар мавжуд.

Илк ўрта асрларда Амударёдан жанубда жойлашган ҳудудда туркий сулолалар бошқаруви ўрнатилиши ва туркий қабилалар ҳудуд ахолисининг маълум бир бўлagini ташкил қилгани хусусида фикрлар акс этган тадқиқотларнинг шаклланиши ўтган асрнинг сўнгги чораги билан боғлиқ бўлиб, улар ичида покистонлик тарихчи А.Рехманнинг “Шохийларнинг сўнгги икки сулоласи”⁸ номли монографияси диққатга сазовордир. Бироқ у фақатгина илк ўрта асрларда Кобул водийсида хукм сурган Кобулшоҳлар ва Зобулдаги Рутбиллар ҳақидаги манбалардаги мавжуд маълумотларни яхлит ҳолга келтирган. Китобда Тохаристон

¹ Alberuni's India. An account of the religion, philosophy, literature, geography, chronology, astronomy, customs, laws and astrology of India about A.D. 1030. Edited in the Arabic original by Dr. E. Sachau. – London: 1887.

² Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin: Weidmannsche Buchhandlung, 1901.

³ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903.

⁴ Beal S. Si-yu-ki. Buddhist Records of the Western Worlds, translated from the Chinese of Hiuen Tsiang (A.D. 629). In two vol. Vol. I. – London: Trübner & Co., Ludgate Hill, 1884; Beal S. Si-yu-ki. Buddhist Records of the Western Worlds, translated from the Chinese of Hiuen Tsiang (A.D. 629). In two vol. Vol. II. – London: Trübner & Co., Ludgate Hill, 1884; The life of Hiuen-tsiang. By the Shaman Hwui Li. With an introduction containing an account of the works of I-Tsing by Samuel Beal, B.A., D.C.L. Popular Edition. – London: Kegan Paul, Trench, Trübner & Co. Ltd. 1914.

⁵ Fuchs W. Huei-Chao's Pilgerreise durch Nordwest-Indien und Zentral-Asien um 726. Sitzungsberichte der Preußischen Akademie der Wissenschaften. Phil.-hist. klasse. – Berlin: Verlag der Akademie der der Wissenschaften, 1938.

⁶ Nöldeke Th. Geschichte der perser und araber zur zeit der sasaniden. Aus der arabischen chronik des Tabari. – Leyden: Brill, 1879.

⁷ Gibb H. The Arab Conquests in Central Asia. – New York: AMS press, 1923.

⁸ Rehman A. The Last Two Dynasties of the Šāhis (An analysis of their history, archaeology, coinage and paleography). – Islamabad: Quaid-i-Azam University Islamabad, 1979.

ябгулари ҳақида эса умуман маълумот берилмаган. Зеро, Кобул водийсида турклар ва туркий сулола ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмаган, улар Тохаристон ябгуларининг давомчилари бўлган.

ЮНЕСКО ташаббуси билан 1996 йилда Парижда нашр этилган қўп томлик “Марказий Осиё цивилизациялари тарихи” китобининг учинчи томида венгр эроншуноси Я. Харматта ва рус археологи Б.А. Литвинскийнинг “Тохаристон ва Гандхара Ғарбий турклар бошқаруви остида”¹ номли йирик мақоласи ҳам ўрганилаётган мавзуга тегишли тадқиқотлардан саналади. Бироқ бир мақола доирасида Тохаристон ябгулари ва Кобул Тегиншоҳлари сулолалари тарихига оид фанда мавжуд бўлган кўплаб муаммоларга аниқлик киритиш қийин деб ўйлаймиз. Тўғри, мақолада жуда қўп нумизматик материаллар асосида ябгулар ва тегиншоҳларнинг хронологияси ёритиб берилган. Лекин мақолада кўплаб чалкашликлар мавжуд, масалан бизгача етиб келган манбаларда учрамайдиган номаълум Гандхарадаги туркий ҳукмрон уруғ – **Qargilaci*, Каписада ҳокимиятнинг *Askil Nizuk Jigin*га ўтиши каби.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан эътиборан япон тадқиқотчиларининг илмий ишлари орасида Ҳиндиқушнинг жанубидаги турклар масаласига бағишлиланган мақолалар алоҳида ажralиб туради ва бугунги кунда улар ушбу масала юзасидан энг қўп иқтибос бериладиган тадқиқотларга айланиб улгурган. Улардан бири Ш. Куваяманинг “VI-VII асрларда Каписа ва Кобул ҳақида тарихий қайдлар”² номли мақоласидир. Мақоланинг “Каписа ва Кобул: Тан даври Гибинининг тарихи” деб номланган учинчи қисми тўлиқ Тохаристон ва Кобулда туркий унвонларнинг пайдо бўлиши, Кобулда турклар, Хой Чао томонидан келтирилган хитойча “Айе” атамаси, Хурсон Тегиншоҳ ва Рутбил, Удяна шоҳийлари каби масалалар жой олган. Ушбу мақолада ҳам Тохаристон ябгулигининг ташкил топиши, уларнинг сиёсий тарихи масаласи ёритилмаган. Бироқ шунга қарамай, Ш.Куваяма манбаларда келтирилган илк Кобулшоҳ, биринчи ва иккинчи Рутбил шахсини идентификация қилиб берган.

Яна бир япон олимни М.Инаба юкоридаги масалага алоҳида ёндашиб, 2005 йилда “VII асрдан IX асргача Ҳиндиқушдан жанубидаги туркий бошқарувчиларнинг кимлиги”³ номли мақола нашр қилган. Бу даврда Афғонистон худудида топилган фан оламида янги ёзма манба сифатида машҳур бўлган бақтрий тилидаги ҳужжатлар аллақачон илмий муомалага киритилган эди. Олдин эслатиб ўтганимиз Ш.Куваямадан фарқли ўлароқ ушбу тадқиқотчи мазкур ҳужжатларда келтирилган қимматли маълумотларни ҳам ҳисобга олган ҳолда VII асрдан IX асргача Ҳиндиқушдан жанубидаги туркий бошқарувчиларнинг этник мансублиги масаласини ёритишга ҳаракат қилган. Олимнинг фикрича, VII асрнинг сўнгги чорагида Кобул ва Зобулистоннинг ҳукмдорлари туркийларга мансуб бўлиб, аниқроғи уларнинг халажклардан экани қайта-қайта таъкидланган. Унинг исботи сифатида М.Инаба хитой манбаларида келтирилган Хэдаложи (“He-da-luo-zhi”) ва Гэлуотажи (“Ge-luo-da-zhi”) ҳамда Незак шоҳ тангаларидаги ҳиндча “kharalāča”,

¹ Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. – Paris: 1996. – P. 367-402.

² Kuwayama Sh. Historical Notes on Kapisi and Kabul in the Sixth-Eighth Centuries // Zinbun. Annals of the Institute for Research in Humanities, Kioto University. – Kioto, 1999. – No. 34(1). – P. 25-77.

³ Inaba M. The Identity of the Turkish Rulers to the South of Hindukush from the 7th to the 9th Centuries A.D. // Zinbun. Annals of the Institute for Research in Humanities, Kioto University. – Kioto, 2005. – No. 38. – P. 1-19.

бақтрий тилидаги ҳаласо сўзлариға таяниб, буларнинг барчаси туркий хукмдорларнинг ҳалаж эканини кўрсатади, деб хулоса қилган. Мақолада муаллиф илк ўрта асрларда Ҳиндикушнинг жанубидаги туркий бошқарувчиларнинг фақатгина ҳалажлардан бўлганини тасдиқловчи фактларни йиғишга урингани аниқ сезилиб туради. Бироқ, хитой йилномалари, шу билан бирга Сюан Цзан саёҳатномаси ва Хой Чао кундалигида Кобул ва Зобулнинг бошқарувчилари тукюэлардан, деб аниқ кўрсатилган. Ҳакли савол туғилади. Унда нега шу даврда хитойчада ҳалаж сўзининг хитойчада эквиваленти мавжуд экан ҳамда ҳудуддаги барча ҳукмдорлар ҳалажлардан экан, нима сабабдан юқоридаги муаллифлар ва Тан даври йилномачилари уларни тукюэлардан деб келтириб ўтган. Бақтрий тилидаги ҳужжатлар маълумотларга келсак, ҳалажнинг бақтрийча эквиваленти *xalaso* бор-йўғи бир икки жойда, турк этник номини англатувчи *σηρο τορκο* (*sēro torko*), *torko*, *torosanzo* < **torko* + *-sanzo*, *dorko*, *σηροτορκο* сўзлари ўнлаб жойда учрайди.

Шунингдек, европалик олимлар С.Е. Босворт¹, А. Бомбачи², А. Кэннингхем³, К. Беквис⁴, Г. Урай⁵, Р. Гёбл⁶, С. Штарк⁷ тадқиқотлари дикқатга сазовордир. Шу билан бирга, Тохаристон ва Кобул водийсидаги туркий сулолалар тарихини тадқиқ қилишда бақтрий ҳужжатларида келтирилган маълумотлар катта аҳамиятга эга. Чунки, бақтрий тилидаги ҳужжатлар айнан ушбу регионда, яъни Тохаристон ябгулари ва Кобул Тегиншоҳлари давлатининг ички муҳитида яратилган. Маълумки, 1990 йилларда Шимолий ва Шарқий Афғонистон ҳудудидан топилган бақтрий тилидаги ҳужжатлар Н. Симс-Виллиямс томонидан фан оламига киритилган⁸.

Осиёлик тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар сирасига турк, япон, ҳинд, афғон ва бошқаларни киритиш мумкин. Жумладан, турк

¹ Bosworth C.E. The appearance and establishment of islam in Afghanistan. – P. 234-253; Ўша муаллиф. The ruler of Chaghāniyān in Early Islamic Times // IRAN. Vol. XIX. 1981. – P. 1-21.

² Bombaci A. On the ancient Turkic title Eltābär // Proceedings of the IXth Meeting of the Permanent International Altaistic Conference, Ravello 26-30 september 1966. – Napoli, 1970. – P. 1-67.

³ Cunningham A. The Ancient geography of India. (New enlarged edition). –Varanasi: Bhartiya publishing house, 1975.

⁴ Beckwith I.C. The Tibetan Empire in Central Asia: A History of the Struggle for Great Power among Tibetans, Turks, Arabs, and Chinese during the Early Middle Ages. – Princeton: Princeton University Press, 1993.

⁵ Uray G. The Old Tibetan sources of the Central Asia up to 751 A.D.: a Survey // Prolegomena to the History of Pre-Islamic Central Asia. Ed. by J. Harmatta. – Budapest, 1979. P. 275-304.

⁶ Göbl R. Dokumente zur Geschichte der Iranischen Hunnen in Baktrien und Indien. Band I. – Wiesbaden, 1967.

⁷ Stark S. Nomaden und Seßhafte in Mittelasien- und Zentralasien // Grenzuberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum. – Stuttgart: 2002. – S. 363-404; Ўша муаллиф. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden: Dr. Ludwig Reichert Verlag, 2008.

⁸ Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions // Coins, Art and Chronology Essays on the pre-islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. – Wien 1999. Ўша муаллиф. Bactrian Documents from Northern Afghanistan, I: Legal and Economic Documents. – Oxford: Oxford University Press, 2000; Ўша муаллиф. Turks and other peoples in the Bactrian documents// Ötüken'den İstanbul'a. Türkçenin 1290 yılı.(720-2010). – İstanbul, 2011. – P. 15-26. Ўша муаллиф. Bactrian legal documents from 7 th- and 8th-century Guzgan // BAI. Oxford, 2001. – Vol. 15. – P. 9-29.

олимларидан Н. Тўғон¹, Э.Эсин², М. Тезжан³, Э. Экрем⁴, Н. Дурок⁵; бошқа осиёлик олимлардан Н.А. Балоч⁶, А. Курбанов⁷ ва С.У Асоев⁸ларнинг тадқиқоти бевосита мазкур мавзуга тааллуқли эканлиги билан эътиборга лойиқдир.

Ушбу мавзу юзасидан айрим фикрлар акс этган тадқиқотлар олиб борган россиялик тадқиқотчилар қаторига А.Н.Бернштам⁹, А.М.Белиницкий¹⁰, А.Н Михайлова¹¹, С. Кляшторный¹², Б.А. Литвинский ва Б.С. Соловьев¹³, А.Д. Давыдов¹⁴, Н.В. Александрова¹⁵ларни киритиш мумкин. Ўзбекистонлик тадқиқотчилардан Э.В. Ртвеладзе ва Г.А. Пугаченкова¹⁶, А. Ходжаев¹⁷, Ш.

¹ Togan N. Peygamberin Zamanında Şarkı ve Garbi Türkistan'ı Ziyaret Eden Çinli Budist Rahibi Hüen-Çang'ın Bu Ülkelerin Siyasi ve Dini Hayatına Ait Kayıtları // *İslâm Tetkikleri Enstitüsü Dergisi*. İstanbul Üniversitesi Edebiyat Fakültesi yayınları, Cilt IV (cüz.1-2), 1964. – S. 21-64.

² Esin E. Tarkhan Nizak or Tarkhan Tirek? An Enquiry concerning the Prince of Badhghis. Who in A.H. 91/A. D. 709-710 Opposed the 'Omayyad Conquest of Central Asia // JAOS, 1977. – Vol. 97. – No. 3. – P. 323-332; Esin E. Butan-I Halaç (M.VIII.-X yüzyillarda Halaç kültürünün sanat eserlerinde akisleri) // *Türkiyat Mecmuası*. Cild XVII. – İstanbul: Edebiyat fakültesi basımevi, 1972. – S. 25-67. Esin E. Tös and Moncuk. Notes on Turkish flag-pole finials // Central Asiatic Journal. Vol. XI. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1972. – S. 14-37; Esin E. Tabarī's report on the warfare with the tūrgiš and the testimony of eighth century Central Asian art // Central Asiatic Journal. Vol. XVII.– Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1973. – P. 130-149.

³ Tezcan M. Kuşanlar, Akhunlar ve Eftalitler. Tarihte Türk-Hint İlişkileri Sempozyumu Bildirileri. – Ankara, 2006. – S. 9-57.

⁴ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi. Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003.

⁵ Durak N. Hindistan'da Saka, Kuşan ve Akhunlar. Tarihte Türk – Hint ilişkileri Sempozyumu Bildirileri. 25-28 Haziran 2007. – Ankara, 2008. – S. 139-145.

⁶ Baloch N.A. Milattan sonra yedinci ve onuncu yüzyillarda türk davletlerinin ve prensliklerinin tarihi perspektifi işliğinde Beyruni'nin Kabul ve Peşaver'in türk yöneticilerine işaretinin değerlendirilmesi // Uluslararası İbn Türk, Harezmi, Farabi, Beyruni ve İbn Sina sempozyumu bildirileri. – Ankara, 1990. – S. 25-34.

⁷ Kurbanov A. The Hepthalites: Archaeological and historical analysis. Phd thesis submitted to the Department of History and Cultural Studies of the Free University. – Berlin, 2010.

⁸ Асоев С.У. Политическое и социально-экономическое положение Тохаристана в раннесредневековый период (V-X вв.). Автореф. дис. кан. ист. наук. – Душанбе, 2016.

⁹ Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой ЧАО (726) // Вестник древней истории. – Москва, 1952. – №1. – С. 187-195.

¹⁰ Белиницкий А.М. Историко-географический очерк Хутталя с древнейших времен до X в.н.э. // Материалы и исследования по археологии СССР. – Москва, 1950. – №15. – С. 109-127.

¹¹ Михайлова А.Н. Новые эпиграфические данные для истории Средней Азии IX века // Эпиграфика Востока. – Ленинград, 1951. – №5. – С. 10-20.

¹² Kljashtornyj S.G. Al-Bīrūnī's version of an Old Turkic genealogical legend. On the semantics of Turkic *baraq*/Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – Санкт-Петербург: Наука, 2006. – P. 449-453.

¹³ Литвинский Б.А, Соловьев Б.С. Средневековая культура Тохаристана (в свете раскопок Вахшской долины). – Москва: Наука, 1985.

¹⁴ Давыдов А.Д. Топонимика Афганистана как исторический источник // Восток. – №2. – Москва: Наука, 2001.

¹⁵ Александрова Н. В. Путь и текст: китайские паломники в Индии. – Москва: Вост. лит., 2008.

¹⁶ Пугаченкова Г. А, Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). – Тошкент: Фан. 1990; Ртвеладзе Э.В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Т.1. – Т.: Media Land, 2002.

¹⁷ Из истории древних тюроков (сведения древнекитайских источников). – Ташкент: Тафаккур, 2010; Ўша муаллиф. Марказий Осиё ҳалқлари тарихига оид маълумотлар. (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). – Тошкент: Наврӯз, 2015.

Камолиддин¹, Ф. Бобоёров² ҳамда А. Маликов³ ва бошқаларни зикр қилса бўлади. жаҳон тарихшунослигида XIX аср охирларидан бери мазкур масала юзасидан кўплаб тадқиқотларда фикрлар мавжуд бўлишига қарамай, шу пайтга қадар илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийси худудида ташкил топган Тохаристон Ябгулиги ва Кобул Тегиншоҳлари давлати тарихи ҳамда ушбу худуддаги туркийлар масаласи алоҳида тадқиқот обьекти сифатида кенг масштабда ўрганилмаган. Зоро, Амударёнинг юқори оқими ва Кобул водийси худудида VII аср биринчи ярми – IX аср охирларида келиб чиқиши туркийлардан бўлган ушбу иккита сулола фаолият кўрсатганини турли тиллардаги ёзма (хитой, бақтрий, Суғдий, араб-форс, ҳинд ва бошқалар) ҳамда археологик материаллардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. VII-VIII асрларда Тохаристон ва Кобул водийси худудида туркий қабилалар сиёсий фаолиятининг фаоллашуви ва сиёсий-этник жараёнларга ўз таъсирини ўтказганлигини кўриш мумкин (минтақада туркий этник қатламнинг қалинлашуви, туркий қабилалар лидерлиги остида араб истилосига қарши кураш ва бошқалар). Шунга қарамай, мазкур масала нафақат ватанимиз тарихшунослигида, балки хорижда ҳам етарлича тадқиқ қилинмаган мавзулардан бири бўлганлиги учун долзарб ҳисобланади.

Джуракулов М.Ж.Холматов Н.У.
Самарқанд Давлат университети

САЗАГОН МАДАНИЯТИ ЯНГИ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида кишилик тарихи тош асри, хусусан унинг якунловчи босқичи бўлган неолит даври жамоалари моддий маданиятининг тадқиқотида муҳим илмий натижалар қўлга киритилди.⁴ Ушбу илмий ютуқлар билан биргаликда тадқиқот жараёнида баъзи муаммолар ҳам кузатилмоқда: 1. Ўзбекистон неолит даври жамоалари моддий маданияти тўғрисида алоҳида илмий хабарлар ва кичик қамровли тадқиқотлар, маълум минтақалар (Фарғона, Зарафшон, Амударё этаклари, Қизилқум, Устюрт) бўйича монографик тарзда илмий нашрлар мавжуд. Лекин, бу илмий нашрлар ўтган аср 60-80 йиллари амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида ёзилган. Кейинги 30 йил мобайнида амалга оширилган археологик кашфиётлар натижалари ханузгача тўлақонли равишда ёритилмаган. Замон талаби асосида шу кунгача тўпланган археологик материаллар янгича ёндашувда илмий таҳлил этилиши лозим. Шу асосли яхлит бир тизимга солинган умумлашма илмий тадқиқот мавжуд

¹ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

² Бобоёров F. Тохаристон ябгулари тарихига доир // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2003. – №. 3. – Б. 3-10.

³ Маликов А.М. Тюрки в Тохаристане в VI-VIII вв // ИМКУ.– Самарқанд, 1999. – №30. – С. 194-197.

⁴ Бердимуродов А.Э. Мустақиллик йилларида ўзбек археологиясининг тадқиқоти.- Ўзбекистон археологияси мустақиллик йилларида: ютуқлар ва истиқболлар. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари, Самарқанд шаҳри, 3-12-бетлар. Холматов Н.У. Республикаиз мустақиллиги йилларида СамДУ археологик экспедициясининг тадқиқоти натижалари.- Ўзбекистон археологияси мустақиллик йилларида: ютуқлар ва истиқболлар. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари, Самарқанд шаҳри, 15-16 сентябр 2016й., 16-19-бетлар.

эмас; 2. Юқорида келтирилган фактларга ҳамоҳанг ҳолда тадқиқ этилган неолит ёдгорликларининг аксариятида маданий қатлам сақланиб қолмаганлиги ёки қисман сақланганлиги, маданий қатламли ёдгорликлар тадқиқотида табиий фанлар ютуқларидан фойдаланилмаганлиги, қўлга киритилган манбалар янгича ёндашувга муҳтожлиги, сўзсиз ягона хронологик устун, ёдгорликларни даврлаштириш, маданиятлар келиб чиқиши тарихий илдизлари масалаларини ишлаб чиқишига имкон бермаган. Неолит жамоаларининг ўзаро маданий таъсири, алоқалари масаласи долзарблигига етарлича эътибор қаратилмаган ҳамда ўзлаштирувчи хўжалик устун деб топилган Ўрта Осиё неолит жамоалари ҳаётида ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши масаласи илмий дикқатдан четда қолган.

Ушбу муаммолар яқин йилларгача Ўрта Зарафшон воҳаси Сазағон маданияти ёдгорликлари тадқиқотида ҳам кузатилганлигини келтиришимиз мумкин. Аниқроғи, ўтган аср 60-йиллари иккинчи ярмидан Сазағон маданияти ёдгорликлари тадқиқоти бошланган бўлсада, лекин ўз вақтидаги тадқиқотларда¹ унинг Ўзбекистон неолит даври жамоалари маданияти тизимида тутган ўрни, мустақил маданият сифатида ўзига хос хусусиятлари, ёдгорликлари даврлаштирилиши ва хронологияси, жамоалар хўжалик машғулотлари, маънавий кечинмалари, ўзаро маданий алоқалари ва маданият келиб чиқиши тарихий илдизлари масаласи тўлақонли равишда ечимини топмаган эди. Шу боис, биз қуида яқин йиллар мабойинида Сазағон маданияти тадқиқоти натижаларига таяниб, зикр этилган муаммоларнинг маълум даражада ечимини берувчи маълумотлар қўлга киритилганлигини келтирмоқчимиз:

- Сазағон маданияти ёдгорликлари тадқиқоти шу кунгача узлуксиз равища давом эттирилиб, қатор янги ёдгорликлар кашфиётiga эришилган (Жангал 1, Тепакул 1-5, Лолаб, Коракамар, Очилғор, Олмабулоқ, Сазағон 3)²

- Ҳозирги кунда Сазағон неолит маданиятига тегишли барча ёдгорликлар Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағрида тадқиқ этилган. Қоратепа тоғ массиви – Зарафшон тоғ тизмасининг Ўрта Зарафшон воҳасига тўғри келган таркибий қисми ҳисоблануб, узунлиги таҳминан 50 километр, кенглиги 30-35 километрдан иборат тоғ, тоғолди минтақаси ҳисобланади. Унинг баланд чўққиси - Кимқўтон бўлиб (дengiz сатҳидан 2188 метр баландлик), жанубий ён бағри Қашқадарё воҳасига нисбатан ётиқ, шимолий ён бағри эса Зарафшон

¹Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1991. С.3-122.

²Джуракулов М.Ж. , Холматов Н.У. Джангаль I –новый памятник долины Зарафшана. ИМКУ, выш.25, Тошкент, 1991; Джуракулов М.Ж., Холматов Н.У. Тепакул 3 неолит манзилгоҳи ўрганилиши натижалари. Тарих фанининг долзарб муаммолари. Илмий тўплам, Самарқанд, 1997; Джуракулов М.Ж., Холматов Н.У. Тепакул 4 неолит манзилгоҳи (Ўрта Зарафшон воҳаси). Тарих ва истиқлол, Илмий мақолалар тўплами, Самарқанд, 2000, 4-14-бетлар; Ўрта Зарафшон неолит даври моддий маданиятининг баъзи хусусиятлари (Тепакул макони асосида). // СамДУ ахборотномаси 2004, № 4; Холматов Н.Ў. Ўзбекистон неолит даври жамоалари моддий маданияти, Тошкент, Фан, 2008, 40-52-бетлар. Очилғор макони тадқиқотининг дастлабки натижалари хусусида. «Ўзбекистон археологияси», № 1. 2010, «Фан», Тошкент. 37-49-бетлар. Зарафшон воҳаси мезолит ва неолит даври тарихи: тадқиқот муаммолари, истиқболлари. СамДУ ахборатномаси.журнал, №4,2014;..Сазаганская культура (Неолит Среднего Зарфшана).- Самарский научный вестник, №3(8), Самара, 2014. С. 190-197.Тепакул 4 неолит макони тадқиқоти натижалари хусусида. «Ўзбекистон археологияси» журн.№ 8. 2014.23-52-бб. Сазағон маданияти ва Ўзбекистон неолит даври тадқиқоти муаммолари.-Ўзбекистон тарихи долзарб муаммолари. Республика илмий анжумани материаллари,1-қисм, Самарқанд,2016.29-30-бб.

воҳасига нисбатан тиқроқ ҳолатда келиб туташган. Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри ўз сувини Зарафшон воҳаси томон оқизувчи ён қайирлар, чуқур ён дараларга эга бўлган йирик сойлар (Оҳалик, Миранкул, Тепакул, Ийриқулча, Сазагон, Оқсой каби) билан кесилган. Шу сойларнинг ён террасалари сатҳлари ва улар ён дараларидаги ғор ва унгурлар билан тош даврига оид ёдгорликлар тадқиқотлари боғлиқ. Бу ёдгорликларнинг барчаси денгиз сатҳидан 800-1100 метр чамаси юқори масофада жойлашган.

-Энди, Сазагон маданияти ёдгорликларига хос тош буюмлар тўпламининг атроф, қўшни худудларга тарқалиши чегарасини аниқлаш масаласига келсақ, қўйидаги маълумотларга дуч келамиз: Шарқда Юқори Зарафшон воҳаси Саразм ёдгорлигигача бўлган жойлар, жанубда Қоратепа тоғининг юқори давон қисми-сувайирғич баландликларигача бўлган жойлар, хусусан, Даниёрсой, Зайнабсой, Ёсқоқ, Олмасой ён бағри, даралари, тоғ давонининг юқори қисми билан боғлиқ Тармоқлисойнинг сўл қайиридаги Тошкўтон номли жой, шунингдек, Қоратепа тоғ массивининг жанубий ён бағрида Оёқчи, Гавхона, Қуруқсой, Тарзансой, Қизилолмасой ён бағри, даралари, Ғарбий ва Шимолий-Ғарбий томонда Қудуқчасой ва Тим (Қарноб худуди), Люхча (Канимех), Учтут, Ижонд атрофлари тадқиқотларида Сазагон ёдгорликлари тош индустрисига хос тош буюмлар топилган. Келтирилган фактлар маълум даражада Сазагон маданияти ёдгорликлари тарқалиши чегарасини аниқлаш имконини беради.

- Ҳозирги кунда бевосита археологик қазишма ишлари амалга оширилган ва маданий қатлами ўрганилган Сазагон маданияти ёдгорликларини 2 та типга бўлиш мумкин: 1.Тоғ ён бағри йирик сойларнинг ён террасасида жойлашган очик типдаги ёдгорликлари грухси (Сазагон 1,2,3; Жангаль 1; Тепакул1-5); 2. Шу йирик сойлар ён дараларида жойлашган ўнгур, ғор типидаги ёдгорликлари грухси (Оҳалик, Лолаб, Қоракамар, Очилғор)¹.

- Очик типдаги ёдгорликлар барчаси (Сазагон 1,2,3; Жангаль 1; Тепакул1-5) тоғ ён бағри йирик сойларнинг учинчи ён террасасида тадқиқ этилган бўлиб, соҳа тадқиқотчилари бу террасанинг геологик жиҳатдан саналанишини сўнгги плейстоценнинг охири ва бутун голецен даври билан белгилайди².

- Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағрида тадқиқ этилган Сазагон маданияти ўз моддий маданиятида бир томондан Ўрта Осиё тоғ минтақаси (Ҳисор маданияти), иккинчи томондан Ўрта Осиё пасттекислик минтақаси (Калтаминон маданияти) неолит жамоалари маданиятининг баъзи хусусиятларини мужассамлаштирган ҳолда ўзига хос хусусиятга эга бўлган мустақил ва географик жойланиши жиҳатидан оралиқ маданият ҳисобланади.

- Сазагон маданиятининг тош индустриси учирмали-пайрақали ва пайрақа қисмида микропайрақалар салмоғи устун ҳамда қайроқтошли элемент мавжуд бўлган индустря ҳисобланади.

- Юқорида Ўрта Осиё неолит жамоалари моддий маданияти тадқиқотида муаммо сифатида ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши масаласи эътироф этилган эди. Шу боис Зарафшон воҳаси миқёсида неолит даврида жамоалар турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланаборганлиги борасида тадқиқотларда қўлга киритилган маълумотларни келтириш ўринли деб ўйлаймиз.

¹ Қоратепа тош даври жамоалари моддий маданияти (Ўрта Зарафшон воҳаси). ИМКУ, № 35, Тошкент, “Фан”, 2006, 24-39-бетлар.

² Джуракулов М.Ж., Мамедов Э.Д. Геология археологических памятников Зарафшана.- Ташкент, 1986, .94-95-бб.

Сабаби, аввалги илмий ахборот материаллари таҳлилига янгича ёндашиб ҳамда янги тадқиқотларда қўлга киритилган манбаларга таяниб, хусусан Қуий Зарафшондаги Оёқагитма маконидан хонакилашган ҳайвон суюкларининг қолдиқларининг топилиши, Ўрта Зарафшон минтақасининг Қоратов тоғ тизмасини Воуш тоғи жанубий ёнбағирларида чақмоқтош хомашёси «конлари» билан боғлиқ неолит даври шахталари аждодлар ҳаётида юз берган биринчи ижтимоий меҳнат тақсимотининг илк куртаклари эканлиги, Жангал 1, Тепақул 3,4, Лолаб, Очилғор макони тадқиқотида бу масаланинг ижобий ечимини берувчи археологик манбалар (қадама қуроллар, ярғучоқлар) қўлга киритилганлиги ва Сазағон ёдгорликлари жойлашган тоғ ён бағри йирик сойлар ён қайирларида қалин ҳосилдор тупроқли қатлам мавжудлиги ҳамда шу жойларнинг қулай палеоэкологик, иқлимий мухитга эга бўлганликлари ҳам имконият берганлигидан келиб чиқиб, неолит жамоалари турмушида ишлаб чиқариш хўжалиги бўлганлигини айтиш мумкин.¹

- Сазағон маданияти ёдгорликлари тадқиқотида сазаған жамоалари қўшни неолит жамоалари билан ўзаро маданий алоқада бўлиб яшашганликларини асословчи маълумотлари қўлга киритилди. Маданий алоқалар ёдгорликлар тош индустряси, тош қуроллари шакли, ишлов берилиши усуллари, хом ашёси, сопол буюмлари хусусиятларида намоён бўлган. Хусусан, Калтамиор жамоалари билан парака қуроллари шакли, ишлов берилиши усуллари, ясалиш хом ашёси, сопол буюмлари, зеб-зийнатлари, Марказий Фарғона жамоалари билан пайрақа қуроллари ва айниқса микропайрақалар салмоғи юқори эканлиги, Ҳисор жамоалари билан Ўрта Осиё тоғ минтақаси мезолит-неолит жамоалари тош индустрясига хос бўлган ён олд томонига ишлов берилган тош ўзаклари, понасимон қуроллар, тик иш майдонига эга бўлган учириндиардан ясалган қирғичлар, тирноқсимон кўринишли қирғичлар, туқовул типидаги тешгич қуроллари, қайроқтош архаик шаклдаги парака қуроллари асосида улар ўзаро маданий алоқада бўлишганликлари аниқланди.

- Сазағон маданияти ёдгорликлари тизимида Очилғор макони мисолида маданий қатламдан олов, тотемизмга оид диний эътиқод, расм-русумлар, маросимлар билан боғлиқ бўлган мазмунни ифода этувчи манбалар яхлит компелекси тадқиқ этилди.²

-Зарафшон воҳаси тош асри жамоалари маданияти тизимида мезолит даври маданий бўғини аниқланиб (Чорбақти мезолит ёдгорликлари, Сазағон 1,Қоракамар, Очилғор макони пастки мезолит маданий қатлами), илмий асосланишига эришилди. Воҳа тош асри жамоалари маданияти узвийлиги, унинг автохтонлиги масаласи ўз ечимини топди.

¹ Зарафшон воҳасида илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши хусусида. Ўрта Осиёning қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари. Ўзбекистон Миллий университети археология кафедрасининг 70 йиллигига бағишиланган илмий анжуманинига йўлланган маърузалари тўплами. Тошкент,2010, «Янги нашр», 141-143-бетлар.

² Очилғор макони маданий горизонтларининг конструктив тузилмалари, таркибий элементларига доир баъзи мулоҳазалар. «Ўзбекистон археологияси», № 3. 2012, «Фан», Тошкент. 3-10-бетлар.

ЎЗБЕКИСТОН ПАЛЕОЛИТ ДАВРИНИ ЎРГАНИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон худудларида палеолит даври ёдгорликлари ўзининг турли туманлиги ва ўзига хослиги билан узоқ вақт мобайнида хорижлик мутахассисларнинг диққатини жалб қилиб келган. Бироқ, уларнинг юртимизга келиб, маҳаллий мутахассислар билан илмий ҳамкорлик қилишлари учун фақат мустақилликдан кейинги имконият туғилди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар орасида энг сермахсули бу дунёning фани ва технологиялари илгор мактаблари билан халқаро тенг ҳамкорликни йўлга қўйиш эди. Негаки, палеолит даври тадқиқотлари мултидисциплинар соҳа бўлиб, уни ўрганиш учун археологлардан ташқари, палеонтологлар, палеогеологлар, минерологлар, палеоантрапологлар, палеозоологлар, палеоботаниклар ва ҳ.к. мутахассисларнинг ҳамкорлиги зарур эди. Ҳозирда юртимиздаги илмий муассасаларда бундай мутахассисларнинг барчаси ҳам етарли эмас. Шу мунособат билан Ўзбекистоннинг палеолит даври ёдгорликларини ўрганишга Россия, Полша, Белгия, АҚШ, Франция каби давлатларнинг мутахассислари жалб қилинди ва юртимизнинг палеолитшунослигида бир катор янгиликлар қилинди.

Ўзбекистоннинг энг қадимги ўтмишини ўрганиш ҳамиша дунё археологларининг диққатини тортиб келган. Негаки, ушбу регион бутун тарих давомида “цивилизациялар чорраҳаси” бўлиб келган. Ўзбекистоннинг Шарқ билан Гарбни боғловчи Буюк Ипак Йўлида жойлашганлиги, албатта антик ва ўрта асрларда барча жабҳаларда кенг намоён бўлади. Аммо, бундан анча қадимги даврларда ҳам Ўзбекистон ўзининг географик ўрнига кўра турли хил қабилалар ҳамда элатларнинг Евросиё бўйлаб миграцияси йўналишлари устида жойлашганлиги маълум.

Ўзбек-Россия халқаро экспедицияси томонидан Тошкент воҳасининг Чирчик дарёси терассаларидан Тўдахотин 1 ва 2 ёдгорликларининг топилиши ҳам катта аҳамият касб этди. Ушбу ёдгорликлар сўнгги палеолит даврининг охирларига оид бўлиб, уларнинг индустрисида мезолит даври учун хос бўлган микролит куролларнинг мавжудлиги нафакат Ўзбекистонда, балки бутун марказий Осиёда мезолит даври маданиятларининг генезиси масалаларига аниқликлар киритиш имконини беради. Бундан ташқари, ушбу топилмалар юртимизда палеолит ҳамда мезолит даври маданиятлари автохтон тараққий қилганлигини ва мезолит даврининг инновациялари сўнгги палеолит даврининг охирларида пайдо бўлганлигини қўрсатади.

Ўзбекистон-Россия-Белгия халқаро экспедициясининг Оҳангарон водийсида олиб борган илмий тадқиқотлари натижалари ҳам диққатга сазовордир. Бу ердаги Кўлбулоқ ёдгорлигига олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида биринчи марта аниқ фанлар ёрдамида ёдгорлик юқори қатламларининг санаси аниқланди ва у сўнгги палеолитнинг иккинчи ярмига хослиги маълум қилинди. Бундан ташқари, Кўлбулоқнинг ўрта палеолит даврига оид қатламлари Обирахмат маданияти технокомплексларига ўхшашлиги аниқланди. Кўлбулоқдан 1км шимоли-шарқда жойлашган Қизилолма устахонасида олиб борилган тадқиқотлар, унинг сўнгги палеолит даврига оидлигини қўрсатди.

Шунингдек, Ўзбек-Россия-Белгия экспедицияси томонидан биринчи маротаба Тошкент воҳаси сўнгги палеолит даври ёдгорликларининг хронологик шкаласи ишлаб чиқилди. Унга кўра, воҳадаги сўнгги палеолит даврига оид энг қадимги ёдгорлик Обирахмат бўлиб, ундан кейинги босқичга Қизилома ҳамда Кўлбулоқнинг юқори қатламлари жойлаширилди. Сўнгги палеолитнинг финалига оид ёдгорликлар қаторига Тўдаҳотин маконлари киритилди. Бундан ташқари, убу ёдгорликлар ягона тараққиёт йўлига эга бўлган бир маданиятнинг турли тараққиёт босқичларига хос ёдгорликлар эканлиги маълум қилинди.

Ўзбек-Россия-Белгия экспедициясининг Кўтирублуқда олиб борган тадқиқотлари сал аввалроқ бу ерда ишлаган Ўзбек-Полша экспедицияси тадқиқотларини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбек-Россия-Белгия экспедицияси Жанубий Ўзбекистоннинг Бойсун тоғларида катта илмий ишларни амалга ошириди ва қатор янгиликлар қилди. Тешиктош 2 фор маконининг очилиши ва илмий муомалага киритилиши бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Тадқиқотлар натижасида бу ерда палеолит даврида мавсумий характердаги қароргоҳ бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, ёдгорлик юқори қатламларининг материаллари сўнгги палеолит даврига оид индустряяга эканлиги маълум қилинди. Бу Бойсун тоғларидан топилган сўнгги палеолит даврига оид дастлабки илмий маълумотлар эди. Бундан ташқари, халқаро экспедиция Амир-Темир ва Тешик-тош атрофидаги бошқа ғорларда тадқиқот ишларини олиб борди ҳамда А.П. Окладников нашр эттиришга улгурмай қолган ишлар якунига етказилди.

Зарафшон воҳасининг палеолит даврига оид асосий ёдгорлиги ҳисобланадиган Самарқанд макони материаллари анчайин яхши ўрганилганлигига қарамасдан ҳамон мутахассислар диққатини жалб қилиб келмоқда. М.Ж. Жўрақулов ва Россиялик олима Г.Ф. Коробковаларнинг ушбу материаллар устидан олиб борган тасологик тадқиқотлари таҳсинга сазовордир. Ушбу изланишлар натижасида Самарқанд маконида бир қарашдан оддийдек кўринган, примитив хўжалик ўрнида чуқур минерологик ҳамда иқтисодий билимларга асосланган мураккаб ва ихтинослашган иқтисод хукм сурғанлиги аниқланган.

Ўзбек-Америка халқаро экспедицияси ҳам йирик қашфиётларни амалга ошириди. Улардан энг аҳамиятлиси Қашқадарё вилояти, Китоб тумани худудларидан Ангиллоқ фор маконининг топилиши ва ўрганилиши бўлди. Ёдгорлик маданий қатламларидан олинган археологик материаллар муаллифлар томонидан ўрта палеолит даврининг охирлари билан саналанди. Бироқ, Бундай саналаш учун етарли асослар йўқ. Негаки, Ангиллоқ индустряяси тўпламидаги қия кесилган тош пичноқлар ўзининг ишланиш техникасига кўра сўнгги палеолит даврининг граветти даврига хосдир. Бундан ташқари, тўпламдаги пайконлар сериясининг асосий қисми узунчоқ ёки сўнгти палеолит даврига хослиги ва умуман, Ангиллоқ тош буюмларининг майдалиги (унинг ўзига хосликларидан бири) ҳам ёдгорликни сўнгги палеолит даври билан саналаш имконини беради. Ангиллоқнинг маданий қатламларидан олинган радиокарбон таҳлиллар 42+27 минг йиллар билан белгиланди. Фикримизча, ушбу натижаларнинг қуий санаси ҳақиқатга яқинроқдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда палеолит даврини ўрганиш ишлари мустақилликдан кейинги ўтган йиллар мобайнида янги босқичга кўтарилиди. Мустақиллик яратиб берган халқаро ҳамкор экспедицияларининг **юртимиз** ёдгорликларида олиб борган илмий изланишлари бунинг асосий омили бўлди.

Адабиётлар:

1. Деревянко А., Исламов У., Кривошапкин А. Предварительные итоги работы узбекско-российской археологической экспедиции (1998-2008) // Узбекистонтарихи. №3. Тошкент, 2008. – С. 3-8;
2. Деревянко А.П., Исламов У.И., Кривошапкин А.И., Колобова К.А., Фляс Д. Страницы истории древней культуры Узбекистана // Ўзбекистон пойтахти 2200 ёшда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишиланган ҳалқаро илмий конференция, -Тошкент, 2009. – Б. 7-16;
3. Сайфуллаев Б.К. Палеолит долины реки Зарафшана и Северо-Восточных Кызқұлкумов. Дисс. На соиканияк.и.н., Самарканд:-2004; с. 34.

**Ерметов А.А.
Ўзбекистон Миллий университети**

ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН (XX асрнинг 30 йиллари мисолида)

Ўрта Осиёда миллий ҳудудий чегараланиш ўтказилганидан сўнг, Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Совет Социалистик Республикаларида фаолият юритган ички ишлар органлари Ўзбекистон ССР ИИХКга таркибиға киритилди. Қайта ташкил этилган ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ИИХК томонидан 1925 йил 1 декабрда “Ўзбекистон ССР Совет Ишчи-дехқон милицияси ҳақида Низом”¹ қабул қилинди. Жумладан унинг 1-бандида: “Ўзбекистон ССР Совет Ишчи-дехқон милицияси марказий ва маҳаллий ҳокимиятнинг ижро этувчи органи бўлиб, улар томонидан инқилобий тартибни ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан эълон қилинган қарор, буйруқ ҳамда фармойишларни ҳаётга татбиқ этади” - деб кўрсатилган. Умуман олганда бу даврда милицияга юклатилган вазифалар қуидагилардан иборат бўлган: инқилобий тартибни ҳимоя қилиш, фуқароларнинг шахсий ва мулкий хавфсизлигини таъминлаш; юқоридан чиқарилган қонунлар, қарорлар, фармойиш ва декретларни ҳаётга татбиқ этишда иштирок этиш; қамоқхоналарни қўриқлаш; жиноятга қарши курашиш; аҳоли пунктларидаги санитар ҳолатни назорат қилиш; аҳолига паспорт бериш, почта орқали юборилган посылка ва пулли хатларни олишга доир тегишли хужжатларни расмийлаштириш ва йўқотилган хужжатларни қайта тиклаш; маъмурий жарималарни ундириш; қишлоқ хўжалигини назорат қилиш; қорамолларнинг сонини текшириб туриш²;

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу пайтда ички ишлар идоралари фаолиятига тегишли ҳуқуқий-норматив хужжатларда ва низомларда белигиланган вазифаларни бажариш баробарида, жамиятда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар негизида уларга қўшимча вазифалар ҳам юклатила бошланди.

Бу даврда мамлакатда юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммолар, жойларда содир бўлган очарчилик ҳолатлари ва қийинчиликлар оқибатида жамиятда қаровсиз қолган болалар кўпайиб кетди. Натижада бу ва бошқа муаммолар негизида ёш болалар ҳамда ўсмирлар орасида жиноятчилик ривожлана бошланади.

¹ ЎзР ИИВА, 76-фонд, 1-рўйхат, 915-иш, 31-37-вараклар.

² Еропкин М. Развития органов милиции в Советском государстве. - Москва, 1967. -С.44.

Гарчи уларни тарбияси юзасидан тегишли тадбирлар олиб борилсада, муаммолар бартараф этилмади. Оқибатда тарбияга мойил бўлмаган вояга етмаган жиноятчилар, ИИХК тизимидағи меҳнат уйларига юборила бошлади. Мехнат уйларига 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган тарбияси оғир бўлган ўсмирлар қабул қилинганди. Бу масала тегишли ташкилотларнинг доимий дикқат марказида турган бўлиб, 1930 йил 24 июнда РСФСР БМИК ва ХКСнинг “БМИК ва Маориф ХК хузуридаги Болалар комиссиясининг болаларнинг қаровсизлигига қарши кураш ишларининг олиб борилиши тўғрисидаги маъруzasи” асосидаги фармойишда, шунингдек, СССР БМИК ва ХКСнинг №3/593 “Вояга етмаганларнинг жиноятлариға қарши кураш тўғрисида”ги қарори¹ ҳамда СССР ХКС ва КП(б) МК томонидан “Ёш болаларнинг қаровсизлиги ва назоратсизлигини тугатиш тўғрисида”ги (1935 йил 31 май)² фармонларда вояга етмаганларнинг меҳнат колониялари ва махсус изоляторларидағи шароитни яхшилаш ҳамда бу жараёнда милиция органларининг иштирокини кучайтириш вазифалари белгиланди³.

Тадқиқ этилаётган йилларда милиция органларининг фаолиятида бир қатор камчиликлар кузатилиб, бу масала ўз даврида юкори давлат ташкилотларининг йиғилишларида ҳам муҳокама этилган. Жумладан, Ўзбекистон ССР ХКС раиси Ф.Хўжаевнинг “Советлар янги босқичда” (1932 йил ноябрь) номли маъруzasида жойлардаги маъмурий бошқарув тизими масалалари тўғрисида сўз юритилади ва бунда милиция органлари фаолияти билан боғлиқ айrim нухсонлар ҳақида тўхталиб: “...Биз жойлардаги милиция бошлиқларининг ноқонуний иш юритишлари ҳақидаги фактларнинг гувоҳи бўляяпмиз, улар ҳеч қандай сабабсиз, асоссиз равишда камбағаллар, ўртаҳоллар ва колхозчиларни ҳибсга олишга жазм қиляптилар. ...Мен шундай воқеаларни биламан, масалан, Сариосиё районида бир колхозчи аёл бозорда ўзининг рўмолини сотаётгани учун ушланган, ...шу районда бир ногирон колхозчи тамаки махсулотларини сотгани учун қамоққа олиниб, унинг пуллари тортиб олинган” деб кўрсатган⁴. Маърузада бундай нохуш ҳолатлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтирилган.

Бошқа архив ҳужжатида келтирилишича, 1933 йилда Ўзбекистон ССР ички ишлари органлари ходимлари фаолиятида бир қатор камчиликлар қузатилган бўлиб, масалан, сентябрь ойида милиция ходимлари томонидан 145 та қонунбузарлик ҳолатлари содир этилган (улардан, сиёсий жиноятлар – 13 та, интизомий қоидабузарликлар – 93 та, жиноий ишлар – 34 тани ташкил этган) бўлса⁵, ноябрь ойида эса қонунбузарлик ҳолатлари 240 тани ташкил этган⁶. Бундан ташқари ички ишлар идоралари бошлиқлари ва бошқа лавозимлардаги ходимларнинг фаолиятида ҳам айrim камчиликлар мавжуд бўлган. Масалан, Чуст район милицияси бошлиғи Добродеев ва махсус ходим Урагановлар тизимли (доимий) равишда фаолиятига оид қарор ва кўрсатмаларни қўпол равишда бузиб,

¹ Марковичева Е.В. Несовершеннолетний в системе уголовного судопроизводства в России первой половины XX в. // История государства и права. 2009, № 6. – С.35.

² КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Т. 6 (1933-1937 гг.). - Москва: Изд. полит. лит., 1985. - С.213-218.

³ Егорькова И.А. Динамика законодательства, регламентировавшего борьбу с преступностью несовершеннолетних в 1918-1935 гг. // История государства и права. 2010, № 16. – С.33-34.

⁴ Ходжаев Ф. Советы в новом этапе (Доклад на расширенном заседании директората научно-исследовательского института сов. Строительства и права Узбекистана). // Советское строительство и право. 1932, № 1.– С.21.

⁵ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 9-рўйхат, 375-иш, 3-4-вараклар.

⁶ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 241а-иш, 51-55-вараклар.

прокурордан санкция олмасдан фуқароларни хибсга олганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади¹. Бундай нохуш вазиятлар, жумладан, мансабни сусисъетом қилиш, тергов ўтказиш ва айбланувчилар билан сўроқ олиб бориш қоидаларининг бузилиш ҳолатлари, бурч ҳамда мажбуриятларга нисбатан совуқконлик ва жавобгарсизлик ҳолатлари Тошкент ва бошқа жойларда ҳам кузатилган².

Бу даврда ички ишлар органлари ходимлари юклатилган вазифалардан ташқари кўшимча ишларга ҳам жалб этилган эди. Уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қўриқлашдаги иштироклари юзасидан 1933 йилда 400 нафар милиция ходимлари пахта йифим-теримида иштирок этгани ҳақида маълумот келтирилади³. Шунингдек, милиция органлари томонидан 1935 йилда давлат мулкини талон-тарожи бўйича, хусусан ташкилотларда шоли маҳсулотларини ўмариш билан боғлик умумий 1.100.865 рубллик моддий заарар етказилиши юзасидан жиноий иш қўзғатилади.

Тадқиқ этилаётган йилларда совет хукумати томонидан фуқароларни рўйхатга олиш, рўйхатдан чиқариш ва паспорт тизимини жорий этиш бўйича бир қатор қонун хужжатлари қабул қилиниб, бу жараёнда ички ишлар идоралари бевосита иштирок этишди. Жумладан, 1932 йил 27 декабрда СССР ХКС ва МИК томонидан “СССР бўйича умумий паспорт тизимини жорий этиш ва паспортларни рўйхатга олиш ҳақида”,⁴ қарор қабул қилинди.

Ушбу қарор асосида Ўзбекистон ССР хукумати томонидан 1933 йил 21 сентябрда шу йил 1 октябрдан паспорт тизимини йўлга қўйиш учун Милиция бош бошқармасида паспорт бўлимини ташкил этиш тўғрисида кўрсатма берилди⁵. Мазкур бўлим жойларда фуқароларга паспорт бериш, уларни рўйхатдан ўтказиш, қалбаки паспортларни аниқлаш⁶, паспорт тизими қоидаларини бузиш билан боғлик жиноятларни содир этган айборларга нисбатан тегишли чора кўриш (судга топшириш) ва бошқа вазифаларни бажарди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, XX асрнинг 30 йилларида совет жамиятида ижтимоий-иктисодий ва сиёсий соҳаларда бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Бу жараёнларда ички ишлар органлари ходимлари ҳам иштирок этиб, уларга юклатилган вазифалар ва берилган ваколатлар доирасининг кенглиги, унинг амалдаги ижросини таъминлаш борасида бир қатор нохуш ҳолатларни юзага келтирди. Жамиятдаги бундай муаммолар маҳаллий аҳолининг ижтимоий аҳволини баттар ёмонлаштириди. Шу ўринда қайд этиш керакки, бу даврда жойларда юзага келган танглик ҳолати, очарчилик ва қийинчиликлар оқибатида жамиятда қаровсиз қолган болаларнинг сони ошиб борди. Оқибатда ёш болалар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинган кўрсатмаларни бажаришда милиция ходимларининг ўрни катта бўлди.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 11-рўйхат, 1126-иш, 7-варак. (Маълумот Наманган шаҳар прокуратураси ходимининг Ўзбекистон ССР прокурорига 1935 йил 27 октябрда ёзган хисоботидан олинган).

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 9-рўйхат, 375-иш, 13-варак.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 241а-иш, 79-80-вараклар.

⁴ Суслин Э.В. Анализ правового режима паспортного контроля в СССР в предвоенный период. // История государства и права. 2006, № 1. - С. 34.

⁵ ЎзР ПДА, 58-фонд, 9-рўйхат, 375-иш, 18-варак.

⁶ ЎзР ПДА, 58-фонд, 10-рўйхат, 1359-иш, 229-231-вараклар.

БУХОРО АМИРЛИГИ ТАРИХИГА ОИД РИСОЛА

Бухоро амирлигидаги юқори мансаб лавозимларида фаолият кўрсатган Муфти Мұхаммад Икром ибн Абдуссалом¹ XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоронинг таникли ва кўзга кўринган зиёлиси эди. У жамият ҳаётидаги ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга оид ўз қарашларини қатор мақола ва рисолаларида баён қилган. Унинг 1912 йилда нашр қилинган З та рисоладан иборат китоби шулар жумласидандир. Ушбу китоб ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида² сакланмоқда. Улар “*Ифоз ал ноимин ва эълом ал жоҳилин*” (Жоҳилликка олиб борувчи ўнгдаги тушилар)³, “*Мерос тақсимоти*” ва “*Niso*”(Аёл) асарлари бўлиб, форс-тожик тилида ёзилган. Асарларда жамиятдаги камчиликлар кескин танқид остига олинган ҳамда муаммони мукаммалроқ ёритиб бериш мақсадида Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифдан кенг фойдаланилган.

Домла Икром ижтимоий ҳаётдаги нуқсон ва камчиликларни кузатиб борар экан, буни бартараф этиш учун бир асар ёзишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Аммо асарни ёзишдан олдин анча вақт ўйлаб юради. Қуръони карим ва Ҳадис илмидан тўлиқ хабардор бўлгани учун бидъатларни баён қилишни амир хукуматига нисбатан нонкўрлик деб ҳисоблайди ва “... уни изҳор қилишига журъат қўлмас эдимки, мабодо бу шикоят ҳукуматга тегиб кетиб, куфрони неъмат ва кўрнамаклик бўлмасин деб. Негаки тасаввуф китобларида кўрганманки, замона сultonлари Илоҳнинг жалол ва жамол сифатларининг мазҳариidlар. Агар раиятлар лутф ва марҳаматга лойиқ бўлсалар, жамол ва лутф сифатларини зоҳир қилурлар ва агар қаҳру газабга лойиқ бўлсалар, жалол ва қаҳр сифтларини

¹ Мұхаммад Икром ибн Абдуссалом 1847 йилда Бухоро шахри яқинидаги Боғикалон қишлоғида дунёга келган, кейинчалик Пойи Остона гузарида яшаган. Бошланғич мактабни тугатгач, 1860-1880 йиллари Бадалбек мадрасасида қози Абдушукур ибн Абдурасул Бухорийдан таҳсил олади. У 1894-1896 йилларда Мұхаммад Аваз Хўжандий ҳамроҳлигига ҳажга борган ва ўша вақтдаги Истанбул, Бағдод, Шероз ва бошқа исломий шаҳарлардаги тараққиётни кўриб таъсирланган. Сафардан қайтгач, Бухоро мадрасаларидағи таълим дастурларини танқид қилиб, уларни ислоҳ қилиш зарурлигини таъкидлайди. У жадид мактаблари ташкил этиш тарафдори бўлиб, уларни қўллаб-қувватлади. 1914 йил январида Бухоро уламоларининг ҳомийси муфти Абдураззок ҳаж сафарига кетиб, Маккада вафот этади. Амир Олимхон унинг ўрнига домла Икромни муфти лавозимига тайинлайди. 1917 йил апрель ойи охирларида Мулла Холмурод бошчилигидаги қадимчилар муфтиларга жадид мактаблари шаръян “жоиз эмас”лиги, жадидлар билан мулоқот қилмаслик кераклиги ҳақидаги фатвога муҳр бостириб олишади. Домла Икромча бунга қарши чиқади ва қушбегига норозилик хати ёзади. Қушбеги ва қозикалоннинг аралашуви билан ҳукумат Домла Икромни Ғузор вилоятига қозилик қилиш баҳонасида иккинчи бор сурғун қиласи. 1918 йил баҳорида Туркистон Халқ комиссарлари Совети раиси Ф. Колесовнинг Бухорога қарши қуролли харакатни амалга ошириши оқибатида амир Ёш бухороликларни хоинликда айблаб, жазолашни буюради. Улар орасида Домла Икромнинг Ҳабибулло исмли ўғли ҳам бор эди. Бухоро ҳукумати Ҳабибуллони қатл этиб, Домла Икромни хибсга олади. Унинг уй-жойи мусодара этилиб, барча китоб ва қўлёзмалари ёндирилади. Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати томонидан 1920 йилда Домла Икром бутун оиласи билан озод қилиниб, Бухорога келтирилади ва адлия вазирлиги нозири этиб тайинланади. 1922 йилга келиб эса шаръий қозилик маҳкамаси ташкил этилади ва унга раис қилиб тайинланади. Домла Икром 1925 йилда нафақага чиқкан ва шу йили вафот этган.

² ЎзРМДА, И-3 фонд, 2-рўйхат, 215-ийғмажилд, 1-55-вараклар.

³ Бу асар ҳалқ орасида “Дар баёни бидъаоти машҳура” (“Машҳур бидъатлар баёни”) номи билан танилади.

зоҳир қилурлар”¹, - дейди. Бу ҳолат Домла Икром “Фатава камила” (“Мукаммал фатволар”)² асарини ўқигунича давом этади.

Домла Икром бу асарни ўқиб, “жамиятдаги барча бузуқликлар ҳукмдордан эмас, балки ўзимизнинг нафси амморамиздан ҳосил бўлар экан”, деган хulosага келади ва “бизга вожиб шудирки, ўзларимизнинг қусурларимизни эътироф ва икрор қилиб, бу бузуқликларни ўзимиздан билайлик ва ўз гуноҳларимиздан тавбаю истиғфор қиласлий. Ҳаром қилинган, янги пайдо бўлган расм-руслар ва ораларимиздаги машҳур бидъатлардан сакланайлик. Токи, биз осийларнинг гуноҳлари шумлиги ва касофатидан ислом подшоҳи давлатига заҳмат ва хароблик қайтмасин”³, - дейди.

Домла Икромнинг “Ифоз ал ноимин ва эълом ал жоҳилин” асари кириш, 2 боб ва хulosадан иборат бўлиб, биринчиси “Одамлар орасида машҳур бўлган, ҳаром қилинган лаззатлар баёнида”; иккинчиси эса “Замоннинг ўзгариши сабабли ҳаром қилинган ишлар баёнида” деб номланади.

Биринчи боб икки қисмдан ташкил топган бўлиб, биринчи қисмда: судхўрлик (рибо); мадрасаларнинг вақф ҳужраларини сотиш; муфтиларнинг “оқ муҳрлари”; нос ва чилим чекиш; диний илмсизлик; масжидларда намоз ўқишининг кескин камайгани; шаробхўрлик; етимларнинг ҳақига хиёнат билан боғлиқ масалалар танқидий таҳлил қилинган⁴.

Иккинчи қисмда эса, эркакларнинг зеб-зийнатга бурканиб, қимматбаҳо кийимлар кийишлари, тўй ва маросимларда ҳофизлар ва раққосаларнинг кўпайгани, исрофгарчилик, талабаларининг “қориёна”, “ижтимоёна” номли йигинлари, савдогарлар томонидан ўйлаб топилган янги одатлар ҳақида гапирилиб, уларнинг ножоизлиги Қуръон ояллари ва Ҳадислар орқали исботлаб берилган⁵.

Иккинчи боб “Турли ёмон бидъатларнинг аралашшиидан ҳаром бўлган нарсалар” деб шартли номланган бўлиб, унда авлиёларнинг қабрини зиёрат қилиш; “Биби Сешанба” маросими; азадорлик маросимлари: “йигирма”, “қирқ” ва “йил” ҳақида; бозордаги тарозибонларнинг ўғриликлари; кўпкари маросими; Зикри жаҳрия; Ёздахум хатмлари; “Гули сурх” ва “Мозори сахий” зиёрати; масжиддаги ғийбатлар; уламолар ўртасидаги баҳслардан иборат масалалар муҳокама қилинган⁶.

Домла Икромнинг “Машҳур бидъатлар баёни” асарида 106 йил олдин тилга олинган камчиликларнинг айримлари бугунги кунда ҳам жамиятимизда тез-тез учраб турибди. Домла Икром асарда 25 та муаммога тўхталиб, уларни хукумат даражасида ҳал қилиш лозимлигини таъкидлайди. Айниқса, етимларнинг ҳақини химоя қилиш ҳокимларнинг вазифаси эканини уқтириб, тўй ва маросимлардаги исрофгарчиликларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратади ва ҳокимларни шахсий намуна қўрсатишга чақиради. Ҳуллас, давлат арбоби ва тараққийпарвар уламо Домла Икромнинг асарларини ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиш тарихчилар ва сиёсатчилар олдида турган муҳим вазифадир.

¹ Мулла Икром. “Ийқозу-н-ноимийн ва иълому-л-жоҳилийн” (“Уйқудагиларни уйғотиш ва жоҳилларга билдириш”). Янги Бухоро, 1912. – Б. 47.

² Асар Муҳаммад Комил ибн Мустафо ат-Таробулисий (1829-1900) томонидан ёзилган бўлиб, тўлиқ номи “ал-Фатово ал-комилия фий ал-ҳаводис ат-таробулисия”dir. Ҳанафийлик мазҳаби фикҳига оид ушбу асар 1895 йилда Мисрда нашр қилинган.

³ Мулла Икром. “Ийқозу-н-ноимийн ва иълому-л-жоҳилийн”. – Б. 48.

⁴ Мулла Икром. “Ийқозу-н-ноимийн ва иълому-л-жоҳилийн”. – Б. 50-59.

⁵ Мулла Икром. “Ийқозу-н-ноимийн ва иълому-л-жоҳилийн”. – Б. 60-65.

⁶ Мулла Икром. “Ийқозу-н-ноимийн ва иълому-л-жоҳилийн”. – Б. 66-75.

Жумаев У. Х.
Тошкент вилояти Чирчик
Давлат педагогика институти

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИГА ОИД ЭСДАЛИК КУНДАЛИКЛАР ВА МЕМУАРЛАР ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

Туркистон генерал-губернаторлиги тарихини тадқиқ этишда шахсий характердаги материаллар асосий манба бўлиб, улар қаторига кундаликлар, мемуарлар ҳамда Туркистондаги солиқ сиёсатига дахлдор бўлган ёки ундан яхши хабардор бўлган давлат арбобларининг хотиралари ва эсдалик хатлари кирган. Бу манбаларнинг бир қисми нашр этилган бўлиб, қолганлари архивларда сакланмоқда¹.

Бошқа манбалар билан солиштирганда, мазкур турдаги манбалар расмий маълумотларда камдан-кам учрайдиган, юқори доираларда молия ва солиқ сиёсатига оид баҳс-мунозаралар жараёнларини кузатиш ва аниқлашга ёрдам беради. Бу манбаларнинг бир қисми чоп этилган бўлиб, бошқалари архивларда сакланмоқда. Молия ва солиқ масалаларини ёритишда А.Н.Куропаткин², Н.П.Остроумов³, А.В.Кривошеин⁴, Г.П.Фёдоров⁵, А.Стеткевич⁶нинг хатлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Россия зироатчилик ва давлат мулки вазири А.В.Кривошеин 1912 йилда иш сафари билан Туркистонга ташриф буюриб, ўлкада мустамлакачиликни тўғри йўлга қўйиш борасидаги ўз мулоҳазаларини баён этади ва “ўлкани ярим аср мустамлака қилган давлат каттароқ нарсаларга умид қилишга ҳақли” эканлигини билдиради⁷.

Ўлка генерал-губернатори С.М.Духовскойнинг топшириғига биноан А.Стеткевич ўзининг “Россия учун Туркистон камомадлими?” деб номланган маколасини чоп этади. А.Стеткевичнинг таъкидлашига кўра, 1869-1896 йиллар оралиғида тўпланиб келган 132 млн. рубллик дефицитни империяга етказилган зарар сифатида қараш нотўғридир. Агарда ҳарбий ҳаражатларга кетган 174 млн. рубл маблағ ҳисобга олинадиган бўлса, Туркистон Россияга 42 млн. рубл даромад келтирган. Бунга ички вилоятлардаги армиялар иқтисодий таъминотига сарфланган маблағлар қўшиладиган бўлса, бу маблағ 60 млн. рублга ўсишини муаллиф қайд

¹ Красный архив. 1927. № 1 (20). (Дневник А.Н. Куропаткина); Остроумов Н.П. Константин Петрович фон Кауфман – устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания. – Ташкент, 1899. – 216 с.; Кривошеин А.В. Запискаглавноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – Полтава, Электрическая типо-литография И.Л. Фришберга, 1912. – С. 55.; Федоров Г.П. Моя служба в Туркестанском крае // Исторический вестник. 1916. Т. 133. № 9. – С. 786-812; Т. 134. № 10. – С. 33-35; № 11. – С. 437-467 и № 12; Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России? – СПб, Б.и, 1899 и др.

² Красный архив. 1927. № 1 (20).

³ Остроумов Н.П. Константин Петрович фон Кауфман – устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания. – Ташкент, 1899. – 216 с.

⁴ Кривошеин А.В. Запискаглавноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – Полтава, 1912. – С. 55.

⁵ Федоров Г.П. Моя служба в Туркестанском крае // Исторический вестник. 1916. Т. 133. № 9. – С. 786-812; Т. 134. № 10. – С. 33-35; № 11. – С. 437-467 и № 12.

⁶ Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России? – Ташкент, 1899.

⁷ Кривошеин А.В. Запискаглавноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. ... – С. 69, 72.

этади. Россия Молия вазири С.Ю.Витте томонидан А.Стеткевичнинг хуносалари танқид қилиниб, Туркистон иқтисодий инқизоз ҳолатида эканлиги, унинг иқтисодий ютуқлари омили “Россия томонидан қилинаётган улкан миқёсдаги моддий қурбонликлар”да эканлиги қўрсатиб берилади. С.Виттенинг фикрича, Туркистон пахтачилигига киритилган рус сармоялари минтақани ривожлантиришда энг муҳим манба ҳисобланади ва “аҳолида пул йигимларининг” ўсишига сабаб бўлади¹. Унинг фикрига мувофиқ, буларнинг ҳаммаси “маҳаллий ҳалқнинг руслар ҳукмронлиги даврида қотиб қолган солик тўлаш имкониятининг даражасини яхшилаш”га энг асосий омил бўлиб хизмат қиласди².

Туркистоннинг иқтисодий захираларидан империя харажатларини қоплаш йўлида фойдаланиш масаласи илк бор ҳарбий идоралар томонидан қўтарилган эди. 1879 йилда полковник А.Н.Куропаткин (бўлажак Каспийорти вилояти губернатори, Россия Ҳарбий вазири, 1916-1917 йилларда Туркистон генерал-губернатори) нинг “Россиянинг Осиё қисми, Кавказ ва Оренбург ўлкаси бўйича кирим-чиқимлари ҳисоби тажрибаси” номли хати Ҳарбий вазирликка тақдим этилган эди. Ўз хатида у эътиборни мустамлакалардаги иқтисодий вазиятларда сарф-харажат ва даромадни ўрганиш амалиётининг деярли йўқлигига, шу жумладан Туркистон генерал-губернаторлиги ҳам бу ҳолатдан мустасно эмаслигига қаратган. Муаллиф империя харажатларини қоплашнинг биринчи қадами сифатида Туркистон аҳолисини ҳарбий харажатларни қоплашга жалб қилиш таклифини киритган. А.Н.Куропаткиннинг хатида молиявий компенсация сифатида Туркистон аҳолисидан бир йил учун 3.125.000 рубл ҳарбий соликлар ундириб олиниши лозимлиги таъкидланган³.

1884-1886 йилларда Туркистоннинг мусулмон аҳолисига нисбатан ҳарбий соликларни жорий қилиш масаласи “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”нинг лойиҳасини тайёрлаш комиссиясида муҳокама этилган бўлиб, 1891, 1898 ва 1904 йилларда империянинг Давлат Кенгашида кўриб чиқилган. Бироқ, бу конун лойиҳаси рус-япон урушининг бошланиши натижасида тасдиқланмай қолиб кетган. Туркистондан даромад манбанинг ўсиш омили сифатида маҳаллий аҳоли томонидан тўғридан-тўғри ва қисман тўланадиган солик йигимларининг ислоҳотлари хизмат қилиши керак эди.

Шундай қилиб, кундалик ва хатлардаги ўлка ҳақидаги маълумотлар субъектив бўлиб, уларни бошқа манбалар билан синчилкаб солиштириш лозим, бироқ улардан у ёки бу идоранинг яширин мақсад ва манфаатларини, амалдорларнинг у ёки бу масала бўйича билдирган қизикиш ва кайфиятларини билиб олиш мумкин.

Туркистон ўлкасига оид эсдалик кундаликлар ва мемуарларда Туркистонда Россия империяси мустамлакачилиги йилларида давр руҳи акс этган бўлиб, уларда муаммо ўз замонасининг ғоявий талаблари асосида талқин қилинган бўлсада, Россия империясининг Туркистон ўлкасида олиб борган молия ва солик сиёсати, унинг шаклланиши, динамикаси ҳамда оқибатларига оид маълумотлар кенг илмий муомалага олиб киритилганлиг

¹ Витте С.Ю. Воспоминания. Т.І. (1849 – 1894). – М., 1960. – 555 с.

² Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России? – Ташкент, 1899;

³ Витте С.Ю. Воспоминания. Т.І. (1849 – 1894). – М., 1960. – С. 274.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИ АНЬАНАЛАРИ ТИЗИМИДА ТАБИБЛИК СИНОВИ

Ўзбек халқининг табобат анъаналари Хитой, Тибет, ҳинд ва Марказий Осиё халқларининг табобат сингари ўзига хос минтақавий ҳусусият ва тарихга эга. Ўлка табобати ҳақида энг қадимий манба “Авесто”да ҳам маълумотлар учрайди. Табобат анъаналарининг пайдо бўлиши ва ривожланишига халқнинг турмуш тарзи, ижтимоий, иқтисодий ва хўжалик ютуқлари ҳамда диний қадрятлари бевосита таъсир қиласи. Табобат илми, табибларнинг устоз-шогирдлик муносабатлари, касбий ва шахсий фазилатлари халқнинг миллий минталетити, яшаш тарзи, этник таркиби, бошқа ҳунар турларининг анъаналари билан ўзаро муносабати каби омиллар натижасида шаклланган ҳамда давлат томонидан бу соҳага эътибор қаратилиши, жамият амал қиласиган урф-одатлар таъсирида ривожланган.

Барча халқларда табобат илми ва анъаналари авлоддан - авлодга оғзаки равишда ўтиб келган. Маълум даврларда табобат соҳасига давлат томонидан эътибор қаратилиши ва шу ҳудудда тиб илмининг юксак даражада ривожланиши сабабли тиббий китоблар, қўлланмалар ва рисолалар яратилган. Лекин, бугунги кунгача халқ орасида табобат анъаналарига доир айрим даволаш усуллари, урф-одатлари, маросимлари борки, улар шу соҳа тарихи ва минтақавий ҳусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Табобат устоз-шогирдлик анъаналарига асосланиб, шогирд маълум муддат ўзи танлаган устозидан касб сирларини ва табиблик этикасини ўргангандай. Маълум муддатдан сўнг шогирд етари билим, малака ва тажрибага эга бўлгач, шогирдлик муддати тугаб, мустақил фаолият бошлашга киришади.

Қадимдан шогирднинг мустақил иш бошлаш жараёни мураккаб синовлардан сўнг амалга оширилган. Масалан, “Авеста”да ҳам шогирдлар ўқишини узоқ йиллар давом эттирганлиги ва мустақил фаолиятга бир қанча синовлардан сўнг кўйилганлиги айтилади¹.

Ўрта асрларга келиб бу жараён расмий тартибга солингандай. Масалан, 931 йилда Халифа Муқтадир табибларни имтиҳон қилиш ҳақида маҳсус фармон чиқарган². Имтиҳондан мувафақиятли ўтган табибларга маҳсус шаҳодатнома бериш йўлга қўйилиб, шаҳодатномада тибнинг бирор соҳасида табиблик қилишга рухсат берилгани айтилган. Шунингдек, “У доимо раислар билан маслаҳатлашиб туриши, ишончли устозларидан насиҳат олиб, уларнинг тажрибасидан фойдаланиш лозим”лиги таъкидланади³. Табиблар мажлисига ёши улуғи раислик қилган ва ёши кичиги маслаҳатларни ёзиб ёрдам сўраган табибга берган.

Касб-ҳунар тарихига назар солсак, барча ўргатувчилар ўз шогирдларига нисбатан қаттиқўл, талабчан бўлган, шогирдлар учун маҳсус одоб талабларини

¹ Пармонов С. Қадимги шарқ тиббиёти фалсафаси // Сиҳат-саломатлик. 1999. № 4. –Б. 23.

² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Тиб ва дам. 18 жуз. Т. Шарқ. 2010. Б. 235.

³ Ўша асар. Б. 235.

ишлиб чиққанлигини қўриш мумкин¹. Марғилонлик табибнинг хотираларига қўра, у шогирдлик муддатини тутатгач, имтиҳон чоғида устозини (ўз отасини) операция килиш сўралган ва бу иш мувафақиятли бажарилгач, мустақил фаолиятга рухсат берилган². Д. Логофетнинг ёзишича, устоз ўз шогирдига фотиха бергач, шогирдини фаолият юритиши учун жой, турли гиёхлар, тайёр дорилар билан таъминлаган ва барча даволаш сирларидан огоҳ этган³. А. Қодировнинг ёзишича, табибликни касб қилишни истаган киши аввало гувоҳлар иштирокида учта касални муваффақиятли даволаб, ўз маҳоратини кўрсатиши зарур⁴, шундан сўнг у табиб мақомига эга чиққан.

Шогирднинг мустақил фаолият бошлаши нафакат табобат соҳасида, балки барча касб-хунар вакиллари орасида ҳам маълум удумлар ва бажариладиган маросимлар билан ажралиб туради⁵. Табобат соҳасида эса шогирднинг мавжуд синовлардан ўтиб, эл назарига тушгач оқ фотиха бериш маросими ўтказилади. Бу жараён устознинг хонадонида ташкил қилиниб, чор- атрофдан кўзга кўринган хакимлар иштирок этишади. Табиб Ф. Сайфиевнинг айтишича, унинг мустақил иш бошлаши учун ташкил қилинган йигинда Луқмони Ҳаким хаққига дуо ўқилиб, шогирд томонидан устозига бош-оёқ сарпо берган⁶.

Халқ орасида машхур бўлган Моштабилар ҳам тиб илми сулола ичидан давом этиб келаётган бўлсада, устоз-шогирдлик қоидалари ҳамда мустақил фаолият бошлаш учун ўтказиладиган синовларга катта эътибор қаратишган. Кўпинча, устоз иш бошлаётган шогирдига табобатга оид бирор анжом совға қиласи, аксарият холларда шогирд табобатнинг қайси соҳасида иқтидорли бўлса шунга оид предмет берилган (масалан: доригар бўлса ховонча бериган).

Сўровномада қатнашган аксар табиблар ҳозирда мустақил фаолиятни йўлга кўйган бўлсада, ҳар йили маълум вақтда устози ёки уни оиласи ҳолидан ҳабар олишини таъкидлашди. Уларнинг баъзилари ҳар йили янги иш бошлашдан олдин устоздан оқ фотиха олишни ўзларига анъана сифатида белгилаб олишган.

Халқ табобати тизимида табиблик синови бўлажак табибнинг касбий ва шахсий аҳлоқ нормаларига эга эканлигини текшириш мақсадида ўтказилади. Яъни, бўлажак табибларни синовдан ўтказиш, фақатгина унинг тибий билим ва малакага эга эканлиги билан чегараланиб қолмасдан, миллий урф-одат, касбий анъана ва риоя этиш лозим бўлган аҳлоқий меъёrlарни ҳам қамраб олади.

¹ Юлдашев X. Кичик мутахассислар тайёрлашда “Устоз шогирд одоби” анъаналаридан фойдаланишнинг илмий услубий асослари. Пед. фан. ном. учун дисс. автореферати. –Тошкент: 2006. –Б. 9.

² Лыкошин Н. Сартарашъ (туземный брадобрей и цирюльник) // Туркестанские ведомости. 1903, 18-сентябрь.

³Логофеть Д. Бухарское ханство – под русским протекторатом. Томъ II. –Спб.: Издать. В. Березовский, 1911. –С.135.

⁴ Қодиров А. Ўзбекистон тиббиёти тарихи. –Тошкент: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2001. –Б. 33.

⁵Бу ҳақда қаранг: Гордлевский В. Из жизни цехов в Турции. К истории Ахи // Азиатский музей. Записки коллегии востоковедов. Томъ XI. Вып. II. –Л.: 1927. –С. 239-243; Пещерева Е. Городское гончарное производство Средней Азии. –М.: 1959. –С. 312-312.; Фуломов С., Булатов С. Шарқона уста-шогирд одоби. –Тошкент: 2000.; Юлдашев X., Булатов С. Устоз ва шогирд одоби. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004.

⁶Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Жондор тумани. 2015 йил.

Жуманиязов Д. Қ.
Қарақалпок Давлат университети

МУСТАБИД ТУЗУМ ДАВРИДА АМУДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Туркистон АССР Амударё вилоятининг хўжалиги 20-йиллардаги Туркистон АССР таркибидаги асосий вилоятларининг хўжалигидан саноати ва қишлоқ хўжалигининг тушкун ҳолати билан кескин фарқланарди. Бу йилларда Амударё вилоятида ҳарбий коммунизмнинг иқтисодий тамойиллари амалга оширилди. Йирик хусусий уй-жойлар, заводлар ва ер майдонлари миллийлаштирилди. Тўрткўл шахрида бу ерлар ҳалқ хўжалиги совети (совнархоз) тасарруфига ўtkазилди. Бу даврга хос яна бир хусусият, жумладан, суғориш тизимига етказилган беҳисоб вайронагарчиликларда акс этарди. Бунинг оқибатида экин майдонлари кескин қисқариб кетди. Масалан, экин майдони 1914 йилда 90.097 десятина бўлган бўлса, 1920 йилда 46.330 десятингача қисқарди¹. Бу даврда Амударё вилоятининг қишлоқ хўжалиги ниҳоятда оғир аҳволда эди.

1921 йилнинг 24 февралида Тошкентдан олинган телеграмма асосида Вилоят экин комиссияси (посевком) ташкил этилиб, кейинчалик Чимбой вилояти, волостлар, қишлоқлар ва овулларнинг экин комиссиялари шакллантирилди. Улар 1921 йилдаги экин ишларини амалга оширишди.

1921 йилнинг 10 июлида Амударё вилояти Ижроқўмининг таъкидлашича, аҳолининг сони ва ер фонди ҳажми тўғрисида статистик маълумотларнинг йўқлиги, дехқонларнинг ер-сув ислоҳатларининг асосий тамойилларидан хабардор этилмаганлиги, шунингдек, ер тузилиши ва ирригация соҳаси бўйича малакали кадрларнинг йўқлиги боис вилоядаги ислоҳатларини ўтказишга тайёргарлик кўрилмади. Чимбой уездига 1919 йилдаги қўзғалоннинг 24 ташкилотчисига тегишли ерлар мусодара қилинди². Туркистон АССР да янги иқтисодий сиёсатга (ЯИС) ўтиш Туркистон Компартиясининг 1921 йил августидаги VI съездида сиёсий жиҳатдан асослаб берилди ва шундан сўнг Туркистон АССР Советлари X съезди қарори билан расмийлаштирилди. ЯИС нинг асоси иқтисодиёт, ҳалқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг ҳарбий коммунистлик усусларидан воз кечиш, ишлаб чиқарувчига, аввала дехқонларга бир қадар еркинлик беришдан иборат эди.

1921 йилнинг охирига келиб, вилоядаги ер тузилишига тайёргарлик кўрила бошланди. Масалан, 1921 йилнинг 5 нояброда ер тузилиши билан боғлиқ тайёргарлик ишларини ўтказиш учун ТАССР Ер ҳалқ комиссарлиги (Наркомземи)нинг Ер тузилиши Марказий Бошқармаси (ЦУЗ) ерсиз ва кам ерли дехқонларга 10.750 минг рубль ажратди. 1921 йилда марказий статистика бошқармаси Амударё вилояти бўйича ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги, саноат ва аҳолини (демографик) рўйхатга олишга киришди. Рўйхатга олиш асосида: а) 1922 йилги кузги экинларнинг (қиши давомидаги) овуллар бўйича экин майдонларини аниқлашни; б) баҳорги-лалми экинларнинг (баҳор давомидаги) овуллар бўйича экин майдонларини аниқлашни; в) қайта экинларнинг (ёз давомидаги) овуллар бўйича экин майдонларини аниқлашни амалга ошириди.

¹ Сарыбаев М.К. Политика хлопковой монокультуры Советской власти в Каракалпакстане и ее последствия (1917-1990 гг.). Ташкент: Фан, 2008. С.21.

² ЎзР МДА ф. Р-39, р. 1, йж.320, в. 15.

Янги иқтисодий сиёсат асосида тақсимот (разверстка)ни озиқ-овқат солиғига алмаштириш ётарди. Озиқ-овқат солиғи тўланганидан кейинги барча ортиқча нарсалар дехқонларнинг тасарруфида қолар эди. Улар эса буни ўз хоҳишларига кўра истифода этишлари мумкин эди.

Янги иқтисодий сиёсат (ЯИС) йилларида Амударё вилоятида уч йилдан кўп бўлмаган муддатга ижарага ерлар берилиб, ердан ижара асосида фойдаланишга рухсат этилди. Кооперативларнинг далаларини сугориш эҳтиёжи учун Амударё вилояти дехқончилик комиссарияти томонидан 8.751 минг рубль ажратилган бўлса, Амударё вилояти инқилобий қўмитаси 200 комплект чиғир тайёрлаш учун маблағ ажратди¹. Амударё вилоятида иқтисодида майда (кустар) ҳунармандчилик муҳим роль ўйнарди. 1920 йилда Амударё вилоятида 537 та ҳунармандчилик корхонаси бор эди. Тўрткўл ва Чимбойда механик тегирмонлар бўлиб, улар ҳам миллийлаштирилган эди².

Қишлоқ хўжалиги экин-тикин билан боғлиқ хусусиятга эга эди. Пахтачилик дон ва полиз экинлари томонидан суреб чиқарилиб, пахта етиштириш 4 баробар, дон экини деярли 3 баробар, озуқабоп экинлар 3,5 баробарга қисқариб кетди.

Туркистон республикаси ХКС пахтакорларни от-улов ва меҳнат мажбуриятидан озод қилиш тўғрисида қарор чиқаргачгина, аста-секинлик билан пахтачилик ривожлана бошлади. Пахта хом ашёси ва толасига давлат монополияси эълон қилиниб, у билан хусусий савдо қилиш бекор қилинди.

1922 йилда Шўрахон ва Тўрткўл уездидаги, Тўрткўл уездининг Сарибай волостидағи 277 та ерсиз дехқонга умумий майдони 1.249.5 таноб ер тарқатилди³. Дехқонлар ишлов берган ерларга эгалик ҳуқуқини берувчи мандат берилди.

Айрим волостлардаги ерсиз дехқонларни ер билан таъминлашга тайёргарлик бутун вилоят миқёсидаги ерларни тартибга солиш билан бирга олиб борилди ва бу чора-тадбирлар учун 1922 йилнинг 20 марта гача ўша давр қиймати бўйича катта бўлмасада, 35 миллион рубль пул ажратилди⁴.

1922 йилда Амударё вилояти раҳбарларидан бири М.Бальджанов қуйидаги масалаларни кўтарди: вилоят мустақил маъмурий-хўжалик бирлиги сифатида ривожланиши учун республика маркази билан боғланиш муаммосини бартараф этиш керак; зарурат доирасида мувозанатни сақлаган ҳолда совет аппарати меҳнатига тўланадиган ҳақни ва амалиёт эҳтиёжлари учун ҳаражатларни қисқартиш; уездлардаги маъмурий бирликларни қисқартириб вилоятни районлаштириш зарур; ХССР билан чегаралар ҳақидаги масалани ҳал қилиш; давлат бюджети ҳисобига ердан ва ўрмон дала-ховлиларидан фойдаланиш масалаларини бартараф этиш; ҳалқ таълими ва соғлиқни сақлашни керакли даражага кўтариш учун уларга ёрдам пули (дотация) ажратиш зарур.

Ҳаммадан кўп пахтачилик зарап кўрди. Бунга яна пахтачиликни тиклаш ва кўтариш кўп жиҳатдан ғалла масаласини ҳал қилишга ҳам боғлиқ эканлигини, Туркистонга, шу жумладан Амударё вилоятига дон олиб кирмай пахтачиликни ривожлантириб бўлмаслигини ҳам қўшиш мумкин. 1924 йилда СССР ҳукумати Туркистон АССРдаги, шу жумладан унинг таркибий қисми Амударё вилоятидаги

¹ ЎзР МДА ф.Р-25, р.1, йж.603, в.7.

² Каракалпакстан жана тарийхы. Каракалпакстан XIX асиридин екинши ярымынан XXI асириге шекем. Нокис: Каракалпакстан, 2003. С.178.

³ КР МДА, ф.11, йж.79, в.6

⁴ Аметов К.Аграрная политика Советской власти в Каракалпакии. Нукус:Каракалпакстан, 1972. С. 129

ерлардан фойдаланишни тартибга солиш ва яхшилаш бўйича бир қатор қонунлар қабул қилди. Тикланиш даврида транспорт катта аҳамиятга молик вазифаларни бажарди. 1923 йил августида ташкил этилган Ўрта Осий давлат пароходчилиги сув транспортини ривожлантириди. Амударё вилоятининг Турткул шахри билан Чимбой шаҳрини боғлайдиган телефон алоқасини йўлга қўйиш режалаштирилди. 1923 йили Турткулда 20 киловат қувватлигда ишлайдиган биринчи электростанция қурилди¹. Бу даврда ютуқларга қараганда камчиликлар кўп эди. Масалан: Чимбой уездиде аввал 6 та, Шурахан уездиде 16 та пахта тозалаш заводлари ишлагани, бугунги кунга келиб ўлар талон-тарож бўлгани, маълумотларга қараганда ўларнинг бир бўлаги XXCP га ўтказилганлиги ва бундай ҳолатга маҳаллий хукumat шунингдек, район пахта бюроси, пахта комитети, совет халқ хўжалиги томонидан эътиборсизлик билан қоралганлиги натижасида юз берганлиги ишчи деҳқон инспекцияси томонидан ташкил этилган комиссия текшириши натижасида аниқланган². Бундай ҳолатлар халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юз берган, сабаби совет хукумати томонидан Амударё вилоятини халқ хўжалигини бошқариш учун қўйилган шахслар бошқа миллатдан бўлган ва ўлар ўз лавозимларига маъсулиятсизлик билан қараган. Вилоятнинг бу даврдаги сиёсий-иктисодий ҳолати оғир ва тартибсиз вазиятда эди. Миллий чегараланиш вилоят аҳолиси ўртасида турли хил эътиrozларга сабаб бўлди.

Шундай қилиб, Амударё вилоятида ердан фойдаланиш, халқ соғлигини сақлаш, халқ маърифати, ўрмон дала-ҳовлиларидан фойдаланиш, Туркистон Республикаси ва Хоразм Республикаси билан чегаралар масаласи, Республика Маркази билан боғланиш масаласи вилоятдаги энг катта муаммолардан бири бўлиб, улар янги иқтисодий сиёсат даврида ҳал этилмай қолди ёки ўта оғир молиявий аҳвол туфайли уларни Вилоят Ижроқўми улдалай олмас эди.

**Зиёдов Шовосил
Имом Бухорий халқаро-илмий тадқиқот маркази**

САМАРҚАНД ҚАЙРОҚ ТОШ БИТИКЛАРИ

Барчамизга маълумки, Самарқанд шахри бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий ва навқирон шаҳар. Бу ҳудуд асрлар давомида турли сулолалар ва маданиятлар ўчоғи бўлиб келган. Шаҳар музофотида бўлган туманлар, қишлоқлар, маҳаллалар ва гузаларда – қадимий осори атиқалар, зиёратгоҳлар, тарихий обидалар, масжид, ҳонақоҳ ва қабристонлар мавжуд. Кўплаб зиёратгоҳларда Самарқандда фаолият олиб борган ва ислом илми ривожига салмоқли ҳисса қўшган мұхаддислар, муфассирлар, мутакаллимлар, мутасаввуфлар, шоир-адиблар ва факих қадамжолари бор. Мазкур қадамжоларни ўрганиш ва тарихимизни очик қолаётган бўшлиқларини тўлдириш давр талабидир.

Самарқанд зиёратгоҳлари борасидаги асосий манба “Қандийа” ҳанузгача чуқур ўрганилмаган. Мазкур асарнинг биринчи қисми Сайид Аҳмад томонидан битилган бўлиб*, иккинчи қисми анча кейин яратилган. Узоқ вақтлар мобайнида бу

¹ 50 лет Каракалпакской АССР «Каракалпакстан» 1975г. С.22.

² Туркестанская Правда., №75. 4 апрель 1924 г., с.2.

*Ҳозирги кунда бизга етиб келган нусхалар ёрдамида мазкур қисм Ю. Карев томонидан нашрга тайёрланяпти.

асар Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд” (“Самарқанд уламоларини билиш бўйича ширин китоб”) [8] ёки Муҳаммад Абдужалил Самарқандийнинг “Мунтахаб китоб ал-қанд” асарининг форс тилидаги таржимаси деб ҳисобланниб келинган. Яна бир кейинги давр муаллифи ҳисобланмиш Абу Тоҳир Хожа ўзининг “Самария” асари учун “Қандийа” асаридан кўп фойдаланган. Бу асар эса қўплаб маротаба қайта нашр этилган [1].

Қўлёзма манбалардан ташқари мўғуллар истилосидан аввалги уламолар борасидаги маълумотлар Самарқанд қайроқ тошларида ҳам учрайди. Лекин уларни аксарият қисми ҳали ё ўрганилмаган ё нашр этилмаган.

Маълумки, Самарқандда уламолар қабрларига қўйилган қабртошларга юксак санъаткорлик билан ўйиб ёзилган битиклар уларни шу худуд ҳаётида тутган юксак ўрнидан далолат беради. Ўз навбатида, бу битиклар ўтмишни яхши тушунишда ўзга хос кўприк вазифасини ўтайди.

Самарқанд худудида кўплаб қабртошларни учратишимииз мумкин ва бу ёдгорликларни хиллари турличадир. Улар сандиқ, стела (понасимон), қайроқ тошлардир. Улар узунчоқ ёки трапеция, қайроқ шаклда учрайди.

Сандиқ шаклидаги ёдгорликларни Регистон [2], Шоҳизинда [7: 12], Гўри Амир [9: 44-66], Имом Бухорий мажмуаларида учратишимииз мумкин. Стела (понасимон, лавҳ) шаклидаги қабртошлар эса Хожа Ахрор [6: 42-47], Маҳдуми Аъзам [10] зиёратгоҳларида мавжуд. Айрим қайроқ тошлар Абу Мансур Мотуридий мақбараси худудида сақланиб қолган.

Қайроқ – суви сайқал берган дарё тоши бўлиб, турли ўлчамларда ва аксарият холларда чўзиқ ҳолдаги қўринишда ифодаланади. Узоқ йиллар давомида Ўрта Осиёning қўплаб худудларида қайроқ тошлар қабртош сифатида ишлатилиб келинган. Чунки мазкур худудларда у кўп учрайди ва у алоҳида ишлов беришга муҳтож эмас. Аммо уларни аксарияти Самарқанд худудида учрайди ва улардаги битиклар улкан маҳорат билан амалга оширилган.

Бу борада тадқиқотлар кўп бўлмаса-да уларда турлича ёндашувлар бор. Айримлари қайроқ тошлардаги битикларни ўқиб фақат шу билан чекланган бўлса, айримлар тошлардаги битикларни ўқишида камчиликларга йўл қўйганлар. Тожикистонлик олима Додхудоева Л.Н. ўзининг “Эпиграфические памятники Самарканда XI-XIV вв” номли китобда 130 қайроқ тошларни чоп этган [3], Ҳашимов М. А. эса “Религиозные и духовные памятники Центральной Азии (книга-атлас)” [11: 28-40] китобида 100 та қайроқ тошларни юқорида кўрсатилган манба асосида киритган.

Мотуридий мақбарасини тиклаш жараёнида қўплаб фақих ва уламоларга мансуб қабртошлар (*қайроқ тошлар*) топилгани эътиборга молиқдир. Уларнинг аксарияти қораҳонийлар даврига оид бўлиб, қўплаб янги маълумотлар бериши табиий.

Одатда матн қайроқ тошни юқори қисмига битилган бўлиб, қабр устига қўйилган. Улар юзасидаги битиклар, рамзий белгилар, нақшу нигорлар маълум тартиб ва қоидаларга асосан амалга оширилган:

- 1) Одатга кўра матн: “ҳаза қабр” (бу қабр), “ҳаза марқад”, “ҳаза бустан” (бу боғ) каби фарқли битиклар билан бошланади;
- 2) Кейин эса марҳумни исми, лақаби, нисбаси ва одатга кўра уч авлод шажараси берилади;
- 3) Вафот санаси маълум бир тартибдага ибора билан бошланади “мутавафий фи” (вафот этди...);

- 4) Мархумни илм соҳасидаги – фақих, муфассир ёки қори ва бошқалар
- 5) Мархумни ўзига ёки унинг яқинларига хайриҳоҳона баҳо ҳолатлари ҳам учрайди.

Лекин сўнгги кузатувларимиз натижасида бундай қайроқ тошлар нафақат Мотуридий мақбараси балки Самарқандининг бошқа ҳудудларида ҳам борлиги аён бўлмоқда. Буларга қуйидаги манзиллардаги қайроқ тошларни киритишими мумкин: Афросиёб тарих музейида бир дона, Доримий мақбараси ёнида икки дона, яна икки донаси Ҳазрат Хизр масжиди ёнида. Беш донаси Амир Темур мақбарасидан узоқ бўлмаган Хон “Сайд Имом” маҳалласидаги Искандаров ва М. Умаров кўчалари кесишиган жойдаги Хон Сайд Имом зиёратгоҳида ғиштдан курилган даҳма деворига ўрнатилган.

Қуйида мазкур янги қайроқ тошлардаги битикларни ўқишига ҳаракат қилдик:

I. Афросиёб тарих музейидаги қайроқ тош:

Амир Абу Мухожир Муҳаммад ибн Имрон ибн Муҳаммад ибн ал-Ахвас Анзорий номи битилган. Вафот санаси ва соҳаси берилмаган.

II. Доримий мақбарасидаги қайроқ тошлар:

1) Шамсиддин Муҳаммад ибн Арслон Аркабаш ибн Муҳаммад Ўзгандий. Вафот санаси сақланиб қолмаган.

2) Муфассир, войиз – Сайд Шаҳобиддин... қолган қисми сақланиб қолмаган.

III. Ҳазрат Хизр масжиди:

1) Шайх, имом Абу... Абд ... Вафот санаси: 523/1129 йил.

2) Шайх, фақих Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Сарромий. Вафот санаси: рамазон ойи 609/1213 йил. феврал.

IV. Хон Сайд Имом зиёратгоҳи:

1) Муфтий, войиз, муфассир Абу Хомид Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Халвоний ал-Зариқий?. Вафот санаси: жума куни рабий ул-охир ойининг биринчи чорагида 603/1206 йил ноябрь ойи бошларида

2) Шайх, Имом, Муҳаммад ибн Али ибн Аби Сахл ибн Хамза. Вафот санаси: душанба 5 шаъбон ойининг 543/1148 йил 18 декабрь куни .

3) Муфтий, Шайх, фақих – Маҳмуд ... Абу Муҳомид Муҳаммад ибн Али ибн Нажафи... вафот санаси: 562/1166 йил.

4) Шайх – Муҳаммад ибн Шайх ал-Кабир ал-Нажжорий Хайриддин Муҳаммад ибн Муҳаммад. Вафот санаси: 14 рамазон 638/1241 йил 28 март куни.

5) Ҳожа Туркий Маҳмуд ибн Музаффар ибн Умар ибн Сафоб ал-Марвазий... Вафот санаси: Рамазон ойининг 10 куни 582/1186 йил 23 декабрь куни .

Илмий текширишлар натижасида X-XII аср сангтарошлиқ санъати ўз даврида анча тараққий этганлиги аниқланди.

Қабртош матнларининг текстологик ва палеографик таҳлили матнларнинг ҳар бир тарихий давр шарт-шароитидан келиб чиқсан ҳолда ўзгарганлигини қўрсатди.

Хулоса ўринида шуни айтиш керакки, мазкур қайроқ тошларни ўрганиш ва илмий муомалага киритиш Самарқандда яшаб ўтган уламоларни вафот ва туғилган йиллари, туғилган жой ёки вафот жойлари, шажараси, нисбалари, асаллар номлари, ислом илмларидағи хизматлари, устозлари, шогирдлари борасидаги қўлёзма асалларда учраймадиган муҳим маълумотлар билан муҳимдир:

1. Био-библиографик адабиётларда номлари учрамайдиган мотуридийа калом мактаби вакиллари, улар атрофидаги уламолар номларини тиклашда;

2. Х асрда Самарқандда фаолият кўрсатган илк икки қалом мактаби ва Абу Мансур Мотуридийга бевосита туташган : а) “Дор ал-иёдия” б) “Дор ал-жузжония” тарихини ўрганишда;

3. Мотуридийлар томонидан битилган ва бизгача етиб келмаган асарларни номларини аниқлашда.

Ўйлаймизки, Самарқанд шахри ҳамда унинг атрофида янги ва ҳали бизга номаълум бўлган қайроқ тошлари топилади ва илмий муомалага киритилади.

Адабиётлар:

1. Абу Тохирхожа. Самария // Мерос. – Т.: Камалак, 1991.
2. Bakhtiyor Babajanov, Ashirbek Muminov, Jürgen Paul (eds.): Schaibanidische Grabinschriften. Wiesbaden: Harrassowitz, 1997.
3. Додхудоева Л.Н. «Эпиграфические памятники Самарканда XI-XIV вв.» Том I. – Душанбе: Издательство «Дониш», 1992.
4. Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Т., Маънавият, 2008.
5. Мўминов А. Значение погребальной эпиграфики в г. Самарканде (Х-XIV века) для изучения истории Матуридийа //// *Büyük Türk Bilgini. Imam Mâturîdî ve Maturidilik / Millletlerarası tartışmalı ilmî toplantı*. 22-24 mayıs 2009 – İstanbul. Ed. Prof. Dr. İlyas Çelebi. – İstanbul, 2012.
6. Надгробная эпитафия Ходжа Йахии сына Ходжа Убайдаллах Ахрара // Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. –Самарқанд, 2000.
7. Немцева Н. Шахи Зинда (Альбом) – Т. 1987.
8. Раҳимджанов Д. VIII-XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд» асари асосида): тарих фанлари номзодлик диссертацияси автореферати. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 26 б.
9. Семенов А.А. Надписи на надгробиях Темура и его потомков в Гуре Эмире/ Эпиграфика Востока, Вып.П. М Й., 1948.
10. Тураев Б.О. “Маҳдуми Аъзам” рисоласи 2014 йил. Имом Бухорий нашриёти, 2013.
11. Хашимов М. А.Религиозные и духовные памятники Центральной Азии (книга-атлас). – Алматы: Издательство «САГА», 2001.
12. Эпиграфика мемориального комплекса Шахи-Зинда. (тексты, переводы). Прочитане текстов, переводы, Введение: Б.Бабаджанов, У. Рустамов. Самарқанд. 2015

**Ирисқұлов О.
Самарқанд давлат университети**

МУСТАМЛАКА ДАВРИДА САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ ХРИСТИАН ДИНИ ИБОДАТХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Маълумки, Подшо Россиясининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё ҳудудини эгаллаш ва у ердаги моддий бойликларга эгалик қилиш, энг асосийси, Россия келажагига хизмат қилувчи хом ашё базасини қўлга киритиш, ўз хукмронликларини бу ўлкаларда узоқ муддат сақлаб қолиш учун эса ҳудудда яшовчи руслар сонини кўпайтириш, саноат-савдо ривожланган йирик шаҳарлар аҳолисининг асосий қисми руслардан иборат бўлишини таъминлаш кўзда тутилган эди. Марказий Осиёни босиб олган мустамлакачилар бу ерда Туркистон генерал-

губернаторлигини ташкил қиласидилар ва бу ерга Россиядан аҳолининг қашшоқ қисмини кўчириб келиб, уларни ўтроқлаштириш эвазига ўз сиёсатларини мустаҳкамлашга эришмоқчи бўлдилар. Шу боис юртимизнинг Тошкент, Самарқанд, Марғилон, Қўқон, Андижон каби йирик шаҳарларида кўчириб келтирилганлар миқдори салмоқли эди. Подшо Россияси зўрлик йўли билан кўчириб келтирилган рус мужикларига бу ерда яшашлари учун ҳамма шароитларни яратиб беришга харакат қилди. Уларга маълум бир имтиёзлар берилди, пул билан таъминланди. Манбаларда қайд қилинишича, “Марказий Россиядан Туркистонга доимий яшаш учун кўчиб келувчиларнинг сони йилдан – йилга кўпайиб борди. Жумладан, манбаларга кўра 1875 йилдан 1890 йилгача Туркистонга 1300 та оила кўчирилиб, 19 та рус қишлоғи пайдо бўлган бўлса, 1891-1892 йиллар Россияда очарчилик кучайган вақтда бу қишлоқларнинг сони 25 тага етди. XIX асрнинг охирларида ўлкада 116 та рус посёлкалари қурилиб, уларда 70.745 киши яшаган бўлса, XX аср бошларига келиб, Туркистондаги рус аҳолисининг сони 197.420 кишига етган.” [1] Юқорида қайд этилганидек, Подшо Россиянинг стратегик мақсадларидан келиб чикиб, кўчириб келтирилганларнинг диний эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятида ҳам черковлар барпо этила бошланди. Бу борадаги ишлар XIX асрнинг сўнгги йиллари ва XX аср бошларида анча қучайди. 1914 йилга келиб Самарқанд шаҳри аҳолисининг 20% ни руслар ташкил этиб, уларнинг умумий сони 97530 кишини ташкил этган. Самарқанд вилоятининг бошқа йирик шаҳарлари Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Каттақўрғон шаҳарларида рўйхатга олинган жами 84757 кишидан 2200 нафари руслар бўлган [2]. Бу кўрсаткичлар шаҳарларда истиқомат қилаётган русийзабон аҳоли тўғрисида маълумот бўлса, қишлоқ жойларда ҳам истиқомат қилувчи русийзабон аҳоли кам сонли эмасди.

Юртимизда яшовчи русийзабон аҳоли учун ҳудудда турмуш шароитларини вужудга келтириш ҳам зарур ҳам ижтимоий ва ҳам сиёсий тадбирлардан бири сифатида гавдаланиб борди. Шундай тадбирлардан бири Самарқанд вилояти ҳудудида православ ва католик дини вакиллари учун ибодат масканларини ташкил этиш бўлди. Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин ўлкада бу соҳадаги ишлар 1875 йили Тошкент католикларининг Жмудск Мацейи Волончевскийга ўzlари учун рухонийни тайинлашларини сўраб мурожаат қилишларидан бошланган [4]. Ўзларининг мурожаатини улар яқин католик черкови Оренбургда жойлашганлиги ва бу ҳолат уларга католик дини маросимларида иштирок этиш имкониятини йўққа чиқариши билан асослаганлар. Бу мурожаат тегишли тартибда амалга оширилмаганлиги туфайли қониқтирилмаган. 1877 йилда Россиянинг барча католик қавмлари епископи митрополити Антоний Фиалковскийга тошкентликлар мурожаатидан сўнг у Диний ишлар департаментига Туркистон ҳарбий округида штатдаги капеллан (рухоний) лавозимини ташкил этиш билан мурожат этди. Бу мурожаат қўллаб-қувватланди ва ўлка раҳбарияти томонидан эътиroz йўқлиги таъкидланди. Фақатгина ўлка раҳбари К.П.Кауфман ғазнадан мазкур лавозимдаги киши учун ажратиладиган маблағни ўлка ҳисобидан бўлишига қаршилик кўрсатган ҳолда рад жавобини берган [5]. Аслида эса, христиан ибодатхоналарини ташкил этиш ишларининг қийинчилик билан амалга оширилишига империя ҳукуматининг ўлкадаги маҳаллий аҳолига нисбатан юритган сиёсати ҳам таъсир ўтказган эди. Хусусан, ўлканинг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфманнинг маҳаллий аҳоли дини ва маданиятини “менсимаслик”, аслида эса аста-секинлик билан рус маданияти ва турмуш-тарзини сингдириш, куч ишлатмасдан маданийлаштириш сиёсати [6] XIX асрнинг 70-

йилларида илгари суринган христиан ибодатхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги ўлкадаги русийзабон аҳолининг ташаббусларини қийинчилик билан амалга оширилишига сабаб бўлди.

Бу борада ўлкадаги ҳарбийлар русийзабон аҳолига нисбатан бошқача эди. Ҳусусан, 1868 йилда ҳарбий маҳкаманинг Авлиё Георгий ибодатхонаси бунга далил бўла олади.

Бир неча бор мурожаатлардан сунг 1883 йили ўлкага доимий рухоний ажратилган. Бироқ, бу диний маҳкаманинг фаолияти 2 йилдан сунг тўхтатилган [7]. 1888 йилдан бошлаб ўлкага яқин губерниялар рухонийларини ташрифлари уюштирилган. 1895 йили рим-католик черкови рухонийси Варпуцянский [8] Чоржуй, Самарқанд, Тошкент, Янги Марғилон, Андижон, Ўщ, Наманган, Керки ва Петро-Александровск шаҳарларида, кейин эса капеллан Михаил Антонов ҳам ўлканинг бошқа шаҳарлари қаторида Самарқандга ташриф буюрган [9]. Бу рухонийлар ўз ташрифлари давомида католик дини муассасаларини фаолиятини жонлантиришга ҳисса қушиб бордилар.

Ўлкадаги империя раҳбарияти 1902 йили Тошкентда доимий фаолият юритувчи диний муассаса ташкил этишга рухсат берган. 1917 йилгача ўлканинг кўпгина шаҳарларида католик дини муассасалари ташкил этилиб борди. Самарқандда 1903 йили Биби Мария ибодатхонаси ва шаҳардаги арманилар учун муқаддас Аствацацин черкови, 1912 йили Алексеев Собори, 1915 йили муқаддас Иоанн Креститель номли католиклар ибодатхонаси ташкил этилган.

Ўлканинг кўпгина шаҳарларида католик динининг ҳайр-эҳсон ташкилотлари 1906 йилдан бошлаб ташкил этила бошланган [10]. Самарқандда мазкур ташкилот 1908 йилдан ўз фаолиятини бошлаган [11]. Мазкур муассаса низомини ишлаб чиқишида Пранайтис ташкилот фаолиятидан кўзланган мақсад “Туркистон ўлкасида истиқомат қилувчи рим-католик эътиқоди вакилларини аҳлоқий ва моддий аҳволини яхшилаш учун” муҳтожларга мадад кўрсатишини белгилаган эди [12]. Ундан ташқари, Низомнинг 2 фаслида хайрия ташкилоти муҳтожларни иш ёки бирон машғулот билан банд қилиш, меҳнаткашларга меҳнат қуроллари ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишида кўмаклашиш вазифалари билан шуғулланиши ўрин олган эди [13].

Мазкур ташкилот католик дини вакилларига ижтимоий, маънавий ва керак бўлса, имкон қадар моддий ёрдам кўрсатишга ўз фаолиятини йўналтирган эди. Ўлка раҳбарияти уларга диний ташвиқот билан шуғулланишни таъкиқлаган. 1909 йилга тегишли архив хужжатларидан маълум бўладики, айрим ҳолларда кучириб келтирилган аҳоли орасида ислом динига ўтиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Ҳусусан, Самарқандда Меликов ва Панкратьевлар оиласини исломга ўтганликлари қайд этилади [14].

Мазкур маълумотларни таҳлили ўлкадаги империя раҳбарияти хизмат вазифаси туфайли ёки қўчириб келтирилган аҳолининг диний ишларини ташкил этишда иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлари қондиришдаги каби катта ташаббускорлик кўрсатмаганлар.

Туркистон ўлкаси, шу жумладан, Самарқанд ҳудудида мустамлакачи ҳокимиётнинг ҳукмронлик йилларидағи маҳаллий маданиятни йўқ қилиш ва туб халқлар турмушига рус маданиятини сингдиришга қанчалик интилганликларини салбий тарафдан баҳо бермайлик, мустамлака даврида рус маданиятининг маҳаллий халқлар маданиятига таъсири сўзсиз аҳамиятли бўлган. Чунки рус маданияти ўша даврда илгор Европа маданиятига яқин бўлиб, унинг Ўрта Осиё

халқлари маданиятига таъсири мавжуд эди.

Келтирилган маълумотлар, империя ҳукуматининг Туркистон ўлкаси ва, нафакат ўлка, балки империянинг бошқа худудларида ҳам истиқомат қилувчи турли миллатларнинг дини ва миллий урф-одатларини аста-секинлик билан обўёзизлантириш, рус маданиятини сингдириш орқали ғоявий жиҳатдан мустамлака қилинган халқларни бўйсундиришни мақсад қилган бўлса-да, кескин равишда анъанавий диний ташкилотлар фаолиятини чеклаш, янги динни изчиллик билан тарғиб қилишдек туб аҳолини норозилигини келтириб чиқарувчи тадбирларни амалга оширганлар.

Юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганлигига чорак асрдан зиёдроқ вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой эгаллади. Сиёсий-иктисодий жиҳатдан мустаҳкамланди, саноати ривожланди. Мамлактимизда яшовчи турли миллатларнинг тараққий этиши учун барча шароит яратилди, маънавий-диний эркинлиги таъминланди. Мамлактимиз ўтмишида диний ташкилотларнинг тутган ўрнини белгилаш юзасидан кузатишлар олиб бориш юртимиз тарихининг ўрганилмай қолган жиҳатларига аниқликлар киритиши шубҳасиз.

Адабиётлар

1. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. Тошкент, 2012.Б.385.
2. Азиатская Россия. Т. 1. Люди и порядки за Уралом. Изд. Переселенческого управления. – СПб., 1914. – С. 352-353.
3. ЎзРМДА, Ф И-16, 1-рўйхат, 352-иш, 6-16 вараклар.: Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX – начале XX века (социально-экономический аспект). – Ташкент: Фан, 1983. – С. 76.
4. Мазитов М. Священник. История католической церкви в Узбекистане со второй половины XIX века до 1939 года. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. богословия. – Сергиев Посад, 2012. – С. 11.
5. Майдовский А. Католический костел в Средней Азии. Варшава: Wydawnictwo DiG, 1995. С. 49.
6. Каганович, А. Друзья поневоле: Россия и бухарские евреи, 1800—1917. – М.: Новое литературное обозрение, 2016. – С. 4.
7. Мазитов М. Священник. История католической церкви в Узбекистане ... – С. 13.
8. ЎзМДА, ф. И-18, 1-рўйхат , 452-иш, 2-варак; Туркестанские ведомости. № 85 от 19 ноября 1895 г.
9. Туркестанские ведомости. № 92 от 5 декабря 1896 г.; № 91 от 18 декабря 1897 г
10. ЎзМДА, ф. И-17, 1-рўйхат, 16247-иш, 4,8-вараклар
11. ЎзМДА, ф. И-18, 1-рўйхат, 2338-иш, 2-варак
12. ЎзМДА ф. И-17, 1-рўйхат, 16247-иш, 9-варак; Устав Туркестанского Римско-Католического благотворительного общества, состоящего при Римско-Католическом приходском костеле в Ташкенте. Ташкент: Типография газеты «Среднеазиатская Жизнь», 1907. С. 3.
13. ЎзМДА ф. И-17, 1-рўйхат, 16247-иш, 9-варак; Устав Туркестанского Римско-Католического ... – С. 3.
14. ЎзМДА, ф. И-18, 1-рўйхат, 2620-иш, 9-9-орқа варак

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКСКОГО КИШЛАКА В ПЕРВЫЕ ГОДЫ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ

Осуществление политики Советской власти в Туркестане имело ряд особенностей. Социалистическая революция в кишлаке и ауле разворачивалась более медленно, чем в центре, и протекала в своеобразных формах.

Известно, что землеустройство всегда носит ярко выраженный классовый характер и определяется прежде всего характером социальных отношений, сложившихся в той или иной стране на данном этапе исторического развития. После прихода советской власти встало задача приступить к землеустройству по новому направлению – произвести экономически наиболее целесообразное распределение земли среди земледельческого населения.

Для точного исследования количества обрабатываемых земель, установления их границ, определения их пригодности для земледелия, а также для выполнения других работ по землеустройству были созданы так называемые поземельно - податные комиссии и Переселенческое управление, которые в основном и занимались землестроительными работами в оседлых районах Ферганской, Самарканской, Сырдарыинской и Амударьинской областей¹.

Теоретически в Туркестане существовал ряд факторов, которые могли бы стать генерирующими в осуществлении программы большевиков по созданию коллективных хозяйств на обобществленной земле, сделать менее болезненным переход от единоличного хозяйства к коллективному – небольшие размеры дехканских хозяйств; интенсивное земледелие; большая плотность населения; хорошо развитые навыки колlettivизма, обусловленные общинным землепользованием и водопользованием, совместным строительством и ремонтом оросительных систем; широко распространенный обычай взаимопомощи и взаимовыручки и др.

Катастрофически плохо обстояло дело с обеспеченностью дехкан рабочим и продуктивным скотом. Результаты «Переписей...» позволяют составить следующие сводные данные (таблица 1), характеризующие в этом отношении состояние хозяйства дехкан трех коренных областей Узбекистана².

Таким образом, четвертая часть хозяйств не была обеспечена рабочим скотом и свыше трети – продуктивным. Особенно, как видно из таблицы, страдало в этом отношении дехканство Ферганской долины.

Область	Всего оседлых хозяйств	Из них без рабочего скота		Без коров	
		количество	%	количество	%
Самаркандская	161 479	32 786	20,0	51 685	32,0
Ферганская	437 187	122 497	28,0	155 118	35,5

¹ Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Туркестане. (1917-1920 гг.). - Т., 1963. - С.207.

² Составлена по «Материалам всероссийских сельскохозяйственных переписей 1917 и 1920 гг.», вып.1 – с.38-39; вып. 2, - с.22-23; вып. 3, - с.68-69. – Самарканд, 1925.

Сырдарьинская	95 687	17 125	17,8	32 708	34,1
Итого	694 353	172 408	24,8	239 512	34,5

На другом полюсе узбекского кишлака сложилась немногочисленная, но экономически мощная прослойка зажиточных землевладельцев типа андижанского бая Миркамиля Муминбаева, неоднократно упоминавшегося в исторической литературе. Академик В.В.Бартольд рассказывает о крупных землевладельцах в районе Намангана, доходивших до 200-250 десятин¹.

Это неравенство в землевладении, наличие в хозяйствах мертвого инвентаря и рабочего скота привело к резкому социальному неравенству.

Таким образом, в начале XX века в кишлаках Туркестана, в частности Ферганской долины, несмотря на преобразования в социально-экономической жизни, положение оставалось тяжелым, что очень сильно влияло уровень жизни населения. В сельском хозяйстве по-прежнему доминировали единоличные небольшие дехканские хозяйства, неравенство среди дехкан возрастало.

**Исмаилова Ж.Х.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори**

КИТОБАТ САНЬЯТИНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ РИВОЖИ

Инсоннинг энг буюк кашфиётларидан бири ёзув ҳисобланиб, унинг ривожи ва санъат даражасига етиб боришида китобат санъатининг ҳам ўзига хос хусусияти бор. Китобнинг яратилиши эса қўплаб воқеликлар ва ҳодисаларни ўзида мужассам этган ҳолда уни бутун дунёга тарғиб этиш, кейинги авлодларга катта тарихий манба бўлиб хизмат қилиш каби вазифаларни бажармоқда. Айнан китоблар қандай кўринишида бўлишидан қатъий назар бугунги кунгача билим манбай сифатида қадрланиб келинмоқда.

Қадимги ва ўрта асрлар тарихи ҳақидаги манбалар бизгача асосан моддий ва маънавий ёдгорликлар орқали етиб келган. Нодир қўлёзмалар эса ёзма ёдгорлик сифатида улар орасида муҳим аҳамиятга эга манбалардан бири ҳисобланади. Қўлёзмалардаги маълумотлар жаҳон ҳалқлари маданияти ва тарихини ўрганишдаги аҳамияти жуда катта. Чунки, айнан шу қўлёзмалар ҳалқимизнинг асрлар давомида яратган моддий ва маънавий меросини ўрганиш, алломаларнинг илм хазинасидан боҳабар бўлишда қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, Темурийлар даври жаҳон тарихида темурийлар ренессанси деб аталган. Чунки, бу давр нафақатгина Темурийлар салтанати, балки бутун жаҳон цивилизациясининг илм-фан, маданият, шаҳарсозлик, меъморчилик, хунармандчилик, санъат ва бошқа соҳалардаги улкан юксалишлари билан алоҳида ажralиб туради. Алломалар, шоирлар, рассомлар томонидан яратилган бебаҳо асарлар, мамлакатдаги илм-фан тараққиётига, жумладан, китобат санъатининг ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Қўлёзма китоблар тайёрлаш мураккаб жараён ҳисобланиб, унда қоғоз ишлаб чиқарувчи уста, хаттот, қўлёzmани бадиий безовчи наққош, миниатюрачи рассом, музаххиб ва муқоваловчи (саххаб)лар иштирок этган. Китоб учун алоҳида юқори сифатли қоғоз ишлатилган. Асосан қоғоз Самарқандда ишлаб чиқарилган². X аср

¹ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – М., 1927. – С.188.

² [Станислав Балашкин](#). Рукописная память. 2010. 5-бет.

манбаларига кўра Самарқанд қоғози бутун дунё мамлакатларига тарқалган. Бобур хам дунёдаги энг яхши қоғоз Самарқанддан олинади деб таъкидлаган¹.

Қоғоз асосан 2 хил турда тайёрланган бўлиб, биринчи тури ипак чиқиндисидан тайёрланиб, майин ва қаймоқ рангли бўлган. У ўзининг зичлиги, тозалиги ва устки қисмининг силлиқлиги билан ажralиб турган. Иккинчи турдаги қоғоз эса ярим ипак ва пахта толасидан тайёрланиб, бундай қоғозлар қалин бўлиб, уни аъло дараҷада охорлаш мумкин бўлган.

Китобга матн ёзишда хаттотнинг маҳоратига кўп нарса боғлик бўлган. Ушбу санъат тури темурийлар даврида ўзининг юқори чўққисига кўтарилиган. Ҳусниҳат санъати Мовароуннахрнинг пойтахти Ҳиротда ривожланган ва Султон Али Машҳадий бошчилигига хаттотлик мактабига асос солинган. Ушбу хат тури китобат санъатида қўлланилиб, бадиий ва тарихий асарлар айнан шу услубда кўчирилган. Куфий, рикоъ, сулс ва насх хатлари меъморчиликда ишлатилган². Вакт ўтиши билан Бухорода, Хоразмда, Кўқонда, Самарқанд ва Тошкентда хам ўзига хос хаттотлик мактаблари шаклланган.

Китобнинг китобнинг бош сахифасидаги безакларга алоҳида эътибор берилган. Улар овал, ярим шарсимон ёки тўғри бурчакли қубба шаклида бўлган. Махсус буюртма билан безатилган китоблар ўзгача бўлиб, уларнинг биринчи варағи миниатюра, рангли рамка ва нақшлар билан безатилганлигини кўрамиз. Бундай китоблар XIV-XV асрларда Самарқанд, Ҳирот, Бухоро ва Табриз кутубхоналарида сақланган³. Уларнинг безаги, кўриниши ва нақши китобнинг мазмун моҳиятига қараб белгиланган. Махсус буюртма асосида тайёрланган китобларнинг биринчи варағида миниатюра ишланган ва нақш билан безатилган. Буюртма асосида тайёрланган китоблар асосан сарой кутубхоналарига сотиб олинган.

Қўлёзмаларнинг қиммати улардаги мавжуд 4 та хусусият билан белгиланган. Бадиий қўлёзманинг бош омили дастхат ҳисобланиб, китобнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб дастхат танланади. Китобнинг биринчи бети, сарлавҳалар учун бошқа хат тури танланган. Қўлёзмада матнни жойлаштириш ҳам алоҳида жараён бўлиб, бунда матнлар икки-тўрт устунга, қўлёзма ҳошияларига жойлаштирилган, кичикроқ матнлар эса унвонлар, сарлавҳалар ва безак бериш билан уйғунлаштирилган. Қўлёзма қоғозининг сифати, муқоваси ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.⁴ Қўлёзма китобларнинг муқовалари ҳам алоҳида санъат асари ҳисобланган. Улар асосан теридан ясалиб, зарҳал нақшлар билан безатилган. Картондан ясалган муқоваларда эса асосан нақш безаклари ва сюжетли миниатюралар ишлатилган. Қўлёзмалардаги ушбу хусусиятлар уларнинг сифати ва қимматини аниқлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Темурийлар даврида ижод қилган хаттот, наққош ва мусаввирлар ҳақида маълумотларнинг кўплаб манбаларда учратиш мумкин. Ҳусусан, Восифий ўзининг “Бадоеъул вақо’еъ” рисоласида “...мавлоно Ҳалил Сахҳоб, мавлоно Мухаммад Ҳафовий каби хаттот номларини қайд этиб, Бухоро ва Тошкентда, Сайрам ва Шоҳрухияда накқошу сангтарошлар, хаттоту мусаввирлар борлигига ишора қиласиди. Шунингдек, ушбу асарда мусаввир Юсуф Наққош, машхур хаттот ва наққош Ёқут ҳақида ҳам маълумот беради.”⁵

¹ Амир Темур жаҳон тарихида. Т. 2001 й. 175-бет.

² Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. Т.2005. 269-бет.

³ Маннанов Ф. Рукописные творения мыслителей. <http://www.allbest.ru>.

⁴ Амир Темур жаҳон тарихида. Т.2001 й. 172-бет.

⁵ Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат. Т.1996. 24-бет.

Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон, Амир Давлатшохнинг “Тазкират –ушшуаро”, Алишер Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис” асарларида темурийлар давридаги олимураллар, санъат аҳли ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Алишер Навоий ўз асарида шоирлар ҳақида сўз юритар экан улар орасида нафақатгина шоир балки ҳам наққош, мусаввир, хаттот ва ҳунармандчилик соҳаларини мукаммал эгаллаган шоирлар ҳам ҳам сўз юритган. Ҳақиқатан ҳам кўплаб шоирлар шеър ёзишдан ташқари ва ўз асарларини китоб шаклига келтиришда ва бадиий безашда мусаввирлик, наққошлиқ ва хаттотликлек вазифаларини ҳам bemalol бажара олганлар¹. Самарқандлик хаттотлар орасида Азизуллоҳ Самарқандий ўз маҳорати билан машҳур бўлган. У Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний “асарини бутун жадваллари билан насх хатида кўчирган. Шунингдек, бу даврда Султон Мухаммад Xандон, Мир Али Ҳиравий, Мир Ҳусайн Куланкий Бухорий, Мухаммад ибн Ҳусайн Миракий Самарқандий (тариҳнавис ва хаттот), Ҳамдамий, Мавлоно Абдураҳмон Хоразмий каби кўплаб хаттотлар шоиру-алломаларнинг асарларни кўчириб, уларни тарихий абадиятга муҳрладилар.

Тарихий манбаларда ёзилишича XIV асрнинг иккинчи ярми XV асрнинг биринчи ярмида тасвирий санъатнинг икки йўналиши: деворий монументал рассомлик ва миниатюра соҳаси ўзининг юқори тараққиёт чўққисига кўтарилиган. Китобат санъатида эса миниатюра соҳаси ўзининг хилма-хил равнақи билан алоҳида кўзга ташланади. Миниатюра соҳаси Темурийлар даври тасвирий санъатнинг ривожидаги алоҳида босқич сифатида машҳурдир. Бу даврда Беҳзод, Мирак Наққош, Қосим Али, Маҳмуд Музаххиб, Хўжа Муҳаммад Наққош, Шоҳ Музаффар каби миниатюрачии рассомлар ижод қилган ва машҳур бўлган. Амир Темурнинг ўзи турли мамлакатларни қўлёзмаларни тўплаш ишларини олиб борган. Унинг кутубхонаси ноёб қўлёзмалар сақланган. Ҳусусан, Шарафиддин Али Яздийнинг ёзилишича Амир Темурнинг ажойибхонасида Монийнинг бир неча нусхадаги машҳур расмлар альбоми “Аржанг” ҳам бўлган. Ушбу кутубхонада мусаввирларга уста Абу ал-Хайъа бошчилик қилган ва мусаввирлар орасидаги энг машҳур рассом хисобланган².

Миниатюра соҳасининг ривожига ўз навбатида адабиёт равнақининг таъсири катта бўлган. XIV - XV асрларда Фирдавсий, Жомий, Навоий, Хисрав Дехлавий, Низомийнинг асарларига миниатюра билан безаганлар. Шунингдек, Рашид ад – Диннинг “Жоме ат-таворих”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ҳатифийнинг “Темурнома”, Мирза Муҳаммад Хайдарнинг ”Тарихи Рашидий” тарихий асарларида ҳам машҳур рассомларнинг ижодини кўриш мумкин.

Рассомлар томонидан безатилган яна бир асар бу Абдураҳмон ас-Суфийнинг “Турғун юлдузлар тасвири” асари бўлиб, унда турли буржлар рамзлари акс эттирилган 74 та сурат мавжуд. Китобнинг биринчи бетида тумор шаклидаги ёрлик ичиди Улуғбек номи битилган ва кейинги сахифадан матн бошланган. Унда буржларнинг рамзлари номидан келиб чиққан ҳолда инсон, жоновор ва афсонавий мавжудотларнинг қиёфалари нафис буёклар билан тасвирланган³. Самарқанд миниатюра рассомларининг асарлари композициядаги тартиб, бадиий тилнинг ихчам ва соддалиги, персонажларнинг камлиги, вазминлик каби хусусиятлари

¹ Ўша асар, 21- бет.

² Амир Темур жаҳон тарихида. Т.2001 й. 175-бет.

³ Муқаддима Ашрафий. Темур ва Улугбек даври. Т.1996 й. 28 бет

билин ажралиб турган. Рассомларнинг бекиёс маҳорати қўлёзма китобларини мукаммал санъат асарига айланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Темурийлар давридаги китобат санъати юксак даражада ривожланиб, алломаларнинг маънавий меросини мумтоз асарларга айлантириди. Ҳозирда ушбу асарлар ўзининг мазмун-моҳияти ва бадиий безаги билан жаҳон илм-фани ва маданияти дурданалари хазинасидан жой олган.

Ҳозирда китобат санъати анъаналари қайта тикланган ҳолда, машхур хаттотлар, мусаввирлар ва Самарқанд қоғозига қайта жон ато этган усталар сулолалари билан ҳамкорликда қадимий қўлёзмаларни таъмирлаш, ўрганиш ва абадийлаштириш соҳасида улкан ишларни амалга ошироқдалар.

**Исматуллаев Ф.О.
Низомий номидаги ТДПУ**

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: САНЪАТ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Тарихий тадқиқотлар таҳлил шуни кўрсатади-ки, икки минтақа ўртасидаги ҳамкорликнинг тарихий илдизлари узоқ асрлар қаъри – антик даврга бориб тақалади. Жумладан, Рим императори Андриан (милоддан аввалги II аср) даврида сарой аёллари Буюк ипак йўли орқали келтирилган Мароқанд шойисидан тайёрланган кийим кийишганлиги ҳақида маълумотлар манбаларда келтирилган¹. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов ўтмишдаги тарихий ҳолатга баҳо бериб: «Буюк ипак йўли Франция ва Испаниядан олис Ҳиндистон ва Хитойгача чўзилган бўлиб, қадимий Ўзбекистон шу йўлда мамлакатларни бир-бири билан боғловчи марказий бўғин, Шарқ билан Ғарб, ислом билан насронийлик бир-бирига туташган, Шарқ ва Ғарб маданиятлари боғланган жой эди»², дея таъкидлайди.

Шарқ ва Ғарб давлатлари ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг ривожида Амир Темур ва Темурийлар даври ўзига хослиги ва такомиллашганлиги билан ажралиб туради. Бевосита Амир Темур ҳукмронлиги даврида Европанинг йирик давлатлари – Франция, Испания каби давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари олиб борилган³. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги маданий соҳадаги алоқалар ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йил имзоланган Шериклик ва Ҳамкорлик битими асосида мамлакатлараро маданий алоқаларни янада жадаллаштириш мақсадида республикада дўстлик жамиятлари ташкил қилинди. Жумладан, 1998 йил давомида «Ўзбекистон – Франция», «Ўзбекистон – Буюк Британия», «Ўзбекистон – Германия», «Ўзбекистон – Италия», «Ўзбекистон – Польша», «Ўзбекистон – Греция» дўстлик жамиятлари вужудга келди ва ҳалқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишига ўзларининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқдалар⁴.

¹ ЦГА. РУз., ф - М-2., д.-172, л.-13.

² Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.71.

³ МИД РУз // Цель и задачи внешнеполитического курса Узбекистана. <http://www.mfa.uz>

⁴ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекско-польские отношения. Сотрудничество в культурно-гуманитарной сфере. <http://www.mfa.uz>.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг маданий ҳамкорлик доирасида мусиқа санъатида давомли бир қатор тадбирлар ташкил этилди. Ўзбекистоннинг машхур Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» ҳалқ рақс ансамбли 1995 йил октябрь ойида «Берлин–Брандербург» жамияти томонидан уюштирилган Ўзбекистон ҳафталигида иштирок этди. Германияда бошланган маданий тадбирлар М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида давом этади. Бу ерда 1995 йил декабрь ойида ўтказилган «Орган мусиқаси» фестивалида Германиялик мусиқачиларнинг иштироки билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланди. Шундай тадбирлардан бири, 1996 йил 10–17 октябрь кунлари Германиянинг Берлин шаҳрида жойлашган Бах номидаги мусиқа гимназияси вакиллари ташрифи билан Тошкентда бир нечта тадбирлар ташкил этилди¹.

Мусиқа санъати соҳасидаги фестиваллар нафакат Европа Иттифоқи мамлакатларида, балки Ўзбекистонда ҳам ташкил қилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов ташаббуси билан 1997 йил Самарқанд шаҳрида бошланган «Шарқ тароналари» ҳалқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинмоқда.

Мусиқа санъати соҳасидаги тадбирлар Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда ҳам ташкил этиб келинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Мусаввир» бадиий хунармандчилик ва амалий санъат илмий ишлаб чиқариш маркази ҳамкорликда Австрияning «Ҳаммер – Пургшталь» Шарқ жамияти Бош котиби З. Хаас билан маданий алоқаларни кучайтириш бўйича музокаралар ўтказилди. Бунинг натижасида 2004 йил март-апрель ойларида Австрияда Ўзбекистон кунлари ташкил этилди². Маданият кунлари доирасида ўзбек мусиқа ва рақс гурӯҳларининг концертлари, ҳалқ хунармандларининг амалий санъат намуналари ва ўзбек рассомларининг кўргазмалари кенг жамоатчиликка таништирилди.

Австрияning Вена магистрати Маданият бошқармаси бошлиғи X. Сари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан 2003 йилда эришилган келишувга мувофиқ, 2005 йил сентябрь ойининг охири – октябрь ойининг бошида 6 кишидан иборат классик қўшиқ ижрочилари гастроль концертлари билан ташриф буюрган. Ўз навбатида Вена магистрати 2005 йил сентябрь ойи бошида Австрияда ўзбекистонлик 15 кишидан иборат фольклор гурӯҳини қабул қилишга тайёрлигини билдирган³. Ушбу тадбирлар Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида ўтазилиб, қўшимча бадиий чиқишилар билан бойитилиб намойиш қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси таклифига ва Маданият ишлари вазирлигининг тавсиясига биноан 2000 йил 3–10 июль кунлари Германиянинг Бремен шаҳрида Европа давлатларининг регионал мусиқа ва рақс фестивали бўлиб ўтди. Унда Европадан Англия, Германия, Чехия, Италия, Португалия, Франция давлатлари қаторида Ўзбекистондан «Умид» ҳалқ фольклор

¹ ЦГА РУз. Отчёт о работе отдела стран Европы, Америки и Японии НАМС РУ в октябре 1996 г // Ф-м-2, д – 164, л –13.

² ЎзР МДА. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги // Фонд – м -38, рўйхат – 1, жилд – 343, варақ –65.

³ ЎзР МДА. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига йўллаган хати // Фонд – м -38, рўйхат – 1, жилд – 343, варақ –62.

— рақс жамоаси қатнашди. Фестиваль давомида «Умид» халқ дастасининг раққосаси Н. Абдуллаева, раққосалар А. Тўхтасинова, Ш. Рахимова, сурнайчи А. Хожибоев, айниқса, раққос-балетмейстер Р. Абдуллаевларнинг санъатлари юқори баҳоланди¹.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш ўринлики маданий соҳадаги ҳамкорлик алоқалари мамлакатлар ва миллатларни яқинлаштириб, ҳамжиҳат тараққиётга ундаиди. Мусиқа санъати эса миллатларга ўзаро руҳий яқинлик баҳш этиб инсон қадрияти нақадар буюқ, беназир эканлиги, унга фақат тинчлик ва гўзаликгина ярашишини куйлайверади.

Истроилов М.Я.
Гулистан Давлат университети

АВЕСТОДАГИ ХУДОЛАР, МАЪБУД ВА МАЪБУДАЛАР ПАНТЕОНИ

Авесто қадимги дунёning энг буюқ асари ҳисобланиб, қадимги аждодларимизнинг диний эътиқодларидан маълумот беради. Авестонинг пайдо бўлиши Зардушт (Заратуштра, Зороастр), зардуштийликнинг асосчиси исми билан боғланади. Зардуштнинг хаёт йиллари аниқ маълум эмас, уни таҳминан эр.авв. VII аср охири-эр.авв.VI аср бошлари билан белгилашади². Зардушт амалга оширган диний ислохотнинг муҳим хусусияти яккахудоликка мурожаат қилишдир. Зардуштнинг фаолият кўрсатган даври Кави Виштаспа ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Виштаспанинг бўйруғи билан Зардушт Авестани ёзади³.

Айрим олимларнинг фикрича, Авесто тўлиғича Заратуштранинг асари деб тан олинмайди, бу китоб маздаясна эътиқоди ёзувларига асосланган. Авестода ҳам илк қисмлар, ҳам сўнгги қисмлар, ҳам катта интерполяциялар мавжуд. Тили, мазмуни ва бир қатор ижтимоий-тарихий воеаларга кўра, Авестонинг кўплаб матнлари “Ригведа”дан (эр.авв. 1500 йил) кейинроқ, аммо Аҳомонийлар ҳукмронлигидан (эр.авв. IX-VII асрлар) эртароқ тузилган. Авестонинг тўлиқ матни бизгача етиб келмаган. Таҳминларча, унга нафакат диний характердаги матнлар, балки медицина, фалсафа, мунажжимликка оид матнлар ҳам кирган.

Авесто пантеонини аниқлашда Ригведа пантеонинининг аҳамиятини аниқлашда қўлланиладиган тамойилларга асосланиш керак. Яратувчига Ахура-Мазда, Худонинг фариштасига (малагига) эса Митра тенглаштирилиши мумкин. Худоларнинг бу гуруҳи “асура” номи остида бирлаштирилади. Иблисга (шайтонга) Анхра-Манью (Аҳриман, Арьяман), девлар ва Индра тенглаштирилади. Бу гуруҳ Авестода “девлар” деб аталади.

Ахура-Мазда исми Ҳамма нарсадан хабардор Ҳоқон деб таржима қилинади. У ҳукмини юргизадиган, жанговар, аммо адолатли қилиб тасвирланади. Унинг Авестода келтирган хусусиятлари ва фазилатлари ҳақиқий Худо тўғрисидаги таълимотга яқиндир.

¹ ЎзР МДА. Тошкент шахар Шайхонтохур тумани “Ибн Сино” маданият Маркази қошидаги “Умид” халқ фольклор-рақс дастасининг 2000 йил 3–10 июл кунлари Германия-Бремен шаҳрида бўлиб ўтган Европа давлатлари регионал фестивалига доир ҳисоботи // Фонд – М-7, рўйхат -1, жилд – 719, варақ – 27.

² Дубровина Т.А., Ласкарева Е.Н. Заратустра. - М.: Олимп; ООО «Фирма «Издательство АСТ», 1999. С.9.

³Ўша жойда. С.29.

“Ахура-Мазданинг Мұқадdas Рұхи, жисмоний дунёнинг Яратувчиси, ҳақиқий, Сен дастлаб мендан, Зардуштдан, ташқари ўлимдан маҳкумлардан яна ким билан сўзлашдинг, Ахура-Мазда?”¹.

“7. Ахура-Мазда айтди:

“Менинг исмим - Сўровчи,

Содиқ Заратуштрам.

Иккинчи исмим - Тўдали,

Учинчи исмим эса - Қудратли,

Тўртинчиси – мен Ҳақиқатман,

Бешинчиси эса – Барча Яхшиликларнинг ўзи ман,

Маздадан нимаики ҳақиқий бўлса,

Олтинччи исмим – Ақл...”, деб, жами 20та исмини, фазилатини келтиради.

Шунингдек, 12-чи, 13-чи ва 14-чи мисраларда ҳам ўзининг номларини бирмабир санаб кўрсатади.

Анхра-Манью ҳақида: “Шимол мамлакатидан, шимолдаги мамлакатлардан [каршварлардан] Анхра-Манью югуриб келди, у ҳалокатга тўла, девларнинг деви. Ана ўша маккор, нияти бузук, ҳалокатга тўла Анхра-Манью дегани: “Друж! Бор, ўша бегуноҳ ва покдомон Заратуштани қириб ташла!” Друж югуриб кетди, бу дев Бути эди, одамларга ҳар хил кинна киритувчи, чиришнинг деви”².

Зардуштийлик саждасининг асосий обьектлари сув ва оловдир. Сув даштлардаги ҳаётни енгиллаштирган, яшаш имконини берган. Шунинг учун сув ҳам олов каби улуғланган.

Апас – дарёлар ва сув ҳавзалари сувларига маъбудалар сифатида сажда қилиш. Уларга атаб ичкилик ичишган.

Заотра –қурбонлик келтириш, инъому назр келтириш.

Отар, оташ, отахш (қад.-ҳинд.Агни,лат. -Игнис) - олов. Олов ва сувга келтириладиган назру инъомлар кундалик ибодатларнинг асосини ташкил этган ва ҳиндуарийлар томонидан **яжна,эронликлар** томонидан эса – **ясна** (яз – «қурбонлик келтириш, ибодат қилиш») деб аталган. Бу ибодатларда олов учун ичимлик ичиш маросими учун ичимлик қонли қурбонликлардан олинган. Ҳиндуарийлар ҳайвонларнинг ҳаётини тортиб олганда, эъзозли қўрқувни ва титроқни ошдан кечирганлар. Улар ҳеч қачон ҳайвонларни табаррук дуосиз ўлдиришмаган. Уларнинг фикрича, табаррук дуо туфайли ҳайвоннинг жони тирик қолаверган, яшашни давом эттираверган. Инсон ва ҳайвон ўртасидаги қон қардошликтин англаш ясна ибодатининг қадимги қисмларида ўз аксини топган. Эронликларнинг тасаввур қилишича, табаррук дуо билан ўлдирилган ҳайвонларнинг жонлари **Гэуш-Урван**(Буқанинг жони) маъбути томонидан ютилган. Қонли қурбонлик келтиришлар бу маъбудни кучга тўлдиради, деб ишонишган. Бу маъбуд эса, ўз навбатида, ердаги барча фойдали ҳайвонларга ғамхўрлик кўрсатади ва уларнинг мўл-кўл бўлишига кўмаклашади.

Сувга келтириладиган маросими назру инъомлар ибодатнинг охирида амалга оширилган. Бу инъомларни сут, бир ўсимлик шохларидан ва бошқа ўсимлик поялари талқон қилинганидан кейин олинадиган шарбатдан тайёрлашган. Талқон қилинадиган ўсимлик қадимги ҳинд тилида **сома**,авесто тилида эса **хаома**,деб аталган ва “сиқиб суви чиқарилган нарса” маъносини билдирган.

¹Дубровина Т.А., Ласкарева Е.Н. Заратустра. С.77.

²Дубровина Т.А., Ласкарева Е.Н. Заратустра. С.123.

Хаома (Сома) – сут ва ўсимлик шохларидан сиқиб чиқарилган шарбат, боқийлик ичимлиги. **Хаома** – яшил қўзли Худо.

Асман – осмон худоси.

Зам – ер худоси.

Хвар – қуёш худоси.

Моҳ –ой худоси.

Тиштрия – Сириус юлдузининг маъбудаси.

Аши – тақдир ва баҳт маъбудаси.

Вэртрагна – уруш ва ғалаба маъбуни.

Вата ваВайу – шамол маъбудлари.

Варуна - Апам-Напат – сувларнинг ўғли, қасам Худоси.

Аша – тартиб, ҳақиқат, адолат, тақводорлик, одиллик.

Ашаван – тақводор инсонлар, одил инсонлар.

Друг, Друж (авест.) (санскр. - друх) – ёлғон, ҳақиқатни бузиш.

Другвант, дружвант – ёвузлик тарафдорлари.

Рта (қад.-хинд.) – табиат қонуни, унга мувофиқ қуёш бир меъёрда ҳаракат киласди, йил фаслларининг алмашинуви содир бўлади, ва шу тариқа дунёда мавжуд бўлган барча нарсанинг тартиби, батартиблиги таъминланади.

Ахуралар – олий худолар, коинотни, бутун оламни ва жамиятни тартиблиги учун жавоб берадилар, бетартиб аралашма, зулмат ва ёвузликка қарши турадиган худолар. Улар Ахура-Мазданинг содик ёрдамчилари ҳисобланади.

Аша ва Дружзардуштийликнинг ахлоқий таълимотида бу иккита тушунча бир-бирига қарши қўйилган.

Аша (aša- *arta) — бутун оламдаги гармония қонуни, ҳақиқат, тўғрилик, эзгулик (Ашанинг отаси Ахура- Мазда).

Друж – Ашанингакси, ёлғон, вайроналик, талон-тарожлик, зулм.

Барча одамлар иккита категорияга: ашаванлар (Аш тарафдорлари, одиллар, тақводорлар, яъни, дунёга эзгуликни келтиришга интилганлар ҳамдадружвантлар (ёлғончилар, дунёга ёвузликни келтирувчилар). Ахура Мазданинг қўллаб-кувватлаши туфайли, тақводорлар Дружлар устидан ғалаба қозонишлари керак ва уларнинг тарафдорларига дунёги ҳалокатга келтиришда ҳалакит беришлари лозим.

ОлийХудо ва барча мавжуд нарсаларнинг Яратувчиси **Ахура-Мазда** (Ахураавесто тилида – «Худо», «Ҳоқон», «Эгалиқ қилувчи», «Парвардигор») – Донолик Эгаси (**юонча. Ормазд, Ормузд**), унинг биринчи ва асосий функцияси дастлаб, эҳтимол, коинотдаги Олам элементларни моделлаштириш бўлгандир. Ригведада у Асура («Парвардигор») деб аталади. Унинг ўзига хос ўнг қўли ва ердаги ёрдамчиси **Митра** (содиклик, қасам, қонун)эди, унинг функцияларига дастлаб инсонларнинг ижтимоий ташкиллашуви ҳамда Худолар дунёси ва инсонлар ўртасидаги воситачилик киради. Кейинчалик у шартнома, келишув худоси, жангчиларнинг ҳомийси, Уруш Худоси, ўликларнинг қозиси бўлди. У содиклик, қасам, диёнатлилик, тақводорликка риоя қилиш устидан назорат қиласди, бузишлар учун жазолайди, қуёшни унинг осмон бўйлаб ҳаракат қилишида кузатиб боради.

Митра саждаси Парвия подшоҳлиги даврида кенг тарқалди (эр.авв.III аср – эрамизнинг III асли), сўнгра эса Рим империясининг шарқий вилоятларига кириб келди. Митра, жангчиларнинг ҳомийси сифатида, эр.авв. I асрдаги шарқий юришлардан кейин рим легионерлари орасида оммалашган эди. У Ахура-Мазда ва Қуёш Худоси билан, Юпитер билан, яхудийларнинг эсхатологик башоратларида

тилга олинган қутқарувчи-ҳалоскор билан тенглаштирилган. Митранинг шарафига мистериялар уюстирилган, маросимий иншоотлар – митрейонлар қурилган, унинг тасвирлари ва ҳайкаллари яратилган. Ҳар йили 25 декабр куни Митранинг таваллуд топган куни нишонланган. Буларнинг барчаси, қутқарувчи-ҳалоскор саждаси ҳам, шундан далолат берадики, митраизм эрамизнинг бошларида шаклланётган христианлик (насронийлик) динининг айрим томонларига кучли таъсир кўрсатган эди. Зардуштийлик яхудийликка ҳам, яхудий-христианлик мазҳабларига ҳам Рим империясида митраизм кенг тарқалганлигидан анча олдинроқ таъсир кўрсатган эди.

Митранинг атрофида кичик абстракт маъбуллар гурухлашган: Аирйаман (санскритча **Арйаман**), Дўстликни гавдалантирган, бу Дўстлик урфодат билан мустаҳкамланган бўлиб, шартноманинг тури бўлган; **Арштат** – Адолат. **Хамварэти** – **Жасорат, фидокорлик. Сраоша** – Итоаткорлик(**Ибодатга риоя қилувчи**). **Хварэн** –ҳам Митра билан, ҳам Апам–Напат билан боғланган маъбуда. У диний, беназир марҳаматни, ёки шон-шарафни гавдалантирган. Шон-шараф подшоҳларга, доҳийларга, пайғамбарларга хос фазилат бўлиб, улар ҳақиқатдан чекинсалар, йўқотилади. Айрим пайтларда **ХварэнаАша** – тақдир маъбудаси билан бирлашади. Аши ўз мукофотларини фақат тақводорларга тухфа қиласди.

Уструшона ҳудудида то Сомонийларгача бўлган даврда маҳаллий аҳоли асосан зардуштийликка сифинишган. Шунинг учун, Уструшонадаги маданий ва маънавий ҳаётни ўрганишда Авесто пантеонини билиш, археологик топилмаларни зардуштийликка боғлиқлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Каспаров А. Р.
Самаркандский Государственный университет

ОБРЯДОВЫЕ ГРУППЫ В ПОГРЕБАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НЕКРОПОЛЯ БУСТОН VII.

Культурно-историческая интерпретация является главной целью любого археологического исследования. В этом вопросе не являются исключением и памятники эпохи бронзы Сапаллинской культуры, распространенной на юге Узбекистана.

Среди многочисленных памятников указанной культуры, известной уже около полувека [Аскаров, 1973; 1977; Аскаров, Абдуллаев, 1983; Аванесова, 1989. С. 63-77; 2010; 2013; 2014 и пр.] достойное место занимает некрополь Бустон VII (далее Б VII). Он представляет собой естественную, вытянутую по оси С-Ю останцевую возвышенность на правом берегу Бустонская площадью около 1,5 га [Аванесова, 2009]. Археологическое изучение проводилось в течении трех полевых сезонов (1987-1989гг.) экспедицией Самарканского госуниверситета под руководством проф. Н. А. Аванесовой. По имеющимся данным, памятник формируется на рубеже XVII-XVI вв. до н.э., что соответствует Джаркутанскому периоду Сапаллинской культуры (далее СК). При этом абсолютное большинство изученных объектов (80%) относятся к заключительной стадии существования СК (XIII-X вв. до н.э.). За период археологических работ было исследовано более 100 могил и объектов не погребального назначения, относящиеся к Джаркутанскому (1), Кузалинскому (9), Молалинскому (32) и Бустонскому (48) периодам. Кострища, алтари, жертвенные

и погребения без инвентаря (19) по понятным причинам хронологически не определены. Стоит отметить, что некрополь, к сожалению, полностью не исследован.

Основной целью данного сообщения является характеристика погребального обряда Б VII. Для осуществления поставленной цели, необходимо решить следующие задачи: а) осветить основные черты похоронного действия; б) дать интерпретацию вариантам ингумации; в) выделить обряд захоронения с животным.

Поливариабельность погребального обряда находит отражение в исторической географии, которая объясняет существование нескольких форм погребального ритуала такими вероятными обстоятельствами как: 1) особым прижизненным статусом покойника (профессия кузнецов, металлургов, служителей культа и т.д.), требующие обезвреживания силы умершего как потенциальной угрозы для живых; 2) этнической неоднородностью; 3) особой причиной и местом смерти (биологическая неполноценность, ритуальное убийство, болезни и т. п.).

Археологические источники, результаты исследования и их статистический анализ дали возможность выявить следующие обрядовые группы и варианты захоронения человека:

• **погребение человека в различных позах трупоположения (12)** (на боку, спине, животе). Древнейшая форма захоронения умершего человека, практиковавшаяся у абсолютного большинства общностей, практиковавшие погребальную деятельность на заре ее появления. Из 12 рассматриваемых могил половозрастная характеристика определена в 11 (табл. 1). Следует отметить, что в планиграфии некрополя выделяется сепаратный участок, где хоронили детей. Яркой особенностью является то, что на молалинском этапе хоронили младенцев до 3 лет (*Infantilis I*), тогда как подростков в заключительный период СК хоронили так же взрослых людей (за исключением могилы джаркутанского периода).

Возраст (в годах)	Возраст	Мужские	Женские	Не определено
До 3 лет	<i>Infantilis I</i>	—	1	2
7-13 лет	<i>Infantilis II</i>	—	—	4
20-35 лет	<i>Adultus</i>	4	—	—

табл. 1. *Половозрастная характеристика погребенных.*

При анализе погребений выявлено, что катакомбная конструкция с трупоположением характеризуются примерно одинаковыми размерами и формами, а также сооружением дромоса с северной стороны. Объединяет их и то, что в них захоронены дети примерно одного возраста (*Infantilis I*), однако их поза (M 11 – на правом боку, M 50 – на спине), ориентировка головы (M 11 – на юг лицом от входа, M 50 – на север лицом к входу) говорят об имеющихся различиях, возможно по половой принадлежности. Если придерживаться общепринятой для СК традиции положении, когда мужчин хоронили на правом боку, а женщин на левом [Аскаров, 1977. С. 151], то в M 11 погребен мальчик. Но если в некрополе Б-VII это традиция не соблюдалась, как это происходило в Б-VI [Куфтерин, 2011. С 239-240], то мы имеем погребение девочки, т. к. на правом боку лицом от входа в могильнике Б-VI хоронили именно представительниц женского пола [Каспаров, 2013. С 9-25]. Так,

или иначе, мы безусловно наблюдаем градацию захоронений по половозрастному признаку.

• **вторичное перезахоронение** (13). Данная разновидность погребального обряда погребения умершего человека практиковалась в различных культурах. Экскарнированные (очищение скелетной основы от мягких тканей) останков известна еще с палеолита. В Средней Азии перезахоронение расчлененного тела известно с мустьевского времени – захоронение неандертальского ребенка в гроте Тешик-Таш [Алекшин, 1992. С. 33-36; 1993. С. 3-7] имеет следы ритуального воздействия.

В могильнике Б VII половозрастная характеристика в погребениях вторичной ингумации определена в 8 случаях. Антропологически определены 3 мужских и 4 женских костяка разного возраста, а также останки подростка 7-10 лет. Средний возраст мужчин здесь составляет 31 год, женщин – 22 года. Подобный способ захоронения использовался на всем протяжении функционирования могильника. Небольшое количество сопутствующего инвентаря, в том числе посуды (в среднем 1,5 сосуда), напутственной мясной пищи (около 1/3) и других материальных подношений, возможно, свидетельствуют о невысоком социальном статусе погребенных. Вопрос мотивации подобного обряда не имеет однозначного решения. Вопрос мотивации подобного обряда в настоящее время не имеет однозначного решения. Из-за ограниченного объема не возможности дать полноценное объяснение причин.

• **фракционные (парциальные) захоронения** (4). Подобные захоронения также являются вариантом ингумации. Обстоятельства и незначительное число погребений позволяют говорить об исключительности фракционных захоронений. Они свидетельствуют об устойчивом отклонении от основных обрядовых групп могильника и всей СК в целом. Аномальность этого варианта ингумации в том, что в могилах представлена какая-либо часть тела человека и очевидно, была наделена особой семантикой.

Хронологически, рассматриваемые погребения относятся к заключительному, бустонскому периоду. Различие в размерах погребальных камер видимо, зависели от варианта фракционного захоронения. Подобный обряд является не столь распространенным, как полная или вторичная ингумация, что, возможно, говорит о его применении к людям редкой или специфичной профессии, не исключая этническое происхождение.

• **Оскверненные захоронения** (2). Способ осквернения в обоих случаях одинаков – отсутствие головы. Вероятно, таким методом от трупа пытались уберечься или высказать ему дополнительное надругательство, или засвидетельствовать его поражение (например, в бою), что имеет место у многих народов [Афанасьев, 2012. С. 124; Дюмезиль, 1990, С. 192]. Анализируемые станки лежат в центре камер на правом боку средней степени склонности и ориентированы по линии ЮЗ-СВ. Руки в обоих случаях согнуты в локтях и лежат как бы перед лицом. В обеих могилах по дну камеры в качестве подсыпки использованы угольки.

• вариантом погребального обряда Б VII является выявленная **кремация** молодой женщины 18-20 лет. Кальцинированные кости были помещены в камере в небольшом углублении вместе с остатками костра. Трупосожжение можно соотнести с вторичными погребениями, так как главная цель ритуала – уничтожение

плоти с конечным захоронением останков осталось неизменным [Аванесова, Каспаров, 2015. С. 28].

Кремирование как способ захоронения является объектом разнообразных интерпретаций: от восприятия этих действий как средство очищения, до способа освобождения духа. Такие погребения указывают на веру в существование души, которая освобождается от своей земной оболочки, что облегчает ее переход. Вероятно, сожжение тела мыслилось в том же религиозном контексте, что и ингумация, но при этом тесно связано с поклонением и почитанием огня.

В исследуемом памятнике известны погребения *целой туши овцы вместе с останками человека*. Это два потревоженных в древности захоронения, а также погребение с трупосожжением. Стоит отметить, что в данных могилах животное, видимо, было связано. Об этом свидетельствует то, что их кости либо достаточно кучно расположены, либо костяк животного вытянут с подогнутыми под тушу конечностями. Характерной особенностью является местоположение животного в Северной части камеры. Эти могилы богаче других, что вероятно, свидетельствует об особом отношении к усопшим и подчеркивает значимость данного обряда.

Известно, что основой экономического уклада сапаллинцев было земледелие, но при этом практиковалась разведение (большей частью) мелкого рогатого скота. Вероятно, эту взаимосвязь демонстрирует результаты исследований погребений рассматриваемого памятника. Они показывают, что бустонцы разводили скот не только для удовлетворения своих физиологических потребностей, но и в силу некоторых особенностей духовного развития, видимо, как ритуализированных персонификаций.

В целом же, конструкция и размеры погребальных камер, жертвенное подношение регламентированных кусков мяса и другой пищи в керамической посуде, способы укладки человеческих останков соответствует канонам погребальной практике СК. Крайне незначительное количество определения половозрастной характеристики усопших и неполная исследованность памятника, а также большое количество потревоженных могил не позволяют более подробно охарактеризовать похоронную обрядность использовавших Б VII населения. Рассмотренным обрядовым группам практически идентичны обряды захоронения, засвидетельствованные в соседнем некрополе Бустон VI, где отчетливо выражена тенденция к их объединению в единый культурный пласт [Аванесова, 2013].

Подводя краткий итог данной работы заметим, что материалы некрополя Б VII дают новые факты для дальнейшего изучения Сапаллинской культуры – ее материального и духовного мира. Разнообразие форм погребальной деятельности свидетельствует о многокомпонентной или синкретической основе сапаллинского общества.

Материалы Б VII содержат два различных антропологических типа, из которых наибольшая часть относится ко II варианту восточной средиземноморской расы. Но при этом, в одной из могил зафиксированы останки, которые характеризуются андроновскими чертами [Мустафокулов, 1996. С. 33, 47; 1997. С. 27-30]. Тот факт, что в столь консервативную сферу, как погребальный обряд был допущен инокультурный субстрат, говорит о его включении в жизненный цикл местного населения и мирного с ним сосуществования.

Полагаю, что кремирование тела также напрямую свидетельствует о том, что путь пастушеских индо-арийских племен, проходя с территории Южного Урала, пролегал через Среднюю Азию и далее, через Гиндукуш в Индию. Некоторая их часть осела, ассимилировалась с местным населением и активным образом оказывала прямое влияние на процесс Бактрийского культурогенеза.

Литература:

1. Аванесова Н. А. Эпоха бронзы Средней Азии. Самарканд, 1989.
2. Аванесова Н. А. Хронология древнеземледельческих памятников Северной Бактрии эпохи поздней бронзы // Центральная Азия и Южная Сибирь. Альманах I. Москва, 2009
3. Аванесова Н. А. Проявление степных традиций в Сапаллинской культуре // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. ММНК, Изд. МИЦАИ. Самарканд-Ташкент, 2010
4. Аванесова Н. А. Бустон VI – некрополь огнепоклонников доурбанистической Бактрии. Самарканд, 2013
5. Аванесова Н. А. Ритуальная ингумация некрополя Бустон VI // Зарафшон водийси археологияси масалалари. Самарканд, 2014
6. Аванесова Н. А., Каспаров А. Р. Практика вторичного захоронения некрополя Бустон VII // Вестник МИЦАИ, вып 21. Самарканд, 2015
7. Алёкшин В. А. Мустьерские погребения Передней и Средней Азии // КСИА, вып. 209. Москва, 1993
8. Аскarov А. А. Сапалитепа. Ташкент, 1973.
9. Аскarov А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
10. Аскarov А. А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан. Ташкент. 1983
11. Афанасьев Г. Е. Спорные вопросы в методике интерпретации разрушенных скелетов в памятниках салтово-маяцкой культуры // Российская Археология. № 2. Москва, 2012
12. Дюмезиль Ж. Скифы и Нарты. Москва, 1990
13. Каспаров А. Р. Структурно-системный анализ некрополей Бустон VI-VII // дисс. на соискание степени магистра. Самарканд, 2013.
14. Куфтерин В. В. О двух элементов погребального обряда Сапаллинской культуры // Труды III (XIX) Всероссийского археологического съезда. Т. I. Санкт-Петербург-Москва-Великий Новгород, 2011
15. Мустафокулов С. И. История формирования населения Бактрии-Тохаристана // дисс. на соискание ученой степени к.и.н. Самарканд, 1996
16. Мустафокулов С. И. Анализ палеоантропологических материалов эпохи бронзы из Бустана VII // История материальной культуры Узбекистана № 28. Самарканд, 1997
17. Отчеты археологического отряда Самаркандского Госуниверситета по Сурхандарьинской области, по исследованию могильника эпохи бронзы Бустон VII (1987-1989 гг.)

**Каримова Д. О.
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи**

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларини юртимизда XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, тарих фанининг етакчи муаммоси сифатида объектив ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Жанубий Ўзбекистон Шимолий Бактриянинг ажralмас қисми сифатида ўзбек давлатчилиги тарихида ўзининг бутун ривожланиш

босқичлари давомида буюк юксалиш, инқироз ва яна ривожланиш даврларини бошидан кечирган. Унинг худудидаги Жарқўтон ёдгорлигида сарой ҳамда ибодатхонанинг ўрганилиши¹, Жарқўтонда давлатчиликнинг энг зарур шартлари бўлган ҳукмдорлар гуруҳи тўлиқ шаклланганлигидан далолат беради².

Жарқўтон Ўзбекистон худудидаги илк шаҳарнинг ёрқин мисоли эканлигини, Шеробод воҳасидаги шу даврга оид Жарқўтон мажмуига кирувчи масканлар гуруҳини эса, шаҳар-давлат ёки “ном” давлатлар билан қиёсий солиштириш мумкинлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этилмоқда. Мил.авв. II минг йилликнинг сўнгги чорагида Шимолий Бақтрия худудларида йирик ва мустаҳкамланган марказларга эга бўлган “ном” ёки воҳа кўринишидаги давлатларнинг бошланғич босқичи бўлган худудий-сиёсий бирлашмалар шакллана бошлаган³, деган ғояни илгари сурмоқдалар.

Жарқўтон ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг қадимги моддий маданият манбаи бўлиб, у турмуш-тарзи ва маданияти ўтрок бўлган ажодларимиздан қолган ёдгорликдир.

Жарқўтон ёдгорлигига кўп йиллар илмий изланишлар олиб борган А.Аскаров Жарқўтон Қадимги Шарқ цивилизациясига хос илк дехқончилик маданияти ёдгорлиги⁴, деб илк изоҳни берган бўлса, ёдгорликда олиб борилган кейинги тадқиқот ишлари натижасида Т.Ш.Ширинов Жарқўтонни илк шаҳар⁵ сифатида изоҳлаб кўрсатади.

Жарқўтоннинг энг баланд жойи 6-тепалик бўлиб, бу тепалик ёдгорликнинг марказий қисмида жойлашган. Бу ердан ибодатхонанинг очиб ўрганилиши юртимиз тарихини, халқ эътиқодини ўрганишда, шу жумладан шаҳарсозлик ва давлатчилик тарихимизни ёритишда кўплаб янгиликларни кўлга киритиш имконини берди.

Археологик ашёлар таҳлили, зардустийлик динининг илк куртаклари мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида пайдо бўла бошланғини тасдиқламоқда. Зардустийликнинг шаклланиши билан боғлиқ маҳсус ибодатхоналар ва оташгоҳлар бронза даврида қадимги дехқон жамоаларининг илк шаҳарлар таркибида қад кўтаргани, бу дин ўзбек илк давлатчилигининг мафкуравий асосини ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақида маълумот берувчи илк ёзма манба “Авесто” да жамиятнинг ижтимоий – таркибий тузилиши ҳақида А.Аскаров⁶, А.Сагдуллаев⁷, Ш.Шайдуллаев⁸лар ўз ишларида изоҳлаб ўтадилар. Бунга кўра, “Авесто” жамиятини тўрт қатламга ажратиб кўрсатадилар. Булар – катта патриархал оила – “нмана”, уруг жамоаси – “вис”, қабила – “занту”, вилоят, мамлакат – “даҳью” ларга бўлинади. Бу ижтимоий тузилишнинг биринчи, иккинчи ва учинчиси Сополли маданияти материалларида бевосита кузатилади. Археологик белгиларни кузатар эканмиз, Сополлитепа қалъа-қўрғони 8 та кварталдан иборат

¹ Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Древнебактрийский храм огня а Южном Узбекистане // Градостроительство и архитектура. – Ташкент, 1989.

² Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ... // т.ф.д. дис... Автореф. – Самарқанд, 2009. – С. 23.

³ Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. – Тошкент, Маърифат, 2009. – Б. 35.

⁴ Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т., Фан, 1977.

⁵ Ширинов Т. Ранняя городская культура автореф. дис...д-ра.ист.наук.

⁶ Аскаров А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1994. – № 6. – Б. 31-35.

⁷ Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент, 2002. – Б. 22-25.

⁸ Шайдуллаев Ш. “Авесто” ва моддий маданият // Ўзбекистон тарихи. 2004. – №3. – Б. 3-12.

бўлса, шу кварталларнинг ҳар бири, биттадан нманани ташкил қиласди. Вис – бу нафақат қишлоқ жамоаси, балки хусусий ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, бутун қишлоқ жамоаси маъносини англатиб, Сополлитепа қишлоғини Висга қиёслаб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, Сополлитепа нманалардан ташкил топган Виснинг қароргоҳидир¹. “Авесто”нинг қадимги қисмида акс этган давлатчилик атамасининг яна бир кўриниши – занту бўлиб, у қабилавий уюшмани англатади. Қабила уюшмаси бир неча висларни бирлаштирувчи, бир неча уруг жамоалари устидан назорат қилиб турувчи бошқарув органи ҳисобланган.

Тарихдан маълумки, бу даврларда дин вакилларининг жамиятдаги мавқеи анча юқори бўлган. Ибодатхона инсонларнинг ишонч, эътиқод масканига айланган. Зардуштийликнинг энг муқаддас тимсоли олов – бронза давридан эътиборан илк шаҳар-давлатнинг диний бошқаруви коҳинлар қўлида бўлганлигини ва улар илк шаҳар-давлатнинг маънавий-илохий ҳукмдори эканлигини англатган.

Энди, ҳукмдорларга қисқа таъриф берилса, ҳукмдор ҳам илк сиёсий уюшма – шаҳар-давлат тепасида турган шахс бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам ҳарбий ишларни ўз қўлида бирлаштирган кави мавқеига эга бўлган. Унинг тўлиқ ҳукми остида давлат ишлари амалга оширилган. Шу нуқтаи-назардан қараганда, Жарқўтон ибодатхонаси ва унинг хронологик қатламларидан топилган ашёвий далиллар унинг сарой – ибодатхона вазифасини бажарган объект сифатида қарашликни тақазо этади.

А.Аскаров ва Т.Шириновлар ўз тадқиқотларида ёзувни илк шаҳарларнинг иккинчи даражали белгилари сифатида кўрсатади². Ш.Шайдуллаев илк шаҳарлар, шаҳарлар билан бир тарихий жараёнда вужудга келадиган илк давлатлар бошланғич ёзув усули, яъни инсон ўз фикрини ифода этишиниз давлатнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас. Бойликнинг ортиши саноққа, хўжалик бошқарувидаги мураккаблашув ёзувга эҳтиёж туғдиради, деб таъкидлайди.

Шулардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкин-ки, ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари бронза даврига бориб тақалади. Айнан шу даврдан бошлаб, мулкчилиқдан ерга ва чорвага эгалик қилишликнинг хусусий шакли пайдо бўлади. Ерга эгалик қилиш, жуфт оилаларнинг пайдо бўлиши ва уларни катта патриархал оила даражасига ўсиб чиқишидан бошланади. Давлатчиликнинг дастлабки, илк куртаклари патриархал оилалардан бошланиб, уларни мужассамлаштирган қишлоқ жамоалари – вислар даражасидаги кўриниши илк давлатчиликнинг тарихий илдизларини ташкил этади. Вислар илк давлатчилик куртаги ҳисобланса, “Авесто” жамиятининг занту босқичида вислардан ташкил топган илк шаҳар – давлатчилигининг асосини ташкил этган. Шаҳар – давлат амалда бир неча микровоҳа доирасидаги висларни диний ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирган “воҳа давлатчилиги” нинг бош шахри, сиёсий ва диний қароргоҳидир. Шундай экан, Жарқўтон нафақат шаҳар – давлат, балки Сурхон-Шеробод воҳаси доирасидаги воҳа илк давлатчилигининг диний бошқарув маркази бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик илдизлари мил.авв. II минг йилликнинг ярмига бориб тақалишига асос бўлади.

¹ Аскаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура ... – С. 119.

² Аскаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура ... – С. 27.

БОҒДОРЧИЛИК-ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

Сурхон воҳасининг тоғолди ва тоғларнинг қуи қисмларида суғориладиган ерлар кам эди, лалми экинлар учун ҳам нокулай бўлган, шунинг учун бу ерларда яшовчи ўтроқ аҳоли боғдорчиликка ихтисослашган. XIX асрнинг 40-йиларида Бухорода бўлган рус сайди Н. В. Ханыков қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи боғдорчиликдир деб таъкидлайди.” Боғларида кумушранг теракдан бошқа биронта мевасиз дараҳтни учратмадим. Боғларда узум, анор, анжир, ўрик, олма, нок, олча, жийда каби дараҳтлар ўсади”¹.

Сурхон воҳаси Шеробод беклиги Тароқли ва Қўштегирмон ва Денов беклиги Дашибод қишлоқлари анорлари билан нафақат Бухоро амирлигидаги, балки Ўрта Осиёда ҳам машҳур бўлган. Дашибод анорлари ҳақида Маев шундай ёзади: “Дашибод катта ва бой қишлоқ, у ўзининг ширин таъмли анорлари билан машҳур. Дашибод анорлари бутун Бухоро хонлиги бўйлаб тарқалади. У билан факат йирик ва ширин Шахрисабз анорлари тенглаша олади”². Шахрисабз анорлари данаксиз бўлиб, айниқса унинг “бедона” тури машҳур бўлган³.

Бухоро амирлигидаги боғдорчиликнинг муҳим тармоқларидан бири узумчиликдир⁴. Бухорода боғ термини узумзорни англатади. Узумзорларда узумнинг халими, халими сафид, хусайн, шакар ангур, кишмиш, жаус, маско, ангури сафид, биҳишти, сахиби, тойпи, шибирғони, ангури сийаҳ каби 13 тури парваришиланади⁵.

Сурхон воҳаси бекликларининг тоғ ва тоғолди қишлоқларида ҳам узумчиликка алоҳида эътибор берилган. Чунки мазкур соҳа кенг товарлилик хусусиятига эга бўлган⁶. Ҳисор тоғ этакларидағи Денов беклигининг Ҳовуз, Сина, Вахшувор, Бойсун беклигидаги Пасурхи⁷, Шеробод беклигидаги Қорабоғ Зарабоғ, Новбоғ қишлоқлари узумчиликнинг маркази сифатида машҳур бўлган. Бу ерларнинг барчасида асосий сув манбаи кичик-кичик дарё ва сойлар эди, улар ёз ойларида куриб қолган. Шунга қарамай, узумзорлар қишки суғориш ва баҳордаги бир марта суғориш эвазига яхши ҳосил берган.

Шеробод беклиги боғдорчилик ривожланган ҳудудлар жумласига киради. Шаҳар ён атрофидағи қишлоқлар билан бирга тоғ этакларига бориб тақалиб, шаҳар олдидан ўтувчи йўлдан то тоғгача чўзилган жанубий шарқдаги З

¹ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 120-121.

² Маев Н. Очерки Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. – СПб., 1879. – С. 186 – 187.

³ Аззамова Г. А. Бухоро амирлиги: қишлоқ хўжалиги ва унинг айrim хусусиятлари // Ўзбекистон деҳқончилик маданиятининг илдизлари ва замонавий жараёнлар. Академик Яҳъё Гуломов номидаги Республика илмий семинарининг материаллари. – Тошкент. 2006. – Б. 94.

⁴ Логофет Д.Н. Страна безправая.-СПб.,1909.-С.47.

⁵ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 121; Абдураимов М. А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. Т. 1. – Ташкент: Фан, 1966. – С. 222.

⁶ Хидоятов И.О. О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время // СЭ.1970.№ 2.-С.133.

⁷ Кармышева Б. Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – Москва:Наука, 1979. – С. 119.

верстлик ва шундай масофада Амударёга элтувчи йўл бўйлаб боғлар билан ўралган¹. Тоғли аҳоли боғ-роғларни хуш кўргани сабабли уларнинг қишлоқлари номига боғ ҳам қўшиб ишлатилган: Қорабоғ, Зарабоғ, Новбоғ ва х.к. Бу қишлоқларда узумнинг воҳа иқлимига мос турлари етиштирилган. Ҳусайнини, оқ кишиши, қора кишиши, наҳол, қора баҳтиёри, аллаки, тойпи, султони, авақ, шувурғони, кампир узум, бешқадоқ, сопидак, қизил Сурхон, гов Сурхон, оқ гов Сурхон, чилги, от бағри сурхак, милдир узум, дил капитар, эшвой, сабзак, қанёруғ, туятиш, обоки, келинбармоқ, жауз, жашмигов, сурхак ва х.к. Воҳа бекликларида узумнинг йигирма саккиздан ортиқ навлари етиштирилган². Узумчилик билан шуғулланган боғбонлар, узумларини асосан яқин-атрофдаги бозорларда сотишган, аммо баъзи тадбиркорлар уни ўз қишлоқларидан анча узоққа олиб бориб яrim кўчманчи аҳолига сотишган ёки дон, жун, қўй, қуритилган пишлоққа алмашишган.

Бухоро амирлиги Шарқий ҳудуди табиий ўсимликларга бой бўлмасада³, Денов ва Бойсун бекликларининг Боботоғ этакларида арча ва пистазор ўрмонлар бир неча километрга чўзилган⁴. Писта япроқларидан қора краска тайёрланган, бундан ташқари писта тоғ халқининг асосий даромад манбаларидан бири саналган. Писта ҳосили йиғиш учун оила-оила бўлиб боришган ва ҳосили яхши бўлган йиллари 4 – 5 пудгача писта териш мумкин эди. Савдогарлар пистанинг ҳар фунтини 7 тийиндан сотиб олиб, чет давлатларга, хусусан, Россия бозорларига олиб бориб катта фойда кўришган. Одессада 1 фунт писта 60 тийиндан – 1 рублгача сотилган⁵.

Умуман, Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи саналган боғдорчилик маҳсулотлари экспортда алоҳида ўрин тутган. Бухоро амирлиги боғларида ўрикнинг 3 тури қўпайтирилган: ҳасаки, ширпайванд, маҳмури⁶. Сурхон воҳаси ҳам ўзининг ширин ўриклари билан ҳам машҳур бўлган⁷. Салавот қишлоғи аҳолиси томонидан бузрукхони номи билан машҳур ўрик етиштирилган. Бу ўрикнинг муҳим жиҳати авваламбор унда қанд микдори бошқа ўрикларга нисбатан икки баравар кўп ва данагининг эти ичида чақилиб туради. Бу ўрикнинг энг муҳим хусусияти юрак ва қон-томир касалликларига дъаволигидир⁸.

Н. Ханыков ўриклар қуритилиб Россияга жўнатилади. 1 нав ўрикнинг бозор баҳоси бошида 8 танга, кейин ҳар ботмони 4 тангадан сотилади. Россияга ўрик бошида ҳар ботмони 15 тангадан, кейин 1 тиллагача сотилади, деб ёзган⁹.

Хуллас, кичик тоғ ирмоқлари, сой, кориз сувлари ёрдамида дехқончилик қилинадиган ерларда дон-сабзавот маҳсулотлари етиштирилган, боғдорчилик соҳасида катта тажриба тўпланган.

¹ Туркестанский сборник, Т. 404. – С. 24.

² Дала ёзувлари. Шеробод тумани Зарабоғ қишлоғи, 2000 йил; Турсунов С. ва бошқ. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи.-Тошкент: Мұхаррир, 2014.-Б.264.

³ Туркестанский сборник. Т. 404. –С. 10.

⁴ ЎзР МДА. 2-жамгарма, 1-рўйхат, 351-иш, 2-варакнинг орқа томони.

⁵ Қаранг: Туркестанское ведомости. 1910. – №230; Логофет Д.Н. Страна безправая.-СПб., 1909.-С.53-54.

⁶ Ханыков. Н. В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 128

⁷ Маев Н.А. Очерки Гиссарского края // Материалы для статистики Туркестанского края.- СПб., 1883. Вып.У.-С.305.

⁸ Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (Сурхон воҳаси мисолида).-Тошкент: Янги нашр, 2010.-Б.53.

⁹ Ханыков. Н. В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 128-129.

АМИР ТЕМУР ИЛМИЙ МАЖЛИСЛАРИ

Тарихчилар Амир Темур (1370-1405 йилларда) ҳузурида унинг ташаббуси билан доимий илмий мажлислар ўтказилганлигини ёзib қолдиришган. Бу эса ўз навбатида мамлакатда илму фанни ривожлантиришга хизмат қилган. Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут – таворихи муиний” асарида ёзилишича:”...(Амир Темур) илму хикмат аҳли ва фан арбобларига ғоятда эътиборли эди...**У(Амир Темур)нинг мажлисларида** илмий масалалар баҳси жуда кўп бўлиб турарди. Нозик масалаларни у яхши тушунар, аксар ҳолларда (унинг фикри) асосли ва тўғри бўларди. Тиб ва нужум илмларининг машҳур масалаларида кўпинча ҳозиржавоблик ҳал қиласади. Аҳлоқининг гўзаллиги шу даражада эдик, унинг сўзлари ва рафторининг ҳусни жами фазилатлар бобининг дебочаси бўлди...**Ўзининг аксар вақтини саййидлар, олимлар ва машойихлар билан сұхбатлашишга сарф қиласади**”.

Амир Темурнинг илмий сұхбат ва мажлислари фақат Самарқанддаги уламолар билан биргаликда ўтказилиб қолмасдан, Соҳибқироннинг ҳарбий сафарлари асносида тўхтаб ўтган жойларida ёки янги қўлга киритилган шаҳарларда доимий равишда ўтказиб турилган.

Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сидан ҳам Байлақонда бўлиб ўтган илмий мажлисда Темур олимлар билан баҳсга киришгани маълум бўлади;” ...Байлақон ери маркази Ислом бўлғонда тамоми Эрону Туроннинг атрофу акнофидин акобириу аможид йиғилиб, баргоҳи олампаноҳда жамъ бўлдилар.

Ҳазрат ҳумоюн хотиридин кечдиким, боргоҳдаги мажлисда номдор уламолар ва фузалойи тақвошиъорларнинг улкан йиғинида масоили динийнинг муаззимоти ва фарзларнинг муҳиммоти ва исломий шуруъдин билгай. Мубоҳиси шариф бўлиб, ҳар масала ҳусусида фойдали ва латиф сўзлар бўлди...”.

Темур мажлисларда қўйидаги масалалар етакчилик қиласади:

- Ақида, қалом, ҳадис, фикҳ, фалсафага оид.
- Тасаввуф илмига оид.

-Ровийлар ва қиссанхонларнинг Пайғамбарлар, дин арбоблари ва подшохлар хақида қиссалари.

-Куръоннинг бир неча хил қироатлари.

-Нужум ва тиб илмидан баҳсталаб масалалар.

Илмий мажлисларда Темур Қуръон тиловат қилдиришни ёқтирган. Шунинг учун ҳар бир йиғинга Қуръон ҳофизлари алоҳида таклиф этилган. “Мажолис ун – нафоис”нинг еттинчи мажлисидаги Навоий келтирган қўйидаги ривоятдан ҳам Соҳибқироннинг ҳофизларга бўлган ихлоси ойдинлашади: Яъни Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо чоғирға кўп кўнгил қўйди. Унинг майхўрлигига уч надим сабабчи эканлигини Темур Кўрагонга етказишиди. Ҳукм бўлди, учаласини топиб бошини келтирсунлар. Мавлоно Мухаммад Коҳий ва Устод Кутб Нойининг боши танасидан жудо қилинди. Аммо Ҳожа Абдуқодир эса қочишига мұяссар бўлиб, қаландар қиёфасига кирди... Бироқ Амир Темур Ирокқа борганда, барибир Ҳожани тутиб олиб келишиди....**Ҳожа Абдуқодир Темур мажлисида шу даражада ёқимли овоз билан Қуръони каримни қироат қиласади, Темур Кўрагоннинг ғазаби меҳр – муҳаббатга айланди. У Ҳожа Абдуқодирга илтифотлар кўрсатиб, уни “ўз олий мажлисида надим ва мулозим қиласади.**

Хўш нега Навоий ибораси билан айтганда, “ Темур-шахи исломпаноҳ” илмий мажлислар ўтказишни хуш кўрган? Бунга Алишер Навоийнинг “Назм ул –жавохир” асарида жавоб бор. Яъни“Бир қўлда Қуръон , бир қўлда қилич билан” давлатни бошқарган Амир Темур пайғамбар чаҳорёrlаридан Али(р.а)нинг “Мажлис ул-илми равзат ул-жаннати –Илмий мажлис жаннат гулшани кабидир”ҳикматига қатъий амал қилган. Навоий ушбу ҳикматни шеърий тил билан қуидагича баён этади:

**Ким олим эса нуктада барҳақ де ани,
Гар базм тузар, биҳиши мутлақ де ани.
Ҳар кимсаки, йўқ илм анга аҳмак де ани,
Мажлисдаки илм бўлса, учмақ де ани.**
Темурнинг мажлисларида қуидаги касб эгалари мунтазам қатнашган:
**-Саййидлар,шайхлар, уламолар,олимлар,
-Хофизлар,
-Ҳакимлар,табиблар,мунажжимлар,
-Қиссанхонлар, хабарчилар, ровийлар.**

Мажлис иштирокчиларига “Темур тузуклари”да зикр этилишича, маош тўланган:”...саййидлар,уламо,шайхлар ва фозилларни ўзимга яқинлаштиридим. Улар менинг саройимга доимо келиб – кетиб, мажлисларимни безаб туришарди. Диний, хукукий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим.

..Темур тарих китоблари-Аллоҳнинг раҳмати ва салому бўлғур-анбиёлар қиссаларини, аввал ўтган подшоҳлар сийратлари ва қадим салафлар ҳақидаги ҳикоятларни доимо-сафарда бўлганида ҳам,ҳадарда(бир жойда муқим) турганда ҳам (қиссанхонларга) ўқитиб, қунт билар тинглар эди...(Темурга қисса ва тарихларни мажлисларда мавлоно Убайд ўқиган).Ушбу ҳикоятларнинг қайта-қайта такрорланиб ўқилиши,улар нағмаларининг ўз қулогига муттасил чалиниши натижасида Темур ушбу ҳикоятлар жиловини қўлига батамом ўзлаштириб, гўё ўз мулки мисоли “эгаллаб” олган эди...Агар ўқиётган қиссанхон бирор хатога йўл қўйса,Темур унинг хатосини тузатиб, савоб(тўғри) йўлга солар эди”. Энг муҳими ўз замонасининг етук илм намоёндалари Темур мажлисида иштирок этишга ҳаракат қилишарди.

Мухтасар қилиб айтганда, Темур илмий мажлислари бир томондан миллий ўйгониш даврини бошлаб берган бўлса, иккинчи томондан мамлакатда ислом динини ривожланишига,барча соҳалар каби фан, маданият ва санъатни тараққий этишига хизмат қилган.

**Қодирова Лутфия
Гулистон давлат университети**

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ТАҚВИМИ

Турли халқлар ўз тарихида турли-туман тақвимлардан фойдаланганлар. Ўрта Осиё заминида яшаб келаётган халқлар тақвим-йил ҳисобидан фойдаланишда дунёning энг маданий халқларидан бири ҳисобланадилар. Бу ўлкада тақвимларга амал қилиш қарийб уч минг йилдан буён давом этиб келади. Тақвим тарихида муҳим вазифа, Беруний айтганидек, “энг тўғри ва равshan йўл билан турли тарихлар муддатини аниқлашдир” [1.- Б.105]. Юртимизда қадимда қўлланилган турли вақт ҳисоби тизимларини ўрганиш, уларни ўзаро мувофиқлаштиришни билиш, айниқса тарихий манбалар билан ишлашда жуда зарурдир.

Қадимги илм - фан бешиги, зардӯштийларнинг муқаддас китоби “Авесто” вужудга келган замин бўлган Хоразмда ҳам тақвим шундай узоқ тарихга эга. Бироқ, ушбу

тақвим ҳақидаги маълумотлар Хоразм халқининг буюк фарзанди Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобидан бошқа тарихий манбаларда деярли сақланиб қолмаган.

Беруний ўзининг ушбу асарида ёзишича, хоразмликлар ўз тарихларини Хоразмдиёрига одамлар жойлаша бошлаганидан бошлаганлар, бу эса Искандардан 980 йил илгари бўлган эди [1.- Б.71]. Хоразм йилномаси эса араблар Қутайба ибн Муслим бошчилигида Хоразмни босиб олгач, ҳижрий тақвимга кўчирилади.

Ўрта Осиё халқлари қадимдан Қуёш тақвимидан фойдаланишган. Хоразмликлар ва Суғдларнинг тақвими кўп жиҳатдан эронликларникига ўхшаш бўлган. Факат ушбу тақвимда ойларнинг бошланиши эронликларнидикан фарқ қилган. Чунки хоразм ва Суғдликлар ортиқча беш кунни йилнинг охирига қўшиб, йил бошини Эрон тақвимидағи фарвардинмоҳнинг олтинчига куни, яъни хурдод руздан ҳисоб қилганлар.

Хоразм тақвимида бир йил ҳар бир 30 кунлик 12 ой, 365 кундан иборат бўлган. Ой номлари Абу Райхон Беруний асарида икки хил тўлиқ ва қисқартирилган шаклларда келтирилади. Ойларнинг тўлиқ номи жуда узун бўлиб, кўпчилик товушларни ундош ҳарфлар ташкил қиласи: ручнофуновсрочи, ардушт фвсирх анком, ҳрвдод фвиҳирий, жирий форозоқ, ғхмдод, ахшриврий, авмрий, ёнохи, арв, римжд, аршми, исфандоражий. арвфвимхкобхрфин, всмрфвнофконж анком, ашмн фвирд анком, исбандомаржий фвхшм.

Уларнинг қисқа шакли эса бундай кўринишда бўлган: новсоржий, ардвст, ҳрвдот, жири, ҳмдод, ахшриврий, авмрий, ёнохи, арв, римжд, аршми, исфандоражий. Кундалик иш юритишда ва маъмурий ҳужжатларда ойларнинг юқорида келтирилган қисқа шаклидан фойдаланилган. қисқа шаклидан фойдаланилган. IV-VIII аср қадимги хоразмий ёзуви ҳужжатларида ва XII-XIV аср араб-хоразм ёзуви манбаларида ой номлари юқоридаги шаклларда кўлланади.

Бир ой ўттиз кундан иборат бўлган, хоразмликлар ойнинг ҳар кунига ҳам ном кўйганлар. Йил охирида қўшиладиган ортиқча беш кунга маҳсус ном берилмаган, улар одатий ой кунларининг номлари билан аталган.

Қадимги Хоразмнинг энг машҳур ёдгорликларидан бири бўлмиш Тупроққалъадага “Шоҳлар зали” деворлари бўйлаб ишланган супаларда ўрнатилган турли шакл ва кўринишдаги 26 ёки 27 та ҳайкаллар Ахурамазда ва турли илоҳаларга бағишлиланган. Археолог олим Ю.Рапапорт уларни хоразм календари билан боғлайди. Маълумки, Хоразм тақвимидағи кунларга зардустийлик динидаги олий худо Ахурамазда ва 26 илоҳ номи берилган. Ахурамаздининг тўрт ном билан аталиши ва тақвимдаги 1, 8, 15 ҳамда 23 кунлар унга бағишлиланганлигини ҳисобга олсак, ушбу ҳайкаллар 30 кунлик тақвим билан боғлиқ, дея таҳмин қилиш мумкин. Залдаги - 10 супадан аёл ҳайкали жой олган. Зардустийлик тақвимидағи 10-кун эса сув куни, Ардивисура Анахитага бағишлиланганлиги эса, юқоридаги фикрни тасдиқлашга хизмат қиласи [2.- Б. 143].

Беруний берган маълумотга кўра, хоразмликлар дастлаб ҳафтани ишлатмаганлар. Хоразмликлар Ой манзилларини ишлатганлар ва улардан астрономияга оид ҳукмлар чиқарганлар. Ой манзилларини 12 буржга тақсимлаб, буржларни ўз тилларида алоҳида- алоҳида номлаганлар. Беруний “Хоразмликлар буржларни араблардан яхшироқ билганлар” деб қайд этади.

Қадимги Хоразмда тақвимнинг пайдо бўлиши бу диёрда тараққий этган илм-фан ютуқлари билан боғлиқ. Буни Хоразмда топилган бир қатор астрономик иншоотлар тасдиқлайди. Жумладан, машҳур Қўйқирилганқалъа ёдгорлиги ёритқичлар ва улар харакатининг цикллари билан боғлиқ ориентирларнинг бутун бир тизимиға эга.

Яна бир ёдгорлик, Хоразмдаги қадимий Дев Солган ҳам нафақат арқ, балки “азимутал” расадхона вазифасини ҳам бажарган, яъни тенгкунлик ва қуёш туришлари

вақтини аниқлаш учун хизмат қилган, бунда Қуёш азимутини қайд этиш усули қўлланилган [4.- Б. 41].

Кўриниб турибдики, бу каби ёдгорликлар ой-қуёш цикларини ҳисоблаб чиқиши, уларнинг тутилишини олдиндан айтиб бериш, осмон ёритқичларини доимий кузатишга хизмат қилган. Шу сабабдан Хоразмда жуда қадим даврлардан астрономик билимлар юксак тараққий этган ва хоразмликлар ой манзилларини ишлатганлар, улардан астрономияга оид ҳукмлар чиқарганлар.

Шу тариқа хоразм тақвими атамалари хоразм ёзуви ва тили истеъмолдан чиқиши билан бутунлай унутилиб кетди. Бироқ зардуштийлик дини ва “Авесто” билан қадимги Хоразм тақвими дунёнинг кўпгина мамлакатларига тарқалди.

Адабиётлар:

1. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, Т. И. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. - Т.: Фан, 1968.
2. Рапопорт Ю.А.. Религиозные верования хорезмийцев в доисламское время // Поволжье и сопредельные территории в средние века// Труды ГИМ. – М., 2001. Вып. 135. – С. 141-143
3. Болелов С.Б., Колганова Г.Ю., Никифоров М.Г. Элементы гармонизации в архитектуре Кой- Крылган-кала // Краткие сообщения Института археологии. Вып. 237 / Ин-т археологии РАН. – М.: Языки славянской культуры, 2015. – 340 с.
4. Абдулгазиева Б. Календарные сооружения и устройства древнего Хорезма. Тезисы докладов Международного Симпозиума "Приаралье на перекрестке культур" и второго полевого Семинара "Археология древнего Ташкырманского оазиса", посвященные 100-летию со дня рождения академика АН Республики Узбекистан С. П. Толстова// <http://rudocs.exdat.com/docs/index-179370.html#6192280>

**Куранбаева У.С.
ЎзР ФА Шарқшунослик институти**

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ТАРИХ ВА УНИНГ ЁЗИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жаҳон цивилизацияси ривожига ўз хиссасини қўшган қомусий олим Абу Райхон Беруний(973-1048) нинг дунё фондларида сақланаётган асарларининг аксарияти бугунги кунгача ўрганилган. Бинобарин, америкалик олим Джорж Сартон (XX аср) айтганидек: “Астрономия, математика, астрология, география, антропология, этнография, археология, фалсафа, ботаника ва минералогия тарихи олим номисиз етим қолган бўларди”¹.

Дарҳакиқат, мавжуд тадқиқотларда асосий эътибор олимнинг табиий ва аниқ фанларга доир асарларига қаратилган бўлиб, тарихий масалалар бир оз эътибордан четда қолган. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Тафхим” ва “Қонуни Маъсудий” каби асарларида тарихий масалалар мужассамлашган.

Таъкидлаш жоизки, Беруний тарихи ҳозирги кун аудиторияси кўнинкан сиёсий тарих эмас, балки ижтимоий тарихдир. Ижтимоий йўналишга қўл урганида олим этнография, топонимика, астрономия ва география фанларига ҳам мурожаат этади.

Ижтимоий тарих соҳасида Беруний биринчи ўринга инсон шахсини қўйган, миллат, диний фарқ уни қизиқтиргмаган. Унинг ижтимоий қарашларида диний бағрикенглик кўзга яққол ташланади. Зоро, юнон, рум, эрон, сүфд, хоразм, харроний

¹SartonG.Introduction to the history of science.Vol. I-III.- Baltimore. 1927-1948.

(юлдузга топинувчилар), қибтий халқлари ҳамданасроний ва яхудий дин вакиллари тарихий этнографиясини ўрганган илк мусулмон олимларидандир.

Беруний юнон, форс, суря ва арабларнинг инсоният онги ва маданияти ривожига кўшган ҳиссаларини ўрганган ва бу халқларга хурмат билан қараган.

Юқорида келтирилган халқларнинг урф-одатлари, байрамлари, улуғ кунлари, эътиқоди-ю, ибодатларини ўрганиб чиқишида Беруний уларнинг бир-биридан ажратмаган, тарихни ёзишда холислиқ, таққослаш усусларидан фойдаланган.

“Осор ал-боқия”да олим эра тушунчасига алоҳида изоҳ бериб: “Бирор ўтиб кетган йилнинг бошидан ҳисобга олинадиган маълум бир муддатга эра дейилади”¹. Ўша йилда турли аломатлар ва далиллар билан қандайдир пайғамбар дунёга келган ёки қудратли, шаъни улуғ бир подшоҳ зуҳур қилган, ёки хароб қилувчи умумий тӯфон, зилзила ва ҳалокатли ер ютиш, ҳалок этувчи вабо ва қаттиқ қаҳатчилик натижасида бирор халқ ҳалокатга учраган, ёки давлат ва ҳукмдорлик бир хонадондан бошқасига ўтган, ёки бирор дин иккинчисига алмашган, ёки осмон ҳодисаларидан ва ернинг машҳур аломатларидан бирон муҳим нарса юз берган бўлиши керак, булар, узоқ асрлар ва кўп замонларсиз пайдо бўлмайди. Бундай ҳодисалар орқали маълум вақтлар, тарихлар аниқланади, дунёвий ва диний барча ишларда бунга эҳтиёж сезиладидейилган. Шу жойида таъкидлаб ўтишимиз керакки, ўтган асрнинг иккинчи ярмида нашр этилган асарнинг таржимасида “эра” сўзи ўрнига “тарих” сўзи ёзилган ва бу сўз матнининг маъносини англашда қийинчилик туғдирган.

Олимнинг ёзишича, илм изловчиларнинг саволлариiga жавоб бўладиган, мавҳум, тушунарсиз, аниқлик киритиш керак бўлган, савол берувчиларнинг ҳамма жавобларини мужассам қилган асар “Осор ал -боқия”ни ўқиган одам қалбига заррача шубҳа сояси тушмаслиги керак².

П.Г. Булгаковнинг таъкидлашича, олимнинг ижтимоий йўналишда иш бошлиши осон бўлмаган. Чунки бошқа олимларнинг ундан олдин ёзилган шундай мазмундаги тарихий манбаларининг йўқлиги, Беруний уларни кўрмаганлиги, намуна бўлмаганлиги бунга сабаб бўлган. Шунинг учун Беруний ноодатий соҳа (табиий фанлардан), ижтимоий фанлар соҳасига илк қадамини ташлаши қийин кечган³. Назаримизда ушбу фикр изоҳ талабдек кўринади. Чунки, Беруний тарихни ёзишда учта усулдан фойдаланган: ўз кўзи билан кўрган воқеалар, ёзма манбалар, ундаги шубҳали, тўлиқ бўлмаган маълумотларни эса оғзаки суриштирув йўли билан тўплаган⁴. Беруний: “Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди, деган кишининг сўзи жуда тўғридир. Чунки кўриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишидан иборатдир. Хабарга ёлғон-яшиқлар қўшилмаганда, у кўришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган бўлар эди. ...Сўнгра, одатда бўлган ҳол ҳақида берилган хабар бир хил эмас, балки (фарқсиз) рост ва ёлғон бўлиши мумкин”-деб ёзган.⁵

Яна Беруний ўзидан олдинги ёзилган хабарлар, манбалар билан танишлигини исботлаш мақсадида, Байҳақийнинг “Тарихи Масъудий” асаридан бир парча келтирсак. Берунийнинг айтишича, бир куни хоразмшоҳ Абу-л-Аббос отда туриб, Абу Райхонни хужрасидан чақиртирган. У бир оз кечиккан. Шунда шоҳ отининг жиловини унинг хужраси томон буриб, отдан тушмоқчи бўлганда, “Худо хаққи, тушманг”,-деб хужрадан Беруний чиққан. Шу вақт хоразмшоҳ мана бу байтни ўқиган:

¹ Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Т1. -Ташкент: Фан ,2014.- 46 с.

² Абу Рейхан Бируни. Хронология. Избранные произведения. Т.И. - Ташкент: Изд-во АН Уз, 1957.- 8-9 с.

³ Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни,-Ташкент: Фан, 1972. -97,100 с.

⁴ Абу Рейхан Бируни. Индия. Избранные произведения. Т.И. - Ташкент: Изд-во АН Уз, 1963. -19 с.

⁵ Абу Рейхан Бируни. Индия. Избранные произведения. Т.И. - Ташкент: Изд-во АН Уз, 1963. -25 с.

العلم من اشرف الولايات
ياعته كل الورى و لياتى

Мазмуни: [Инсон] эга бўладиган нарсаларнинг энг шарафлиси илмдир. Барча халқ илмга [ёлбориб] келади, илм уларга келмайди, яъни мен сенга ёлбариб келишим керак, сен менга эмас. Кейин яна: “Дунёвий расмиятлар бўлмаса эди, сени чақиртирас эдим, чунки илм устунроқдир, мен эмас”-деди, шунда мен (Беруний) ўйланиб қолдим, балкихоразмшоҳ Абу-л-Аббос, муслимлар ҳукмдори Мўътазид (892-902) тўғрисидаги ҳабарни ўқиган эканми, чунки мен ўзим кўрдимки, бир куни Мўътазид Собит ибн Қурра (836-901)нинг қўлидан ушлаб боғ аро юрганларида подшоҳ қўлини тортиб олди. Шунда Собит ибн Қурра бунингсабабини сўраганида, подшоҳ: “Менинг қўлим сенинг қўлинг устида турган эди ва лек илм устун туур, мен эрмас”-деб, шоҳ бу ҳикматли жумлани қўшган:

العلم يعلو و لا يعلى

яъни: илм ҳар нарсадан юқори –хеч нарса илмдан юқори бўлолмайди¹. Бундан, хоразмшоҳ ва Берунийларнинг иккаласи ҳам бу воқеадан хабардор эканликлари кўриниб турибди-ки, воқеа байтини келтирганлар. Беруний ўзигача етиб келган ҳар қандай манба ва воқеани ўрганиб таҳлил қилган-ки, “XI аср мусулмон олими қандай қилиб бундай кенг дунёқарашли ва илмий тадқиқотларнингталабларини чуқур анлаган бўлиб етишган, деган саволимиз очилмасдан қолди”-деб таъкидлаган эди академик В.В. Бартольд ўз мақолаларидан бирида².

Берунийнинг илм ҳақидаги “Илмлар кўпдир, улар замон ўтиши, иқболи, ривожи, туфайли турли фикр ва хотиралар қўшилиши или қўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбати, интилиши илмларни ва илм аҳлларини хурматланиши ўша иқболнинг белгисидир.

[Айниқса] ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини хурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки, ҳукмроннинг шундай қилиши илм кишиларнинг дунёнинг (кундалик) зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар билан шуғулланиши учун бўшатиб қўяди.

Демак, илк қарашда қомусий олим Берунийни ўз яшаган мамлакат, ҳудудлар ва турли географик зоналардаги одамларнинг этник, лингвистик муаммолари ва ўтмишлари билан қизиқиши ниҳоятда--ижтимоий тарих масалалари билан шуғулланишига олиб келган. Олимга берилган саволлар ва таклифларни тўплаб, илм изловчилар учун, жавоб тариқасида асарлар ёзган, бу соҳада ноанъанавий усулдан фойдаланган. Тарихий маълумотларни тўплашда уч хил методдан фойдаланган. Ўзигача етиб келган асарларни кўрган, улардан маълумот олган, тўлиқ бўлмаган маълумотларга аниқлик киритган.

Курахмедов А., Рахматова И.
Самарқанд Давлат университети

САМАРҚАНД ЖАДИДЛАРИНИНГ ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИДА ТУТГАН ЎРНИ

XIX аср иккинчи ярмида бутун Туркистон ўлкасида кузатилгани каби, Самарқанд маданий ҳаётида ҳам маънавий-маърифий йўналишда ўзига хос янги оқим яъни жадидчилик соҳаси тарих саҳнасига кириб келди. Жадидларнинг асосий мақсадлари ўлкада «янги усул» мактабларини очиб, эски ўкув усулини янгича асосда қуриш эди.

¹ Абу-л-Фазл Бейхаки. История Мас'уда. 1030-1041. Ташкент: Изд-во АН Уз, 1962. – 589 с.

² Бартольд В.В. Работы по истории ислама и арабского халифата. Т. VI.- Москва:Наука,1966.-263 с.

Самарқандда бундай мактабларга асос солған атоқли вакиллардан – Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулқодир Шакурий ва Ҳожи Муинларни кўрсатиш мумкин.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, 1903 йили Абдулқодир Шакурий ташаббуси билан Ражабамин қишлоғида янги усул мактаби очилади. Бу мактаб учун Абдулқодир Шакурий томонидан «Жомеъ ул – хикоят»¹ номли дарслек яратилади. Абдурауф Фитрат «Баёноти сайёхи ҳинди» («Ҳинд сайёхининг баёноти») китобида қаҳрамон тилидан «Самарқандда бир неча янги бошланғич мактаблар бўлиб, улар ичида янг яхшиси – Шакурий мактабидир. Бу мактаб аста-секин керакли чўққини эгаллади. Самарқанд мактабларини кўриб чиқиб, улардан мамнунман»,² - деб таъкидлайди.

1903 йили Самарқанд шаҳрининг Хўжа Нисбатдор маҳалласида Ҳожи Муин бошчилигида усули жадид мактаби очилган. У мактабдорликдан даромад олишни ўйламаган, маърифатпарвар зот мактаб-маориф йўлида фидойилик кўрсатиб «Раҳнамои савод» номли алифбо нашр эттирган ва кутубхона ташкил этган. Биринчи янги усулдаги мактаб 1904 йили Хўжандда³ ҳам очилади. Мактабга Тошкентдан ўқитувчи чақиртирилади. Бу эса ҳаммани қувонтириб, янги усул мактабларини очишга руҳлантиради. Янги ўқув усуллари билан ажralиб турган бундай мактаблар сони аста-секин Самарқандда кўпайиб бораверди.

Туркистон жадидлари отаси номини олган буюк маърифатпарвар, педагог, журналист, муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий турли таъқиб ва қийинчиликларга қарамасдан 1903 йил охирида Ражабаминдаги Абдулқодир Шакурий мактабини Самарқанднинг Эски шаҳар «Қўшховуз» маҳалласида жойлашган ҳовлисига кўчириб келтиради ва бу мактабга беғараз ёрдам кўрсатади. 1905 йили Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўзи Самарқанднинг Кафтархона қишлоғида жадид мактаби очади. Унга 40 га яқин ўқувчи таълим олади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ўқувчилар учун 1904 йили «Мунтаҳаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий жуғрофия»), «Китобат ул - атфол» («Болалар мактуби»), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), 1905 йили «Амалиёти ислом» («Ислом амалиёти»), «Мадҳали жуғрофияи умумий» («Умумий жуғрофия»), 1908 йили «Мухтасари жуғрофияи Русий» («Русиянинг қисқача жўғрофияси») каби дарслек ва ўқув қўлланмаларни ёзган. Миллий маориф ва маданиятни ривожлантириш учун Беҳбудий Самарқандда 1908 йили Туркистонда биринчи марта мусулмонлар учун бепул қироатхона-кутубхона⁴ очиб, ўз маблағи хисобига уни бойитиб боради. У Туркистоннинг биринчи географик харитасини тузади ва мактабларда фойдаланиш учун нашр қилдиради⁵.

Янги усулдаги мактабларни нафақат Самарқандда, балки Туркистон ўлкасида кўпайиши, мусулмонларнинг ижтимоий-сиёсий ғояларига ижобий таъсир кўрсатди. Бу эса чор маъмурларининг янги усул мактаблари устидан назоратни кучайтиришига олиб келди. Жадидлар ўлқадаги матбуот саҳифаларида мазкур мактабларнинг моҳияти, мақсади, тараққиёт йўлидаги аҳамиятлари ҳакида илмий-назарий, публицистик мақолалар ёзиб жадидчиликни тарғиб этдилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ёзадики: «Сиз мухтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни агарда хоҳласангизки сиздан кўра тараққий этса (дин ва миллатга хизмат илм ва оқиллик ила бўлур) шу илм замони таҳсил қилмоғи учун ҳаракат

¹ Айни С. Таърихи инқилоби Бухоро. – Душанбе, 1987. – С.31.

² Абд-ур-Рауфъ. Рассказы индийского путешественника («Бухара как она есть»). – Самарқанд, Маҳмудхўжа Бегбуди. 1913. – С.79.

³ ЎЗР МДА, Ф. И-47. Оп-1. Д-955. Л-250.

⁴ ЎЗР МДА, Ф. И-36. Оп-1. Д-4982. Л-89

⁵ М.Ф. Маҳмадхўжа Бегбуди // Наука и просвещение. 1922, №1. – С.23.

килмоғингиз лозимдур»¹. Жадид мактабларида ўқиб, илмли ва замон талабига жавоб берса оладиган кадрларни етказиш учун жадидлар курашдилар...»².

Мустамлака маъмурлари ва полиция назорати остида бўлишига қарамасдан жадидлар маърифатпарварлик ҳаракатларини кучайтириб бордилар. Мисол учун, Самарқандда 1913 йилнинг май ойидан бошлаб Махмудхўжа Беҳбудий бошчилигида «Самарқанд» газетаси чиқа бошлади. Газета Самарқандда «Газаров ва Смеянов» типографиясида наш³ этилган. Бу газетани нашр этиш учун Тошкентда очилган тараққийпарвар мусулмонларнинг «Умид» хайрия жамғармаси Мунавварқори Абдурашитхонов орқали 500 рубль⁴ жўнатганлар. «Самарқанд» газетасида Туркистон мустақиллиги, ижтимоий-иктисодий ҳаёт тўғрисида мақолалар ўз аксини топган эди. Бу газетанинг 44 та сони чиққанидан кейин маблағ этишмовчилиги сабабли нашр иши тўхтатилиди.

1913 йилнинг 20 августидан бошлаб Самарқанддаги «Газаров ва Смеянов» босмахонасида яна Беҳбудий бошчилигида рус, ўзбек ва тожик тилларида мусулмонларнинг «Ойина»⁵ журнали нашр қилина бошланди. 1913-1915 йилларда журналнинг 68 сони (1720 бет) чиқиб, 1915 йилнинг июнь ойларида тўхтатилиди. Бу газета ва журналда кўплаб жадидлар Ҳожи Муин, Васлий, Фитрат, Мунавварқори ва бошқа жадид намояндлари ўз мақолалари билан иштирок этдилар. Туркистон халқининг саводли ва маърифатли, тўқ ва фаровон бўлиши, уни озод ва обод ватанга айлантириш, биринчи навбатда мустақилликка эришиш, мустамлакачилик исканжасидан халос бўлиш жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади эди. Шундай шиорлар ва мақсадлар билан жадидлар ўз фаолиятларини, куч-ғайратларини миллатни уйготишга бағишлидилар, маҳаллий халқнинг кўзини очиб, юзларини ёруғ этиш учун жонларини тикдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўрганилаётган даврда вилоятда руслар маҳаллий аҳолини руслаштириш, иложи борича ташқи дунёдан ажратиб қўйиш мақсадида рус-тузем мактаблари очдилар. Маҳаллий халқни бу мактабларга жалб этишга интилдилар. Лекин мажбурий очилган рус-тузем мактаблари маҳаллий халққа бегона эди. Шундай вазиятда жадид намояндлари ўз ғоялари билан тарих саҳнасига кирдилар. Бу буюк маърифатпарварлар халқимизни маърифатли, дунёвий билимларга эга бўлиши учун курашдилар.

Қурбонбоев И.М., Холматова У.Н.
Самарқанд давлат университети

ТОШ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ ТОШ ИНДУСТРИЯСИ, ҚУРОЛЛАРИ ЯСАЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТОШГА ИШЛОВ БЕРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ХУСУСИДА

Ибтидоий давр жамоалари моддий маданиятида унинг ўзига хос хусусиятларини, ўзига хронологик жиҳатдан тенгдош атроф маданиятлар тизимида ўрнини белгилаш ҳамда ўзаро қўни-қўшничилик маданий алоқадорликларини билишда, шубҳасиз, ишлаб чиқариш воситалари **моҳияти**, ясалиш ва ишлов берилиш услублари асосий белгиловчи фактор бўлиб хисобланади. Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш воситалари мазмунида ибтидоий одамзод тафаккури

¹ Авазов Н. Туркистонда ҳақ олинмади, берилди // Ёшлиқ. 1991, №10. – Б.43.

² Андреев Г. Туземцы и просвещения // Туркестанский голосъ. 1916, 12 ноябрь №103.

³ ЎзР МДА, Ф. И-18. Оп-1. Д-8752. Л-12.

⁴ ЎзР МДА, Ф. И-461. Оп-1. Д-2144.Л-46.

⁵ ЎзР МДА, Ф. И-18. Оп-1. Д-8752. Л-29.

имкониятлари, унинг табиат, жамият, атроф мухитга бўлган муносабати ўз аксини топган. Ишлаб чиқариш воситалари -тош, ёғочдан ясалган қуроллар, зеб-зийнатлар ўз ясалиш технологияси билан ишлаб чиқаришнинг мазмун мохиятини, тарихини беради. Ибтидоий давр ишлаб чиқаришда одамлар қунлик турмушда, хўжалигига ишлатиладиган қуролларнинг маълум бир функцияни бажарганлигини ясалиш технологиясини билиб олишда албатта мунозарали-баҳсли ҳолатлар учраб туради¹. Шунинг учун мутахассис олимлар томонидан меҳнат қуролларини ишлаб чиқаришда хўжаликда турмушда ишлатилганини, яъни тош қуролларида излари сақланиб қолган одамзот фаолияти белгиларини билиб олишимизда икки категория тушунчаси ишлатилади: 1. Тош қуроллари иш майдонида ишлатилганини билдирувчи излар; 2. Бевосита тош қуролларига иккинчи ишлов берилганлик. Биринчи категория бўйича биз тош қуролларини қандай ишлаб чиқариш ишларида ишлатилгандигини, аниқроғи бу меҳнат қўролининг қандай қўлланилгандигини билиб оламиз. Иккинчи категория бўйича эса биз бевосита бу қуролнинг ўзи қандай ясалганлиги технологиясини билиб оламиз. Маълумки, бу категорияларни билиб олишимизда олимлар трассологик тажриба усулларини қўллашган. Бу тажриба услуби тош қуролларининг турмушда қандай функцияларни бажарганлигини билиб олишимизда ахамиятлидир. Масалан, тош қирғич қуроллари ёрдамида ҳайвон териларига ишлов беришган. Пичноқсимон қуроллар билан ҳайвон гўштларини бурдалашган ва ҳакоза. Бу қуролларни ибтидоий даврда ишлатилгандигини маҳсус лабараторияларда тажриба асосида билишимиздан ташқари ҳозирги кунга нисбатан қолоқ турмуш шароитида яшаётган халқлар хаётида ананавий сақланиб келган этнографик маълумотлар асосида ҳам билиб олишимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш воситалари- меҳнат қуролларида сақланиб қолган ибтидоий одамлар фаолият излари узоқ вақтдан буён соҳа тадқиқотчиларининг диққатини тортиб келмоқда². Меҳнат қуролларидаги изларни топиш, уларни ўрганиш ибтидоий давр қуролларининг ясалиш технологиясининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар кўрсатишича қуролларда сақланиб қолган излар қуйидагича бўлган: 1) учириб олиш шакли; 2) иккинчи маротаба ишлов берилиш излари (кертув, эзиш, қарама-қарши ҳолатда, тиҳсисимон); 3) иш қуролларини силлиқлаш, 4) қирқиб олинганлиги, 5) пармалаб тешганлик кўринишлари. Тош қуролларида сақланиб қолган излар ўрганилиши уларнинг турмушда бажарган функциясини билишда муҳимдир. Энг муҳими излар табиий ҳолдами ёки одам қўли билан қилинганми билиш учун даставвал қуролнинг турмушда маълум функцияни бажаришга мўлжалланганлиги ва бирон предметга ишлов беришда кулаг ҳолатини ҳисобга олмоқ зарур.

Меҳнат қуролларидаги излар, ишлов берилганликбелгиларини ўрганишга уринишлар бўлган. Биринчи маротаба йирик шохли ҳайвонлар суюкларида ўткир тош қуроллари изларини сақланиб қолганлиги 1828 йили Ода гори маконидан топилган суюкларда аниқланган. Кейинчалик Э.Ларте ва Г.де Мортильелар ҳам ҳайвон суюкларида сақланиб қолган изларни бошқа ҳайвон тишлари билан бу суюк

¹ Семенов С.А. Первобытная техника // МИА, №7, 1957.

² Семенов С.А. Первобытная техника // МИА, №7, 1957; Изучение первобытной технике методом эксперимента. В кн.: Новые методы в археологических исследованиях. М., Л.-1963; Развитие техники в каменном веке. Л., 1969; Новейшие методы изучения древней техники и хозяйства. Вестник РАН, №9, 1978

камирилганидан фарқ қилишини аниқладилар, аниқроғи сұяқда қолған из үткір тош қурол билан қилинганды. Тош қуролларида сақланиб қолған изларни трассологик-тажриба йўли билан маҳсус ўрганувчи дастлабки лабаратория Россия ФА моддий маданият тарихи Институти қошида фаолият кўрсатган. Бу лабараторияда мутахассислар кўрсатишича, тош қуроллари –дастлаб харсанг ҳолатидан учирив олиниб, то тайёр ҳолда меҳнат қуроли кўринишигача олиб келинади. Бунда микроскоп қўлланилиши билан тош қуроллардаги үткирлаш, тешиш каби ишлов излари текширилади, бу қуроллартажриба **хонасида** синаб кўрилади, хуллас ибтидоий давр муҳити ишлов бериш шароити лабараторияда яратилган. Масалан, 1934 йили ёдгорлигидан бир нечта қурол ажратиб олиб, лабараторияда **маҳсус** синаб олинди. Г.А.Бонч-Осмоловский Кийик –кобо ғор маконидан бир нечта болдир сұяги ажратиб олиб, уларни тош қуролларга иккинчи маротаба эзиш услубида ишлов беришда ишлатилганини аниқлади. Ҳақиқатдан ҳам кўпинча тош қуроллари қиррасига ҳайвон сұяклари орқали ишлов берилган. Г.А.Бонч-Осмоловский биринчи бўлиб, тош қуролларининг турмушда бажарган функцияси турлича бўлганлигини аниқлаган¹. М.В.Воеводский лабраторияда сополи идишларга берилган ишловлар бўйича тажриба үтказди. Г.Г.Лилилейко эса биринчи бўлиб тош мунчоқларга ишлов беришни лаборатория шароитида синаб кўрди ҳамда тош мунчоқларда сақланиб қолған тешиш, пармалаш, силликлаш йўлларини ўрганди. Энг муҳими тош қуроллари ясалиш технологияси борасида тадқиқотчи олимларнинг маҳсус трассалоги-тажриба лабараторияларида кузатишлар олиб боришган, амалда қурол ясаб, уларни синаб кўришганлар. Яъни, меҳнат қуроллари ясаш учун қанча вақт, қанча хом-ашё сарфлаганликлари тажрибадан үтказилган. Шундай, тажриба синов Учтут шахтаси мисолида Т.Мирсаатов томонидан амалга оширилган².

Хуллас, инсоният тараққиёти ибтидоий давр моддий маданиятини ўрганишда шубҳасиз, меҳнат воситаларининг ўзига хос ўрни бор.

Шерали Қўлдашев
ЎзР ФА Шарқшунослик институти
Дилноза Қўлдашева
Ангрен шаҳар З мактаб ўқитувчиси

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МАНЖУР ТИЛИДАГИ МАНБАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Марказий Осиё тарихига оид бўлган ёзма манбалар қаторида манжур тилидаги манбалар ҳали етарлича ўрганилмаган масалалардан бири хисобланади. Манжур тилидаги манбалар асосан Хитой Халқ Республикасининг Ижтимоий фанлар архивида сақланади. Ушбу архивда 180 мингдан ортиқ манжур тилидаги хужжатлар тўплами сақланади³. 1999 йилда уларнинг 120 мингтасининг рўйхати, яъни каталоги нашр

¹Бонч-Осмоловский Г.А. К вопросу об эволюции древнепалеолитических индустрий// Журн. «Человек», Л, 1931.

²Мирсаатов Т. Горные разработки в эпоху камня. –Изд-во «Фан», Ташкент, 1977.

³*Junjichu Manwenlufuzouzhe* (Reference copy of palace memorials in Manchu stored in the Grand Council). Document Category (microfilms) at the First Historical Archives of China, Beijing.

қилинди¹. 2012 йилда Синьцзян худуди билан боғлиқ ҳужжатларнинг факсимиile нашр қилинди². Шунингдек, уларнинг бир қисми Хитойнинг бошқа худудлардаги музейлар ва кутубхоналарда, Россия, Япония, Жанубий Корея, Япония ва Европанинг бир қатор кутубхоналарида ҳам сақланади. Ўзбекистонда фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунолик институтида ҳам бир неча ўндан ортиқ манжур тилидаги асарлар сақланади. Манжур тилидаги манбаларнинг асосий қисми Хитойнинг ҳукмрон сулоласи хисобланмиш манжурларнинг Цин империяси (1644-1911) даврида ёзилган бўлиб, уларда Хитой, Манжурия, Мўғилистон, Тибет, Корея, Тибет, Япония, Синьцзян худудлари қаторида Марказий Осиё тарихига оид кўплаб маълумотлар ҳам мавжуд.

Манжур тилидаги ҳужжатлар орасида бевосита ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган Бухоро хонлиги (1510-1920), Кўқон хонлиги (1709-1876) тарихига оид ҳужжатлар ҳам сақланади. Уларнинг икки гурухга ажратиб олиш мумкин:

Биринчиси, Кўқон хонлигидан келган мактубларнинг манжур тилига ўгирилган ҳужжатлар. Ушбу мактубларнинг баъзилари туркий тилда, араб ёзувида сақланиб қолган бўлса, баъзилари эса фақат манжур тилидаги нусхаларидан иборат. Уларнинг сони таҳминан 50 тадан ортиқ. Кўқон хонлигидан юборилган мактублар Қашқарда яшаган манжур амалдори Чан Ли томонидан туркий тилдан манжур тилига таржима қилинган ва бу мактублар Синьцзяндаги манжур амалдорлари – амбонларга ёки императорга юборилган. Ушбу мактублардаги маълумотлардан дастлаб XX асрнинг 60 йилларида япон олими Торо Согучи³ ўз тадқиқотлари фойдаланган бўлса, кейинчалик американлик тадқиқотчи Никола де Космо⁴, британиялик олима Лора Ньёби⁵, япон олими Онума Такохиро⁶лар ҳам ўз тадқиқотларида келтириб ўтади. Ушбу тадқиқотчилардан фақатгина Никола де Космо Кўқон ҳукмдори Олимхон (1798-1810)нинг Қашқарга юборган ва туркий тилдан манжур тилига таржима қилинган мактубларини илмий таҳлил қилган, холос.

Иккинчиси, Цин империясининг Кўқон хонлиги ва Хитой ўртасидаги сиёсий-дипломатик, савдо алоқаларига оид манжур тилидаги ҳужжатлар хисобланади. Жумладан, XVIII асрнинг ўрталарида манжурлар хукумати томонидан Кўқон савдогарларининг Хитой ва Шарқий Туркистон бозорларида савдо қилишига рухсат берилган. Натижада уларнинг бу бозорларга кириб келиши кучайган. Бу хақда, манжур тилидаги ҳужжатларда, “Кўқон савдогарлари Синьцзяннинг ички бозорларини

¹Zhongguo diyilishidang'an guan中国第一历史档案馆 et al., eds., *Qing daibianjiang Manwendang'anmulu* 清代边疆满文档案目录 (Guilin: Guangxi shifandaxue chubanshe, 1999).

²Zhongguo bianjiangshidianjiuzhongxin中国边疆史地研究中心 and Zhongguo diyilishidang'anguan 中国第一历史档案馆, eds., *Qingdai Xinjiang Manwendang'anhuibian* 清代新疆满文档案汇编 (Guilin: Guangxi shifandaxuechubanshe, 2012).

³Toro Soguchi. 18-19 seikihigashitorikisuton shakashikenkyu (Researches on the social history of Eastern Turkistan in the 18th-19th centuries). Tokyo: Yoshikava Ko'bunkan., 1963.

⁴Di Cosmo, Nicola.“A Set of Manchu Documents Concerning a KhokandMission to Kashgar (1807), / entral Asiatic Journal, 41, 2, pp. 159-99. 1997.

⁵Newby, Laura J. The Empire and the Khanate: A Political History of Qing Relations with Khoqand c. 1760–1860. Leiden, Boston: Brill Academic Pub, 2005.

⁶Onuma Takahiro. Political Relations between the Qing Dynasty and Kazakh Nomads in the Mid-18th Century: Promotion of the even-ablate Relationship in Central Asia: In A collection of Documents from the Kazakh Sultans to the Qing Dynasty (TIAS Central Eurasian Research Series Special Issue I) edited by Noda Jin and Onuma Takahiro, Tokyo: The University of Tokyo, 2010. P. 86-125.

Onuma Takahiro. “The 1795 Khaqond Mission and its NegoTiatian with the Qind: Political and Diplomatic Space of Qing Kashgaria.” Transactions (forthcoming).Istanbul: the Swedish Research institute in Istanbul.

аста-секин қўлга олдилар, мулк ва маблағ тўпладилар, уйғурларнинг уйларини ижарага олдилар. Бу ерда улар ўзларининг уюшмаларини тузса бошлаганлар.” деган маълумотлар кўплаб учрайди. 1760 йилдан 1832 йилгача Синьцзянда Кўқон ҳукмдори ёрлиғига эга бўлган “худойдо” деб аталган оқсоқоллик тизими мавжуд бўлган. “худойдо” атамаси манжур тилида “савдо оқсоқоли” маъносини билдирган. Ушбу тизим манжур тилидаги хужжатларда Кўқон ҳукмдори Эрдона¹ билан манжур императори Цяньлун (1736-1796) ўртасидаги маҳфий шартнома туфайли юзага келганлиги таъкидланади. Шу боис, худойдо – оқсоқоллик тизими гоҳ яширин, гоҳ очиқдан очиқ фаолият олиб борган.

Худойдо Синьцзяндаги қўқонликларнинг аниқ ҳисобини билган ёки билмаганлиги ҳакида маълумот учрамайди. Ўз навбатида, манжурлар ҳукумати ҳам 1759-1828 йиллар оралиғида Синьцзянда савдо фаолиятини олиб борган Кўқон фуқароларини рўйхатга олмаган. Аммо, 1826-1828 йиллар оралиғида манжурлар ҳукуматига қарши қўзғолон кўтарган Ёркенд хонлиги (1483-1758)нинг вориси Жаҳонгирхўжа (1787-1828) билан бтирга бўлган Кўқон фуқароларига қўзғолон бостирилгач, манжурлар ҳукумати қатъий чора кўришга мажбур бўлган. Шунинг учун манжурлар ҳукумати 1828 йилда Синьцзянда истиқомат қилган барча Кўқон хонлиги ва Ўрта Осиёда келган аҳолини рўйхатга олган. Натижада уларнинг умумий сони 5122 оила бўлганлиги ва улардан 3602 оила Тянь Шаньнинг жанубида, яъни, Қашкар, Ёркенд, Хўтон, Учтурфон, Янгиҳисор, Кучор, Оқсув ва бошқа аҳоли манзилларида истиқомат қилган бўлса, 460 оила эса шимолида Урумчи, Гулжа, Чугучакдан иборат Или вилоятида яшаганлиги аниқланган². Уларга кашмирлик, бухороликлар, бадахшонликлар ҳам қўшиб ҳисобланган. Аслида бу вактда Синьцзянда Кўқон хонлиги фуқаролари кўпчиликни ташкил этган. Манжур амалдори На Янчэн раҳбарлигига олиб борилган аҳолини рўйхатга олиш жараёнида уларнинг барчаси киритилмаган. Юқорида келтирилган рақамлар фақатгина 1818 – 1828 йиллар оралиғида Синьцзянга келган Кўқон хонлиги фуқаролари сони деб ҳисобланган. 1818 йилдан аввал келиб қолган қўқонликлардан манжурлар ҳукумати солиқ йиғиб олишни мақсад қилган. Шу мақсадда уларни Синьцзянда истиқомат қилувчи уйғурлар деб рўйхатга олган ва уларга ер, туарар жой солиғи каби давлат солиқлари солган. Шу билан бирга, уларни ўзлаштирилмаган ерларга кўчирган. Жумладан, хонликдан келган 600 дан ортиқ мусулмон савдогарларни Учтурфон атрофидаги бўш ётган ерларни ўзлаштиришга, экин экиб дехқончилик қилишга, ариқларни тозалашга ва бошқа турдаги ҳашарларда ишлашга мажбур қилинган.

Манжурлар ҳукумати 1818–1828 йилларда Синьцзянга келган Кўқон фуқароларининг бор мол-мулкини тортиб олиб, мусодара қилишга буйруқ берган. Жумладан, Жаҳонгирхўжа қўзғолони ташкилотчиларидан бири, “андижонлик” савдогар Миласалайнинг (Мирсолих – Ш. Қ) 3 597 лян³ 7 цян⁴ 3 фэн¹ кумушга

¹Эрдона – Кўқон ҳукмдори бўлиб, унинг ҳукмронлик йиллари ҳакида бир тўхтамга келинмаган. Тарихчи олимлар Т. Бейсимбев ва Х.Бобобековлар Эрдонанинг биринчи даври 1751–1752 йиллар деб белгиласа, Эрдонани иккинчи ҳукмронлик йиллари қилиб, 1753–1763, Т. Бейсембиевда эса, 1753–1762, ХБобобековда 1753–1766 йиллар (БобобековХ. Тарихчилар тадқиқотида Кўқон хонларининг ҳукмдорлик даврларига оид айрим тафовутлар жадвали // «Кўқон асрлар силсиласида» Республика илмий-назарий конференцияси (14 май 2004 йил). – Кўқон, 2004. – Б. 19).

²Saguchi T. Ўша асар. – р. 88;

³Лян – хитойча ўлчов бирлиги. 1 лян – 37,301 г (Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства. –Новосибирск: Наука, 1973. – С. 177).

⁴Цян – хитойча ўлчов бирлиги. 1 цян – 3,7301 га (Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства... – С. 177).

баҳоланган моллари тортиб олинган². Жаҳонгирхўжа қўзғолонида қатнашган барча мусулмонлардан 181 минг кумуш лян моллар тортиб олиниб, давлат ҳазинасига мусодара қилинган.

Кўқон оқсоқолининг Синъцзяндаги фаолияти манжурлар хукумати томонидан таъкиқлангани Кўқон хукмдорларининг қаршилигига олиб келган. Чунки бу оқсоқоллик тизими расмий равишда тан олдириш учун Кўқондан бир неча марта элчилар юборилган. Охир-оқибат 1832 йил 13 январдаги Кўқон ва манжурлар хукумати томонидан имзоланган битимга биноан, Кўқон хонлигининг Синъцзяндаги оқсоқоллик тизими қайта тикланган. Чегаралар яна очилиб, савдо алоқалари давом этган, Кўқон савдогарларидан тортиб олинган мол-мулклар эгаларига қайтарилиган. Шу билан бирга, Синъцзяндаги Кўқон фуқароларини назорат қилиш ва улардан савдо божини йифиб олиш учун яна Кўқон оқсоқоллик тизими қайта тикланган.

Манжур тилидаги хужжатлар орасида Бухоро хонлиги, Туркистон генерал-губернаторлиги (1867-1917) билан боғлиқ тарихий манбалар ҳам мавжуд бўлиб, ҳали тадқиқ қилинмаган.

Хуллас, Марказий Осиё тарихини ўрганишда туркий, араб, форс-тожик, хитой, рус тилларидаги манбалар қаторида манжур тилида ёзилган манбалардаги маълумотларни ҳам тадқиқ қилиш лозим. Улардаги маълумотлар ўзбек давлатчилиги ва дипломатияси тарихида ҳали ечимини топиб улгурмаган муаммо ва муҳим бўлган масалаларни ёритишида зарур хисобланади. Ўзбекистонда уйғуршунослик, хитойшунослик каби манжуршунослик соҳасини ҳам ривожлантириш учун кўпгина ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Мавланов У., Тиловова М. О СИСТЕМЫ УСЛУГ НА КАРАВАННЫХ ПУТЯХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

История формирования и развития системы коммуникаций, региональных и трансрегиональных экономических и культурных связей отражает поэтапный генезис древних культур и цивилизаций Средней Азии. Развитие путей, как исторический процесс, происходило в неразрывной связи с эволюцией социально-экономических отношений, от первобытного обмена сырьем и орудиям труда до первых торговых отношений, положивших начало использованию древних транспортных средств, строительству дорог и придорожных сооружений, что приобрело особо важное значение в жизни общества в эпоху становления государственности и городской цивилизации. Анализ этих процессов имеет актуальное значение для изучения всех периодов истории Средней Азии.

В китайских источниках имеются сведения об обеспечении государством гарантий безопасности послам и членам посольских миссий, различным чиновникам, государственным служащим, гонцам, торговцам, имеющим специальные ярлыки и оказании им соответствующих услуг³. В средневековых источниках имеются сведения о группах сарбазов – охранников, ответственных за безопасность караванов⁴.

¹Фэн – хитойча ўлчов бирлиги. 1 фэн – 0,373 гр (Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства ... – С. 177).

²Доклады на вэнь-и гуна императору // Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV–XIX вв. – Алматы: Гылым, 1994. – С. 166.

³ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алматы: ТОО «Жалын Баспасы», 1998. Ч. II – С. 165.

⁴ Извлечения из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн ибн Хавкаля / Пер. с арабского Е.К. Бетгера // Труды САГУ. Археология Средней Азии. – Ташкент: Изд-во САГУ, 1957. Вып. CXI. –

В источниках сохранились данные об организации безопасности на караванных путях в эпоху Амира Темура и темуридов¹, а также в позднее средневековье². Однако в позднесредневековых ханствах региона не удалось достичь полной безопасности торговых караванов. Как правило, на дорогах не испытывали особых препятствий и угрозы нападения нищие, путешественники-одиночки и дервиши³.

В древности и в средние века совершенствовалось оказание почтовых услуг на торговых трассах Средней Азии. В частности, в раннее средневековье почтовой службой широко пользовались согдийцы⁴ и тюрки⁵. В развитом средневековье почтовая служба была налажена на централизованном уровне⁶. Почтовая служба, имевшая государственное значение, управлялась специальным министерством. В частности, в эпоху саманидов «Диван-и барид» контролировал переписку, т.е. почтовую службу. Он подчинялся непосредственно эмиру⁷.

Ценные сведения о почтовых услугах содержится в трудах Марко Поло и других европейских авторов⁸. На высоком уровне почтовая служба функционировала в эпоху Амира Темура, что подтверждается сведениями источников⁹.

Развитие системы услуг на торговых путях привело к появлению специальных извозчиков, перевозивших грузы. Извозчиками, как правило, являлись представители народов, проживающих на территории, через которую проходили торговые караваны.

С. 22-23; Хорошгин С.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб.: Типография А. Траншеля, 1876. – С. 34.

¹ По свидетельству официальных хроник того периода не только в Мавераннахре, но и в самых отдаленных частях огромной империи (от границ Хотана до Дели и Конбайит, от Вавилона до Египта и Византии) были созданы условия для безопасной торговли. См.: Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов. Ҳофиз Абронинг «Зафарнома»га ёзган илова (Зайл)сини ва изоҳларни форс тилидан О. Бўриев таржима қилган. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 56.

² Архипов. Военная рекогноцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. Генерального Штаба капитаномъ Архиповым // СМА. – СПб.: Военная типография, 1884. Вып. X. – С. 229; Семенов А.А. Очерт у устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени / Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. – Сталинабад, 1954. Вып. II. – С. 99; ЦГА РУз., ф. 1, оп. 34, д. 172, л. 38.

³ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии / Перевод с немецкого с примечаниями В.А. Ромодина. – СПб., 2005. – С. 288.

⁴ Хабибуллаев Н.Н. Среднеазиатская бумага в период феодализма // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 62-63.

⁵ Ат-Табари. «История» ат-Табари (Тарихи Табари) Избранные отрывки / Перевод с арабского В.И. Беляева с дополнениями О.Г. Большакова и А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 232; Из «Китаб ал-Харадж» Кудама ибн Джә’фара / Перевод с арабского С. Волина // Новые материалы по древней и средневековой истории Казахстана. – Алма-Ата, 1960. – С. 77; Бартольд В.В. Очерки истории Семиречья / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1963. Т. 2. Ч. 1. – С. 39.

⁶ Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. (Китаб ал масалик ва-л мамалик) / Пер. с арабского, комм., исслед., указ. и карты Н. Валихановой. – Баку: Элм, 1986. – С. 124; Абулфазл Байҳақий. Таърихи Масъудий // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. – № 2 (14). – Б. 24-25.

⁷ Наршахий. Бухоро тарихи // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 106; Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006. – Б. 75-78.

⁸ Марко Поло. Книга о разнообразии мира, написанная пизанцем Рустикано в 1298 г. от р. Х. – Алма-Ата: Наука, 1990. – С. 170-174; Мэн Дж. Чингисхан / Перевод с англ. В. Артемова. – М.: Эксмо, 2006. – С. 214-215.

⁹ [Шильтбергер И.]. Путешествия Иоганна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.) / Перевел с немецкого и снабдил примечаниями Ф. Брун. – Ташкент: Шарқ, 1997. – С. 64-65.

В средние века занятие извозом являлось единственным источником доходов для определенных слоев оседлого населения и племен кочевых туркмен и казахов¹.

В целом, использование транспортных средств, строительство придорожных сооружений, а также система оказания услуг на караванных путях Средней Азии были развиты в достаточной степени. Ответственность центральных и местных властей за состояние дорог, сооружение и ремонт придорожных сооружений, использование средств государственной казны для выполнении этих задач, а также средств частных лиц – крупных торговцев, ростовщиков, различных чиновников, служили развитию инфраструктуры караванных коммуникаций. Все эта как взаимосвязанная система, формировалась в древности и получила дальнейшее развитие в средневековье.

Мавлонов Ў.-ТИҚХММИ
Кучаров А. – Қарши Давлат университети

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

Ўрта Осиёning қадимги давр ва ўрта асрлардаги маданий алоқалари тарихининг илк, қадимги ва ўрта асрлар даври босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Тадқиқотчилар илк босқич энг қадимги даврдан бошлаб мил. авв. I минг йиллик бошларигача, қадимги давр босқичи аҳамонийлар давридан илк ўрта асрларгача давом этганини, ўрта асрлар босқичи эса илк ва ривожланган ўрта асрлар, Амир Темур ва темурийлар даври ҳамда сўнгти ўрта асрлар даврларига бўлиннишини қайд этадилар².

Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ дунёси ўртасидаги маданий таъсир ва алоқалар тош давридаёт бошланган. Ўрта Осиёning жанубий ва марказий худудларининг Қадимги Шарқ цивилизациялари марказлари билан ўзаро маданий мулоқоти янги тош даврида бошланиб, энеолит ва бронза даврида ўзининг ривожланган палласига кирди. Ўрта Осиёning жанубий вилоятлари узок давом этган бу давр давомида Шарқ цивилизациясининг илк ўчоқларидан келаётган иқтисодий ва технологик таъсир (суформа дехқончилик ва ўтроқ маконларнинг пайдо бўлиши, хунармандчиликда кулолчилик чархининг жорий этилиши, мис ва бронза металургиясининг бошланиши, илк шаҳарсозлик маданияти ва давлат бошқаруви асосларининг шаклланиши) доирасида бўлиб келиши³.

Илк темир ва аҳамонийлар даври Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ ўртасидаги ўзаро маданий таъсирнинг янги босқичини бошлаб берди. Маданий алоқаларнинг бу янги босқичида Ўрта Осиёда дастлабки танга пуллар пайдо бўлди, Хоразм, Бақтрия ва Суғд ёзувига асос бўлган оромий алифбоси кириб келди. Бу даврда монтакамиз шимолида қадимги туркий ёзувлар ҳам пайдо бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон худудидан топилган қадимги туркий битиклар⁴, Олмаотадан 50 км. шарқда, Иссиқ дарёси бўйида

¹ Агзамова Г.А. Среднеазиатские ханства и Россия: к истории караванной торговли (XVI – первая половина XIX вв.) // Россия – Узбекистан. История и современность. Спецвыпуск. – М.: Б.и., 2008. – С. 15, 22-23.

² Мавлонов Ў., Махкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари – Тошкент: Академия, 2004. – Б. 12-13; Махкамова Д. Узбекистан в системы международных культурных связей (особенности и закономерности исторического развития): Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. ист. Наук. – Т., 2005.

³ Мавлонов Ў., Махкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. ... – Б. 13.

⁴ Туркий битиклар монтакамизда асосан Талас водийси, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, юкори Зарафшон (Панҷакент) воҳасидан топилган эди. Сўнгти йилларда Китоб туманидаги машҳур Узункир ва Подаёткепа ёдгорлигидан (мил авв. VI-VII асрлар), Дехқонбод туманидаги

жойлашган қадимги мозор-қўрғондан топилган кумуш идишдаги туркий ёзув далолат беради. Туркийшунос олимлар мил. авв VI-V асрларга оид бўлган Иссиқ ёзуви Урхун-Енисей алифбосининг қадимги Олтой диалектида ёзилганлигини қайд қилиб ўтишган¹.

Шу билан бирга, мил. авв. I минг йиллик бошларида минтақамиизда шаклланган Марғиёна, Суғдиёна, Бақтрия ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар шарқ цивилизациясининг илғор техник ютуқларини қабул қилувчи ва бошқа худудларга тарқатувчи худудлар бўлибгина қолмасдан, балки қадимги Шарқнинг кўшни вилоятлари маданиятидан анча фарқ қиласидан, маҳаллий анъаналарга ва тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган юксак ривожланган Ўрта Осиё маданияти марказларига айланишди.

Шу тарика, ўзаро маданий хамкорлик икки томонлама бўлиб, ҳатто илгари цивилизациянинг иккиласми ўчоқлари ҳисобланган Ўрта Осиё вилоятларидан цивилизациянинг илк учоқларга ғоявий таъсир юз берди. Буни биз асл ватани Хоразм бўлган зардуштийлик динининг Эронда, Афғонистон ва Ҳиндистон шимолида тарқалиши ва катта таъсирга эга бўлиши мисолида ҳам кўрамиз².

Александр Македонский юришларидан кейин Ўрта Осиёда Фарб маданияти таъсири бошланиб, у салавкийлар даврида ўзининг юкори чўққисига чиқди.

Кушонлар даври Ўрта Осиё минтақаси маданий алоқаларида янги йўналишни келтириб чиқарди. Бу алоқалар Ўрта Осиёда буддизмнинг кенг ёйилиши³ бадиий маданиятда янги оқим - юонон-ҳинд ва буддизм санъатлари қўшилиши (синтези) маҳсули бўлган Гандхара мактабини юзага келтирди. Бу Айритом шарафа безакларида, Будда ва Бодхисатва ҳайкалларида, шунингдек Ўзбекистон жанубидаги Фаёзтепа, Коратепа ва Далварзинтепадан топилган тасвирий санъат намуналарида акс этган⁴. Холчаён ёдгорлигидан топилган ҳайкалларда Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эрон ва Шарқий Туркистонда учрайдиган “Дионис мавзуси” кўзга ташланиши⁵ Ўзбекистон жанубининг Марказий Осиё маданий алоқалари тизимида тутган аҳамиятини кўрсатиб турди.

Мил. авв. II аср сўнгги чорагидан, яъни Буюк ипак йўли тармоқларининг шаклланишидан бошлаб, Ўрта Осиё ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар бошланди. Хитойнинг Ўрта Осиё билан алоқаларида дастлабки худуд ҳисобланган Фарғона водийсининг антик даврга мансуб кўплаб маконларидан Хитойдан келтирилган ойна

Чашмимирон қишлоғидан ҳам туркий битиклар топилиши Ўзбекистоннинг жанубий худудлари ҳам умумтурк маданияти марказларидан бўлганини кўрсатмоқда. Бу ҳақда қаранг: Содиков К. Кўк турк битиклари: матн ва унинг тарихий талқини. – Ташкент, 2004. – Б. 10-20.

¹ Акишев К.А. Курган Иссық. –М., 1978., Иссиқ кўргони. ЎзМЭ, 4-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2002. – Б. 262-263.

² Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Тошкент, 1996. – Б. 16-22.

³ Будда таълимоти Бақтрия худудида мил. I асрдан бошлаб етакчи ўрин тута бошлагани маълум. Кейинчалик буддизм Кушонлар таъсирида Шарқий Туркистон ва Хитойга ҳам ёйилди. Ўрта Осиёда буддизм тарқалган худудларни аниқлаштиришда будда ибодотхоналари билан биргалиқда майда ҳайкалчалар (терракоталар) ҳам маълум аҳамиятга эга. Бу масалада яна қаранг: Шагалина Н.Д. Историко-культурная и историко-региональная интерпретация бактрийской терракоты долины Окса III в. до н.э. – III в. н.э.: Автореферат на соискание ученой степени кандидата исторических наук. –Ташкент, 2006.

⁴ Пугаченкова Г.А. Из художественной сокровищницы Среднего Востока. –Ташкент, 1987; Ўша муаллиф. Предметы иноземного импорта на Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути // На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. –Ташкент: Фан, 1990. – С. 35-36.

⁵ Далварзинтепа – кушанский город на юге Узбекистана. –Ташкент, 1978. – С.211.

буюмлар¹, у-шу, кай юаң тун бао типидаги тангалар² ва Хитой ипагидан тайёрланган ипак матолар ҳамда бошқа күплаб маҳсулотлар топилғанлиги маълум. Фарғона водийсидан эса хитойликларнинг ҳарбий-стратегик интилишларида каттта ўрин тутган самовий отлар ва Хитой қишлоқ ҳўжалигига ва ҳунармандчилигига катта иқтисодий ўзгаришларни келтириб чиқарган беда экиш, узумчилик, пахта етишириш, бодринг ва бошқа полиз маҳсулотларини маданийлаштириш³, рангли шишалар тайёрлаш сирасорлари ўзлаштирилди⁴.

Марказий Осиё ҳалқларининг мусиқа ва рақс санъати қадим асосларга эга бўлиб, бу ҳақда мусиқа асбобларининг сопол, суюк ва бошқалардан ишланган нусхалари, айрим баддий безаклар ва деворий тасвирлардаги маълумотлар ва мусиқа илмига бағишлиланган маҳсус рисолалар далолат беради. Қадимги даврда ва ўрта асрларда минтақамизнинг турли ҳудудларида мусиқа ва ашулла ҳамда рақс санъатидаги ўзига хос йўналишлар узил-кесил шаклланди.

Шу тариқа, Марказий Осиё ҳалқлари цивилизация тарихининг илк бочқичларидан бошлаб қўшни ва узоқ ўлкалар, мамлакатлар билан қалин маданий алоқаларга киришганлар ва доимо ўзаро манфаатли, очик маданий мулоқат тарафдори бўлиб келганлар. Бу минтақда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик анъаналарини ривожланишига, ўтган тарихий даврлар давомида эзгулик, бунёдкорлик ва умуминсоний тараққиётга хизмат қилиб кенлган. Бу Ўрта Осиё цивилизациясининг бош ғояси сифатида бугунги кунда ҳам амалда бўлиб келаётганлигини, аждодларимиз асос солган ўлмас ғоялар давом этәётганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Буни Ўзбекистоннинг ташқи маданий алоқалари ва мамлакатимиздаги маданий тараққиёт мисолида ҳам кўрамиз.

Мамарасулов Д.Т.
Самарқанд давлат университети

ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ ДЕМОГРАФИЧЕСКОЙ СТАТИСТИКИ В ТУРКЕСТАНЕ (В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВВ).

Статистические учреждения, созданные в Туркестане, в целом, развивались и действовали в рамках той системы, которая сложилась в России в капиталистическую эпоху. В этот период происходил качественный перелом в развитии статистики - переход от описательного характера экономико-географических и статистических материалов к цифровому освещению основных явлений исторической действительности.

Новые производственные отношения порождали тесные экономические связи различных элементов хозяйственной структуры страны, создавали сложную систему их управления, расширяли практику применения учета, увеличивали его масштабы.

¹ Заднепровский Ю.А. Трансазиатский степной путь – ветвь Шелкового пути по археологическим данным // Древниеnomады Центральной Азии. –СПб., 1997. – С. 79-82.

² Горбунова Н., Ивочкина Н. Монеты у-шу из могильников Ферганы // Сообщение Гос. Эрмитажа. –Л., 1988. – С. 45-50.

³ Ширинов Т.Ш., Зайнобиддинов С.З. Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси // Буюк Ипак йўли ва Фарғона водийси: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Тошкент, 2004. – Б. 7-10; Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведение о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. –Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. –Ч. II. – С. 166.

⁴ Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан / Пер. Е.В. Зеймала и Е.И.Лубо-Лесниченко. –М.: Наука, 1981. – С. 331.

Учетно-статистические материалы возникали в самых различных системах документирования.

Об этом свидетельствует демографическая политика местной администрации. Например, сведения о населении Туркестана в системе Центрального статистического комитета осуществлялись в форме обобщения данных текущей отчетности. Они были необходимы для административно-территориального размежевания завоеванной территории, организации налогового обложения местного населения, а также для выработки и осуществления планов колонизации края. Так, уже с декабря 1867 по март 1869 гг. был произведен подсчет населения, так называемыми, организационными комиссиями в уездах Сырдарьинской области; в 1872 г. в Зеравшанском округе; в 1876 - 1877 гг. в Ферганской области и Амударьинском отделе.

Численность населения и его состав определялись примерно на основе данных о естественном приросте и учета переселений из одной губернии в другую.

Основным источником данных о численности населения и его составе в период с 1858 по 1897 г. стал административно-полицейский учет. До 1897 г. на территории Российской империи было проведено шесть административно-полицейских исчислений - по состоянию на 1 января 1859, 1864, 1868, 1871, 1886 и 1896 г.¹, в ходе которых полиция подсчитывала население страны, опираясь на данные текущих списков населения. Эти списки были крайне разнородными. Так, существовали отдельные списки дворян, духовенства, мещан и крестьян, которые велись в различных инстанциях².

Комплексное исследование социально-экономической, политической и культурной жизни народов Туркестана было немыслимо без восстановления объективной картины демографического и этнического развития среднеазиатского общества, что в свою очередь, предполагало проведение системного анализа данных демографической статистики, определение особенностей и характерных черт её развития в колониальном Туркестане.

На территории Туркестанского края административно-полицейский учет, выполнявший, главным образом, фискальные задачи, имел свои особенности, обусловленные существовавшей в колониальный период налоговой системой, для которой в отличие от европейской России, было характерно не подушное, а подворное налогообложение коренного населения. Вот почему администрация вела не списки населения, а списки владельцев домов и юрт (кибиток). Их первый систематический подсчет был осуществлен организационными комиссиями, в задачу которых входили организация системы местного самоуправления на волостном и аульном уровнях, а также установление налогообложения коренного населения .

Поначалу исчислялось только число домохозяйств оседлого населения и кибиток кочевого, которое затем произвольно умножалось на 5, т. е. на предполагаемый средний размер семьи. В густонаселенных уездах число домохозяйств умножалось на 7, как это было сделано М. А. Терентьевым в его статистических очерках о Кураминском уезде³.

Еще одним видом учета населения в Туркестане были локальные переписи. Чаще всего они проводились в Ташкенте, что объяснялось его статусом административного

¹ Кабузан В. М. О достоверном учете населения России 1858 - 1917 гг./Источниковедение отечественной истории. М.: Академия наук, 1986. - С. 100.

² Народная перепись. - СПб.: Б.и, 1898. - С. 307.

³ Терентьев М. А. Статистические очерки Среднеазиатской России// Записки отделения статистики Императорского Русского географического общества. - СПб., 1874. - С. 22 - 23.

центра Туркестанского генерал-губернаторства. Главной особенностью переписи населения г. Ташкента было ее проведение в старой и новой частях города. Так в 1871 - 1874, 1887, 1890 гг. переписи проводились в старом городе. В 1871, 1875, 1881 и 1893 гг. - в новой части города, где проживало, в основном, русское население. Однодневной была лишь перепись 1893 г.¹.

Первым, более достоверным исчислением населения в Туркестане была Ташкентская перепись 1872 г., при проведении которой царские чиновники обезжали определенные участки города, лично обходили дворы, отмечая в специальных тетрадях количество жителей, их имущество и род занятий.

В то же время для исчисления кочевого и полукочевого населения использовались данные кибиточного сбора и трехгодичных переписей населения по аулам, волостям, уездам и областям. Эти списки составлялись низовой администрацией, которая была заинтересована в преуменьшении количества кибиток, так как раскладка податей шла в пределах общин, по отдельным семьям.

В 1887 г. начальник г. Ташкента предписал всем участковым аксакалам произвести поименную перепись жителей города. Вот как описывает технологию ее проведения современник и очевидец переписи 1887 г. Н. С. Лыкошин: «В каждом квартале (махалля) жители собирались в мечеть и аксакал главу каждого отдельного семейства спрашивал о его имени, жене, детях, родственниках, записывал добытые таким путем сведения в особую тетрадь; из совокупных записей, по окончании работы, составлялись для каждой из четырех частей туземного города (Шейхантаурской, Сибзарской, Кукчинской и Бешагачской) толстые книги, заключавшие именной и посемейный список жителей туземного города».

Эта перепись определила численность населения г. Ташкента в 81.504 человека. В 1890 г. была вновь проведена перепись на аналогичных основаниях, которая определила следующие цифры: 96.541 житель старой части города и 41.26 «новой» («русской») части³.

28 ноября 1892 г. была проведена однодневная перепись в новой части г. Самарканда.

Между тем потребность в более полных и достоверных сведениях о численности населения Туркестана, правительством Российской империи, ощущалась все сильнее, особенно в связи с подготовкой целого комплекса новых законов. Например, встал вопрос о введении всеобщей воинской повинности и правительству понадобились сведения о количестве лиц, которые могут быть призваны в армию, их распределении по территории империи и пр. Началась разработка проекта положения о всеобщей переписи населения. Первый проект принадлежал П. П. Семенову - Тянь-Шанскому, который учел опыт западноевропейской статистики и проведения городских переписей в Санкт-Петербурге. Автор второго проекта А. Б. Бушей предлагал провести перепись как одиннадцатую ревизию. В основу положения о всеобщей переписи, был положен проект П. П. Семенова. Это он, начав в 1866 г. публикацию в «Статистическом временнике Российской империи» данных о численности населения и его движении поставил вопрос о необходимости всеобщей переписи. Все крупные исследования, проводимые Центральным статистическим комитетом, П. П. Семенов-Тянь-Шанский стремился связать с задачами её подготовки. В этой связи особое значение он придавал разработке данных для списков населенных мест.

Программа переписи 1897 г. включала следующие вопросы: 1)имя и фамилия; 2)пол; 3)возраст; 4) отношение к главе семьи и главе хозяйства; 5)семейное положение; 6)сословие, состояние или звание; 7) место рождения; 8) место прописки;

¹ ЦГАРУ 3., ф. И-269, оп. 1, д. 48, л. 5.

9)обыкновенное место жительства; 10) отметка овременном отсутствии или временном пребывании; 11 вероисповедание; 12) родной язык; 13)грамотность и образование; 14) род занятий - ремесло, промысел, служба; при этом отмечались главное и побочное, или вспомогательное, занятия¹. Данные переписи при публикации были разработаны по 25 таблицам . В переписных листах коренного населения Туркестана отсутствовала отметка о воинской повинности. Переписные листы заполнялись или раздавались счетчиками населению предварительно: в уездах не менее как за 20 дней, а в городах не менее как за 10 дней до дня переписи. Для проверки переписных листов в городах давалось 2 дня, в сельской местности - три дня.

Первая всеобщая перепись населения Российской империи была проведена 28 января 1897 г. В переписи учитывались три категории населения: наличное, постоянное и приписаное. Таким образом, отмечались временно отсутствующие, фиксировались как административное, так и фактическое места жительства. Использовались три формы переписных листов: для крестьянских хозяйств, для владельческих хозяйств и для городского населения.

Туркестанская колониальная администрация, нуждавшаяся в точных и разнообразных статистических сведениях о населении, прежде всего для совершенствования системы колониального управления, организации всеохватного налогообложения, неоднократно пыталась повысить качество регистрации населения. Однако, эти попытки, не подкрепленные материально, не приносили успеха, необходимы были кардинальные меры и их финансовое обеспечение государством.

Мажидов Ш.Ф.
Самаркандский Государственный Медицинский институт

ИСТОРИЧЕСКАЯ ОБЩНОСТЬ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОГО РЕГИОНА

Центральной Азии в которой в настоящее время представлено пять самостоятельных суверенных государств исторически практически всегда была единым политico-экономическим и социокультурным пространством. Проживающие в настоящее время здесь народы имеют тысячелетний опыт добрососедских и братских взаимоотношений друг с другом. Громадный исторический опыт взаимоотношений и взаимодействия и является тем фундаментом, на основе которого должны строится отношений государств региона друг с другом. В настоящее время наша страна исходя из принципа, что страны Центральной Азии являются приоритетом её внешней политики выступает за всемерное углубление двухсторонних и многосторонних отношений в регионе, так как «именно на основе принципов добрососедства и взаимовыгодного партнерства наши государства смогут более эффективно реализовать свой потенциал в торгово-экономической, транспортно-коммуникационной, культурно-гуманитарной сферах, в вопросах безопасности и стабильности» [1].

В данном ракурсе в перечне обсуждаемых на повестке дня вопросов одним из приоритетных является изучение общей истории региона в контексте духа взаимопонимания, взаимоуважения, учета вклада всех народов региона в историко-культурное наследие, которое не имеет границ и является общечеловеческим наследием.

Значимость данных исследований в нашем регионе актуальна не только сугубо научными, но и практическими целями, так как «подход к истории и культуре Центральной Азии требует акцентирования внимания на укреплении духа доверия

между центральноазиатскими общностями в целях сохранения единой региональной целостности» [2, 19].

В условиях потенциального сближения позиций, укрепления духа доверия между государствами региона особое значение приобретает также сближений позиций по интерпретации вопросов истории региона. Не секрет, что отдельные авторы историю региона, отдельной страны или народа описывают однобоко, порой по принципу «мы-они», что является может являться потенциальным источником недоверия между братскими народами. В данном ключе не теряют свою актуальность тезис о том, что «следует решительно пресекать любые попытки противопоставить один народ Центральной Азии другому, распространения мифов о якобы имеющемся национальном превосходстве» [3, 75].

После событий 1991 года и поисков путей суверенного развития государствами центральноазиатского региона, особый акцент в научном и политическом плане стал придаваться исторической науке. Если в научном плане историческое самопознание объясняется вполне объективными исследовательскими целями, то в политическом смысле история конкретного этноса, точнее, его «древность и первородность» стали одним из инструментов манипуляции массовым сознанием. Исторические исследования национальной истории в некоторых странах региона велись с чисто практической целью показать «национальную/этническую исключительность» того или иного народа, именно его «великий вклад» в развитие мировой цивилизации. Основной причиной этого было то, что «этнический принцип, заложенный в основу строительства советской государственности выработал устойчивые примордиалистские стереотипы, согласно которым внутри каждой из республик дихотомия «мы - не мы» трансформировалась в деление на титульные и нетитульные нации» [4, 287].

Как справедливо отмечают ряд исследователей, - «псевдонаучные экскурсы в прошлое народов Центральной Азии – это один из барьеров на пути к укреплению добрососедства и сотрудничества, причём не только в гуманитарном плане. Уже давно назрела необходимость интеграции и консолидации усилий учёных историков Центральной Азии в утверждении подлинно научных методов и принципов в изучении нашего общего историко-культурного наследия» [5, 4] и что, - «исследование исторических вопросов (в частности этнической истории) без соответствующих теоретических выводов и соответствующих аргументов может привести к негативным последствиям и потенциально породить трения в межнациональной сфере» [6, 72].

Изучение истории региона показывает, что «Центральная Азия на всем протяжении истории была целостным историко-территориальным регионом, объединяющим народы общими природно-географическими условиями, идентичностью духовно-религиозных, культурных языковых и бытовых традиций» [7, 226]. История региона свидетельствует о богатом историко-культурном наследии прошлого, являющегося неотъемлемой частью общечеловеческой культуры и любые неправильные интерпретации истории народов региона могут стать негативной основой для взаимоотношений современных и будущих поколений. Политическое развитие государств региона после 1991 года показало, что «именно этнокультурная доминанта, характеризующаяся особой, в отличие от других обществ, толерантностью, и сыграла свою роль в сохранении мира и стабильности в Центральной Азии, которую должна была якобы ждать, по мнению иностранных политиков и экспертов, участь Балканских государств» [8, 23].

Центральноазиатский регион, испокон являясь перекрестком самых разных культур, этносов, религий представляет уникальный пример мирного сосуществования. И в настоящее время назрела необходимость консолидации

исследователей и ученых всех государств региона для составления общих научных трудов и учебной литературы по истории Центральной Азии и для их совместного позиционирования (с соответствующими согласованными выводами по наиболее спорным историческим моментам) в мировой науке.

Общеисторическое наследие народов нашего региона остаётся одним из потенциальных ресурсов и фундаментальной основой для расширения регионального сотрудничества с целью устойчивого развития всех государств Центральной Азии.

Литература:

1. Мирзиёев Ш.М. Выступление на международной конференции «Центральная Азия: одно прошлое и общее будущее, сотрудничество ради устойчивого развития и взаимного процветания» в Самарканде 10.11.2017 г. // режим доступа: <http://press-service.uz/ru/lists/view/1227>
2. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. Т.: Шарк. 2005 г.
3. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Т.: Узбекистон. 1997 г.
4. Мажитов С. Центральноазиатская идентичность: взгляд из Казахстана.// «История и самосознание IV: региональная интеграция и история» Т.: Фонд Фр. Эберта. 2008 г.
5. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далёком прошлом народов Центральной Азии. 2-изд. Т.: 2007 г.
6. Аширов А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига доир нашрлар ҳақида баъзи мулоҳазалар. // “O’zbekiston tarixi”, 2013, №2.
7. Алимова Д.А. О задачах освещения совместной истории в центральноазиатских исследованиях. // «История и самосознание III: изложение истории в Узбекистане и Германии» Т.: Фонд Фр. Эберта. 2008 г.
8. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. Т.: Шарк. 2005 г.

Мирзаев А.Т.
Андижон Давлат университети

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ПАХТАЧИЛИК ТАРИХИНИ АРХИВ ХУЖЖАТЛАРИДА АҚС ЭТИШИ (КОЛОНИАЛ ДАВР МИСОЛИДА)

Ватанимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг илгариги собиқ тузум даврида бузиб кўрсатилган ўтмиш тарихини тиклаш, унинг тақиқланган масалаларини холислик билан, илмий асосда ёритиш имкониятига эга бўлдик.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган, XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империяси таркибида бўлган Туркистон генерал – губернаторлиги ҳудудида фаолият кўрсатган банкларга тегишли фонdlардаги хужжатларда, Туркистон ўлкаси, хусусан, Фарғона вилоятида бу даврда пахтачиликнинг ривожланиши тарихини ёритувчи маълумотлар учрайди. Банклар бошқарувининг фаолияти бўйича юритган циркулярлари, хатлари ва ёзишмалари, ҳисоб – китоб комитетлари йиғилишларининг баённомалари, йиллик ҳисоботлари, баланслари ва улар бўйича тузилган маълумотлар, асосий ва касса китоблари ҳамда бошқа молиявий материаллар, ссуда(қарз) бериш бўйича юридик шахсларнинг расмий илтимослари ва жисмоний шахсларнинг илтимосномалари каби турли номдаги иш юритиш хужжатлари, колониал даврда Туркистон ўлкасида, хусусан Фарғона вилоятида пахтачиликнинг ривожланишига доир муҳим ёзма манбалар ҳисобланади[3. 112].

Маълумки, XIX асрнинг охирига келиб «Америка» навли пахта экиладиган майдонлар кенгайиб кетди. Бу пахта асосан Туркистон генерал – губернаторлигига қарашли областларда етиштирилди. Бу даврда Фарғона водийси пахта тайёрлашда салмоқли ўринни эгаллади[4.26].

Одатда банклар фирмаларга 8 – 9 фоиз фойдаси билан пул берган бўлса, фирмалар бу пулни 12 – 16 фоиз ҳисобида чистачига ўтказган. Чистачилар эса пулларнинг маълум қисмини 25 – 40 фоиз фойдаси билан аравакашларга берган. Фарғона вилоятида «Русско – азиатский», «Сибирский торговый», «Волжско – Камский коммерческий», «Московский коммерческий», «Русского для внешней торговли», «Московский купеческий», «Азовско – Донской коммерческий» сингари саккизта банк пахта хариди билан шуғулланган[6. 130-131].

Мазкур мақолада, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ва «Русского для внешней торговли» банкини Кўқон бўлимининг 118 – фондида сақланаётган, 1907 – 1917 йилларга доир материаллардагифақат рус тилида юритилган ҳужжатларда мавжуд бўлган, пахтачилик масалаларига оид маълумотларни аниқлаб, манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этамиз.

«Русского для внешней торговли» банкни Кўқон бўлимининг бошқарувчиси Л. Н. Бауэр 1914 йил 27 декабрда бўлиб ўтган муассасаларро кенгашда қилган маърузасида Туркистон ўлкаси пахтачилигида унумдорликни оширишга бағишлиланган қатор масалаларни ёритган.

Кредитни зарурлиги масаласида, пахта экинини парвариш қилиш катта харажатларни талаб қилгани туфайли пахта етиштирувчиларни ўртамиёна ва маъқул келадиган ўзаро келишувлар асосида кредит билан таъминлаш, ўлкада пахтачиликни ривожлантириш ишини ҳал этишда муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланади. Бу пайтга қадар татбиқ қилинган кредит бериш тартибига кўра, дехқонлар, пахтани сотиб оловчи фирмалардан тўғридан – тўғри ёки воситачилар орқалибай пули(закалат)ни олишган, бу билан эса олдиндан мўлжалланган миқдордаги пахта ҳомашёси ҳосилини дехқонлар келгусида топширишлари шарт бўлган. Чистачилар банклар ҳамда йирик пахта ва мануфактура фирмаларидан пул қарз олиб, дехқонларга келгуси пахта ҳомашёси учун чекланмаган миқдорда олдиндан бай пули беришган.

Ссуда(қарз) берадиган кассалар масаласида айтиш мумкинки, 1912 йилдан бошлаб Давлат банки унчалик кўп бўлмаган миқдордаги пул маблағини қисқа муддатга, яъни ҳар сафар мавсумий тарзда қишлоқ жамоаларига тақдим этиб, дехқончилик билан шуғулланадиган аҳолига ёрдам кўрсата бошлади.

Хусусий коммерция банклари фаолияти тўғрисида ҳам сўз юритилиб, коммерция банклари томонидан пахта етиштирадиган дехқонларга бевосита кўмаклашиб, қўллаб – қувватланишига умид қилиш керак эмаслиги, у ёки бу банк томонидан дехқонларга майда кредитлар ажратиш учун хукумат томонидан уларга алоҳида ваколат берилиши заруреканлиги таъкидланган.

Пахта чигитининг сифати масаласида эса, 1907 – 1908 йиллардан бошлаб пахта ҳомашёсидан олинадиган толанинг миқдори аста – секин камайгани, ҳар бир пуд(16,3 кг га teng оғирлик ўлчови) биринчи навли тола эндиликда Фарғонанинг турли районлари бўйича 134 – 142 фунт пахта ҳом ашёсидан олиниши белгилангани, ваҳоланки илгари бир пуд толани олиш учун ортиғи билан 122 – 132 фунт чигитли пахта талаб қилингани таъкидланади.

Толанинг сифатини ёмонлашганидан ташқари, чигит ва толаларда табиий намликтининг миқдори борган сари ошиб бораётгани, ушбу камчилик эса Москвада иккинчи нав толаларни сотишга ҳалал бераётгани, дехқон яна иккинчи навларни

нархида ҳам намлиқ туфайли ҳар пуд пахта хом ашёсидан камида 25– 40 коп. йўқотиши таъкидланади.

Шунинг учун, маҳаллий нав пахта чигитларини америка навлари билан алмаштириб, янгилаш, зудлик билан амалга ошириладиганиш экани, аммо, Америкадан келтириладиган чигитлар қимматга тушиши ва бутун ўлкани таъминлаш учун бу чигитлардан жуда кўп талаб қилиниши туфайли, америка навли чигитларни маълум миқдорда пахтачилик учун анча қулай бўлган районларга тақсимлаб, тарқатиш ва бу ердан олинган, кўпайтирилган биринчи нав чигитларни, бошланғич сарфларни қоплаш учун, бошқа районлардаги дехқонларга бирмунча баланд нархда сотиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Илгариги ирригация тизимини тартибга солиш хусусида эса, ирригация тизимини тартибга солиш тўғрисидаги масала ҳам ўта муҳим ҳисобланиши, унинг техникаси оддийлиги ва кўп сонли камчилик ҳамда нуқсонлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилади. Айрим ҳолатларда, пахта экинини суғориш даврини энг қизгин пайтида, баъзи районлар сув танқислигидан заарланиши, бошқалари эса сувдан мўл – кўл тарзда фойдаланиши, Андижон уездидаги 1913 йилги сув тошқини, асосий ариқлардаги иншоотларни заиф қурилганлиги деб баҳолангани, бинобарин янги техникадан фойдаланилганда эса, асосий ариқларга етказиб бериладиган сувнинг миқдорини ва майда ариқларни тармоқларини сониникўпайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, илгариги ирригация тизимини тартибга солиш сўзиз равища, пахтачилик хўжаликларини мустаҳкамлаши ва умумий ҳосил миқдорини 20 дан 30% га кўпайтириши таъкидланади [8.6 – 10].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон генерал – губернаторлигига фаолият юритган нодавлат ташкилотларга, хусусан банк муассасаларига тегишли архивҳужжатлари ҳам ўлкада пахтачиликни ривожланиши тарихини ўрганишда муҳим ёзма манба ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т. : “Шарқ”, 1998.
2. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув қўлланма. - Тошкент, “Тафаккур бўстони”, 2015.
3. Путеводитель. Центральный государственный исторический архив УзССР(ЦГА РУз.). Составители: З.И.Агафонова, Н.А.Халфин. – Т., 1948.
4. Ҳ. Зияев. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. – Т.: “Фан”нашриёти, 1980.
5. Зиёев, Ҳамид. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: «Шарқ», 2006.
6. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Т.: «Шарқ», 2001.
7. ЎзР МДА, 118– фонд, 1 – рўйхат, 7 – йиғма жилд.
8. ЎзР МДА, 118 – фонд, 1 – рўйхат, 7 – йиғма жилд.

Мирзаев Б.Н.
ЎзР ФА Тарих институти

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА УБАЙДУЛЛА СУЛТОН (1533-1539) СИЙМОСИНИНГ АКС ЭТИШИ

Мустақиллик йилларида жамиятимизнинг барча соҳалари каби маънавий соҳа, жумладан, қадим тарихимиз ва бой қадриятларимизга муносабат ўзгарди. Тарихимизга холис ёндашув туфайли миллий маънавиятимизнинг кўплаб дарғалари ва буюк

хукмдорларнинг номи тикланди. Мустақиллик йилларида шундай номи тикланиб бораётган ҳукмдорлардан бири Убайдулла Султон хисобланади.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг иниси бўлган Бухоро ҳокими Маҳмуд султоннинг ўғли Убайдулла Султон 1486 (хижрий 892) йили Хоразмни эгаллаш учун олиб борилган ҳарбий юришлар вақтида Вазир[1] шахри яқинидаги Ямани Тирсак мавзесида туғилган. Азиз-авлиёлар, хусусан, нақшбандия шайхларига муҳаббат ва эътиқоди баланд бўлган Маҳмуд султон Туркистон мулкининг ўша даврдаги шайх-ул-машойихи, машҳур диний ва сиёсий арбоб Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валийдан ўз ўғлига ном қўйишни илтимос қиласди. Хожа Ахрор эса чақалоқка ўз исмини беради. «Ўз номларини беришлари ул зотнинг зўр марҳаматларидан бўлдики, шунинг учун ҳам унинг бебаҳо асарлари ва яхши номларининг оқибати оламда бокийдир»[2] — деб ёзади бу ҳақда машҳур тарихчи Ҳофиз Таниш ал-Бухорий.

Ёшлигидан алоҳида фазилатлари ва фавқулодда қобилиятлари билан ажралиб турган Убайдуллахон, Амир Абдулла Саброний, Хожа Муҳаммад Садр, Хожа Мулло Исфаҳоний, Мавлоно Маҳмуд Азизон, Мавлоно Ёрмуҳаммад Қори каби ўз даврининг етук алломалари қўлида таҳсил олган. Чунончи, замона муҳаддислари сарвари Хожа Мавлоно Исфаҳонийдан ҳадис илмини, фақиҳлар пешвоси Мавлоно Маҳмуд Азизондан фикҳни, машҳур ҳофизи Қуръон Ёрмуҳаммад Қоридан қироатни ўрганади[3]. У тасаввуп бобидаги сабоқни дастлаб отасининг пири Мавлоно Муҳаммад Қозидан олган. Кейин унинг халфаси - «хожагон-нақшбандия тариқатининг баландпарвоз шаҳбози» Маҳдуми Аъзамга шогирд тушган. Мир Араб номи билан шуҳрат топган Амир Абдулла Сабронийга Убайдуллахоннинг эътиқоди баланд бўлган. Давлат арбоби билан диний арбобнинг қадрдон устоз-шогирдлиги шунда эди, Убайдуллахон ҳам ўз замонасининг ўқимишли кишиси, таниқли шоири бўлган. У «Убайдий», «Қул Убайдий» (Қул Хожа Аҳмадга, яъни Аҳмад Яссавийга тахассуб!) тахаллуслари билан ўзбек (турк) тилида ғазал, рубоий, маснавий ҳамда бошқа адабий жанрларда асарлар ёзган, форс, араб тилларида ҳам ижод этган, «Ғайратнома», «Шавқнома», «Китоб ус-салот» («Намоз китоби») каби маснавий йўлида насиҳатнома рисолалар яратган. Унинг бизгача етиб келган куллиёти (араб тилида бутун ҳолда маъносини англаради).

№8931-рақами остида Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда.

1512 йили Убайдулла султон хон ноиби бўлиб турган бир пайтда унинг ўзи ва пири Мир Арабга оғир бир синовдан ўтишга тўғри келган. Сафавийларнинг кизилбошлилардан иборат катта қўшини Мовароуннаҳрга бостириб кириб, то Ғиждувонгача етади. Эл-юрт таҳлика остида қолади. Убайдулла султон ўз қўшини билан душманга қарши чиқади. Биринчи тўқнашув жанг тақдирини ҳал эта олмайди, сабаби душман қўшини (яъни, олтмиш минг) сон жиҳатидан устун эди. Убайдулла султонга Туркистоннинг бошқа вилоятларидан, жумладан, Самарқанддан ёрдамга юборилган кучлар ҳали етиб келмаган эди. Убайдулла султоннинг қўшини кам сонли (яъни, уч минг) бўлгани учун эртаси куни бўлажак жангда ғолиб келиши амри маҳол эди. Лашкар орасида тушкунлик, парокандалик юз бера бошлайди. Ана шундай қалтис бир вазиятда, кеч оқшом вақтида Мир Араб ҳазратлари қўшин қошида шундай бир нутқ ирод этадиларки, бундан Убайдулла султон лашкарининг руҳи кутарилади, жанговарлиги кучаяди ва ўша хуфтондаёқ тунги хужумга ўтиб, душман устидан тўла ғалаба қиласди. Туркистоннинг озодлиги, дину-диёнат мазҳаби сақлаб қолинди. Убайдулла султон бу ғалабани унинг маънавий илҳомчиси Мир Арабга бағишилайди, кейинчалик шу ғалаба шарафига Мирараб мадрасасини қуришга фармон беради. Бу хозиргача Мирараб мадрасаси Бухорога кўрк бағишилаб, маърифат ўчоқларидан бири бўлиб келмоқда[4].

Шу ўринда Мирзо Мұхаммад Ҳайдар Аёзий ёзишича, ушбу жаңғда Убайдуллахон уч минг киши билан эди, Подшоҳ (Бобур)нинг лашкари эса 40 мингларча эди. Убайдуллахон айтдикі, “Ҳақ субхонаху ва таоло аҳли илмга ва соҳиби дилга ўз құдратини күрсатиб, озгина лашкар тұла лашкарлар билан жанг қылса, Ҳақ таоло қайсисига хохласа шунга ғалаба берур” ояты каримага асосан, Убайдуллахон тұлғама усулни қўллаб, аввал уч минг киши билан қочди. Ва улар ҳам орқасидан қувиб келганды халқ қипчоқнинг қирқ минг киши салоҳдор отлиғига шикаст берди. Бу воқеа тарихга тұққиз юз ўн саккизи, мохи сафар ойида (1512 йил 4-5 ой) воқеъ бўлди [5].

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Убайдуллахоннинг нафақат мохир саркарда ва етук давлат арбоби, балки баркамол инсон сифатида шаклланиши ва камол топишида амакиси Мұхаммад Шайбонийхоннинг таъсири ва хизматлари катта бўлган. Чунончи, Убайдуллахон 15 ёшидан бошлаб ўз даврининг яхши таълим-тарбия олган, диний ва дунёвий илмлардан хабардор етук ва фозил кишиси, истеъдодли шоир, мусаввир, мусиқачи ва ҳофизи Куръон бўлган Шайбонийхоннинг қанотига кириб, то 1510 йили Марв ёнида Шоҳ Исмомл Сафавийдан енгилиб, шаҳид бўлгунига қадар унинг барча юришларида қатнашган. Шайбоний сultonлар ичида Убайдуллахон энг жасоратлиси ва шиҷоатлиси эди. Шунинг учун ҳам Мұхаммад Шайбонийхон уни энг ишонган кишилари қаторида ёнида олиб юрган. Айтиш мумкинки, Шайбонийлар давлатининг қарор топиши ва мустаҳкамланишида Убайдуллахоннинг хизматлари катта бўлиб, тарихчилар ҳам Шайбонийхоннинг деярли барча ҳарбий муваффақиятларини Убайдуллахон номи билан ҳам боғлайдилар. Шайбонийхонга фатху зафар эшиги ҳамиша Убайдуллахоннинг музaffer қиличи кучи билан очилган. Хусусан, Хоразм (1505), Балх (1506), Хирот, Машҳад (1507)ни қўлга киритишда у алоҳида рол ўйнаган.[6]

Убайдуллахон ҳоким, ноиб ва хон сифатида жами 36 йил ҳукмронлик қилади. «Унинг пойтахти бўлган Бухоро олиму фузалоларнинг тўпланадиган жойи бўлиб, Убайдуллахон замонида шундай даражага етдикі, Мирзо Ҳусайн Бойқаро давридаги Ҳиротни ёдга соларди»[8] - деган эди Мирзо Ҳайдар. Шунингдек, Убайдуллахоннинг мамлакатдор ва юртпарварлигини Ҳофиз Таниш Бухорий ҳам таърифлаб ўтади, яъни: У «адолат шевасида динпарвар ва сиёsat йўлида ғоятда машҳур бир подшоҳ эди», - деб ва яна ёзишича, «Унинг даври ва халовати замонида Мовароуннаҳр, хусусан, Бухоро вилояти гуллаб-яшнади»[9], -деган маълумотларни бериб ўтган.

Хуллас, Убайдуллахон серқирра истеъдод соҳиби бўлиб, у сиёsat майдонида, ҳарб жабхасида, маънавият соҳаларида ўзини күрсатиб, уларнинг ҳар бирида катта натижаларга эриша олган. Бу Шайбоний ҳукмдор юритган сиёsat, у амалга оширган ишлар Ўзбек давлатчилик тарихини янги сахифа билан тўлдириди.

Адабиётлар:

1. Бу шахар қалани XV аср ўрталарида кўчманчи ўзбек хонларидан Мустафохон қурдирган. Кўхна Урганчдан 60 км масофада бўлган (қаранг: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2 - жилд. - Тошкент, 2001. 363 бет)
2. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома («Шарафномайи шоҳий»). Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1999. 59-бет.
3. Ҳасанхожа Нисорий. Музаккари аҳбоб (Форс тилидан И smoил Бекжон таржимаси.) - Тошкент, 1993 23-24 бетлар.
4. Иброхимов Абдуқаҳхор. Бизким, ўзбеклар. Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. Тошкент.: "Шарқ", 2011. 43-44 бетлар.
5. Аёзий, Мирзо Мұхаммад Ҳайдар. Тарихий Рашидий. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011. 349-бет.

6. Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. (перевод с персидского А. Урунбаева и др.) – Ташкент, 1996. С.357.
7. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент, 2001. 239-240-бетлар.
8. Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. (перевод с персидского А. Урунбаева и др.) – Ташкент, 1996. С.357.
9. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома («Шарафномайи шоҳий»). Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1999. 59-бет.

**Мирзаев Ф.Р.
Тошкент давлат педагогика университети**

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН МИНТАҚАВИЙ ДИПЛОМАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан умумий чегарадош эканлиги шубҳасиз, минтақани барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айлантириш борасидаги амалий ҳаракатларини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири саналади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши хисобланади. Биз ўзимизнинг яқин қўшниларимиз Туркманистон, Козогистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан очик, дўстона ва прагматик сиёsat олиб боришга содик қоламиз»¹. Боиси, Ўзбекистоннинг «ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақа билан чамбарчас боғлиқдир»².

Таъкидлаш жоизки, минтақанинг геосиёсий майдонда муҳим ўрин тутиши ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаминтақавий дипломатияни ривожлантириш омилларини тавсифловчи бир қатор жиҳатлар мавжуд бўлиб улар қўйидагилардан иборат: биринчидан, қўшни минтақа ва давлатлардаги тинчлик ва осойишталик кўп жиҳатдан ушбу худуднинг иқтисодий тараққиёти ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигига боғлиқлиги; иккинчидан, минтақада наркотрафикка қарши кураш, ядро хавфсизлигини таъминлаш масаласида ўз вақтида биргаликда ҳаракат қилиш зарурати англаб етилганлиги; учинчидан, энергетика заҳиралари нуқтаи назаридан катта имкониятларга эгалиги; тўртинчидан, минтақадаги қатор давлатларнинг иқтисодиёти жадал ривожланиб, улар ўртасидаги интеграцион жараёнларнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги каби омилларни келтириб ўтиш мумкин. Ушбу омиллар келгусида бу худудда глобаллашув таҳдидларига дош бера оладиган ҳамда иқтисодий жиҳатдан ўта ривожланган марказ вужудга келишига хизмат қиласи.

Шу билан бирга Марказий Осиё давлатларини бирлаштирадиган умумий хусусиятлар ҳам мавжуд. Булар сирасига:

- яхлит маънавий-маданий тарихий мерос, эътиқод, тил ва менталитетнинг муштараклиги;
- сув артериялари, коммуникация ва энергетика заҳираларининг умумийлиги;

¹Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 17.

²Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси. 2012 йил 10 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. № 9/1. 2012. – Б. 12.

— иқтисодий-ижтимоий тараққиёт даражаси ва аҳоли турмуш шароитларининг нисбатан бир-бирига яқинлиги;

— минтақавий муаммолар – Оролдаги экологик инқироз, сув ва ёқилғи-энергетика заҳираларидан оқилона фойдаланиш, коммуникация тизимларига интеграциялашуви масалалари каби жиҳатларни келтириб ўтиш мумкин.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатларининг 1990 йил июндаги Алмати Учрашувидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг муҳимлиги кўрсатиб ўтилди ҳамда ушбу давлатларнинг ҳар йили учрашиши тўғрисида келишиб олинди¹.

Навбатдаги учрашув 1991 йил 13-15 августда Тошкентда бўлди. Бунда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалараро Маслаҳат Кенгашини тузиш тўғрисида битим имзоланди. Унинг вазифаси сифатида бешта мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун шароит яратиш, минтақа манфаатларидан келиб чиқиб сиёсат юритиш масалалари белгилаб олинди². Ушбу масалага доир Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари навбатдаги йигилиши эса, 1991 йил декабрь ойида Ашхободда бўлиб ўтиши, йигилиш кузатувчилари ва тадқиқотчилари томонидан «минтақавий умумийликнинг тузилиши ва англаниши», – деб баҳоланди³.

1993 йилнинг 3 - 4 январь кунлари Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Олий даражадаги ушбу учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Беш давлат – Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарлари Ҳамдўстлик ҳақидаги битимни имзолашди⁴.

Шу тариқа жаҳоннинг замонавий сиёсий луғатида «Марказий Осиё» деган янги атама пайдо бўлди. Йигилишда Марказий Осиё Ҳамдўстлигининг мақсад ва моҳиятини аниқ-равшан кўрсатиб берилиб, мустақил давлатлар суверенитети даҳлсизлигини алоҳида таъкидлаб ўтилди. Орадан кўп ўтмай, 1995 йилнинг январь ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида иқтисодий ҳамкорликка доир хужжатнинг имзоланиши билан ана шу Ҳамдўстликка амалий пойdevor қўйилди. Тез орада бу битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Натижада уч мамлакат ўртасида ягона бозорни вужудга келтириш, маҳсулот айрибошлаш имконияти яратилди⁵.

Бинобарин, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан минтақавий дипломатияни ривожлантиришига туртки бўлган зарурий шароит бу уларнинг географик жойлашуви, келиб чиқишиниг умумийлиги, маданияти ва тарихи муштараклигибўлиб, минтақавий интеграцион жараёнларда ўтган чорак асрдан ортиқ вақт мобайнида муҳим тажриба тўпланди. Сиёсатчи, Ф.Х.Усарованинг фикрича, Бу жараён бир қатор босқичлардан иборат:

Биринчи босқич ўз ичига 1990 йил июл ойидан 1993 йилгача бўлган даврни қамраб олди. Ушбу давр оралиғида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари интеграцион моделни ишлаб чиқишига интилдилар.

Иккинчи босқич 1993 йил июлдан 1995 йил декабргача бўлган даврда Марказий Осиё республикаларининг иқтисоди анча мустаҳкамланди. 1994 йил 10 январда Қозоғистон Ўзбекистон ўртасида умумий иқтисодий худуд тўғрисидаги битим имзоланиши ва тез орада унга Қирғизистоннинг қўшилиши масаласи ҳамда Марказий

¹Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарлари Баёноти. // Совет Ўзбекистони. – 1990. – 24 июнь.

² Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистон тарихи (Миллий истиқлол даври). «Шарқ». 2000. – Б. 348.

³Усарова Ф.Х. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг миллий-ғоявий негизлари. Сиёс. фан. ном.даражা. ёз.Дисс. Т.: 2009. –Б. 70.

⁴ Халқ сўзи. – 1993. – 4 январь.

⁵J o'rayev N.Mustaqil O'zbekiston tarixi. –T.: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2013. – В. 641.

Осиёда минтақавий хавфсизлик борасида Тошкентда 1995 йил 15-16 сентябрдаги халқаро семинарнинг ўтказилганлиги бўлди.

Интеграциянинг учинчи босқичи 1995 – 1998 йиллар оралиғидаги давр. Унда иқтисодий ҳамкорликни ва инвестициявий сиёсатни 2000 йилгача бўлган даврга қаратиш, Марказий Осиё тикланиш ва тараққиёт банкини тузиш каби масалалар ўз аксини топган. 1997 йил май ойида эса бешта президент томонидан Марказий Осиё-ядровий қуролдан холи худуд деб эълон қилинди.

1998 йил 5-6 январь кунлари Ашхободдаги Марказий Осиёнинг беш мустақил мустақил давлати – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Президентларининг учрашувида қабул қилинган Қўшма Баёнотда томонлар узоқ муддатли шерикликка асосланган ва беш давлат миллий манфаатларига жавоб берадиган дўстона, teng ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш ҳамда минтақада хавфсизликни ва барқарорликни чуқурлаштиришга оғишмай амал қиласаларини келишиб олинди.

Тўртинчи босқич маълум даражада зиддиятли кечди. Ушбу зиддиятли ҳолатлар 1999, 2000, 2001 йиллар оқибатида вужудга келди¹. Бу йилларда мазкур минтақа ва умуман глобал тузум халқаро терроризм обьектига айланиб қолди. 2001 йил декабрь ойида Марказий Осиё бирлашмаси янги ном, Марказий Осиё ҳамдўстлиги ташкилоти номини олди². Лекин, Туркманистон давлати минтақавий дипломатияни ривожлантиришда фаол иштирок этмади. Ушбу ҳолат минтақа давлатлари интеграция жараёни сустлашишига олиб келди. Бу жараёнга халқаро эксперталар томонидан турлича баҳо берила бошланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг минтақавий дипломатияни ривожлантириш тенденцияси бу гунги кунда ҳам изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничilikни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз»³.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг «очик, дўстона ва прагматик» позицияси қўшни давлатлар билан муносабатларни янги босқичга олиб чиқаётганлиги, давлатимиз раҳбарининг илк расмий ташрифларини Туркманистон ва Қозоғистонга, сўнгра Қирғизистонга амалга оширганлиги ҳамда Тожикистон билан алоқаларни яхшиланиши билан изоҳлаш мумкин.

**Мирзо Меъроғиддин
Тайлоқ иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежи**

НАВҲАС ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Мазкур зиёратгоҳ Самарқанд вилоят Тайлоқ туманида жойлашган қишлоқ номини таҳлил қилиб, Навхоз деб қарасак: “Навхез” – яъни ерга тоза гиёҳ экмоқ маъносида келади; “Навҳас” – десак, фифон, нола қилмок, азобдан мусибат етиб баланд овоз чиқармоқ, маъноларини англалади.

¹ Толипов Ф.Ф. Большая стратегия Узбекистана в контексте геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Т.: «Фан». 2005. – С. 90.

² Усарова Ф.Х. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг милий-гоявий негизлари. Сиёс. фан. ном.дараж. ёз.Дисс. Т.: 2009. – Б. 68-69.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сентябрь.

В.Вяткин бу жой номини “Навқаз” шаклида келтириб, қадимда мазкур худуд номи Муни эканлигини таъкидлаб ўтган¹.

Биз танишиб чиққан тарихий манбаларда бу худуд номи “Навҳас”² шаклида ёзилган.

Бухоро тумани, Хонқа туманларида “Навҳас” атамаси билан юритиладиган жой номлари учрайди.

Шунингдек, Ўрта Осиё олимлари қомуси асарида Нофахас – Самарқанд қишлоқларидан бири³ эканлиги айтилади. Яна мазкур асарда Бухоро қишлоқларидан саналган Навхасда яшаб ўтган уламолардан Абу Аҳмад ибн Абдулоҳоҳид ибн Руфайд ибн Ваҳб ан-Навхасий ал-Бухорий (вафоти хижрий 211⁴/826), Абдулоҳоҳид ан-Навхасийлар тўғрисида маълумотлар келтирилган⁵.

Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нофахасий асли Нишопурлик бўлиб, Самарқанднинг Нофахас қишлоғида яшаган, Нофахас Самарқанддан икки фарсах (14 км) узоқликдаги қишлоқ⁶.

Мазкур маълумотларга асосан мазкур жой номи йиллар мобайнида: Нофахас, Наваҳас, Навҳас, Навқаз, Навхоз деб аталиб келинган. Биз ёзувларимизда Навҳас атамасини олдик.

Навҳас ота зиёратгоҳи билан 2017 йилнинг 9 ноябр Пайшанба қуни мулло Умидхон, шогирдимиз Акбар ҳамда Улуғбеклар ҳамроҳлигига мазкур муқаддас маскан зиёратидан баҳраманд бўлиб, у ердаги тарихий манба (мавжуд қабртош)лар билан танишишга киришдик.

1–қабртош кичик қўриниши (тил шакли)даги қайроқ тош бўлиб, узунлиги 35 см, эни 11 см, алоҳида чиройли ҳошия ичига олинган ҳолда 9 қатор араб тилидаги ёзув ёзилган. Ундан: “Ҳаза қабрул абдал музнибал жони ар-рожий роҳимаҳуллоҳи таолло ва ғуфронаху Муҳаммад бин ал-Ҳусайн бин Абулқосим Ҳарирӣ туваффо бит-торихи каза ғофараллоҳу лаҳу вали валидайҳӣ”, яъни “Бу гуноҳкор, жинояткор холида Аллоҳнинг раҳмати ва мағfirатидан умидвор банда Муҳаммад бин ал-Ҳусайн бин Абулқосим Ҳарирӣ (Ҳарир – Хоразм худудида жойлашган қишлоқлардан бири) қабридир. У казо тарихида вафот этди. Аллоҳ таолло уни ва ота-онасини раҳмат қилсин”, деган маълумотларни ўқиши мумкин.

Маълумки, Темурийлар давригача қабрларга катта қайроқтошлардан қабртош сифатида фойдаланиш русум бўлган, темурийлар давридан бошлаб эса катта нақшин мармартошларга ўтилган.

Мазкур тарихий манба бўлмиш қабр тош ва унинг соҳиби тўғрисида бирор бир манбага эга бўлмасакда, Муҳаммад бин ал-Ҳусайн бин Абулқосим Ҳарирӣ таҳминан XII-XIII асрларда яшаб ўтганлиги мазкур қабр тошдан маълум. Шунингдек, бу зоти

¹ Вяткин В.. Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск VII. Самаркандъ. 1902 год. 31 стр.

² Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси фонди, тарихий ҳужжатлар бўлими. Инв № 571: КР 5991/294

³ Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази нашриёти. Тошкент. 2007 йил. 356 бет.

⁴ Абдулкарим ас-Самъонийнинг “Ал-Ансоб” (Насабнома) асарида мазкур уламонинг вафоти хижрий 311/924 йил деб келтирилган. Батафсил қаранг: Абдулкарим ас-Самъоний. Ал-Ансоб (Насабнома). Таржимонлар хожи Абдулғафур Раззок Бухорий, Комилжон Раҳимов. Тошкент. 2017 йил. Madrasa.uz сайти. 80 бет.

⁵ Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази нашриёти. Тошкент. 2007 йил. 370 бет.

⁶ Абдулкарим ас-Самъоний. Ал-Ансоб (Насабнома). Таржимонлар хожи Абдулғафур Раззок Бухорий, Комилжон Раҳимов. Тошкент. 2017 йил. Madrasa.uz сайти. 138 бет.

боборакотнинг мунааввар зиёратгоҳи файзи ифори атрофида кўплаб аллома ва уламоларнинг дағн этилганлиги ҳамда маҳаллий аҳолининг кўп йиллардан бери “Навҳас Ота”, деб соф эътиқод билан зиёрат қилиб келингандигига мувофиқ ўз даврининг машҳур уламоларидан бири эканлиги тушунилади.

Муҳаммад бин ал-Ҳусайн бин Абулқосим Ҳаририй машҳур уламолардан бири бўлган “ал-Мақомот ал-Ҳаририя” асарининг муаллифи Абу Муҳаммад Қосим ал-Ҳаририйнинг (вафоти хижрий 516/1122 йил) набираси бўлса керак.

Абу Муҳаммад Қосим ибн Али ал-Ҳаририй ўз даврининг машҳур алломаларидан бири эканлиги, ҳаттоқи араб шеъриятида машҳур бўлганлиги, шунингдек, араб тили грамматикаси соҳасида ҳам фаолият олиб бориб, тасаввуфда мақомот соҳиби бўлганлиги манбаларда зикр этилади.

“Ал-Ҳарири” нисбаси билан танилган олимлардан яна қози ал-қуззот Шамсиддин Муҳаммад ибн Усмон ибн ал-Ҳаририни айтиб ўтиш мумкин...

2-қабртош. Мазкур тарихий манба бўлмиш қабртош – ок мармарга, харфлари кошиний (бўртма) тарзда форс тилида қуидагича ёзилган:

“Хаза марқади мунааввар марҳум мулло мир Темур хожа ибн қози мулло мир Маҳмуд хожа ибн халифа Ғиёсиддин хожа ибн халифа Иброҳим хожа ибн мир Абулқосим хожа ибн мир Абулфатҳ хожа ибн Амир Мухтарам ибн Амир Абдулаввал ибн Амир Абдулқаййум ибн Амир Шароф Умар ибн Амир Шарофиддин Усмон ибн Амир Шамсиддин Муҳаммад ибн Амир Султон Маҳмуд ибн Амир Сайид Аҳмад ибн Амир Зайнулобидин ибн Амир Исмоил ибн Амир Ҳамза ибн Амир Абдулоҳ ибн Амир Муталлиб ибн Амир Иброҳим ибн Амир Али ибн Амир Маҳмуд ибн Амир Ҳамза ибн Амир Мусо ибн Амир Муҳаммад ал-жавад ал-тақий ибн имом Али Мусо Ризо ибн Имом Мусо Козим ибн имом Жаъфари Содик ибн мом Муҳаммад Бокир ибн имом Зайнулобидин ибн Имом Ҳусайн ибн Ҳазрат Али каррамаллоҳу важҳаху. Вафот фий шаҳри жумадул аввал санаи 1336 (/1917 йил) хижрий дар сана 29 сол”.

Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-кўриқхонаси фонди, тарихий хужжатлар бўлимида инв № 900: КР 1237 ракам остида сакланаётган хижрий 1311/ 15 июл 1893 – 4 июл 1894 йилга тегишли Фатво хужжатида 11 та муҳр урилган, мазкур муҳрлардан бири айнан мулло Мир Маҳмуд хожага тегишли бўлиб, унда: “Сайид Маҳмуд хожа Муфти ибн Ҳалифа Мир Ғиёсиддин”, деб ёзилган¹.

Яна бир инв № 643: КР 5991/364 ракамли Ўратепа ҳудудига тегишли хужжатда: “Қози Сайид Маҳмуд ибн Ҳалифа Муҳаммад Маъсум 1282(/1865 йил)” деб ёзилган муҳр эътиборимизни тортди.

Тадқиқотчилар ва ўқигувчи-ўрганувчиларга шубҳа ёки бирон-бир тушунмовчилик бўлмасин деган мақсадда бир даврда яшаб ўтган икки “Сайид Маҳмуд” исмли ўз даврининг машҳур зотлари тўғрисида ўз ўрнида айтиб ўтдик (адаштирилмасин).

Энди, қабр тошда келтирилган шажарарадаги Темур хожанинг отаси (“қози мулло мир Маҳмуд хожа ибн халифа Ғиёсиддин хожа” деган маълумотга кўра) “Қози” ҳамда “Муфти” лавозимларида фаолият кўрсатганлигини англашимиз мумкин бўлади.

Бугунги кунда мазкур авлод вакиллари ушбу қишлоқ (Навҳас)да истиқомат қилиб келаётган шажара давомчилари саналиб, шажараси қуидагича юқоридаги шажарага уланади:

“Навҳас жомеъ масжид имом хатиби Умидхон, у кишининг отаси Толибхон, у кишининг отаси Муътиюллахон, у кишининг отаси Султон (Эшони Калон)хон , у кишининг отаси халифа Ғиёсиддин хожа”.

Демак, Эшони Калон Султонхон ва мулло мир Маҳмуд хожалар ака-ука бўлишган.

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Thomas Welsfold and Nouryaghdi Tashev. A Catalogue of arabic-script documents from the Samarcand museum. Samarcand-Istanbul. 2012. 379 pages.

Шунингдек Ғиёсиддин хожанинг Маҳмуд хожадан ташқари Султон (Эшони Калон)хон ва мулло Муҳаммад хожа¹ исмли ўғиллари ҳам бўлганлиги маълум бўлди...

3-қабртош. Ҳаза марқади ал-мунаввар ал-мағфур ал-марҳум ва мабур ҳаза нури Исо Ўзбек ибн Худойқулибек. Хижрий 1338/1919 йил.

4-қабртош. Сана хижрий 1249/1833 йил. ... бой ибн Муҳаммад хожи.

5-қабртош. Катта оқ мартартош. Ҳаза марқади (қабр) мағфур (Аллоҳ гуноҳларини кечирсин) ал марҳум ал мабур оли раҳматуллоҳи минна Юсуф шайх ибн Дўст. Фий торихи сана арбаъун ва алф (вафоти 1014/1605 йил).

Мазкур қабр эгаси Юсуф шайх машхур зотлардан бири бўлиб, катта ер-мулк, вақф эгаси бўлган, маълум вақт бу ерлар “Юсуф шайх” номи билан ҳам юритилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архив фондиддаги И-323, рўйхат-1, китоб-1, 1063 ракам остидаги вақф хужжатидаги Шавдор ҳудуди Юсуф шайх мавзеъсидаги ер мулк 800 кумуш танга..., (хижрий 1087/1676 йил, қози Рауф Муҳаммад муҳри урилган) деган маълумотга кўра Юсуф шайх ўз даврининг машхур кишиларидан эканлиги маълум бўлади.

6-қабртош. Вафот Султон Руҳия бинти Амир Арғу Мулк торихи оли зулҳижжа. Санай Ҳамсун арбасъ ва алф (вафоти 1054/1643 йил).

7-қабртош. Солиҳа Бегим бинти Амир Иброҳим. Фит торихи чаҳор сафар (тарихи Сафар ойининг тўртинчиси). Мин санаи сабъя ва саманун тисъа мия (вафоти хижрий 987/1579 йил). Гуфраналлоҳу таолло (Аллоҳ таолло гуноҳларини кечирсин).

Мазкур қабр тошлар ва Навҳас қишлоқ тарихи борасидаги изланишлар давом этади. Маълумот сифатида айтиш керакки Навҳас қишлоқда (1893 йил)да Нематуллоҳ хожа Эшон хожа ўғли (1861 йилда туғилган вафоти номаълум) ва мулло Ашур Рахимберди ўғли (1851 йилда туғилган вафоти номаълум) каби имомлар яшаб ўтганлиги тўғрисидаги манбалардаги маълумотлар, бу ҳудуд тарихи анчайин бой эканлигидан далолатдир.

Сўнгсўз ўрнида бу ҳудуд (Шавдор)да Абу Аҳмад Бакр ибн Муҳаммад ал-Фақиҳ ас-Самарқандий ал-Варсиноний (вафоти хижрий 352/964 йил) Ворсинон маҳалласида яшаган, Бухорда вафот этган, Самарқандга олиб келиб дағн этилган, Собир ибн Аҳмад ад-Дарғамий (воиз бўлган ва хижрий 528/1134 йилда вафот этган²), Абул Қосим Саъд ибн Саъид ал-Хоҳсарий (Самарқанд шарқидаги қишлоқлардан бири), Абдулқодир ибн Аҳмад ал-Хоҳсарий, Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Хаттоб ат-Тавзий ал-Варасниний, Абдуллоҳ ибн Саҳл ал-Варасниний, Абу Саъид Уҳайд ибн Ҳакам ал-Баркатий Вараснин (маҳлласида яшаганлар)³, Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Изухий аш-Шовдари, Исҳоқ ибн Наср аш-Шовдари, Абу Муҳаммад Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Возизий каби улуғ аждодлармиз яшаб ижод этганлигини мамнуният билан таъкидлаб, илмда келажакда улар тарихи чуқур ўрганилса айни мақсадлар муштарак бўларди.

Зеро, бежизга Абу Хоғс Нажмиддин Умар Ан-Насафий Ас-Самарқандий ўзининг “Ал-Қанд фи тарихи Самарқанд (Қандия)” номли асарида: “Билингизким, Шовдор бузургворлари кўп сонли эди, аммо биз мухтасар қилдик”, демаган кўринади.

¹ ЎзМДА фонди И-377, 1-рўйхат, 13-иш. Книга для записки решений Казня Жумабазарского участка Самарканда уезда и области. 159 саҳифа, ушбу жойда қишлоқ номи “Навқаз”, дейилган.

² Абдулкарим ас-Самъоний. Ал-Ансоб (Насабнома). Таржимонлар хожи Абдулғафур Раззок Бухорий, Комилжон Раҳимов. Тошкент. 2017 йил. Madrasa.uz сайти. 113 бет.

³ Шу жойда 98-99 бет

Муминов О.У.
Национальный университет Узбекистана

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ НА ГОРОДИЩЕ ШУЛЛУКТЕПА

В течение многих лет, начиная с 1963 г. Кафедра археологии НУУз занимается изучением истории Кашкадарьинской области Южного Согда. В древности и средневековье она включала две историко-культурных области Наутаку и Ксениппу, Кеш и Нахшаб. Ядром Наутаки-Кеша был Шахрисабзский район, Ксениппы и Нахшаба-Каршинский оазис.

Системное изучение Каршинского оазиса включало работы по составлению свода памятников материальной культуры и стационарное исследование городских и сельских пунктов расселения и в первую очередь столицы Нахшаба. Исследования показали, что в истории развития города, выраставшего на равнине, большую роль играли географические и экологические моменты, активно влиявшие на процессы изменения водного баланса Кашкадарья, основного источника водоснабжения столицы. Экологические стрессы, дополнявшиеся политическими событиями, способствовали динамичному перемещению столицы владения со всеми основными хозяйственными компонентами на новые удобные близлежащие земли, более интенсивно обеспеченные водой.

В предшествующие десятилетия основное внимание было уделено древнейшему городскому ядру, сложившемуся на городище Еркурган. Широкие исследования его выявили этапы формирования и функционирования древнейшей столицы Нахшаба, сложившейся во второй четверти I тыс. до н. э. на водной базе Рудаксая и заброшенной в середине I тыс. н. э. после крушения государства эфталитов, и захирения водного источника.¹

В период тюркского каганата столица вырастает в 2,5 км к югу от Еркургана на известном ныне городище Шуллюктепа в 6 км к северо-западу от современного города Карши.

Предположение о том, что здесь располагаются руины средневекового Несефа, было сделано еще в 1910 г. Б.Н. Литвиновым² и более определенно Л.А. Зиминым, собравшим сведения письменных источников о городе и предполагавшим в последующем проведении здесь археологических раскопок.³ Однако раскопки здесь были начаты лишь во второй половине XX столетия. Памятник исследовался в течение ряда лет особенно в период строительства Каршинского магистрального канала, в процессе которого была разрушена часть шахристана и пригорода.

Работы здесь проводились Б.Д. Кочневым, М.Х. Хасановым, В.А. Пыриным, С.Р. Раимкуловым, М.Х. Исамиддиновым. Памятник отождествлен со средневековым Нахшабом (в арабской графике Насаф).⁴

¹ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб (проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э. –VII в. н.э.). Самарканд-Ташкент, 2000.

² Литвинов Б.Н. Карши.-Туркестанские ведомости 27 мая 1910 г. № 116.

³ Л.А. Зимин. Нахшеб, Несеф, Карши. Их история и древности- В.В. Бартольду. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. Ташкент, 1927, с 212-214.

⁴ Информационные сообщения о раскопках на Шуллюке см Кочнев Б.Д. Исследование средневекового Несефа. // АО, 1974, М. 1975; Его же. Из результатов раскопок 1972 г в Каршинском оазисе.-Тезисы докладов сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований 1972 г. Ташкент, 1973, Его же, Раскопки в Каршинском оазисе// АО 1976. М. 1977;

В 450 м к востоку от цитадели и примерно в 150 м южнее раскопа 11 в ложбине, прорытой бульдозером при перепланировке площади, нами были выявлены следы нового вида металлургического производства -зольноугольные линзы, насыщенные обломками медного шлака сургучного цвета. Это явные следы бронзолитейного производства, ранее неизвестного для Насафа. Поэтому здесь был заложен раскоп 14.

Остатки мастерских насыщены производственными отходами, обломками костей животных, фрагментами керамики. Культурные слои состоят из глинистых отложений, содержащих очаги, связанные с очисткой металлов и выплавкой изделий, с линзами шлаков, угля и зольников с каплями бронзы выливавшимися при литье изделий в форму. Раскрыта мастерская с очагом прямоугольной формы длиной до 80 см, глубиной 8 см, заполненного древесным углем. Рядом завал медных стекловидных шлаков сургучного цвета. Мощность отложения 20 см. Расчищены кирпичные выкладки рабочих площадок, несколько уровней полов, относящихся к одному строительному периоду. Выявлена линия водовода из керамических кубиков, подававшая к мастерским воду из русла Кашкадарья. Раскрыта фигурная выкладка из жженого кирпича, вероятно, от парадного помещения. Стены помещений из жженого кирпича тонкие, толщина до 20 см. Стандарт жженого кирпича стен 20x18x4 см. Парадная выкладка полов из крупноформатных плиток 37x32x5 см.

В первом квартале обращает внимание находка железных криц и обломка керамического сосуда с налипшими внутри и снаружи остатками железного шлака. Крицы встречаются в металлических мастерских многих средневековых городов Средней Азии – в Еркургане и Термезе, Пенджикенте, на городище Киндыктепе в Чаче. Крица была продуктом первичной плавки железной руды. Её специфическая ладошкообразная форма была связана по мнению геолога П.И. Князева, выявившего подобную продукцию металлургическом квартале древнего Термеза, с тем, что древние плавильные печи имели изложницу подобной формы куда стекало в процессе выплавки железо. Продукция получалась разной по содержанию и с более высоким содержанием железа и с большим количеством шлаков. Крицы с различным содержанием шлаков были получены В.А. Пырыним¹ в мастерских Еркургана V-VI вв н.э., причем крицевидные образцы с богатым содержанием шлаков он считает просто кусками расплавленной железной руды, которые являлись сырьем для получения железной крицы. Последняя же обрабатывалась путем ковки и получения чистого железа. Материалы мастерских Еркургана чрезвычайно важны, т.к по нашему мнению с запустением Еркургана именно ремесленники его кварталов переселились в пригороды Несефа и явились основой металлургического производства средневековой столицы. Вместе с тем мы не можем согласиться с тем, что это были куски расплавленной руды, сырье для криц, т.к. крицы и с большим и с малым содержанием шлаков имеют одинаковую ладошкообразную форму.

О.А. Папахристу, рассматривавшая все эти точки зрения, считает крицы с большим содержанием силиката и обломки криц отходами второго металлургического процесса производства железной крицы. Удачный ладошкообразный продукт по её мнению перерабатывался кузнецким способом, более неудачный складировался с тем чтобы при отсутствии нового сырья воспользоваться им для повторной плавки. В то

Исамиддинов М.Х, Молельни древнего Согда. ОНУ, 1988, №9 и др. Последнюю сводку см. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. с 6-9.

¹ Пырин В.А. Предварительные результаты изучения квартала металллистов Еркургана. // ИМКУ. вып 24. Ташкент, 1990. с 121-126; Он же, Раскопки отдельного хозяйства ремесленника-металлиста в Еркургане. -Археологические работы на новостройках Узбекистана. Ташкент. 1990. с 113-118.

же время, отмечая большое количество фрагментов ладошкообразных криц, она сомневается что это могло быть сырьем для производства.¹

Вероятно, и в Несефе крицы поступали металлургам в виде товарной продукции, а на месте они могли обрабатываться и кузнечным способом и могли отливаться в сталь, т.к. кроме криц, был найден фрагмент сосуда со следами применявшего железного шлака, т.е вероятно, тигель для термической обработки железа.

К югу от мастерских железнников, расчищены также вытянувшиеся от реки на запад мастерские, связанные с обработкой цветных металлов. Изучения этого квартала только начинается. Раскрыты печи открытого типа и около них шлаки вторичной очистки меди. В каком виде поступала товарная продукция сказать пока трудно, но это были слитки или прутья чистой меди, а промежуточный продукт, требовавший предварительной очистки в горнах открытого типа. Мастерские были стационарными, о чем говорит специальный водопровод, подводившиеся от реки.

Мастера были зажиточными горожанами, свидетельством чего являются парадные вымостки полов их жилых помещений, к которым примыкали мастерские. Керамический набор обеих кварталов говорит о расцвете здесь ремесла в основном в XI-XII вв.н.э.

Мусаев Н.У.
Тошкент Давлат аграр университети

XIX АСР ЎРТАЛАРИДА ФАРГОНАЛИК САВДОГАРЛАРНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ

Туркистоннинг географик жойлашуви, бу худуддан Буюк Ипак йўлининг ўтганлиги Ўрта осиё хонликлариға Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасида савдо алоқаларини янада ривожлантириш имконини берган. Шу билан бирга, Ўрта Осиё билан Шарқий Туркистон халқларининг тили, дини ва урф-одатларининг яқинлиги савдо ишларини ривожлантиришга ҳам катта таъсир кўрсатган.

Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари олиб борган туркистонлик савдогарларни Россияда бухороликлар, Шарқий Туркистонда эса андижонликлар деб аташган. Руслар Хитой ва Шарқий Туркистонда ишлаб чиқарилган товарларни Тобольск, Нижнегорск ва Семипалатинск шаҳарлари ҳамда Ямишев қўрғонларида асосан туркистонликлардан сотиб олишган. Хитойда «Русларга ҳеч нарса сотилмасин ва улардан ҳеч нима сотиб олинимасин, деб буйруқ берилган эди», - деб ёзди Россия империясининг ўша даврдаги элчиси Спафий¹.

Кўқон хонлигининг Хитой билан чегарадошлиги савдо алоқаларини ривожлантиришга қулай шароит яратган. Андижон ва Ўш шаҳарлари Шарқий Туркистонга борища етакчи савдо пунктлари воситасини ўтаган. Савдогарлар Фарғона водийси шаҳарлари орқали Қошғар, Хитой, Ҳиндистонга ўтишган. Савдо муносабатларини ривожлантиришда Шарқий Туркистоннинг Оқсув, Қошғар ва Ёркент шаҳарлари ҳам мухим ўрин тутган.

Ўша давр маълумотларига кўра, 24 тошлиқ^{*} масофани эгаллаган Кўқон –Ўш йўли анча хатарли йўл ҳисобланган. 1807 йили савдо карвони билан Қошғар - Кўқон йўлидан ўтган татар Муртазо Файзиддин Марзиянинг маълумотига кўра, Қошғар

¹ Папахристу О.А. Некоторые аспекты железной индустрии Средней Азии. Первые века н.э.-Древний Карши, история культуры и градостроительства Средней Азии. Карши, 1999. с 43.

¹ Спафий. Сибирь и Китай. -Кишинёв, 1960. -С. 45.

* 1 тош (фарсах, фарсанг, ёгоч) XIX асрда- 8,5 км.га тенг ўлчов бирлиги.

билан Қўқон ораси 23 кунлик йўл бўлган. Унинг ёзишича, 1831 йили Еттисув худудлари Қўқон хонлигига қўшиб олингандан кейин шу йўлдан ўтган карвонлар кўпинча қўчманчи қирғизларнинг ҳужумига учраб турган. Бу фикрларни Г. Генс маълумотлари ҳам тасдиқлади.

XIX асрнинг 30-йилларига келиб, Қўқон хонлиги қўчманчи аҳоли ўртасида ўз мавқенини ва чегараларини мустахкамлаш максадида бу ерларда Дараўтқўргон, Қизилқўргон ва Сафирқўргон каби қалъаларни қурдирган. Бу қалъалар ҳарбий-стратегик, божхона ва молиявий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эди. 1830 йилдан Қўқон хонлиги Қошғарда ўзининг закотчисини тайинлаган. Унга Ўрта Осиёдан борган товарлар учун олинадиган солиқни хазина фойдаси учун йифиб олиш хуқуки берилган².

1850 йилларнинг охирида Қошғарда бўлган Валихоновни ёзишича, фарғоналик савдогарлар Қошғарга хинд ва рус товарларини олиб келишган. Бундан ташқари, бу ерга ҳар йили кўплаб от, туя, қорамол ва 200000 бошга яқин қўй-эчки сотишга олиб келинган. Савдогарлар Шарқий Туркистондан ўз юртларига қайтишларида ҳар йили кариб 300 минг пуд чой олиб келган. Бундан ташқари олиб келинган ипак Ўрта Осиё хонликларида турли рангларга бўялиб, шу ердан бошқа давлатларга олиб кетилган.

Ўша даврда Россия билан Хитой ўртасида савдо алоқалари яхши йўлга кўйилмаганлиги туфайли рус хукумати бу алоқаларни яхшилашга харакат қилган. Пекин трактига кўра, рус хукумати Қошғарда ўз элчихонасини очиш хуқукини қўлга киритган. Бироқ ўлкадаги нотинчилклар туфайли элчихона очилмади.

1851 йили Россия хукуматининг сай-ҳаракатлари билан Ғулжада Россия ва Хитой ўртасида савдо муносабатларига оид биринчи шартнома имзоланди. Бу ҳар иккала давлат ўртасида савдо алоқаларига эҳтиёжнинг кучайиб бораётганлигидан келиб чиққан эди. Масалан Россияга Хитой чинниси, чойи, шойиси, ипаги, Шарқий Туркистон гилами, шолчаси, матоси зарур бўлса, айни пайтда Хитойда рус чити ва мўйнаси, Ўрта Осиё мевалари ва чорвасига талаб катта эди.

Россия Хитой билан савдо алоқаларини асосан Ўрта Осиёлик савдогарлар орқали амалга оширган. Туркистонлик савдогарлар Хитойдан Семипалатинска чой, равоч (ревен), ипак ва бошқа маҳсулот олиб келишган. Ўз навбатида у ердан Хитойга мовут, парча, кумуш, тилла, темир буюмларини олиб кетганлар. Биргина 1867 йили Хитойга 4.094.423 рубллик товар олиб кетилган³. Карвонлар Семипалатинска Иссикқўл дарёси бўйлаб ўтишган. Қошғардан Қўқонгача 600 чақирим^{*} йўл бўлган⁴.

Рус хукумати Хитой билан савдо алоқаларида туркистонлик савдогарлар воситачилигидан самарали фойдаланиш учун уларга зарур қулайликлар яратишга харакат қилган. Шу мақсадда, дастлаб рус хукумати ўз мамлакати худудларида туркистонликлардан бож олишмаган. Кейинчалик туркистонлик савдогарлар қисман бож тўлашган. Бундан ташқари, рус шаҳарларида туркистонликлар учун маҳсус савдо уйлари, бозорларда эса расталар ташкил қилинган. О.Н.Вилковнинг таъкидлашича: империя маъмурияти «Жунгориядан, Қалмоқиядан, Бухородан келган савдогарларнинг молларини жойлаштириш учун карвонсаройлар, меҳмонхоналар қурилсин», деб кўрсатма берган⁵.

² Туркестанский сборник... Т.XXX, 1869 г. – С.126.

³ Туркестанский сборник... Т.XXX, 1869 г. – С – С. 49.

^{*} 1 чақирим(1Ч.)-Қадимда Ўрта Осиёда катта масофаларни ўлчашда кўллаб келинган. Қиймати 1200 қадамга тенг. Бир қадам ўртача 0,75 м.эканлиги ҳисобга олинса, унда 1ч.-0,9 км.га тенг. Россия империясининг 1894 й.да рус ўлчов бирлигига ўтиши тўғрисидаги кўрсатмаси чиққан давргача 1ч.-1,06-1,08 км.га тенг бўлган. Ҳозиргивақтда 1 ч. деганда, 1 км тушунилади.

⁴ Туркестанский сборник... Т.XXX, 1869 г -С.226.

⁵ Юнусхўжаева М.Ўртаосиёлик воситачи савдогарлар// Шарқшунослик, №2, 1991. - Б.117.

XIX аср ўрталарида Ямишев кўли бўйларида ташкил этилган бозорларда Жунғория, Хитой, Бухоро ҳамда қалмоқлар ютидан товар келтирган туркистонлик савдогарлар кўпчиликни ташкил этган. Шарқий Туркистоннинг Ёркент шаҳрида туркистонлик савдогарлар ўз оиласари билан ўнлаб йиллар давомида истиқомат килгандар ва тижорат ишлари билан шуғулланганлар. Жумладан, «Асли марғилонлик бўлган Шарифбой Устабоев Уч Турфонга кўчиб келиб ҳовли сотиб олган ва тижорат билан шуғулланган, у асосан, матолар билан савдо қилган»⁷.

Ўша даврларда Хитойдаги нотинчилклардан фойдаланган Ёқуббек Кошғарни эгаллаб олгандан кейин, бу ерда туркистонлик савдогарларга эркин савдо қилишга имкон берилган. Рус савдогарларига эса қаттиқ чекловлар жорий этилган. Ҳатто Кошғарга киритилмаган рус савдогари Хлудов ўзининг тижорат ишларидан анча зарар кўрган. Бирок, Хлудов Кошғарга кейинги келишида ўзи олиб келган рус товарларини тезда сотиб, ўрнига Кошғардан 800 пуд хом ашё сотиб олган ва уни Москвага олиб бориб, ҳар пудини 400 рублдан сотган¹⁰. Бу сафар Хлудов учун анча фойдали бўлиб, у савдодан катта даромад кўрган.

Ака-ука Хлудовлардан кейин, уларнинг иш юритувчиси Никифор Кривошеин Кошғарга тижорат ишлари билан борган. 1868 –йилнинг 10 –августида у 121 тужа ва 21 аъзодан иборат карвони билан Норин истеҳқомидан чиқиб 2-сентябр куни Кошғарга етиб келган. Кошғарда унинг товарларидан 2,5% бож олинган. Уч ҳафта ичидаги ўз товарларини Ёқуббек кўрсатмаси билан белгиланган нархда сотишга мажбур бўлган. Ўрнига ипак маҳсулотларини сотиб олиб, 17-ноябрда шаҳардан чиқиб кетган. Ўша давр матбуотларида Кривошеиннинг Кошғарга қилган сафари даврида Ёқуббекнинг унга менсимаслик билан қилган муомалалари ҳақида маълумотлар учрайди¹¹. Россия билан Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо муносабатларида вазиятнинг мураккаблашиб бориши, рус савдогарларини Хитой билан савдо алоқаларини кўпроқ туркистонлик савдогарлар орқали амалга оширишга мажбур қилди.

1889 йили Фарғона вилояти билан Шарқий Туркистон чегарасида Эргаштомда рус божхонаси ўрнатилгач, Ўш шаҳри Шарқий Туркистон билан савдо алоқаларида етакчи ўрин тутган. 1899 йилда эса Кўқон божхонаси ташкил этилди. Шу йили Кўқон – Кошғар ўртасидаги савдо обороти 2 миллион рублни ташкил этди¹².

XIX асрнинг 90-йилларида Туркистон билан Хитой ўртасидаги савдо алоқалари анча ривожланганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Туркистон орқали Хитойга 4000000 рубллик маҳсулот юборган бўлса, Хитойдан олиб келинган маҳсулотлар миқдори 5000000 рублни ташкил қилган. Россиядан саноат маҳсулотлари, металл, шакар, турли матолар олиб келинган. Хитойдан эса, тери, ип-газлама, пахта, оёқ кийим, гилам ва бошқа нарсалар олиб кетилган. Қашқардан Туркистонга ғиштга ўхшатиб тайёрланган кўк ва қора чойларнинг кўплаб келтирилиши, ўлкада чой қадоқлаш корхоналарининг вужудга келишига шароит яратди.

⁷ ЎзМДА. И- 19-жамғарма, 1-рўйхат. 1964-иш,- 38-в.

¹⁰ Туркестанский сборник. Т. XXIV. -СПб. 1870. Из Ташкента А.Ротчевъ. (Петербургская газета 1869. № 57-58). – С.195.

¹¹ Ўша жода. – С. 226.

¹² Махкамов А. Взаимоотношения России с Восточным Туркестаном через Коканд во второй половине XIX – нач. XX веков. Востоковедение. История. Филология. -Ташкент., 1987. -С.24.

**СБОРНИК АБУ ХАФС ‘УМАР АН-НАСАФИ МАТЛА‘ АН-НУДЖУМ ВА
МАДЖМА‘ АЛ-‘УЛУМ КАК ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ПО ИЗУЧЕНИЮ
УЧЕБНЫХ ПОСОБИЙ В МЕДРЕСЕ ГОРОДА САМАРКАНДА XI-XIII В**

Первые медресе в исламском мире появились в Хорасане и Мавераннахре не позже начала X в. Основным предметом преподавания в них был *фикх*, к тому времени уже окончательно сложившийся в качестве самостоятельной дисциплины. Карабанидский период (382—607/992—1211) был временем появления выдающихся ханафитских богословов, чье наследие продолжает изучаться сегодня. При этом вопрос истории конфессионального образования в Карабанидский период остается почти не изученным, в частности, не исследованы деятельность *мударрис*, принципы самого процесса обучения, какими учебными пособиями они пользовались, какой вид и содержание эти пособия имели. В имеющихся средневековых источниках, в основном, в сборниках биографий, приводятся, как правило, скучные отрывочные сведения об образовании, а именно: о предметах, преподававшихся в то время. В условиях отсутствия органов самоуправления в городах средневекового мусульманского мира, была велика роль неформальных лидеров городского населения, в том числе и в сфере образования, которое могло обретать формы «наставлений» в мечетях или других публичных местах.

Основная масса духовных лидеров происходила из среды мусульманских правоведов (*фукаха*). Мусульманские ученые Мавераннахра не только толковали догматы религии или устанавливали правовые нормы для социальной жизни, они также активно занимались просветительством и распространением религиозных знаний в мечетях, медресе, *рибат*, жилищах, предоставлявшихся *улама* или *мударрисам* для проведения преподавания (*тадрис*).

Средневековые рукописи, которые мы можем определить как собрание лекций или условно как «проекты учебных программ», встречаются достаточно редко. Что нам даёт их изучение? Во-первых, они раскрывают нам процесс сложения системы обучения в определенном регионе. Во-вторых, мы можем проследить сложение форм мировоззрения и социальной жизни того времени через изучаемые предметы. В-третьих, есть шанс восстановить формы подачи или восприятия религиозных наук, а также определить роль *мударриса*, влияние его на социум и т.д. К сожалению, среди дошедших до нас средневековых рукописей не так много таких содержательных находок. Из их числа можно назвать сборника *Матла‘ ан-нуджум ва маджма‘ ал-‘улум* («Место восхождения звезд и собрания наук», далее — *Матла‘ ан-нуджум*)¹, о котором впервые упоминалось в статье П. Г. Булгакова. Автор рукописи — толкователь Корана (*муфассир*), хадисовед, законовед (*факих*) и филолог первой половины XII в. Наджм ад-дин Абу Хафс Умар ибн Мухаммад ибн Ахмад ан-Насафи (ум. в 1142 г.), перу которого принадлежат около ста сочинений, преимущественно по законоведению и толкованию Корана.

В этом сборнике, собраны обшины материалы по различным отраслям наук (естественно, в понимании того времени), но большая часть книги посвящена

¹ В настоящее время нами была издана факсимильное издание данной рукописи. Нажм ад-дин Абу Хафс бин Умар б. Мухаммад б. Ахмад ан-Насафи. *Матла‘ ан-нуджум ва маджма‘ ал-‘улум*. Подготовка к печати, вводная часть и указатели С. Мухаммадаминова. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 890 стр.

различным юридическим вопросам (преимущественно *фикху*), либо нормам и стандартам делопроизводства и т.п.

Список *Матла‘ ан-нуджум* представляет собой объемистую рукопись: размер бумаги составляет 27,5x33 см, размер текстов – 20,5x22,5 см, количество листов – 355. Рукопись написана убористым *насхом*. Последовательно переписана двумя переписчиками, которые оставили свои записи в конце некоторых разделов рукописи. Первый из них Мухаммад бин Хамид бин Али имевший прозвище (*лакаб*) Шараф ал-Бухари. Судя по почерку, он переписал часть рукописи от начала до 162^а листа. Остальную часть рукописи (с 163 листа и до конца) переписал Мухаммад бин Мухаммад бин Хусайн бин Ахмад ал-Усманди имевший прозвище Наджм ад-дин ал-Куфи. Свою часть он написал более скорописным вариантом почерка *насх*, чем первый переписчик. Не исключено что оба переписчики были последователями школы Абу Хафс ‘Умар ан-Насафи.

В записях переписчика Наджм ад-дина ал-Куфи, которые встречаются более чем в 12 местах, содержатся неоднократные указания на то, что данный список является копией со списка, который был надиктован (*имла‘*) автором ан-Насафием. Автор читал, точнее, диктовал своим непосредственным ученикам и «вольным слушателям» в различных мечетях, которые были расположены в квартале «Квартале воинов» (*Сикка ал-мукатил* или *Куйи Мукатил*) и «Квартале валяльщиков» (*Куйи намадгаран* или *Сикка ал-лаббадин*) и медресе Табгач-хан города Самарканда. Мечети в квартале «Улица воинов», где преподавал ан-Насафи, то оно пока не локализовано. Другая мечеть, который находилась в «Квартале валяльщиков», и как указывает Ш. С. Камаладдинов, вероятно, находилась в южном пригороде Самарканда, поскольку в X веке южный пригород Самарканда являлся крупным торгово-ремесленным центром, куда в последующие века постепенно переместился центр городской жизни.

Сборник начинается традиционным восхвалением Бога, за которым следует вступительное пояснение автора: «Чувствуя приближение конца моей жизни, я собрал в этой книге разные науки, для всех, кто желает получить в определенное время определенные знания, и составил тексты в сжатом виде (*ваджиз*)...». Затем следует оглавление (*фихрист*). Перечень разделов сборника приводится с порядковыми числами и с указаниями страниц разделов. Перечень разделов сборника, как указано в *фихрист*, состоит из 75 разделов.

Как отмечалось, разделы являются записями лекций, прочитанных в XII в. в различных мечетях и медресе Самарканда. Содержание рукописи представляет собой практическое пособие по всем отраслям религиозной науки (и не только) наук того времени. Ознакомившись с рукописью, мы можем представить список предметов, которые были рассмотрены в ней и, таким образом, очертить круг дисциплин, которые преподавал ан-Насафи в различных мечетях и медресе Самарканда.

Это довольно солидный перечень:

1. Богословия (*калам*), 2. Суфизм. (*‘ильм ат-тасаввуф*), 3. Дидактика (*ахлак*), 4. Коран (*‘ильм ал-Курэн*), 5. Теоретическое право (*усул ал-фикх*), 6. Практическое право (*фуру‘ ал-фикх*), 7. Наследственное право (*фара‘ид*), 8. История (*тарих*), 9. Предания о словах и действиях пророка (*хадис*), 10. Речи, изречения. (*хутба*), 11. Проповеди (*маджслис ат-тазкир*), 12. Дипломатика (Образцы делопроизводства судей/кадиев/*шурут*), 13. Этикет письма и риторика (*инша‘, балага*), 14. Языкоznания (*‘ильм ал-адаб*), 15. Поэзия (*аш‘ар*), 16. Наука о поэтическом искусстве (*‘ильм ал-аруд*), 17. Пословицы (*амсал*), 18. Свод молитв (*ад‘ийа*), 19. Астрономия и астрология (*‘ильм ан-нуджум*), 20. Арифметика (*‘ильм ал-хисаб*), 21. Медицина (*‘ильм ат-тибб*), 22. Наука о

животном мире (‘ilm al-hayvan), 23. Науки «о сокрытом», т. е. принципы гаданий и предсказаний и т.д. (ta ‘bir, ‘ilm al-fal, ‘ilm al-faras).

В медресе основным предметом был *фикх*. Светские знания включались в курс медресе лишь в связи с изучением мусульманского права и имели прикладное значение по отношению к нему.

Нам не известно, давал ли Абу Хафс Умар ан-Насафи уроки по *фикху* в медресе Табгач хан. Большая часть рукописи, посвященная *фикху*, переписана преимущественно первым переписчиком Шараф ал-Хамиди. Он же, в отличие от другого переписчика – Абу ал-Хасан ал-Усманди не оставил никаких сведений, кроме собственного имени и даты переписки. Не исключено, однако, что ан-Насафи преподавал *фикх* в этом медресе по той программе, которая отражена в сборнике *Матла‘ ан-нуджум*.

Уникальность представленной рукописи состоит в том, что перед нами один из первых и немногочисленных компендиумов, охватывающий почти все отрасли знаний, которые преподавались в мечетях и медресе. Написанная на основе обобщения материала, накопившегося к тому времени в Мавераннахре, *Maṭla‘ al-piṣīt* служит ценным источником по истории развития религиозных наук, показывающим их уровень в ту эпоху и наглядно демонстрирующим огромный вклад средневековых ученых Мавераннахра в развитие системы образования.

Назаров А.
Самарқанд Давлат университети

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ЭНГ ҚАДИМГИ КОНЧИЛИК ТАРИХИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Инсониятнинг ибтидоий жамоа тузуми давридан дарак берувчи манбалар турли-тумандир. Одамзод ўз фаолияти даврида атроф-муҳитга таъсир қўрсатиб, кундалик хаётда ўзига зарур бўладиган меҳнат қуроллари ясаган, яшаш учун маконлар танлаган, кейинчалик эса бошпаналар қурганлар. Ўз навбатида металлнинг хунармандчиликка кириб келиши инсон фаолиятига таъсир ўтказган.

Металлнинг ҳаётга кириб келиши натижасида хунармандчилик, дехкончилик янги асосда ривожланиб борди. Худди шу даврдан бошлаб уларнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётларида улкан ўзгаришлар содир бўла бошлайди¹.

Қадимги ибтидоий одамлар 2,5 – 3 миллион йиллар давомида (палеолит, мезолит, неолит даврлари) факат тошдан, ёғочдан ва суюқдан ясалган қуроллардан кенг фойдаланганлар. Одамларни ҳар хил минераллар ва тоғ жинслари билан танишлиги ва улардан фойдаланганлиги тош давридан бошланган.

Тошдан ясалган меҳнат қуролларининг тарихий манба сифатидаги аҳамияти шундан иборатки, улар маълум давр махсули сифатида шу давр турмуш шароитини акс эттиради. Фақат буюмлар эмас, балки турар жой қолдиклари, гор-маконлар ва қоятош суратлари ҳам тарихий ёдгорликлар ҳисобланади.

Аждодларимиз кўхна тарихидан гувоҳлик берувчи бир қанча археологик ёдгорликлардан **Фарғона вилояти** Селунгур ғори, **Тошкент вилоятидаги** Обираҳмат ғори, Ангрен шаҳридаги Кўлбулоқ ёдгорлиги, **Сурхондарё вилоятидаги** Саполлитепа ва Жарқўтон (асосан ҳоким нишонлари, асо қисмлари, муҳрлар, заргарлик ва кулолчилик буюмлари, ов ва меҳнат қуроллари, металл буюмлар) ёдгорлиги, **Навоий**

¹ Сагдуллаев А., Эшов Б. таҳрири остида «Ўзбекистон тарихи», 1-чи қисм. Тошкент.: «Университет», 1997, 26-б.

вилоятидаги Лавандоғ қўргони (бронза ва темирдан қилич, ханжар), **Бухоро** вилоятидаги Бешбулоқ, Лавлакон (мисдан ясалган игналар, мунчоқлар) **Қашқадарё** вилоятидаги Ерқўрғондан ашёлар топилгани аждодларимизнинг неча минг йиллар давомида босиб ўтган турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади. Ўрта Осиёдаги энг қадимги ҳалқларнинг моддий маданияти жумладан кон-металлургия тарихини ўрганиш учун 1937 йилдан 1951 йилгача Хоразм вилоятида ўтказилган қазиш ишларининг каттагина илмий натижа берганлиги фикримизнинг далилидир¹.

Ўзбекистон худудида биринчи тош конларининг ўчоқларидан бири - Зарафшон воҳасидаги Учтут мавзесидир. Бу ерда мил.авв.VI-IV минг йилликларда тош қазиб чиқариш йўлга қўйилган. Зарафшон воҳасидаги ҳамда Қизилкум жанубидаги аҳоли бир неча асрлар давомида Учтут тош конларидан фойдаланганлар. Учтут тош конлари тўғрисидаги маълумотларни археолог олимлар Т.Мирсоатов, М.Қосимов ва А.Муҳаммаджоновларнинг илмий асарларида ҳам кўриш мумкин². Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, тоғнинг ости қатламларидағи чақмоқтош жинсларига нисбатан сифат жихатдан юқори бўлган. Улардан исталган шаклда ниҳоятда кескир тош қуроллар ясалган. Шунинг учун ҳам қадимти кончилар ўз даврининг моҳир сангтарошлари бўлиб, чақмоқтошларнинг сифатли навларини ахтариб топиб, уларни тоғларнинг қаеридан ва қандай усуlda кавлаб олишни яхши билганлар. Учтут усталарининг қазув технологияси ҳақида СамДУ профессори М.Журакулов “Кончилар аввал ўт ёкиб, тошни қиздирганлар ва сўнгра сув сепиб портлатганлар”³ деган фикрни билдиради.

Бу ерларда 1959 йили Ижанд қишлоғидан узоқ бўлмаган жойда таниқли олим-академик А.П.Окладников томонидан маҳаллий кремнийдан буюмлар ясадиган қадимги устахона топилган. Бу устахона ўн минг йиллар мобайнида ишлаб турганлиги тадқиқотларда қайд этилган.

Қадимги кончиларга тор узун ён томондаги йўлакларда ишлаш жуда мушкул бўлган. Бу ерларда оҳактошлар ичida ўткир тошлар, киркалар, оғир болғалар билан қадимги кончилар тоғ жинслари орасидан кремнийнинг ядроларини чиқариб олганлар. Қазиб олинган кремний хом-ашёсини шахтадан чиқариб олиб, уни бўлакларга бўлиб хом-ашё тайёрлаганлар. Ушбу хом-ашёдан ҳар-хил турдаги пластиналарни ажратиб олиш мумкин бўлган. Олимларнинг фикрича Учтут кремнийси ибтидоий одам томонидан Навоий, Бухоро ва Самарқанд ва ундан узоқларга олиб кетилган.

Учтут қазилма кони узоқ ўтмишда, кўп минг йиллар мобайнида Ўзбекистон худудининг кўпгина мінтақаларини кремний саноати учун хом-ашё билан таъминлаб турган. Учтут қадимий шахталари мажмуининг топилиши ва тадқиқ этилиши ўлкамизда аввал маълум бўлмаган қадимги кончилик саноати тарихидаги маълумотларни аниқлашга имкон яратди. Бу тадқиқотлар ибтидоий одамларнинг қандай қилиб тоғ-кон ишларига ўрганганликларини, бу хунарни ўзлаштирганлиги ва бора-бора такомиллаштириб борганлигидан гувоҳлик беради.

Тош ва бронза давлари ўртасида мис даври бўлганлиги металлдан ясалган энг қадимги меҳнат қуроллари тадқиқотлар натижасида бу қуролларнинг барчаси бронздан қилинмай, соғ мисдан ясалганлиги маълум бўлган. Мис қуроллари дастлаб ердан соғ ҳолда топилган мисдан ясалган. Бу қуроллардан энг қадимгилари металл

¹ Кошеленко Г., Лордкипанадзе Л. Древнейшие государства Кавказа и средней Азии. -Ч.1. М., 1985, с.104-108

² Мирсоатов Т. Древние шахты Учтута. Т., «Фан», 1973. 71-б

³ Жўракулов М. Ўрта Осиё ибтидоий археологияси. Т., 1984, 57-б

эритилмасдан, совуқ ҳолда уриб ясалган. ўша даврда одамлар мисни тошни бир тури деб билганлар. Мил.авв. IV минг йилликларда қабилалар металл билан танишадилар. Бу даврга келиб металлнинг ғоят қимматли хусусиятларини – кучли оловда суюқликка айланишини ва ҳар хил шаклга кириб, совугандан кейин шу шаклни сақлаб қолишини билиб олганлар.

Металличникнинг кашф этилиши ва хўжаликда мис қуролларининг жорий қилиниши бир неча аср давомида содир бўлган. Одамлар ўз меҳнат қуролларини ясаш учун ҳар хил мустаҳкам тошлар қидириш жараёнида табиий мисга дуч келадилар. Дастробки металл қуроллар ердан соф ҳолда топилган мисдан ясалган, кейинчалик мис эритилиб турли шакллар берилган.

Секин – аста меҳнат қуроллари такомиллаштирилиб, рудали металлар, мис, қалай, кумуш, олтинни ихтиро қилганлар ва уларни эритиш, қуиши, улардан фойдаланиш йулларини ўргангандар. Марказий Осиё ва Қозоғистонда очик руда конлари ва улар атрофидағи металл эритиш устахоналари хамда печлари топилган.

Мил. Авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиё аҳолиси темир билан танишади. Ҳозирги Ўзбекистон худудида 4 та қадимги тарихий-маданий вилоятда илк темир даврига оид археологик мажмуалар аниқланган бўлиб, улар Шимолий Бақтрияда, Суғд худудларида, Фарғона водийсида ва Тошкент воҳасида жойлашган¹.

Шунга кўра Ўрта Осиё кончилигини такомиллаштириш асослари жуда қадим - қадим даврларданоқ бошланган десак, муболага бўлмайди. Ўрта Осиё – қадим кончилик тарихини ҳозирги замон давр талаби билан ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Бу соҳага доир далиллар ва ишларни чуқур таҳлил этиш, Ўрта Осиё кончилиги ва металлургияси тарихига янги саҳифалар киритади.

Адабиётлар:

1. Буряков Ю.Ф. Горное дела и металлургия средневекового Илака. М., изд-во «Недра», 1974 год, стр. 65-60.
2. Жўрақулов М. Ўрта Осиё ибтидоий археологияси. Т., 1984, 57-б
3. Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. Т.: «Фан» 1953, стр. 29-33.
4. Мирсоатов Т. Древние шахты Учтута. Т., «Фан», 1973. 71-б
5. Сагдуллаев А., Эшов Б. таҳрири остида «Ўзбекистон тарихи», 1-чи қисм. Тошкент.: «Университет», 1997, 26-б.
6. Ҳошимов С.Туркистаннинг дипломатик алоқалари тарихидан. “Фан ва турмуш” журнали, 1998, 2-сон.
7. Шалатонин Б.С. Қизилқумнинг мингдан бир мўжизиси. Навоий. “ТМК”, 1997, 134-б.

**Назаров А.А., Шапулатов У.Х.
Самарқанд давлат университети**

СУҒДИЙЛАРНИНГ ХИТОЙ БИЛАН МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ

Тарихдан маълумки, боболаримиз суғдийлар минг йиллардан ортиқроқ вақт давомида, қитъалараро Буюк Ипак йўлида тўла ўз ҳукмронликларини ўрнатганлар ва

¹ Буряков Ю.Ф. Горное дела и металлургия средневекового Илака. М., изд-во «Недра», 1974 год, стр. 65-60.

воситачиликда устун мавқега эга бўлишган. Бу йўл орқали суғдийларнинг хунармандчилик буюмлари, турли-туман савдо маҳсулотлари, маданияти ва шу билан бирга мусиқа маданияти ҳам Шарқий Туркистон, Хитой, Корея ва ҳатто Япониягача етиб борган. Хитойлик олим Сун Сяннинг ёзишича V асрдан – X асргача Самарқандлик суғдийларнинг қўшиқлари, рақслари ва мусиқа асбоблари доимий равишда Хитой императорларининг саройлари, шахар ва қишлоқлари кўчалари бўйлаб таралиб турган¹.

Император ва юқори мансабдорларнинг саройларида Трансоксиана (Ўрта Осиё) ва Шарқий Туркистондан келган мусиқачиларга юксак санъатлари боис юқори даражада хурмат кўрсатилган. Япониялик олим Кисибе Тан империяси саройида фаолият кўрсатган ғарблик, яъни Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонлик ўттиз битта мусиқачининг номини аниқлаган². Гарчи бу рақамлар маълумотлардагидан кам кўринсада, аммо бу фақатгина Тан империясининг бир даврига тўғри келади.

Мусиқа билан қўшиқчилик санъати доимий ҳамроҳ бўлган. IX аср охирида Чоч (Тошкент)дан Хитойга борган қўшиқчи қизнинг бекиёс овозидан илҳомланган хитойлик шоир Бо Сзюй-и «Чочлик қўшиқчи қиз» деган шеър ҳам битганлиги тарихдан маълум³. Тан империяси даврида 727 йилда Кешдан, 729 йилда Маймурғдан, 713 ва 727 йилларда Самарқанддан Хитойга ёш йигит ва қиз раққосалар борганлар⁴.

Улар қирмизи кўйлак, қизил замшдан ковуш кийишиб, рақс ижро этганлар. Бу борада хитойлик шоирлар ва сарой тарихчилари батафсил маълумот беришга муваффақ бўлишган. Раққосаларнинг чиқишилари маҳсус саҳналаштирилган кўринишлар ва рақслар асосан икки турга бўлинган – биринчиси тур рақслар бўлиб шоирона нозик, гавда ва қўл бармоқларига алоҳида эътибор бериладиган харакатлар орқали нафис ижро этилса, иккинчи тур рақслар эса шўх-шодон, шиддатли ва акробатик усувларда ижро этилган⁵.

Уларнинг рақслари тўғрисида хитойлик шоирлар Бо Сзюй-и ва Юан Чженлар «Шамолдек чарх ураётган ғарблик қизлар» деган шеър ҳам битганлар. Бу қизлардан хитойлик маликалар Ян ва Рокшанлар суғдий рақсларнинг бир неча ижро усувларини ўргангандар⁶.

Хитой йилномаларида келтирилган бундай маълумотларнинг тўғрилигини бу ўлкада олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Қўшимча равиша манбаларда берилган юзлаб маълумотлар фикрларимизни тасдиқлайди.

Шимолий Хитойда олиб борилган археологик қазишмалар даврида VI-VII асрларга оид бадавлат суғдий аслзоданинг қабри топилган бўлиб, бу қабрдан чиққан мармар тоштахтанинг юқори қисмида суғдий аслзода ва унинг хотини хизматкорлари

¹ Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007. 98 бет.

² Ходжаев А. Китайский историк о Средней Азии / Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. с. 89.

³ Шефер Э.Х. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. Москва. 1981 г. стр. 149

⁴ Хўжаев А. “Хитой манбаларидаги Суғдийликларга оид айрим маълумотлар” // “Ўзбекистон тарихи” журнали 2004 йил № 1-сон. 56 бет.

⁵ Шефер Э.Х. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. Москва. 1981 г. стр. 149

⁶ Хўжаев А. “Хитой манбаларидаги Суғдийликларга оид айрим маълумотлар” // “Ўзбекистон тарихи” журнали 2004 йил № 1-сон. 57 бет.

куршовида базм уюштираётганилиги саҳнаси, пастки планда эса Хитойга бориб ўзларининг санъатларини намойиш этаётган суғдлар мусиқа ансамбли тасвирланган¹.

Шарқий Туркистон, Хитой, Узок Шарққа ўзининг ноёб мусиқа маданиятини доимий равиша «экспорт» қилиб бу мамлакатларнинг мусиқа, кўшиқчилик ва рақс санъатининг ривожига катта таъсир кўрсатган Сугдиёнада антик ва илк ўрта асрларда мусиқа маданияти юқори даражада бўлганлигини бу воҳада олиб борилган археологик тадқиқотлар тобора кенгроқ ва чуқурроқ намоён этмоқда.

Ипак йўли хитойликларни нафақат Даван (Фарғона)га, балки бутун Ўрта Осиёга қизиқишини кучайтирган. Шу боис Хитой императорлари ўз сайёхлари (Сон Юн, Сюан Сзян, Хой Чао кабилар)ни Ўрта Осиёга йўллаб, улар орқали маълумотлар тўплаган.

Хитой-Суғд савдо муносабатлари мил.авв. IV-III асрдан ўрнатилган эди. Айни шу даврдан Шарқий Туркистонда тижоратчи муҳожир суғдийларнинг колониялари пайдо бўлди. Бу жараён кейинги асрларда яна тезлашди. 197 йилга оид суғдий мактублар тўплами “Кўхна хатлар”да Хитойнинг Лоян (суғдча - Сараф) ва Чанъян (суғдча-Ахумтандан то Сзюсюан (суғдча-Чучан)гача боғлаган худудда жойлашган суғдийларнинг колониялари ҳақида маълумотлар учрайди².

Илк ўрта асрлар, 350 йилларгача суғдий савдо манзилгоҳлари асосан тижорат мақсадларида барпо этилган бўлса, 350-750 йилларда бу манзилгоҳлар аҳамияти сиёсий, иқтисодий ва маданий даражага кўтарилди. Э.Г.Пулейблэнк: “Улар (суғдийлар) нафақат моҳир савдогар, балки мусаввир, ҳунарманд ва янги дин тарғиботчиси эди”³ деб тарифлаганида мутлақо ҳақ эди. Сабаби ўша даврдаги оғир шароитга қарамасдан суғдлар узок ўлкаларда ўзларининг савдо колонияларини ташкил қилишиб, кейинчалик ўша худудларда бутунлай қолиб кетишади.

Суғдийлар Марказий Осиёга тарқалиб, Ипак йўли бўйлаб жойлашиб, Хитойнинг ички вилоятлари ҳамда қўчманчилари орасига кириб бордилар. Шулардан бири суғдийларнинг туркийларга цивилизацион таъсири эди” деб, таърифлайди.

V аср 20-50 йилларида Шимолий Вей (386-550) сулоласи хукмдорлари Ўрта Осиёга - эфталлар хузурига уч бор элчилар юборган. 425 йилдаги миссияга Ван эншен ва Хей Ван, 437-438 йилларда Туе Юан ва Шао Мин, 444-453 йилдаги миссияга Чжечжиба бошчилик қилган. Бу элчилар Суғд пойтахти Самарқанд ва ихшидлар қароргоҳи Маймурғга ташриф буоришган. Элчиларнинг хисоботи эса кейинги алоқалар учун муҳим ҳисобланган⁴.

Хусусан, суғдийларда тужжорлик маҳорати эрта шаклланиши ҳақида Хитой императори Ян-ди (605-617)нинг элчиси Вей Сзе ўз ҳисоботида: Самарқанднинг “барча аҳолиси асл савдогар, ўғилларини беш ёшга тўлгандан савдога ўргатадилар. Бола ўқишини бошлагач, уни савдо ишларидан таълим олишга соладилар⁵.

“Наф кўриш аҳолисининг қўпчилиги томонидан қадрланади” деб, ёзган эди. Шу хислат суғдийлардан туркийларга ва айникса, уйғурларга ўтди. Бунда асрлар давомида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон аҳолиси орасидаги ягона этномаданий макон, ўз таъсирини кўрсатган эди.

¹ Хўжаев А. “Хитой манбаларидаги Суғдийларнинг миссияга оид айрим маълумотлар” // “Ўзбекистон тарихи” журнали 2004 йил № 1-сон. 58 бет.

² Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши. // Мозийдан садо, 2 (14), 2002. 18 бет.

³ Шомиродов Т. “Қадим Суғдиёна довруғи” // “Зарафшон” газетаси 2007 йил 23 август сони.

⁴ Абдуқолик Абдурасул ўғли “Қадимги Марказий Осиё халқларининг қўчиши ҳақида” // “Шарқшунослик” журнали 1999 йил № 9-сон.34 бет.

⁵ Ходжаев А. Китайский историк о Средней Азии //Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии.-Ташкент: Фан, 1993. с. 98.

Турк хоқонлиги қарор топишига Гансудаги суғдий манзилгоҳларнинг вакиллари астойдил ҳаракат қилганлар. Улар жануб, шарқ ва шимолга йўналган савдони ўз қўлларига олган эдилар. Турк хоқонлиги Хитойнинг Суй сулоласини мағлуб этиши, суғдийларнинг Кумул шаҳри яқинидаги Хами вилоятини назоратга олишга ва у ерда хоқонлик бошқарувини жорий этишга имкон берган. Самарқандлик Кан Суми Ордосдаги Беян округи губернатори, яни духу-фу лавозимига тайинланган¹.

Бу ҳудудларга кейинги даврларда ҳам Суғдан муҳожирларнинг келиши давом этган. 630-йилда “улуг сардор” бухоролик Ан Тухан 5 минг суғдийни шимолий Хитойга олиб келиб жойлаштирганлиги ҳақидаги маълумотларга асосланадиган бўлсак, суғдийларнинг Хитойга бориб жойлашиши қай даражада кучли бўлганлиги борасида тушунча ҳосил қила олади. Албатта аҳолининг бундай кенг миқёсдаги кўчишига одатда маълум сиёсий ва иқтисодий сабабларни асос сифатида кўрсатиш мумкин.

Мазкур ташкил қилинган шаҳарлар ва қишлоқлар аввало савдо максадларида ташкил қилиниб, узоқ йиллар давомида Хитой ҳукумати ҳам шу холатдан манфаатдор бўлганлиги учун сұғд колонияларини химоя қилиб келган ва кўп ҳолларда маълум бир енгилликлар яратиб беришганлар. Хитойлик савдогарларнинг ғарбий ўлкаларга боришига турклар доимо тўсиқ бўлиб келган ва шу сабабли уларнинг ипагини ғарбий мамлакатларга сотилишида сұғдийлар муҳим ўрин эгаллаб келишган. Улар турк хоқонларини хитойлик савдогарларга қарши кўйиш орқали ўзларининг савдодаги рақибларидан холи бўлишарди.

Суғдийлар учун Хитой билан савдо қилиш осон кечмаган. Хоу Жен-чжининг ёзишича, Хитой маъмурлари тужжорларга нисбатан: “тўлов йўқ, савдо йўқ, тўлов бор-савдо бор” сиёсатини олиб борган. 630 йилда хоқонлик таназзулга учраб, минглаб сұғдий хунарманд, савдогар ва дехқонлар хитойликлар томонидан асир олиб кетилган. Жойлардаги сұғдийлар эса Хитойга солиқ тўлашга мажбур этилган.

VI-асрда ёзилган “Вей шу” солномасига кўра, сұғдийлар ерли рузие (юечжи)лар, саклар ва турклар билан этник қариндош бўлиб, уларнинг азалий ватанлари Орол ва Каспийнинг шимолий соҳиллари бўлган. Бундай яқинлик турк-суғд симбиози учун муҳим омил бўлиб ҳисобланган. Хитой императорларининг туркийларни қарам қилишга қаратилган сиёсатини барбод бўлишида ва хар иккала турк хоқонликларининг мустақил сиёсат юритишида сұғдий маслаҳатчилар катта ўрин тутган дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айганда, сұғдийларнинг яқин қўшни Хитой билан алоқалари серкирра бўлиб, ўзига хос иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан кечган. Бу эса Марказий Осиё минтақасининг кўп асрлик тарихий тараққиётида муҳим ўрин тутган. Минтақа халқларинг кўп асрлар тақдирига ўз таъсирини кўрсатган.

Назаров О.
Гулистан Давлат университети

ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИННИГ РИВОЖЛАНИШИДА ЯҲЁ ҒУЛОМОВНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Яҳё Ғуломович Ғуломов йирик тадқиқотчи ва илм-фан ташкилотчиси, ўз ишининг ташаббускори сифатида 40 йилдан ортиқ вақт мобайнидаги меҳнат ва илмий фаолияти давомида тарихий билимларнинг турли соҳаларида - археология, этнография, шарқшунослик, тарихшунослик, қадимги меморчилик, тарихий география, суғориш

¹ Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши. // Мозийдан садо, 2 (14), 2002. 22 бет.

тариҳи ва ҳоказоларда қомусий билимларини тўплади ва уларни ҳамкаслари, шогирдлари, кенг ҳалқ оммаси орасида оммалаштириди. Кўхна маданиятнинг йирик мутахассиси академик Б. Пиатровский Яҳё Ғуломов ҳақида “Яҳё Ғуломович Ғуломовнинг номи Ўзбекистан тариҳи ва археологияси йирик мутахассиси сифатида мамлакатимизда ва чет элларда маълум ва машҳурдир. Унинг Ўрта Осиё хўжалиги хаётининг негизи бўлмиш ирригация тарихини ўрганиш соҳасида олиб борган кўп йиллик, қомусий тадқиқотлари фанда мисли кўрилмагам ютуқ хисобланади” - деб тўла эътироф билан айтган сўзлари олимнинг илмий фаолиятига берилган катта баҳо эди. [2].

Академик Яҳё Ғуломов бутун умри ва илмий фаолияти давомида ўзбек ҳалқининг моддий ва маънавий маданиятига оид манбаларни ўрганди, уларни ҳалқ мулкига айлантириди. Бундай нодир осори-атиқаларни асраш ва келажак авлод учун сақлаб қолиш ишларида жонбозлик кўрсатди. Академик Яҳё Ғуломовнинг дастлабки илмий тадқиқотлари орасида Уструшона ўлкаси ҳудудида олиб борган бир қанча археологик тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Яҳё Ғуломов раҳбарлигига Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврларини ўрганиш борасида ҳам катта ишлар қилинди. Бироқ илмий адабиётларда тош даври босқичларини ўрганиш ва тадқиқ этиш соҳасидаги унинг фаолияти камдан-кам ёритилган. У тош асрига оид манзилгоҳларни ўрганувчи бир неча археологик гуруҳларга раҳбарлик қилган эди. Бевосита Яҳё Ғуломов номини машҳур қабристон Замонбобо, неолит даври манзилгоҳи Дарвозақир каби жойларда олиб борилган қазиши ишларида учратиш мумкин. Унинг раҳбарлигидаги комплекс экспедициялар Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидаги тош асри тарихи ўрганиб чиқилган. Бу гуруҳ қазиши ишларини бутун хавза ва алоҳида ҳудудлардаги разведка ва реконсцировка ишлари билан биргаликда олиб борган, ҳамда Нурота тизма тоғларидан Амударё соҳилларигача ва шимолда Томди туманидан то жанубдаги Аму-Бухоро каналигача бўлган масофани кузатиб чиқкан. Қоратов тизма тоғларининг жанубий қисмида ибтидоий устахоналар очилган. Гуруҳ томонидан қадимги конлар топилиб, Қоратовдаги чақмоқтош навининг тарқалиши ўрганилган. Яҳё Ғуломов раҳбарлигидаги Фарғона гуруҳи иши эса палеолит, мезолит ва неолит даврларига оид манзилгоҳларнинг кашф этилиши билан боғлиқдир. 1956 йилги Моҳондарё экспедициясидан қайтиш чоғида олим Жиззах шаҳридан 18 км жануброқда жойлашган Такалисой қоя тош суратларини ҳам ўрганиб бу ҳудудда инсонлар тош давридан бошлаб яшаб келаётганликларига оид фикрларни маълум қиласди.

Ўзбекистон археологияси тадқиқотларига табиий фанлар усувларини жорий килиш, бунинг натижасида нодир топилмаларни реставрация ва консервация қилиш ишларида ҳам Яҳё Ғуломов жонбозлик кўрсатди.

Маълумки, 1965 йили Афросиёб ёдгорлигига илк ўрта асрлардаги Самарқанд ҳокими Вархуманнинг муҳташам саройи очилади. Сарой деворлари тақрорланмас рангтасвир суратлар билан безатилган эди. Лекин республикада ушбу қимматли топилмаларни юксак савияда кўчириб оладиган тажрибали таъмирчи, санъатшунослар этишмаслиги сабабли, топилмаларни очиш маълум муддатга кечикирилади. Яҳё Ғуломов ташаббуси билан 1966 йилда ЎзРФА тарих ва археология институти қошида кимё технология тадқиқотлари ва консервациялаш лабораторияси ташкил этилади. Эндиликда бу лаборатория ЎзРФАнинг Яҳё Ғуломов номи билан аталувчи Археология институти бўлимига айланган. Мазкур бўлим олимлари ишлаб чиқсан кимёвий таъмирлаш усувлари туфайли кўпгина санъат обидалари, жумладан жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бўлган Афросиёб, Варахша, Зартепа, Тавка, Жартепа тасвирий санъат асарлари, Сополлитепа, Куёвқўрғон хайкаллари, турли ёзув маданияти наъмуналари сақлаб қолинди ва ҳалқимизнинг маданий меросига айланди.

Ўзбекистон археологиясида қадимги ва ўрта асрлар қурилиш материаллари технологиясини ўрганиш учун табиий ва техник фанлар усулларидан фойдаланиш ҳам Яхё Гуломов томонидан таклиф этилган. Республикаиз ҳудудида кенг археологик қазиш ишлари натижасида жуда бой археологик топилмалар очилиб, шиша, сопол, глазур ва бошқа ишлаб чиқариш турлари қадимги ишлаб чиқариш соҳаларининг юқори даражада ривожланганигидан далолат беради. Яхё Гуломов тавсияси билан кимё-аналитик усуллари дастлаб Фарғона вилоятидаги Қува шахристонидан топилган ўрта аср шиша буюмлари таркибини ўрганишда қўлланилган. Бу тадқиқотлар натижаси ижобий тугалланди ва ушбу усулни бошқа ёдгорликлардаги шиша буюмларини ўрганишда қўлланилишига имкон берди. Тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, Ўрта Осиё қадимги Шарқ цивилизациясидаги ривожланган мамлакатлар таъсири остида шаклланган йирик ва илк шиша ишлаб чиқариш марказларидан бири бўлган, кейинчалик эса, аста-секин, милоддан аввалги I минг йиллик охири - милодий 1 минг йиллик бошларида, мустақил ривожланишга ўтган. Илк ўрта асрларда бошлаб эса Ўрта Осиё шишининг кимёвий таркиби минтақадаги деярли барча шаҳарларга ўтиб кетди. Ушбу шиша таркибининг бир қисми хатто меъморчилик керамикасига ўтиб кетган бўлиб, дунёдаги мўжизалардан ҳисобланган Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар ёдгорликларидаги маёлика ва мозаика плиткаларидаги сир кўринишида тарқалди[5].

Наманган вилояти Тўракўрон туманида жойлашган қадимги Ахсикент шахристони харобаларнни ўрганиш ҳам Яхё Гуломовнинг раҳбарлиги остида олиб борилган. Шахристондаги арк топилмалари бир неча босқичга ажратилади. Кўйи маданий қатламлар милоддан аввалги II-I асрларга оид ва милодий I-IV асрларга оид керамика материалларидан иборат. Кейинги босқич милодий VI-VIII асрлардаги арк хаёти билан боғлиқ. X асрга оид маданий қатлам алоҳида кўзга ташланади. Шаҳарнинг сўнгги даври XII аср охири XIII аср бошларига тўғри келади. Ахсикент шахристони харобаларини ўрганиш борасида Фарғона шаҳарларидаги арклар тузилишида янги сахифа очилди, фортификация тарихи, Фарғона ахолиси моддий маданияти бўйича янги маълумотлар тўпланди. Бу ишлар жараёнида Яхё Гуломов археолог олимларга етакчилик қилиб турди ва ўз тавсияларини аямади.

Бугунги кунда Яхё Гуломовнинг илмий ишлари Ўзбекистон тарихи, археологияси, этнографияси зарваракларини очиб беради, ёш авлод онгида ўз тарихимиз, миллий меросимизга бекиёс ҳурмат ва fuurur хиссини тарбиялайди, уларни ўрганишга, келажак авлодларга етказишга ундаиди.

Адабиётлар:

1. Каримов И. “Юкесак билимили ва интелектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий этириш ва модеринизация қилишнинг энг муҳим шарти мавзусидаги нутқи.”// “Халқ сўзи” газетаси. 18.02.2012 йил.
2. История -материальной культуры Узбекистана. Ташкент - Вып. №29. 1998. с. 5.
3. Фулямов Я.. Кладбище Кулпин-Сар. \\ История -материальной культуры Узбекистана. Ташкент, Вып №2. 1961–с.12.
4. Абдуразаков А. Я, Гулямов и применение естественно - научных методов в археологии Узбекистана. Ташкент: “Фан” 1988. с-11
5. Ўша жойда 11-бет
6. Ўша жойда. 13-бет

ХХ АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА САМАРҚАНДДАГИ МАДАНИЙ- МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти куч билан ўрнатилгач ўлка маданий ҳаёти ўзига хос зиддиятли, бир-бирини инкор этувчи, салбий ва ижобий ҳолатларнинг ўзаро кураши тарзида намоён бўлди. Шунинг учун ҳам бу даврдаги маънавий-мафкуравий ҳолат Туркистонда ўша йилларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда рўй берадиган мураккаб жараёнларнинг мантиқий ўхшашлиги билан ҳамоҳанг бўлган эди.

Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки йилларида ўлкада зўр бериб ўз мафкурасини тарғибот қилишга эътибор қаратди. Шунинг баробарида дастлабки йилларданоқ бу ерда маданият муассасалари саналган театр, кутубхона, қироатхона, музей, клуб, чойхона, кабилар ташкил этиш билан боғлиқ амалий вазифалар Самарқандда ҳам бажарилди[1.16]. Мазкур маданий муассасаларда сиёсий тарғибот ишлари олиб борилишига катта эътибор берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистонда ташкил қилинган барча оқартув муассасаларининг ижтимоий ўрни ва роли партия VIII съезди қарори асосида белгилаб берилди ва бу муассасалар зиммасига дунёнинг биронта мамлакатида бўлмаган вазифа юкланди. Натижада, маданий-оқартув муассасалари кенг ҳалқ оммасини сиёсий-вағоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларда большевистик ақидаларга нисбатан ишончни шакллантириш ва шу йўл билан хукмрон большевикларнинг сиёсий-ғоявий мавқиени мустаҳкамлаш ишига сафарбар қилинди[5.277].

Бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб ўтказила бошланган бундай сиёсий-маданий тадбирлар азалдан муҳим ҳудуд саналиб келинган Самарқанд вилоятида ҳам кенг миқёсида амалга оширилди. Бу даврда Самарқандда бошқа ҳудудлардан фарқли ўлароқ маданий муассаса саналган театрлар тармоғи нисбатан кўплиги билан ажralиб турди. Самарқанд вилоятидаги театрлар асосан шаҳар қисмларида ва тарихий жиҳатдан ўз даврида муҳим аҳамият касб этувчи ҳудуд ҳисобланган Каттақўрғонда фаолият юрита бошлади. Самарқанд шаҳридаги ҳозирги Ҳамид Олимжон номидаги вилоят театри, А.Чехов номли театр ва А.Мажидий номидаги Каттақўрғон театрлари мана шундай муассасалардан эди.

Шунингдек, совет хукмрон доиралари ҳалқ орасида тарғибот ишларини кучайтириш учун анъанавий чойхоналардан ҳам фойдаланишга киришди. Халқнинг йиғилиб, ижтимоий мулокот ўрнатиш жойи бўлган чойхоналарни “қизил чойхоналар” деб атаб, уларда газеталарни ўқиб бериш, ижтимоий-сиёсий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш ҳамда саводсизликни тугатиш мактаблари ишини йўлга қўйган эди. Бундан ташқари, ушбу чойхоналарда совет ҳокимияти ўрнатилиши билан боғлиқ байрамларни нишонлаш, биргаликда радио эшлиши ва кинофильмлар кўришни ташкил этиб, бу усуслар орқали биринчи навбатда ҳалқни ўз ғояси атрофида жипслаштиришни мақсад қилган. “Қизил чойхоналар” ҳар қандай солиқлардан озод қилиниб, улар плакат, шиор ва китоблар билан таъминлаб турилган. Уларнинг сони йилдан-йилга ошиб борган. 1924 йилга келиб Туркистонда бундай муассасаларнинг сони 200 тага етган[4.277]. бўлса, 1925 йилда Самарқандда уларнинг сони 48 тага етди[4.50].

Самарқанд вилоят архивида ҳам ушбу даврга оид бўлган бир қатор тарихий маълумотлар сақланиб келинмоқда. Ушбу маълумотлар орасида советлар ҳокимияти даврида вилоятда мавжуд бўлган бир қатор маданий-маърифий муассасалар фаолиятига оид бўлган маълумотлар сақланиб қолган. Унга кўра, ўлкадаги сиёсий ва ижтимоий жараёнларни тарғиб қилишга қаратилган клублар фаолияти Самарқанд

вилоятида ҳам ташкил қилина борди. Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки даврда 11 та мана шундай клублар ташкил қилинди[2]. 1923 йилга келиб бундай клублар Каттакўрғон ва Хўжанд (1 май клуби номли) шаҳарларида ҳам ташкил этилди[3]. Ташкил қилинган клублар бир хил кўриниш ва иш фаолиятидан иборат бўлиб, унда кутубхоналар, спорт машғулотлари ташкил этилган. Келтирилган маълумотларга кўра бу ердаги кутубхоналарда китоблар етишмовчилиги мавжуд бўлиб, борлари ҳам давр руҳидан келиб чиқсан ҳолда замонасини улуғловчи адабиётлардан иборат бўлган. Клубларда жамланган газета номлари фикримизнинг яққол исботидир. Яъни Самарқандд мавжуд бўлган клубларда бу даврда “Пролетарий”, “Туркправда”, “Рабочая газета” каби рус тилидаги газеталар бўлиб ўзбек тилида фақатгина “Зарафшон” газетаси ўқувчилар ихтиёрида эди. Тарихимиздан маълумки, бундай муассасалар партия ихтиёрида бўлиб жойлардаги унинг таянчи ва асосий тарғибот бригадаларини ташкил қилган. Вақт ўтиши билан совет ҳокимияти ўлкада бошланган маданий қурилиш жараёнида ўз мафкурасини маҳаллий аҳолига сингдириш ва уни тарғиб қилиш жараёнига эътибор “кучайтирилди”.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, маданий ҳаётдаги ўзгаришлар аҳолининг барча қатламини тўлиқ қоплай олмади, чунки шаклланиш босқичида бўлган “пролетар” маданияти ва устун мавқега эга бўлган анъанавий маданият ўртасидаги тавофтут катта эди. Совет ҳокимияти коммунистик жамият қуриш учун маданий муассасалар фаолияти орқали ҳалқ орасида ўз ғояларини ёйиш, ҳалқнинг дунёқарашига таъсир ўтказиш ва ҳалқни коммунистик ғоялар асосида бирлаштиришни мақсад қилган эди. Бу даврда маданий муассасалар зиддиятли равишда ривожланди, бир томондан улар аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш йўлида фаолият юритган бўлса, иккинчи томондан вазифаларига синфиийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда ёндашди.

Адабиётлар:

1. Культурное строительство в Самаркандской области в 1925-1941 гг.
Автореферат. к.и.н.Самибаев К.Х.
2. Пролетарий газетаси. 1923 йил 5 июнь.
3. Пролетарий газетаси. 1923 йил 19 июнь.
4. Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. Т., “Ўқитувчи”. 1992.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., Шарқ. 2000.

Насруллаев М.И.
Самарқанд давлат университети

МАҲАЛЛАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш кенг ҳалқ оммасини бошқарув жараёнларида фаол иштирокини таъминлашни Ўзбекистонда маҳалла қадриятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маҳалла тарихий категория бўлиб, бизнингча у 3000 дан ортиқ йил илгари шаклланиб, ўтган барча вақт давомида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида катта ва муҳим роль ўйнаб келмоқда. Маҳалланинг шаклланиш жараёни, вақти ҳақида ёзма манбаларда аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Шу сабабли биз ўша давр манбаларини ўрганиб, уларни қиёсий таҳлил қилиш асосидагина бу масалага маълум даражада ойдинлик киритишимиз мумкин.

Сополлитепада амалга оширилган археологик тадқиқотлар даврида топилган ашёлар ушбу объект 8 та катта оиланинг манзилгоҳи бўлғанлигини кўрсатади. Ушбу оилалар патриархал тизим асосида жуфтликлардан иборат бир неча кичик оилаларни бирлаштирган. Кейинчалик ёзилган мамлакатимиз тарихининг энг қадими махаллий ёзма манбаси бўлмиш “Авесто”да кўрсатилишича, бундай йирик оилалар “нмана” деб аталиб, оила бошлиғи “нманапати” номи билан юритилган. “Нмана”лар эса улардан йирик “вис” деб аталувчи жамоаларга бирлашиб, уларга “виспати”лар раҳбарлик қилишган. “Нманапати” ва “виспати”лар бир вақтнинг ўзида ҳам диний ҳам дунёвий бошлиқ бўлишган. [1] Ҳукмрон дин ҳисобланган зардўштийлик динида жамоавийлик туйғуси ниҳоятда кучли намоён бўлиб, бу ҳолат ўша давр жамиятининг шаклланишида жуда катта роль ўйнаган эди.

Жамиятнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларининг ўсгани сари аҳолининг мулкий табақалланиши чуқурлашиб борган. Дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, айирбошлаш ва савдонинг тараққий этиши натижасида аста – секинлик билан йирик аҳоли яшаш манзилгоҳлари – шаҳарлар шаклланган. Ҳозирги Ўзбекистон худудларида шаҳарчилик маданияти талабларига жавоб берадиган ва таҳминан 3500 йил илгари биринчи бўлиб вужудга келган шаҳар Жарқўтон шаҳри ҳисобланади. Асосий аҳоли қатламини қон-қариндошлар ташкил қилган уруғ манзилгоҳларидан фарқли равишда шаҳарлар аҳолиси бошқача тамойиллар асосида шаклланган эди. Маълумки мамлакатимиз худудларидаги шаҳарлар дехқончилик юқори даражада тараққий этган худудларда, стихияли равишда вужудга келган бозорлар атрофига ва хунармандчили марказларида вужудга келган эди. Айрим ҳолатларда йирик уруғ манзилгоҳлари ҳам шаҳарларга айланган. Лекин бундай ҳолатларда ҳам аҳолининг этник яхлитлиги бошқа уруғ ва қабилалар вакиллари кўчиб келиб ўрнашиши муносабати билан тез орада барҳам топган. Аксарият ҳолатларда шаҳарни ташкил қилган худудларга биринчи бўлиб тижоратчилар ва хунармандлар келиб ўрнашганлар. Шаҳар манзилгоҳларининг кенгайиши натижасида улар нафакат савдо-хунармандчилик, балки маданий ва маъмурий марказларга ҳам айлана бошлайдилар. Натижада касбий жиҳатдан шаҳар аҳолисининг хилма-хиллиги борган сари ошиб борган. Чунки шаҳарга дастлаб келиб ўрнашган тижоратчи ва хунармандлар қаторига ҳарбийлар, амалдорлар, коҳинлар ва уларга хизмат қилувчилар кўшила бошлаганлар. Бундан ташқари шаҳар аҳолисининг бир қисми дехқончилик билан шуғулланишни ҳам давом эттирган. Шу билан бирга хунармандлар ҳам дехқончиликдан тўла ажралмаганлар. Уларнинг каттагина қисми ҳатто XX асрнинг бошларига қадар ҳам ўз касблари билан бир қаторда дехқончилик билан шуғулланишни канда қилмаганлар. [2]

Ўз уруғи доирасида яшаган инсон яшashi, меҳнат қилиши, турли урф-одатларга амал қилиши, фарзанд тарбияси ва таълими, ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ барча муаммоларни уруғда ўрнатилган тартиб, қоида, анъаналар асосида ҳал қилган. У ёки бу сабабга кўра уруғини тарқ этиб шаҳарга кўчиб келган шахс ўз уруғида одатланган турмуш тарзидан ва жамоа доирасида амалга ошириладиган ижтимоий ҳаёт қоидаларидан ажралиб қолган. Бундай муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжи турли уруғ ва қабилалар вакилларининг ижтимоий қоида ва анъаналарини эътиборга олган ҳолда шакллантирилган махаллани юзага келишини тақозо қилган. Демак, махалла шаҳар билан бир вақтда вужудга келган десак хато қилмаймиз. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё уруғларидаги уюшқоқлик, жамоатчилик даражаси азалдан бошқа худудларнига нисбатан анча юқори бўлган. Бундай ҳолат кўп жиҳатдан яшаш шароити билан белгиланган. Ўрта Осиёнинг қадими цивилизацияси асосан дехқончиликка асосланган бўлиб, бу тармоқ сунъий сугоришсиз ривожлана олмас эди. Ирригация иншоотларини эса фақат йирик жамоаларга суянган ҳолда барпо этиш

мумкин эди. Бундан ташқари Ўрта Осиёдан ўтрок аҳоли ва қўчманчилар ҳудудлари чегараси ўтган эди. Кўчманчиларнинг ўтрок аҳолига нисбатан тажовузкорона харакатлари, улардан бутун кучни тўплаб, ҳимояни ташкил қилишни талаб этар эди. Бундай вазифа ва муаммоларнинг катта қисми шаҳарликлар зиммасига тушган. Давлат бошқарув органлари шаклланишининг дастлабки даврларида бу органлар на ташкилий, на иқтисоддий жиҳатдан бундай муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлмаганлари сабабли, шаҳар аҳолиси бу ишларни бажаришни жамоатчилик асосида амалга оширишга мажбур бўлган. Юзага келган муаммоларни жамоатчилик кучи билан ҳал қилишнинг бундай шакли сифатида айнан маҳалла дунёга келган.

Маҳалла этник белгига кўра ҳам вужудга келиши мумкин бўлган. У ёки бу этник гурухнинг вакиллари ўзлари учун бегона бўлган ижтимоий ва этник муҳитга тушиб қолганларида, улар бир жойда компакт яшашга интилганлар. Бундай вазиятда вужудга келган маҳалла этник бирлик тамойили асосида шаклланган. Лекин, бундай ҳолат ҳам бу маҳаллаларнинг бошқаларидан тўласинча ажralган ҳолатда яшашини таъминламаган. Тез орада шаҳар аҳолисининг сон жиҳатдан ўсиши шароитида бу маҳаллаларда ҳам этник хилма-хиллик кузатилган. Маҳалла ўз шаклланишининг дастлабки босқичида этник асосга эга бўлганлигини ҳозир уларнинг “Туркман”, “Ургути”, “Урганжи”, “Кўнғирот” каби номлари эслатиб турари холос.

Маҳалла вужудга келишининг яна бир бошқа йўли, уларнинг касбий, ишлаб-чиқариш белгисига кўра шаклланиши ҳисобланади. Бунда у ёки бу касбнинг эгалари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, тайёр маҳсулотни сотиш билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал қилиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб бир жойда яшашга ҳаракат қилганлар ва шу асосда маҳалла шакллантирганлар.

Маҳалла тўғрисида “Авесто”да тўғридан тўғри гапирилмаган бўлсада, унга ишоралар мавжуд. Китобда патриархал оила - “нмана”ва уруғ - “вис” билан бир қаторда оиласдан катта, лекин уруғдан кичикроқ бўлган, юзга яқин эркакларни қамраб олган “нафа” деб номланган жамоа тилга олинган. Жамоа ўзига тегишли экинзор ва яйловларга эгалик қилган Ушбу жамоанинг раҳбари “нафапати” деб номланган.[3] Фикримизча, ушбу “нафа” жамоаси айнан маҳалланинг ўзиdir. Чунки “нафа”даги муносабатлар асосида уруғга хос бўлган қон- қариндошлик муносабатлари билан бир қаторда хўжалик ва худудий алоқалар ҳам ётган.

Грек муаллифлар, Самарқандда тўқимачилик, қулолчилик ва темирга ишлов беришнинг жуда тараққий этганлиги ҳақида гапириш билан бир қаторда ушбу касб усталарининг компакт яшаганлари ҳақида маълумот берганлар. Бундай кварталларда аҳоли томонидан сайланган оқсоқоллар ҳам бўлган. Улар ижтимоий характерга эга бўлган барча тадбирларга раҳбарлик қилганлар ва шу билан бирга диний раҳбар ҳам ҳисобланганлар. Демак уларнинг функциялари кўп жиҳатдан “нафапати” вазифаларига ўхшаб кетган.

Самарқанд бу даврда мамлакатимизнинг энг йирик ва машҳур шаҳри бўлган. Шаҳар ўша вақтда ҳозир Афросиёб деб ном олган жойда жойлашган эди. Археологлар фикрича шаҳар 200 гектарга яқин майдонни эгаллаган бўлиб, узунлиги 12,5 км бўлган баланд ва кенг деворлар билан ўраб олинган эди.[4] Антик давр тарихчиларининг хабар беришича ҳудуднинг бошқа йирик шаҳарлари қатори Самарқандда ҳам маҳаллий аҳоли билан бир қаторда греклар, форслар, бақтрияликлар ва бошқа этнослар вакиллари истиқомат қилишган.

Ўрта Осиёни истило қилган араблар маҳаллани ислоҳ қилиш орқали ундан халифалик ҳукмронлигини сақлаш ва ислом дини таъсир доирасини кенгайтириш ва кучайтиришда фойдаланиш мумкинлигини жуда тез англалилар. Арабларгача бу қадрият зардўшийлик дини ва маҳаллий ҳокимиятга хизмат қилганлиги сабабли унда маҳалла оқсоқоли ҳам диний, ҳам дунёвий раҳбар бўлган. Шу сабабли ҳар бир маҳалла

қошида мавжуд бўлган мачитларга имомлик қилишни араблар ҳатто ислом динини қабул қилган бўлсада сидқидил мусулмон бўлганлигига унча ишонмаган оқсоқолларга топширмаганлар. Натижада маҳаллада диний ва дунёвий раҳбарлик бир-биридан ажратилган. Ана шу вақтдан эътиборан маҳалла ҳёти ва фаолиятининг асосида ислом маънавияти ётган янги давр бошланади.

Адабиётлар:

1. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. “Ватан тарихи”, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997, 31-32 бб.
2. История Узбекистана.том 3, Ташкент, “Фан”, 1993, стр.121.
3. Гафуров Б. “Таджики”, кн.1, Душанбе “Ирфон”, 1989, стр, 68.

**Нуридинова Т. С.
Государственный музей искусств Узбекистана**

ДЕТСКИЕ ИГРУШКИ – СВИДЕТЕЛИ ВЫСОКОЙ КУЛЬТУРЫ ДЕТСКОГО ВОСПИТАНИЯ НАСЕЛЕНИЯ МАВАРАУННАХРА

При археологических раскопках на территории древнего городища Афрасиаб были найдены фрагменты детских погремушек – «шикилдок» или «шакшака» и свистульки – хуштак изготовленные из хорошо отмученной глины, а внутри которых были положены мелкие камушки, для того чтобы дать звуки. Игрушки эти изображали домашних или диких животных и они были наглядными пособиями и дидактическими материалами, которые помогали раннему развитию у детей интеллекта и мышления. Так, видимо мать давала своеобразные уроки помогающие проникнуть в мир.

Известно, что каждая игрушка в жизни ребенка имеет большое воспитательное значение. Она может нести в себе идею добра и патриотизма, любви и уважения к национальным ценностям. Особое место среди них занимают игрушки, изготовленные народными умельцами, знающими, что игрушки должны способствовать развитию ребенка исходя из его значения и содержания. Видимо с приобретением первой погремушки закладывались основы духовного развития ребенка. Этим погремушкам, свистулькам более 1000 лет.

Погремушки – имели целую вытянутую форму ручки с округлым с прорезью набалдашником на конце, куда вставлялся небольшой керамический шарик для звона (Или мелкие камушки: размеры дл.9 см, ширина набалдашника 5,5 см).

В фонде Государственного музея искусств Узбекистана хранятся фрагменты погремушек, которые были найдены при археологических исследованиях известного археолога А. И. Тереножкина в 1947 году на городище Афрасиаб.

Ниже приводится их краткое описание из учетных книг музея.

1. Фрагмент детской погремушки в виде птицы. Она изготовлена из серой глины, тесто посредственной отмучки.
2. Погремушка изготовлена из розоватой глины. Отсутствуют части туловища животного, не ангобирована.
3. Погремушка в виде животного, изготовлена из серой глины.
4. Фрагмент погремушки в виде животного. Сделана из серой глины. Тесто посредственной отмычки, пористое.
5. Погремушка сделана из коричневатой глины, но не ангобирована.
6. В фонде музея имеются терракотовая фигура барана, сделанная из коричневатой глины, тесто хорошей отмычки, серый ангоб, размер 9x5 см,
7. Терракотовая фигура верблюда с наездником, сделана из серой глины.

При археологических раскопках древнего города Пайкенда расположенного в Бухарском оазисе найдены керамические изделия из зеленой поливой. Они представлены в виде миниатюрных форм фляжек - мустахара, кувшинчиков, полусферических чаш и светильников, так же выполнявшихся в подражание своим более крупным, но керамическим

прототипам в той же степени могут быть отнесены к игрушечной посуде¹.

Найдены много фрагментов погремушек, штампованных фигурок рыб, птиц и разных животных в виде водолеев, которые тоже являются детскими игрушками. Н.П. Кипарисова отмечает подражательный характер «игрушек-водолеев» их более крупным бронзовым и «керамических прототипам.² Так же встречаются находки наборов и единичные экземпляры игрушечной посуды, относящихся к средневековью и для других городских центров Средней Азии и в частности Афрасиабу.³

Г.В. Шишкина считает, что миниатюрные сосудики с крестчатым бортиком, копирующие форму крупных бронзовых котлов- усмадоны.⁴

Заслуживают внимания в этом плане данные первых исследований известного этнографа Средней Азии Е.М. Пещеровой гончарного производства в том числе и детских игрушек у горных таджиков. Она отмечает, что «везде, где изготавливались посуды из глины, кроме предметов хозяйственного назначения в большом количестве делались игрушки, которые изображали или предметы домашней утвари или домашних и диких животных. Первые употреблялись для игр девочками, а вторые – мальчиками. Кукольное хозяйство девочек имело полный набор предметов хозяйственного назначения их матерей – миски для заквашивания молока, маслобойки, чашки для прокалывания масла, маленькие котлы, светильники, колыбельки, даже горшочки к ним.

Гончарная печь наряду с бытовой и хозяйственной посудой производила комплекты детских игрушек. Находки их во многих фрагментированных экземплярах на территории рабата являлись местом широкой оптовой торговли также свидетельствует, что эти игрушки являлись предметом вывоза. Так же данные изделия, представляющие из себя не единичные находки, а целый набор или вернее часть не большого комплекса детских игрушек- являются свидетельством высокой культуры детского воспитания населения Пайкенда и Бухарского оазиса эпохи наивысшего расцвета исламской цивилизации.

Нурқулова Р.Р., Ақчаев Ф.Ш.
Жиззах давлат педагогика институти

БУХОРО ХОНЛИГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ ҲАЁТИДА ХЎЖА АБУ БАКР САЪДНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Хўжа Абу Бакр Саъд Жўйборий хожалар хонадони ва “Нақшбандия-хожагон” тариқатининг йирик вакили бўлиб, у нафақат шу хонадон доирасида, балки мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

У ўз даврида Бухоро хонлигининг шайхулисломи Хўжа Мухаммад Исломнинг қонуний вориси сифатида хонадонга тегишли барча мол-мулкларнинг ҳақиқий

¹Мирзаахмедов Д.К. Ёще раз к вопросу керамики с зеленой поливой из Пайкенда. ИМКУ, с 117.

²Кипарисова Н.П. Игрушки- водолеи из Пайкенда. Советский археология. Том. 10. Москва-Ленинград, 1948.

³Мирзаахмедов Д.К. Ёще раз к вопросу керамики с зеленой поливой из Пайкенда. ИМКУ, с. 117.

⁴Шишкина Г.В. Ремесленная продукция средневекового Согда. Ташкент, 1986. с.113

меросхўри саналган[3:30]. Хўжа Муҳаммад Ислом, темурийзодаларнинг йирик вакилларидан бири амир Муҳаммад Тумоннинг қизига уйланган бўлиб, Хўжа Абу Бақр Саъд эса ушбу амирнинг набираси эди. Отасидан катта бойликни мерос қилиб олган Хўжа Абу Бақр Саъд мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юқори мавқени эгаллаб, отасининг фаолиятини давом эттиради ва ўз даврида кенг омма орасида Хўжа Калон номи билан ҳам эъзозланади.

Унинг Бухоро хонлигида катта нуфузга эга эканлигини қуида келтирилган парчадаги воқеадан ҳам кўриш мумкин: “...Олий ҳазрат ҳоқон Абдуллахонни оқ кигизга ўтқаздилар, кигизнинг бир учини салтанат устуни амир Қулбобо кўкалдош, иккинчи учини – давлатнинг суюклиси Турдикахон, учинчи учини Сайид Ҳасанхўжа Накиб, тўртинчи учини эса қутблар қутби, саййидлар панохи Калонхўжа ўзининг марҳаматли қўллари или тутдилар”[2:85]. У умри давомида Абдуллахоннинг сиёсий фаолиятини доимо қўллаб-куватлаб, унинг ҳокимиятни янада мустаҳкамлашига кўмак берди.

Хўжа Абу Бақр Саъд хонлик ҳудудида тинчлик ва осойишталикни таъминлашга доимо ҳаракат қилиш билан бир қаторда дехқончилик, чорвачилик, савдо ва хунармандчиликнинг ривожланишига катта ҳисса кўшди. У сувсиз ерларга сув олиб бориб, уларга “жон” киритди. Обод экин майдонларига айлантириди.

У давлат миқёсида катта обрў, нуфуз ва бойликларга эга бўлса-да, ҳеч қачон одоб доирасидан чиқмаслиги ушбу асарда шундай изоҳланади: “Ўзини қўл остидаги кишилари билан баробар ҳисоблайди... хос ва авомдан ҳеч киши у билан учрашганда саломлашиш фарзини адо этишда ул қутли шавкат ва муборак хумоюндан саломи аввал бўлмайди”[2:81] деган фикрларни келтирилиши унинг чин инсоний фазилатлари қанчалик юксак даражада эканлигидан далолат беради.

Абдуллахоннинг Хўжа Абу Бақр Саъдга ихлоси ва эътиқоди кучлилигидан ўзи яшайдиган маҳалланинг атрофларидан, унга обод қишлоқлар ажратиб берди. Хўжа Калон бу ҳадяни қабул қилмай, “зироатсиз” ёлғиз, “ўлик” бир ердан, бир парчагина қабул қилди, холос. У ерга бир қанча ариклар қаздиртириб, сув келтирди ва чиройли боғларни барпо қилди ҳамда бу билан ўша ерларга жон киритди”[2:83].

Хўжа Абу Бақр Саъд доимо ўзининг катта бойлиги ҳисобидан муҳтоҷ кишиларнинг ҳожатларини чиқаришда ёрдам бериб турар эди. Хўжа Калон “...ҳамиша муҳтоҷлик сахросида ташна бўлганларга меҳрибонлигининг тиник суви билан сероб қиларди; уларнинг ҳожатларини чиқаришда ва ҳаражатларини кўтаришга нихоятда тиришарди”[2:84].

Бундан ташқари, “Жўйбор шайхлари” асарида келтирилган маълумотларга кўра, Хўжа Абу Бақр Саъд ҳар куни 1000 та нон ёптиритириб, муҳтоҷлар ва мадрасаларда таҳсил олувчи талабаларга тарқатишни буюаради. Бу тадбирлар Хўжа Абу Бақр Саъднинг оддий ҳалқ орасидаги обрў-эътиборини янада ошишига сабаб бўлган.

Хўжа Абу Бақр Саъд ўз маблағлари эвазидан янги-янги дўконлар, устахоналар, пилла ва пахтани қайта ишлаб, матолар тўқийдиган хунармандчилик марказларини сотиб олар эди. Бизгача сақланиб келган “Жўйбор шайхлари архиви”даги маълумотларга кўра, Хўжа Абу Бақр Саъд янги дўконлар ва хунармандчилик устахоналари жойлашган жойларни катта ер майдонлари билан бирга сотиб олган, бу эса ўша давр учун муҳим бўлган ишлаб чиқаришни кенгайтириб ҳалқнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш билан бир қаторда савдо-сотиқнинг кенг ривожланишига ҳам замин яратган.

Бу ҳақда юқоридаги хужжатларда: Мирза Муҳаммадиёрнинг “Бухоронинг Кўхна қальяси ташқарисида, Ғазонон маҳалласида жойлашган меросий еримни, учта уйи, даҳлизи, иккита болохонаси билан қўшиб, Хўжа Абу Бақр Саъд Хўжа Муҳаммад Ислом ўғлига узил-кесил, қонуний, бузиб бўлмас савдо билан, соғ кумушдан зарб

қилинган бир мисқоллик 160 тангага сотдим”[1:81], – дейилганлиги тўғрисидаги васиқа қозоzi сақланган.

Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Хўжа Абу Бакр Саъд жуда катта ер майдонини ўз ичига олган уйлар ва ҳовлиларни ҳам қиммат нархларда бўлсада сотиб олган. Бизнингча, бу уй ва ҳовлилар яшаш учун эмас, балки шаҳарга савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишга келган савдогарларга меҳмонхона вазифасини ўтаган.

Шундай қилиб, XVI асрнинг иккинчи ярмида Хўжа Абу Бакр Саъд ўзининг чексиз даражадаги мол-мулки билан Бухоро хонлигининг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, маҳаллий савдо ва ҳунармандчилик каби соҳалар ривожига ўзининг ҳиссасини қўшиб, оддий ҳунарманд аҳолини доимий иш билан таъминланишига чексиз ҳисса қўшган.

Адабиётлар:

1. Аҳмедов Б. Ўзбекистоннинг тарихий манбалари. Тошкент.: “Ўқитувчи”, 2001, 81 бет.
2. Бухорий Ҳофиз Таниш. “Абдулланома”, Биринчи китоб. Тошкент.: 1999, 85 бет.
3. Тўраев X. Абдураҳим Хўжа Жўйборий, “Бухоро мавжлари”, Бухоро, 2004, № 4, 30 бет.

Омонов Ш.А.

Самарқанд Автомобил ва йўллар коллежи

ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ТОШ ИНДУСТРИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК УСЛУБЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Археология фанида палеолит даври тош қуролларини тадқиқ қилишнинг уч хил йўналиши мавжуд, улар типологик, трасологик ва технологик усувларидан. Улар тош артефактни даврини ва ясаш усувларини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Ибтидоий давр меҳнат қуролларини ясаш технологияларига қизиқиш Францияда Буше-де-Перт томонидан “биринчи қурол”- шелль даври қўл чўқморининг топишидан бошланган. Д. Эванц, Э. Ларте, Г. де-Мортилье, Л. Капитан, Э.Пьетт, А. Вайзон, Л. Пфейффер, В.А. Городцовлар жаҳонда биринчи марта эксперименталь тарзда кремнийдан худди қадимию тош қуроллар каби қуроллар ясашган. Кейинчалик тошга ишлов беришнинг эксперименталь ишларини М. Кутье, Ф. Борд, А. Барднес, Д. Баден-Пауэлл,Ж. Рид-Мойор, Ф. Ноулис ва Л. Ликилар давом эттиришган (Семенов, 1957.С. 5). Тош қуроллар ясаш техникаси ва технологиялари услублари ва типлари хусусидаги фикрла биринчи навбатда экспериментал метод орқали исботланади. Бу борада Фарбий Европалик археологларнинг ўрни муҳим. Ўтган асрнинг 20 йилларидан бошлаб кўплаб инглиз олимлари қаттиқ тоғ жинслар устида тош чақмоқлаш борасида тажрибаларни ўтказа бошладилар. Улар орасида X. Мюллэр, Л. Коутерларнинг тадқиқодлари самаралидир.

Фарб палеолитшунослигида Франсуа Бордеснинг бу борадаги илмий иши анча салмоқли. У ўзидан илгариги ва замондошларининг қадимги тош даври технологияларини тиклаш борасидаги экспериментал ёндашувларининг камчиликларини аниқлаш билан бирга янгиликлар ҳам киритган. Ф. Бордеснинг фикрича, “уларнинг асосий камчилиги чақмоқлашнинг назарий принциплари деярли тўлиқ ифодалаб берилмаган.

Тош даври тош қуролларини ясаш техникаси ва технологиялари бўйича илмий тадқиқотлар Россия Фанлар Академияси Моддий маданият тарихи институти Санкт-Петербург бўлимида жойлашган С.А. Семенов томонидан ўтган асрнинг 50-йилларида асос солинган лаборатория томонидан бошлаб берилган эди(Скакун, Васильев, Плиссон, Клод, 2010). Ўтган вақт мобайнида соҳа бўйича Россияяда йирик технологлар мактаби етишиб чиқди (Щелинский, 2011). Бу мактаб вакиллари кўпроқ ўз устозлари изидан бориб тош қуролларни таҳлил қилишда трасологик ва типологик методларга эътибор қаратишган. С.А. Семеновга қадар ҳам Россияяда тош қуролларни типларга ажратиш, уларни даврини аниқлашда типологик ва технологик методлардан фойдаланилган (Богаевский, 1936). Лекин бу тадқиқодлар кейинги даврлардек уччалик такомиллашмаган эди.

Типологик методнинг имкониятларини чекланганлиги сабаб тош артефактларнинг ибтидоий технологиясини қайта тиклашда айнан технологик методнинг аҳамияти ортади. Технологияларни тадқиқ қилиш типологик таҳлилни рад ҳам этмайди. Бироқ у археологик комплексда тош инвентар хақидаги янада тўликроқ маълумотларни олишга имконият яратади. Шу жумладан илк технологияларнинг яратувчиларида бу борадаги маданий анъалари хусусида ҳам маълумот беради.

Тош қуролларнинг технологик таҳлили ўз олдига қадимий ишлаб чиқариш, авваламбор унинг асосий тармоқлари, хусусан тош меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш ва ибтидоий одамлардаги маданий тараққиётни ўрганишни кўяди. Технологик ёндашув тош қуроллар ясашнинг барча босқичларини, тош ҳом ашёсини излаб топиш, танлаш, уни манзилгоҳга олиб келишдан тортиб унга дастлабки ишлов бериб, ундан тайёр маҳсулот олишгacha бўлган барча жараёнларни ўз ичига қамраб олади(Щелинский, 2017. С. 7-8).

Тош даври технологияларини ўрганиш бўйича иккинчи йирик мактаб Франция ўтган асрнинг 80 йилларидан бошлаб шаклана бошлади ва унга Ж. Тиксье асос солди. Ҳозирда ушбу мактабнинг йирик вакили Ж. Пелигрин томонидан палеолит даври тош қуролларини ясашда тош ушатғич, суюк ёки шоҳ болға (ҳайвон шохи) каби буюмлар ёрдамида амалга оширилганлиги аниқланди. Ушбу усуллар ёрдамида тош қуроллар ясаш мезонлари ишлаб чиқилди ва дунёнинг қатор ёдгорликлари тош индустряларини тадқиқ қилишда қўлланилди. Натижада бир қатор янги маълумотлар қўлга киритилди. Технологик таҳлил услуби (методи) ишлаб чиқариш усулларига аниқлик киритиш учун ҳам зарур. Зеро турли хил шаклдаги қуроллар ягона технология бўйича, аксинча бир хил шаклдагилари хар хил усуллар ёрдамида тайёрланиши ҳам мумкин(Гиря, 1997.С.7)

Ўтган асрнинг 60-90 йилларида асримиз бошларида Ғарбда ҳам палеолит даври тош қуролларини ўрганишда технологик услублардан фойдаланишга эътибор қаратилган. Уларга Ж. Тиксье вайЖ. Пелигриндан ташқари Ф. Бордес, Д. Крабtre, Люмелей де X, А. Оллье, X. Плиссон, X. Роке, М. Илизан, М. Редурон, Б. Мадсен каби тадқиқодчилар тош қуролларни таҳлил этишда технологик усулларга эътибор қаратганлар.

Археология фанида тош артефактлар устида олиб борилган тадқиқодлар даврида палеолит даври тош қуролларини технологик жиҳатдан тадқиқ қилишнинг ҳам назарий, ҳамамалий (эксприментал) усуллари ишлаб чиқилган. Тош индустряяси техника ва технологиялари лаборатория шароитида эксприментал усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин. Ғарбий Европа ва Россияяда (хусусан собиқ Иттифоқда ҳам) ўтган асрда эксприменталусуллар ўтказилган. Бунинг натижасида палеолит индустряясининг бир нечта босқичлари бўлганлиги аниқланган. Мазкур усуллар ҳамон Марказий Осиё палеолитига қўллаб кўрилмаган. Бундай назарий ва амалий

услублар ёрдамида даври ва характери борасида ечимини топмаётган ва шубҳали бўлган маданиятлар борасида аниқ хулосалар олиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Богаевский Б.Л. История техники. т.І, ч.І.Техника первобытно-коммунистического общества. Изд. АН СССР, М.-Л. 1936
2. Гиря Е. Ю. Технологический анализ каменных индустрий. Методика микромакроанализа древних орудий труда.ч. I. СПб. 1997
3. Семенов С.А. Первобытная техника. Материалы и исследования по Археологии СССР. №54. Изд-во АН СССР, ИИМК, Москва –1957—Ленинград.
4. Скакун Н.Н, Васильев С.А, Плиссон Г., Клод Э. К истокам трасологии: “Первобытная техника” 40 лет спустя: Функциональные исследования и русское наследие / Археологические вести. 16 (2009) СПб. 2010
5. Щелинский В.Е. Экспериментально-трасологическая лаборатория ИИМК РАН:Предыстория, становление и развитие, нынешние реалии/ Записки ИИМК РАН №6 СПб 2011
6. Щелинский В.Е.Цели и методы изучения каменных изделий в археологических комплексах/Древний человек и камень: технология, форма, функция. СПб.2017

Толиб Жўраев,

филология фанлари номзоди.

Рамиз Мусурманов

Пастдарғом ХТБга қарашли74-мактаб ўқитувчиси

**XVII АСР САМАРҚАНД ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА
ЯЛАНГТЎШ БАҲОДИРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

Регистон майдонига кўрк бериб турган Шердор, Тилла кори мадрасаларининг қурилиши XVII асрда шаҳар ҳокими бўлган Баҳодир Ялангтўшибий номи билан боғлиқ. Тарихий манбаларда, жумладан, Малик Шоҳ Ҳусайн Сеистонийнинг “Таърихи ихъя ал мулук” асарида келтирилишича, Ялангтўш Баҳодир ўзбекларнинг олчин уруғидан бўлган. Ҳукмдор шунингдек, Абдулкарим исмини ҳам қўллаган, расмий ҳужжатларда эса Низомуддин Ялангтўшибий Оталиқ номи билан ёрлиқ берган. Отасининг номи Бойхўжа бўлиб, нақшбандия тариқатининг таникли сўфийси Хўжа Ҳошим Даҳбедийнинг муриди бўлган. Ялангтўш Баҳодирнинг уч фарзанди, Иқлимабону ва Ойбиби исмли қизлари ва отасидан 6-7 йил илгари вафот этган Бойбек исмли ўғли бўлган. Ялангтўш Баҳодир ўзи қурдирган Шердор мадрасасида қурувчи сифатида 1619 йили ўз номини ёзиб қолдирган (ўзбек тилидаги таржимаси): “Муҳандис гумбаз аркини тасвиrlаганда кўк ҳайратдан ҳилолни бармоқ каби тишлаб олди, унинг асосчиси Ялангтўш Баҳодир бўлганлиги учун ҳам, қурилиш йили “Ялангтўш Баҳодир” деб номланди”. Бундан англашиладики, мадрасанинг асли номи “Шердор” эмас, балки “Ялангтўш Баҳодир” мадрасаси деб номланган. Ҳар икки мадрасанинг безак услуби ўзига хослиги билан ажralиб туради. Уларда Шарқ меъморчилигига алоҳида санъат даражасига кўтарилган йирик хандасавий сулс, куфий ёзув нақшларидан фойдаланилганлиги жаҳон архитектура санъатида учрамайдиган бетакрор ифодани, Самарқанд обидаларига хос бўлган меъморий услубни юзага келтирган. Шердор мадрасаси пештоқига чизилган оқ охуни қувлаётган қизғиши рангли шер, кўзли доира шаклидаги қуёш тасвиrlарида ботиний маънолар мужассам бўлиб,

буржларга кўра баҳтли келажакка, абжад ҳисобида Ялангтўш Баҳодирга ишора қилиб, мадрасанинг қурилиши бошланган йилни кўрсатиб туради.

Мадрасаларнинг Баҳодир Ялангтўш томонидан қурилганлиги тўғрисидаги маълумотлар бир қатор рус шарқшунос олимлари асарларида ҳам учрайди. А. П. Хорошхин бу ҳақда шундай фикр билдиради: Тиллакори билан Шердор бундан 200 йил олдин Самарқанд ҳокими Ялангтўшибий ёки Ялангтўш Баҳодир томонидан Форсдаги Машҳад шаҳри эгалланганилигидан келган пул ва бойликлар ҳисобига қурилган. Ялангтўш асли ўзбекларнинг олчин бўғинидан бўлган.¹ Яна бир шарқшунос Д. И. Эварницкий А.П.Хорошхиннинг фикрларини тасдиқлади: Тиллакори мачити (мадрасаси) ўзбекларнинг олчин уруғидан бўлган Ялангтўш Баҳодир томонидан насроний тақвимига кўра 1618 йили қурилган. Шердор мачити (мадрасаси) 1616 йили қурилган, Абу Тоҳирхожа келтиришича, ўзбекларнинг олчин уруғидан бўлган, Ялангтўш Баҳодир томонидан қурилган бўлиб, бу бино Регистонда турган учала мачит (мадраса) ҳам энг улуғвори саналади.² П. П. Иванов ўз кузатишларида Ялангтўш Баҳодирнинг хонликда юксак мавқега эга эканлигини таъкидлаб, аштархонийларнинг Бухородаги сиёсий тушкунлиги ўзбек бекларидан бўлган айrim Бухоро феодалларининг ҳарбий-сиёсий қудратининг юксалиши йўлдошлигига кўринди, бундайларга Абдулазиз (1645 – 1648) хоннинг таникли оталифи, Самарқанднинг машҳур Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг қурувчиси бий Ялангтўш мисол бўлади, деб ёзади.³

Элимиз орасида кўп қўлланиладиган “Елканг кун кўрсин!” олқиши шунчаки ўйлаб топилмаган. Елкага ёки яланг тўшга қуёш тушиши замирида ёргуликка, эзгулик ва илиқликка бўлган интилиш англашилган. Бу фалсафа айнан “Ялангтўш Баҳодир” (“Шердор”) мадрасаси манглайида чизилган “елкасида инсон юзли қуёши бўлган шер” тасвирида ҳам кўринган. Ушбу тасвири тўла-тўқис ҳукмдорнинг айнан “Ялангтўш” сифатини ўзида яққол намоён қиласи.

Маълумки, Самарқанд соҳибқирон Амир Темур даврида илм-фан, маданият ва санъат маркази бўлган. Шаҳарнинг маркази бўлган Регистонда савдо-сотик ва ҳунармандчилик расталари жойлашган бўлиб, у ерда дунёнинг турли жойларидан келтирилган моллар билан савдо қилинган. Мирзо Улуғбек ўз ҳукмронлиги даврида илм-фан ривожига алоҳида эътибор қаратиб, бу майдонда салобатли мадраса, унинг ёнида карвонсарой қурдиради. Бу иншоотлар қаршисида қурилган улкан гумбазли сўфийлар ҳонақоси эса ҳудудда тасаввуф таълимотининг ривожланишига, илмий-назарий жиҳатдан мукаммаллашувига хизмат қилган. Даврлар ўтиши билан Регистон ҳудудида қурилган бу иншоотлар нурай бошлагач, XVII асрда Самарқанд ҳокими Ялангтўшибий 1619-1638 йилларда ўз маблағи ҳисобига Улуғбек мадрасаси қаршисида Шердор мадрасасини қурдиради. Орадан ўн йил ўтгач, унинг ёнида жойлашган карвон-сарой ўрнига эса 1649-59 йилларда Тилла кори мадрасасини тиклайди. Шердор мадрасаси тўрт бурчакли шаклда қурилган, ҳовлиси икки қаватдан иборат бўлиб, 52 ҳужрани ўз ичига олган. Бу ерда мадраса талабаларининг шуғулланишлари учун ажратилган маҳсус дарсхоналарда шариат, фиқҳ, тасаввуф илмига оид дарслар ўқитилган. Улугбек

¹ Хорошхин А. П. Сборник статей касающихся Туркестанского края А. П. Хорошхина.. — С.Петербург., 1876.

² Д. И. Эварницкий. Путеводитель по Средней Азии. Отъ Баку до Ташкента.. — Ташкент., 1893. — С. 73-77.

³ П. П. Иванов. Очерки по истории Средней Азии (XVI - середина XIX в.). — Москва, 1958.

томонидан қурдирилган карвонсарой нурай бошлагач, тиклаш имконияти бўлмаганлиги боис унинг ўрнига Тилла кори мадрасаси қурилган. Ишоотда катта масжид жойлашган, унинг тўрида мусулмон одатига кўра қиблага қаратада мармар меҳроб, ўнг тарафида эса мармар зинали баланд минбар қурилган. Бу ерда мадраса талабалари ва маҳаллий аҳоли исломий ибодатларни адо этишган.

Ялангтўш Баҳодир умрининг охиригача Самарқанд заминининг гуллаб-яшнаши, илм-фан ривожи, халқ ҳаётининг фаровонлиги йўлида хизмат қилди, мадрасалар қурдирди. Шарқ гавҳари бўлган Регистон ансамблиниң қурилишига бош-қош бўлди. У Марказий Осиё худудида яшаётган халқларни, жумладан, халқимизни жунғорлар ҳужумидан асрар билан мамлакатларни вайроналикдан, қирғинбартон хунрезликлардан асрар қолди. Шу сабабли бўлса керак қўшни Қозогистон давлатида Баҳодир Ялангтўш номини абадийлаштириш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда, ҳайкаллар тикланмоқда.

Ўтмишнинг XVII асрда Самарқанд билан боғлиқ томонларига аниқликлар киритиш, унда Баҳодир Ялангтўшнинг ҳукмдор, моҳир саркарда, илм-фан ҳомийси, меъморий обидалар ижодкори сифатида тутган ўрнини белгилаш, умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари дарсликларида Ялангтўш Баҳодир фаолияти кенгроқ ўрганилиши, илмий тадқиқот доирасига тортилиши бугунги кун талабига айланди.

Адабиётлар:

1. Хорошхин А. П. Сборник статей касающихся Туркестанского края А. П. Хорошхина. — С.Петербург., 1876.
2. Д. И. Эварницкій. Путеводитель по Средней Азіи. Отъ Баку до Ташкента.. — Ташкент., 1893. — С. 73-77.
3. П. П. Иванов. Очерки по истории Средней Азии (XVI - середина XIX в.). — Москва, 1958.

**Абдуллаев Б.М.
ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти**

ФАРГОНА ВОДИЙСИ ИЛК ЎРТА АСРЛАРИГА ОИД ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

2016 йили июн-июл ойларида ЎзР ФА Археология институти Андижон отрядининг дала тадқиқотлари учинчи бор Кўштепа-2 ёдгорлигига олиб борилди¹. Ушбу изланишларнинг асосида дастлабки икки мавсум даврида қайд қилинган ва илк ўрта асрларга оид кўшк меъморий қолдиқларини (Абдуллаев, 2016а. С. 26-29) кенгроқ очиш ётарди. Ёдгорликни кўшк қисмининг жанубий мудофаа мажмуааси бузилганлиги туфайли, қазишма унинг шимол томонига 16x7-8 м ҳажмда туширилди.

Археологик тадқиқот талабларига кўра дастлаб юқори аралаш қатlam (60 см чуқурликгача) олиб тафтиш қилинди. Бу қатламдан сопол парчаларига бой

¹ 2016 йил дала тақиқотларида Б.Қ. Сайфуллаев (Самарқанд), Е.А. Гордеева (Фарғона) ва И.Д. Рахимов (Андижон) лар иштирок этишди. Фурсатдан фойдаланиб муаллиф барча ҳамкорларга ўз миннатдорчилигини билдириб қолади.

комплекс құлға киритилиб, у кенг хронологик даврларни – илк темир давридан илк ўрта асрларгача – ўз ичига олганлиги қайд этилди.

Олдинги дала тадқиқтларимиздан (Абдуллаев, 2016а. С. 11) фарқли, бу мавсумда юқори маданий қатlam олингач пахсадан тайёрланган тагкурсі аникланмади, балки бирданига 20-30 см қалинликдаги шағал қопламаси очилди. Демак, олдинги қазув мавсумларида тепаликнинг марказида қайд қилинган ялпи пахса тагкурсі қорахонийлар даврига оид янги күшк эмас, балки бир уй учун мүлжаллаб қуйилган. Яъни уйнинг тагкурсиси илк ўрта асрларда кенг тарқалган режа – атрофи йўлаклар билан ўралган катта хона – асосида қурилган комплекс марказида, тўрт тарафдан унинг сақланиб қолган деворлари чегарасида солинган. Бу уйнинг ташқи томони тепаликнинг шимолий қирғоғигача шағал билан қопланган. Ўрта аср меъморлари ушбу услугуб билан уй атрофида ёмғир сувлари тўпланмаслигининг олдини олишган. Ваҳолангки, бу меъморий услугуб ҳам сўнгги бронза давридан бошлаб қўлланилиб келинган ва чуст маданиятига оид зироаткор аждодларимиз анъаналаридан саналади (Заднепровский, 1971. С. 12-13, рис. XVII). Юқорида келтирилганлар күшк тепалигининг марказида сўнгги истиқомат даврида қад кўтарган уйнинг атрофи тўлалигича шағал билан тўшалган деб хулоса қилишга имкон беради.

Шағал қопламасини остки қисми 1,6 м чуқурликгача қазилманинг шимоли ва жанубий-шарқий томонларидан ташқари барча қисмида тупроқ уюмидан ташкил топган. Қазишманинг шимолида мудофаа девори, ҳамда жанубий-шарқида эса ички девор қолдиқлари аникланиб, улар VII-VIII асрларга оид меъморий комплексга тегишли бўлган. Ички девор ёнғин таъсирида нураган ва бу ҳолат унда куйинди излари топилганлиги билан тасдиқланади. Икки девор оралиғи 1,8 м ташкил қилиши илк ўрта аср меъморий анъаналарига кўра марказий хона атрофидаги йўлак (1-хона) топилганлигидан далолат берар ва у кўшкнинг шимолий мудофаа деворига бириктирилган мудофаа буржларига олиб бориши кераклигини кўрсатарди.

Шимолий мудофаа девори 0,8 м энликда бўлиб, унинг ички томони 0,9 м баландлиқда сақланган, аммо ташқи томони 1,6 м чуқурликгача очилиб, 1 метргача тик тушиб, сўнг суйри кўринишида қурилган. Яъни шу даврнинг меъморий андозаларига кўра ҳар қандай маҳобатли иншоот тагкурсиси ўта мустаҳкам бўлиши ва, мудофаа нуқтаи назаридан, қамал қилаётган душман девор остида ўқ-ёйдан пана топа олмаслиги учун у униг үчи кесилган пирамидага қиёс қилиб тайёрлангач, унинг устига тик деворлар қурилган.

Йўлакнинг сўнгги истиқомат босқичига оид 1-полни очиш жараённида у билан боғлиқ диаметри 1,1 м деворлари сақланмаган 1-ўчоқ (тандир?) қолдиқлари қайд қилинди. Шу ўчоқ полидан бир тифли темир пичноқча топилди. Унинг умумий узунлиги 10,1 см, эни 0,4-1,8 см ва қалинлиги 0,4-0,6 смдан иборат. Бу шаклдаги пичноқлар Фарфона водийсида кўп учрайдиган топилма (Абдулгазиева, 2012. С. 149, рис. 5, 3-4; Матбабаев, 2009. С. 65, рис. 28, 6), ҳолбуки, ўрта асрларда унга ўхшаш буюмлар Марказий Осиёning деярли барча худудларида аникланган (Беленицкий, 1958. С. 140, рис. 37, 27; Литвинский, 1978. С. 10, 25, табл. 1, 1, 4, 22; Распопова, 1980. С. 63-64, рис. 40, 41). Ўчоқнинг шимолида тошдан ясалган қўл тегирмонининг бир бўлаги ҳам топилди, ҳаттоқи унинг устки сиртида даста учун бир жуфт пармаланган жойлари аникланган.

1-пол ости очиб қўрилганда 20 см чуқурликда 2-пол борлиги аникланди. У ҳам шимолий мудофаа девори билан боғлиқ бўлиб, деворнинг ички сиртида хеч қандай

ўзгариш қайд этилмади. Демақ, улар VII-VIII асрларга оид икки истиқомат босқичлари бўлган. Фақатгина йўлакнинг режасида биргина ўзига хослик аниқланиб, унинг ўртасида мудофаа деворига нисбатан перпендикуляр ички девор (эни 23 см ва сақланган баландлиги 20 см) қурилган. Унинг шарқий қисми пахса ва хом гишт парчаларидан иборат уюмдан тозалангандан ундан айнан илк ўрта асрларга оид хумча парчалари топилиб, улар сирти маҳсус асбобда туширилган иккита горизонтал чизиқлари орасида қамиш чўпи ёрдамида ўзига хос тўлкинсимон нақшлар билан безатилган.

2-пол билан боғлик 2-ўчоқ (диаметри 0,6 м) қолдиқлари шимолий девор қаърига ботириб қурилганлиги қайд қилинди. Ўчоқнинг шимолий девор чегарасидан ташқарисдаги деворлари бузилган бўлсада, унинг ички қисми ва поли олов тафтини ўзида муҳрлаганди. Ўчоқнинг жанубида донли маҳсулотларни майдалаб туюш учун маҳсус сой қайрактошларидан ясалган иккита ёрмучок топилди\).

Шимолий мудофаа деворининг ташқи томонини очилганида, унинг икки томонида шарқий (5×4 м ҳажмда) ва гарбий (6×4 м ҳажмда) буржлари аниқланди. Шарқий буржнинг атрофини тозалаш жараёнида, унинг ташқи шимолий-шарқий бурчагидан темирдан ясалган эгри боғбон пичоги топилди. Унинг сақланган умумий узунлиги 8 см, эни 2-2,5 ва қалинлиги 0,4 смдан иборат. Бу каби меҳнат қуроллари водийнинг Шўртепа ёдгорлигига аниқланган (Абдулгазиева, 2012. С. 149, рис. 5, 5, рис. 6, 1). Бироқ Марказий Осиёнинг бошқа худудларида ҳам шу даврга оид боғбон пичоқлари кенг тарқалганлиги бир қатор тадқиқотчилар томонидан такидланган, боз устига Панжикент топилмалари ичида бу буюмлар тўғри тифли пичоқлардан кўра икки баробар кўпроқ аниқланиб (Распопова, 1980. С. 27, рис. 16, 4. С. 62-63, рис. 41), маълум классификациясига кўра Кўштепа пичоги 4-тирга мос келади (Брыкина, 1982. С. 83, табл. 37, 9-10, 17).

Шарқий буржнинг деворлари табиий сабабларга кўра нураб кетган бўлсада, унинг девори камончилар учун маҳсус тайёрланган шинаклар (баландлиги ташқаридан 60 ва ичкаридан 40 см, 20 см энли) билан жиҳозланганлиги аниқланди. Шинаклар кўшк остонасидаги ғанимларни йўқ қилишга қаратилган бўлсада, уларнинг бошқа вазифалари ҳам бўлган – бурж хонасини ёритиш ва ҳавосини алмаштириб туриш.

Гарбий бурж шарқийсидан майдони жихатидан фарқли ва унинг шарқий девори пилапоясимон кўринишга бўлган. Бироқ, буржнинг деворлари яхши сақланмаганлиги боис, улардаги шинаклар ҳам аниқланмади. Буржнинг ташки томони тупроқ уюмидан тозаланиши пайтида сополдан ясалган урчуқтош топилди. Бундай урчуқтошлар водийда кўп учрайдиган топилмалар сарасига кириб, маълум классификациясига кўра 1-тирга киради (Абдулгазиева, 2012. С. 153, рис. 8, 4-5). Водий тўқимачилик тарихида урчуқтошлар дастлабки зироаткорлар – чуст маданияти соҳибларига тегишли ёдгорликлардан бошлаб аниқланиб келмоқда.

Гарбий буржнинг ички хонасини бостирма тупроғини чиқариш вақтида катта бўлмаган сопол парчалари комплекси билан бирга яна бир сополли урчуқтош топилди . Унинг диаметри 2,1, баландлиги 2,3 см ва тешигининг диаметри 6-6,5 мм ташкил қилган. Тозалаш жараёнида диаметри 25 смли ўчоқ қолдиғи ва унинг шарқроғида темир ўроқ, ҳамда хонанинг жануби-гарбий бурчагида хум учун диаметри 0,8 ва чуқурлиги 0,7 метрли ўра топилиши, хона хўжалик юритишга мослашган деб хулоса қилишга имкон беради. Хона шимолида 4×1 м ҳажмда ва 25 см баландликдаги қаттиқ нураган суфа қолдиқлари аниқланди. Унинг жанубий-

шарқий қисміда битта оқимтир мунчоқ (узунлік 7 мм, диаметр 6 мм ва ип ўтказиш учун пармаланған тешігі 1,4 мм) топилди ва ювилиш вактида у күк тусга кириб товлана бошлади.

Үроқ каби меңнат қуроллари нафакат водийда (Матбабаев, 1999. С. 133-134, рис. 4, 8-9; Абдулгазиева, 2012. С. 149-150, рис. 5, 1), балки Марказий Осиёнинг илк ўрта асрларга оид барча тарихий-маданий ўлкарида кенг тарқалган (Беленицкий, 1958. 138-140, рис. 37, 9-10; Кабанов, 1972. С. 83, рис. 7, 1; Распопова, 1980. С. 58, рис. 36, 16, 18 и рис. 38). Уларнинг фарқи шундаки, водий ўроклари узунлиги 21-25 см ташкил қылған бўлса, ғарбий ўлкаларимизда – 35-40 смгача борган.

Ғарбий бурж хонасининг эшиги хум (эни 0,8 м) ўранинг олдида бўлиб, остонаси пилапоясимон эди, чунки хона поли йўлак (узунлиги 1,8 м) полида 25 см пастроқ этиб тайёрланганди. Йўлак 1,8x0,8 м майдонда поли очилган 2-хонага олиб чиқди. 2- ва 1-хона (йўлак) билан туташиб жойида эни 3 м, узунлиги 2,5 м ва баландлиги 0,6 мли суфа аниқланди. Бу суфа ўчоклар, ёрмучоқлар ва қўл тегирмони топилган 1-хонага тегишли бўлган ва у VII-VIII асрларга оид истиқомат даврининг иккала босқичида ҳам бирдек фойдаланилган.

Шарқий бурж хонасини тозалаш жараённанда унинг жануби-ғарбий бурчагида ёнгин туфайли уриб ташланган эни 50 смли эшик ўрни қайд қилинди. Бироқ, хонанинг ялпи поли аниқланмади, лекин эшик ўрнидан ўнг томони соат миллари йўналишида деворларга қадалган ҳолда 60-70 см энликда суйри йўлакка ўхшаш курилма пастга қараб тушиб борса, унинг чап томони вертикаль ҳолда бурж туби томон йўналганлиги аниқланди. Фаргона водийсининг III-V асрларда равнақ топган Файраттепа ёдгорлигида айлана буржлар хонаси 6,5 метргача пастга тушган (Козенкова, 1964. С.219, 225), лекин уларнинг тубига олиб борувчи хеч қандай зинапоя мавжудлиги қайд этилмаган.

Шарқий бурж хонасини тозалаш вактида 1,3 м чуқурликда палеолит даврига оид тош қуроллар йўниб олинган тош асос – нуклеус топилди (бу ҳақида қаранг: Сайфуллаев ва б., 2017.). Бу тош қуролнинг ер сатхидан 7 м юкорига келиб қолиши бевосита ўша давр тарихий воқеликлари билан боғлиқ. Яъни, араблар босқини арафасида, эндиликда бефойда бўлиб қолган бурж ва йўлаклар, атрофдаги хандакларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш вактида қазиб олинган, тупроқ ва лой билан тўлдирилган. Айнан шу жараён пайтидаги анча қадимий (жумладан, палеолит, бронза идк темир ва антик) даврларига оид маданий қатламлар очилиб, бази моддий маданият наъмуналари кўшкнинг юқорисига тушиб қолган.

Шарқий бурж хонасидан жуда бой археологик комплекс қўлга киритилиб, уларнинг асосини шу даврга оид сопол парчалари ташкил қылған. Улар ичида “мато шаблони” асосида тайёрланганлиги сопол парчалари мавжуд. Бундай услубнинг тарихий илдизлари водийда чуст маданияти соҳиблари истиқомат қилган сўнгги бронза даврига бориб тақалади.

Сопол парчаларидан ташқари, бу комплекс ичида турли чуқурликда илк ўрта асрларда кенг тарқалган учта темир пайкон ўқлари ҳам қўлга киритилган. Уларнинг биринчиси уч қиррали бўлиб VII-VIII асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалган (Распопова, 1980. С. 70, рис. 47, 16, 19-20; Кожомбердиев, Худяков, 1987. С. 86, рис. 6, 16). Қолган иккитаси тўрт қиррали ва бипирамидал этиб маҳсус тайёрланган камон ўқлари бўлганлиги туфайли зирхли аскарларга қарши ишлатилган. Бундай ўқлар Суғд ва Еттисув ёдгорликларида очилган VI-VIII

асрларга оид комплексларда учрайди (Бернштам, 1950. С. 126, табл. XLVI, 1; Литвинский, 1964. С. 89, рис. 9, 22; Распопова, 1980. С. 69-70, рис. 47, 1-7).

Шундай қилиб, бу дала тадқиқот мавсумида VII-VIII асрларга оид күшк мөймөрий қолдиқлари очиб ўрганилди. Қўлга киритилган топилмалар бу даврда Кўштепада умргузаронлик қилган аждодларимизнинг хунармандчилиги (кулолчилик, тўқувчилик, темирчилик, қуролсозлик) ва мудофаа иншоотлари куришдаги салоҳияти, ҳамда ҳалқаро савдосида бевосита иштироки хақида қисман бўлсада маълумот бермоқда.

Адабиётлар:

Абдулгазиева Б. Внутренняя структура сельских поселений Ферганы эпохи раннего средневековья // ИМКУ. Вып. 38. 2012.

Абдуллаев Б.М. Некоторые итоги раскопок 2014-2015 гг. на памятнике Коштепа-2 // Археология Узбекистана. 2016а. № 1.

Беленицкий А.М. Общие результаты раскопок городища древнего Пенджикента (1951-1953) // МИА. 1958. № 66.

Беленицкий А.М. Предварительный отчет о работах Пенджикентского отряда в 1954 г. // ТАН ТаджССР. 1956. Т. 37.

Бернштам А.Н. Труды Семиреченской археологической экспедиции «Чуйская долина» // МИА. М., 1950. № 14.

Брыкина Г.А. Юго-западная Фергана в первой половине I тыс. н.э. М., 1982.

Задреповский Ю.А. Отчет о раскопках на Дальверзине в 1971 году // Архив ИА АН РУз. Ф 8. О 1. Д 45.

Кабанов С.К. Айтугды-тепе // ИМКУ. Вып. 9. 1972.

Кожомбердиев И.К., Худяков Ю.С. Комплекс вооружений кенкольского воина // Военное дело древнего населения Северной Азии. Новосибирск, 1987.

Козенкова В.И. Гайрат-тепе // СА. 1964. № 3.

Литвинский Б.А. Среднеазиатские железнѣ наконечники стрел // СА. 1965. № 2.

Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы. Вып. IV. М., 1978.

Матбабаев Б.Х. Могильник Мунчактепа в Северной Фергане // Российская археология. 1999. № 3.

Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. Ташкент, 2009.

Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. Л., 198

МУНДАРИЖА

1.	Асқаров А.А. Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиш тарихини автохтон асослари	4
2.	Аванесова Н. А. Горное дело и металлургия производства Зеравшана.	12
3.	Анорқулов С.М. Тошкент вилояти Бўйтонлиқ тумани аҳолиси этноэкологии	17
4.	Абриев Р.Б. Тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари тарихидан.	19
5.	Аметов Т.А. На пути инновационного развития Каракалпакстана за годы независимости	22
6.	Аҳмедов Ж.З. Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларнинг археологик тадқиқоти	24

7.	Асланов А.П. Ўрта асрларда Иштихоннинг топографияси хусусида.	26
8.	Базаров Б. Шимоли-гарбий Бақтрияниң юон-македон истилоси тарихшунослиги	29
9.	Бегижонов Ж.О. Моддий маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва сақлаш масалалари	32
10.	Бердиев Р., Амирова С. Зарафшон воҳаси сўнгги палеолит даври маданий-даврий ҳусусиятлари.	34
11.	Бобобеков А.Д. Тоғ ва тоғолди минтақаси аҳолиси этноиктисодига табиий-шароит ва этноэкологик омиллар таъсири.	36
12.	Бодиров А, Бодирова З. XX асрнинг 20-30 йилларида Самарқанддаги тарихий ёдгорликларни қўриқлаш ва ўрганишда- Самкомстариснинг ўрни	39
13.	Ғаффоров Ш.С. Чор Россиясининг Туркистонда таълим борасидаги сиёсати	42
14.	Дармонова М.А. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини жамлаш хусусида	46
15.	Джуманиязова Ф. Илк ўрта асрларда Тоҳаристон ва Кобул водийсида туркий сулолалар: муаммонинг қўйилиши	48
16.	Джуракулов М.Ж., Холматов Н.У. Сазаған маданияти янги манбалар таҳлилида	52
17.	Джуракурова Д. Ўзбекистон палеолит даврини ўрганишда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти.	56
18.	Ерметов А.А. Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти тарихидан (XX асрнинг 30 йиллари мисолида)	58
19.	Жамолова Д. Бухоро амирлиги тарихига оид рисола	61
20.	Жумаев У.Х. Туркистон ўлкасига оид эсдалик кундаликлар ва мемуарлар тарихий манба сифатида	63
21.	Жуманазаров Х.С. Ўзбек халқ табобати анъаналари тизимида табиблик синови	65
22.	Жуманиязов Д. Қ. Мустабид тузум даврида Амударё вилоятида янги иқтисодий сиёсатнинг натижалари	67
23.	Зиёдов Шовосил. Самарқанд қайроқ тош битиклари	69
24.	Ирисқулов О. Мустамлака даврида Самарқанд шаҳридаги христиан дини ибодатхоналар фаолиятидан	72
25.	Исакова Ф.Р. Основные направления социально-экономического развития узбекского кишлака в первые годы советской власти	76
26.	Исмаилова Ж.Х. Китобат санъатининг темурийлар давридаги ривожи	77
27.	Исматуллаев Ф.О. Ўзбекистон – Европа Иттифоқи: санъат соҳасидаги халқаро алоқаларнинг ривожланиши	80
28.	Исройилов М.Я. Авестодаги худолар, маъбуд ва маъбудалар пантеони	82
29.	Каспаров А. Р. Обрядовые группы в погребальной деятельности некрополя Бустон VII.	85
30.	Каримова Д.О. Жанубий Ўзбекистонда илк давлатчилик асосларининг шаклланиши	89
31.	Қобулов Э.О. Боғдорчилик-қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи	92
32.	Қораев Ш. Амир Темур илмий мажлислари	94
33.	Қодирова Л. Қадимги Хоразм тақвими	95

34.	Куранбаева У.С. Абу Райхон Беруний асарларида ижтимоий тарих ва унинг ёзилиш методологияси	97
35.	Курахмедов А.Э., Раҳматова И. Самарқанд жадидларининг Туркистон жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни	99
36.	Қурбонбоев И.М., Холматова У.Н. Тош даври ёдгорликлари тош индустряси, қуроллари ясалиш технологияси ва тошга ишлов бериш хусусиятлари хусусида.	101
37.	Қўлдашев Шерали, Қўлдашева Дилноза. Марказий Осиё тарихини ўрганишда манжур тилидаги манбаларнинг тутган ўрни	103
38.	Мавланов У., Тиловова М. О системы услуг на караванных путях Центральной Азии.	106
39.	Мавланов Ў., Кучаров А. Марказий Осиё халқларининг маданий алоқалари тарихидан	108
40.	Мамарасулов Д.Т. Основные принципы демографической статистики в Туркестане (в конце XIX - начале XX вв.).	110
41.	Мажидов Ш.Ф. Историческая общность Центральноазиатского региона	113
42.	Мирзаев А.Т. Туркистон ўлкасида пахтачилик тарихини архив ҳужжатларида акс этиши (Колониал давр мисолида)	115
43.	Мирзаев Б.Н. Тарихий манбаларда Убайдулла Султон (1533-1539) сиймосининг акс этиши	117
44.	Мирзаев F.P. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан минтақавий дипломатияни ривожлантириш омиллари ва тенденцияси	120
45.	Мирзо Меърёжиддин. Навҳас ота зиёратгоҳи	122
46.	Муминов О.У. Археологические исследования на городище Шуллуктепа.	126
47.	Мусаев Н.У.XIX аср ўрталарида фарғоналиқ савдогарларнинг Шарқий Туркистон билан савдо алоқалари	128
48.	Мухаммадаминов С.А. Сборник Абу Хафс ‘Умар ан-Насафи Матла‘ ан-нуджум ва маджма‘ ал-‘улум как важный источник по изучению учебных пособий в медресе города Самарканда XI-XIII в.	131
49.	Назаров А. Ўзбекистон худудида энг қадимги кончилик тарихига доир баъзи мулоҳазалар.	133
50.	Назаров А.А., Шапулатов У.Х. Суғдийларнинг Хитой билан маданий ва савдо алоқалари	135
51.	Назаров О. Ўзбекистон археологиясининг ривожланишида Яхё Ғуломовнинг тутган ўрни	138
52.	Нарманов Ф.А. XX асрнинг 20-30 йилларида Самарқанддаги маданий-маърифий муассасалар фаолияти тарихидан	141
53.	Насруллаев М.И. Махалланинг шаклланиши ва ривожланиши масаласига доир.	142
54.	Нуридинова Т. С. Детские игрушки – свидетели высокой культуры детского воспитания населения Мавараунахра.	145
55.	Нуркулова Р.Р., Ақчаев Ф.Ш. Бухоро хонлиги ижтимоий-иктисодий ҳаётида Хўжа Абу Бакр Саъднинг тутган ўрни	146
56.	Омонов Ш.А. Палеолит даври тош индустрясини ўрганишда техник ва технологик услубларнинг аҳамияти.	148
57.	Жўраев Т., Мусурманов Р.XVII аср самарқанд ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ялангтўш баҳодирнинг тутган ўрни	150

58	Абдуллаев Б.М. Фарғона водийси илк ўрта асрларига оид янги маълумотлар	152
----	--	-----

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ ВА АРХЕОЛОГИЯСИ МУАММОЛАРИ

**Республика илмий анжумани материаллари
2018 йил 28 марта**

1-қисм

Мұхаррір **Мардон Рұзибоев**
Мусахих **Гулбахор Раҳимова**
Техник мұхаррір **Баҳодир Эгамбердиев**

ISBN 978-9943-997-84-4

2008 йил 19 июнь 68-бүйрүк.
2018 йил 20- марта наширлік бўлимига қабул қилинди.
2018 йил 24-мартда оригинал-макетдан босишига руҳсат этилди.
Бичими 60x84/ 1,8. «Times New Roman» гарнитураси. Офсет қозози.
Шартли босма табоги 10,0. Нашриёт ҳисоб табоги 9,0.
Адади 25 нусха. 51-буюртма.

СамДУ босмахонасида чоп этилди.
140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15

